

# Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Муҳаммад Али	Абдулла Орипов
Эркин Воҳидов	Умарали Норматов
Кенгесбой Каримов	Хайридин Султонов
Энахон Сиддиқова	Сирожиддин Саййид
Иқбол Мирзо	Меҳрибон Абдурахмонова
Абдуваҳоб Нурматов	Йўлдош Солижонов
Баҳамдулло Нурабуллаев	Шухрат Маткаримов
Нурбой Жабборов	Адхамбек Алимбеков
Ислом Ёқубов	Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир в.б. — Сирожиддин Рауф  
Навр бўлими мудири — Рисолат Ҳайдарова  
Назм бўлими мудири — Икром Отамурод  
Адабиётшунослик бўлими мудири — Аъзамхон Қозихўжаев



## УШБУ СОНДА:

**Абдулла ШЕР**

НАЪМ

*НАВОИЙ СОҒИНА*

**Туркум**

*Ашрақатдан бошланган девон  
Ўхшаб кетар чексиз оламга.  
Ундаги ер, ундаги осмон  
Суянади буюк қаламга.*



---

**Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ**

ЭҲТИРОМ

*АЗАЛИЙ ҲИҚМАТНИ ИЗАЛАБ...*

**Эссе**

Ҳақиқатнинг гўзал, мардона тасвири, инжа рухнинг довураклик ва куюнчакликка эш табиий сурати сўзларга кўчади. Зеро, ҳаётнинг биринчи мезони ҳақиқат, ижодкорнинг эътиқоди эса уни англантиш. Шунинг учун ҳам одамни олға бошлайдиган ҳақиқат шеърятнинг, адабиётнинг гултожидир.



---


**Саида ЗУННУНОВА**

ҲИҚМАТ МЕНИ БОҒИМ

*ҲИҚМАТДА ҲАМ ҚУЗ ЭДИ*

**Ҳикоя**

Низом ўша пайтда онасининг тортган азоблари учун ҳам бу аёлни ҳайдаб чиқармаганига афсусланарди. У отадан айрилган бир пайтда уни онасидан ҳам айирган эди бу аёл. Кичкинагина юрагига қанча ўкинч, қанча армон тўлдирган эди.





*АЗИЗИМ*

**Туркум**

*Кузатган кўзларга, нурларим бериб,  
Умр гузарларин ойдин этарман.  
Тақдирнинг бебаҳо дурларин териб,  
Сенинг ҳаётингни безаб кетарман...  
Азизим!*



*ШАСАВВАФНИ МАЪНОЛАР ОЛАМИ*

Юз – нур, нур бўлганда ҳам, оддий нур эмас,  
Ҳақ ошиқларини залолатдан қутқариб, уларга тўғри  
йўлни кўрсатувчи ҳидоят нуридир. Юзнинг сўфиёна  
адабиётда кўпинча шам, субҳ (тонг), кундуз, ой ва  
куёш каби нурафшон нарсаларга, баъзан эса иймонга  
нисбат берилиши ҳам шу туфайлидир.



*ИЗҲОРЛАР ЮМИНИДА  
ЎТЛАР СОЧИМИ*

*Ортингга қарайсан гоҳи гоҳида,  
Қарашинг – умиддир менга.  
Ўн қадам орамиз...  
Ортингдан келишим,  
Бу сўзсиз изҳорим сенга.*

## МУНДАРИЖА

### ДУРДОНА

Заҳириддин Мухаммад БОБУР. Васф қилай суратинг  
латофатини. ....5

### ПУБЛИЦИСТИКА

Ўқтам МИРЗАЁР. Ватан манзаралари. ....8

### НАСР

Хуршид Дўстмухаммад. Донишманд Сизиф. Роман.  
Охири. ....17  
Абдукаюм Йўлдош. Дарё. Роман. Охири. ....76

### НАЗМ

Абдулла ШЕР. Навоий соғинчи. Туркум. ....12  
Ҳалима АҲМАД. Тун калбида маънос куй оқар эди. ....51  
Абдулхай НОСИР. Уфқларда порлаётган садолар. ....56  
Нилуфар УМАРОВА. Нурлар тўкилади йўлларга  
сим-сим. ....65  
Ориф ТЎХТАШ. Илинжим – муждали жавоб. ....68  
Фарида ҲУСАИНОВА. Соғинч юрагимга қалар лахча  
чўғ. ....72

### АДАБИЁТШУНОСЛИК

Хосият БЕКМИРЗАЕВА. Навоий ва Бобур. ....117  
Абдулхамид ҚУРБОНОВ. Тасаввуфий маънолар олами. ....122

### АДАБИЙ ТАНҚИД

Дилмурод ҚУРОНОВ. Шеърда мантиқ керакми? .....138

### БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Дилмурод ДЎСТ. Изхорлар пойингда ётар сочилиб. ....113

### БИР ДАРАХТ НОВДАЛАРИ

Набийра ТҮРЕШОВА. Азизим. Туркум. ....134

### ТАҲЛИЛ

Феруза РАЖАПОВА. Аччиқ қисматли шахс фожиаси. ....130

### ЭҲТИРОМ

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ. Азалий ҳикматни излаб. ....159

### БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Турсунбой АДАШБОЕВ. Ҳордик олар булутлар. ....155

### УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Саида ЗУННУНОВА. Ўшанда ҳам куз эди. ....59  
Хусниддин ШАРИПОВ. Тўлкинга пайванддир  
борлигим. ....171  
Адабий ҳаёт. ....175

# Шарқ юлдузи

2016

2-сон

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

\* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуктаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 "Ўзбек адабиёти" ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

\* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шуғулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

#### Манзилимиз:

100127, Тошкент шаҳри,  
Ўзбекистон кўчаси, 16-а уй.  
Телефонлар:  
227-00-81, 245-22-99, 245-27-87  
www.sharqyulduzi.uz  
e-mail: sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди  
18.02.2016 йил.

Қоғоз бичими 70x108  $\frac{1}{16}$ ,  
Офсет босма усулида офсет  
коғозда босилди.  
Босма тобоғи 11,0.

Шартли босма тобоғи 15,4.  
Наشريёт ҳисоб тобоғи 17,2.  
Адади 2200 нусха.

Буюртма №

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562–рақам билан рўйхатга олинган. Ғафур Ғулوم номидаги НМИУ босмаҳонасида чоп этилди.

#### Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,  
Лабзак кўчаси, 86-уй.

Журнал ойда бир марта  
чоп этилади.

Мусахҳих:

*Дилфуза Маҳмудова*

Саҳифаловчи-дизайнер:

*Мадина Абдуллаева*

Copyright © "Шарқ юлдузи"



Заҳириддин Муҳаммад  
БОБУР  
(1483-1530)

## **Васф қилай суратинг латофатини**

\* \* \*

Хати – бинафша, хади – пола, зулфи райхондур,  
Бахори ҳуснида юзи ажаб гулистондур.

Ики менги, ою доғи, юзу сўзи, гулу мул,  
Қади равону, тани жону ирни маржондур.

Қошида чину, кўзида кину ангабин лабида,  
Сўзида заҳр ва лекин тилида дармондур.

Қошингга кўп бора олмон, нетай, ароликда,  
Ёшим тишинг дуридин айру баҳри уммондур.

Ўтумни тез этасен ҳар тарафга секретиб от,  
Саманди ноз инонини бир бери ёндур.

Не навъ васф қилай суратинг латофатини –  
Ки, ҳуснунга сенинг, эй, рух, ақл ҳайрондур.

Жафою жавр агар қилса, Бобуро, нетайин,  
Не ихтиёр манга, ҳар не қилса, султондур?

\* \* \*

Қўй, эй, оқил насихат сўзларинким, дилписанд эрмас,  
Менинг девона кўнглумга насихат судманд эрмас.

Неча девона кўнглумни қилурсен нафй, эй, оқил,  
Агарчи телбадур, бори сенингдек худписанд эрмас.

Қилурсен талх айшим комини беҳуда сўзлардин,  
Саросар сўзларинг захредур, эй, носихки, панд эрмас.

Бўлубмен бир парининг анбарин сочиға вобаста,  
Мени телбага эмди ҳожати занжиру банд эрмас.

Жаҳонда кўп гадо гарчи лавандатворлик бордур,  
Ва лекин, Бобуро, ҳаргиз сенингдек шаҳлаванд эрмас.

\* \* \*

Сенинг ишқингда, эй, номехрибон, беҳонумон бўлдум,  
Демон беҳонумон, оввораи икки жаҳон бўлдум.

Лабинг гар бермаса бўса, нечук жон элта олғайман,  
Бу йўлдаким, адам саҳросиға эмди равон бўлдум.

Сўруб ул ой лабидин, оғзининг рамзини англадим,  
Бир оғиз сўз била, кўрунги, бунча хурдадон бўлдум.

Нечаким, қоши ёлар ишқида тузлукни кўрсатгим,  
Вале, охир маломат ўқлариға – ўқ нишон бўлдум.

Кулар эрдим бурун Фарҳоди мискин достониға,  
Бу Шириндурки, онинг бирла – ўқ ҳамдостон бўлдум.

Висолинг давлатиға етмасам Бобур киби, не тонг –  
Ки, ҳажринг меҳнатида асру, зору нотавон бўлдум.

\* \* \*

Олди кўнглумни, соғиндимким, манга дилдор эмиш,  
Билмадим, бу навъ мендин ул пари безор эмиш.

Ошиқ ўлғоч, кўрдум ул шамшод қаддин юз бало,  
Оллоҳ-Оллоҳ, ишқ аро мундоқ балолар бор эмиш!

Илтифот этмаслигин бозий хаёл айлар эдим,  
Эмди билдимким, анга мендин бу янглиғ ор эмиш.



Ул пари ишкида йўқ ўлмоқдин ўзга чорае,  
Чун ўзи – котил, сўзи – мухлик, кўзи – хунхор эмиш.

Ҳусн аҳли, эй, кўнгул, олам аро ишқ аҳлининг  
Кўнглуни сохлар эмиш, ҳар кимгаким, дилдор эмиш.

Ул вафосиз ёрдин чекмак не, яъни, мунча ғам,  
Ҳусн аҳли, чунки, Бобур, дунёда бисёр эмиш?

\* \* \*

Янги ой ёр юзи бирла кўруб эл шоду хуррамлар,  
Манга юзу қошингдин айру байрам ойида ғамлар.

Менинг бу тори мў(й) янглиғ танимға тоблар солди  
Ул ойнинг юзида сунбул киби зулфидағи хамлар.

Ҳавоға дуди охин тутратур ишқ аҳли ғайратдин,  
Сабо таҳрикидин ҳар гаҳ паришон бўлса парчамлар.

Очилди зулфию хайлар намудор ўлди юзида,  
Гул узра чун бўлур пайдо кеча очилса шабнамлар.

Мену кунжи ғаму, оху, фиғону ашки хунолуд,  
Не хушдур гўшаи холи, майи софию хамдамлар.

Кўнгулни ишқ бузди, не асиғ панду насихатдин,  
Менинг мажруҳ кўнглумга ярашмас ушбу марҳамлар.

Юзи Наврўзи, васли ийдини, Бобур, ғанимат тут –  
Ки, мундин яхши бўлмас, бўлса юз Наврўзи байрамлар.

\* \* \*

Ғунчадек кўнглум менинг гулзор майли қилмағай,  
Ғам била бутган кўнгул гулгашт ила очилмағай.

Ранга-ранга гулларингни, боғбон, арз этмаким,  
Таҳ-батаҳ қонлиғ кўнгул гул орзусин қилмағай.

Йўқтур улким, гул юзунгдин айру боқсам гул сари,  
Ғунча янглиғ кўнглума юз хори ғам санчилмағай.

Оразу қаддингни таъриф этсалар юз йил, ҳануз,  
Эй, юзи гул, сарвқад, юздин бири айтилмағай.

Сендин айрилдим эса бўлдим насибим хори ғам,  
Сендин, эй, гул, эмди Бобур бир замон айрилмағай.



### **Ўктам МИРЗАЁР**

*1956 йилда туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини битирган. Унинг “Огоҳ кўнғил”, “Яхши кунлар қувончи” каби шеърӣй, “Тупроқ ҳиди” номли насрий китоблари нашр этилган.*

## **ВАТАН МАНЗАРЛАРИ**

### **Ким эдигу...**

Ўтган аср саксонинчи йилларининг иккинчи ярми айникса халқимиз учун ўз шаъни ва номусини мардона туриб ҳимоялаш йиллари бўлди. Ўша йиллари бутун дунёга “ўзбеклар боқиманда, уларнинг оилаларида туғилишни чегаралаш керак” деган мавзу марказий матбуот саҳифаларидан тушмай қолган эди. Ҳатто, бу борада анча-мунча амалиётлар ҳам ўтказилган, “бугун мана бунча аёлнинг ҳомиладор бўлиши олди олинди” деган мазмунда кундалик ҳисоботлар ҳам берилган. Табиӣйки, бу камситишлар, паст назар билан қараш миллатнинг ҳар бир фарзанди ориятини кўзғарди, тишлай десанг, тирсак етмайдиган замон эди. Шундай кезларда ўз эътирозларимизни айрим битикларимиз орқали билдиришга ҳаракат қилардик:

*“...Бу ўлканинг меҳнати зўр, азобижон,  
Аёлларин томирида ивиди қон.  
Ўнта туғса, ўновидан беши омон,  
Инсон бўлсанг, шулар ҳаққи келтир имон,  
Дўст бўлсанг гар, “Боқиманда” демас эдинг!”*

Йўқчилик, чорасизлик, адолатсизликдан ўз-ўзига ўт қўйган аёлларнинг мудҳиш қисмати одамларнинг шусиз ҳам синган руҳини чил-чил этарди. Йил ўн икки ой бош кўтармай кетмон чопган деҳқоннинг косаси оқаришига умид йўқ эди.





Момом раҳматли: “Болам, замон оғирлашиб боряпти, қимматчилик йўқчиликни, йўқчилик қаҳатчиликни, қаҳатчилик эса очарчиликни етаклаб келади. Энди нима қиламиз?” деган эдилар. Бу каби саволарга жавоб беришга ожиз эдик. Дарҳақиқат, халқимиз кайвони момом айтганларидек, қимматчиликни, йўқчиликни, қаҳатчиликни ҳам бошидан ўтказди. Очарчиликка ҳам бир баҳя қолган эди.

Халқ ҳикматларидан бирида: “Яратган қайси элни тўғри йўлга бошламоқчи бўлса, аввало, уларга донишманд, мард ва азму шижоатли инсонни бош қилиб қўяди” дейилган. Ўша замонда халқ ғамини ейдиган, унинг тақдирини ўз тақдири деб биладиган, отадай ғамхўр бир раҳнамога муҳтожлик кундан-кунга ортарди...

Ниҳоят, 1991 йилнинг 31 августида Республика Олий Кенгашининг олтинчи сессиясида Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини тантанали равишда эълон қилди. Ислом Каримов ўзининг тарихий нутқида қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлади: “Мамлакат катта фалокат ёқасига, жар ёқасига келиб қолганини кўриб турибмиз. Халқ ўзининг эртанги кунига ишончини кундан-кунга йўқотяпти. Одамлар ўзларининг, оиласининг, бола-чақасининг тинчлигига кафолат истайди...”

Ҳақиқатан ҳам савдо дўконларининг пештахталари бўшаб, одамлар ишни ҳам йиғиштириб, маҳсулоти йўқ дўконлар қошида кети кўринмайдиган навбатда вақтини ўтказар, аянчли таҳликали кунлардан кўрқиб, юраклари орқага тортиб кетарди.

### ...Ким бўлдик

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан бир гуруҳ ижодкорлар ҳам Туркистон саройида ўтказилган тантанали тадбирда иштирок этдик. Мазкур тантана жуда кўтаринки руҳда ўтди. Ушбу тантанада Ўзбекистон халқ артисти Рамз Усмонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Женисбек Пиязов, халқаро танловлар ғолиби, Ўзбекистон давлат консерваторияси академик хонандалик бўлими 3-босқич талабаси Ширин Маматова ва бошқалар юксак маҳорат билан кўшиқлар ижро этдилар.

Тадбирда Ватан ҳимоячиларини жамоатчилик номидан табриклаш учун сўзга чиққан ФИФА рефериси, “Жаҳоннинг энг яхши ҳаками” деб тан олинган Равшан Эрматовни залда ўтирганлар қарсақлар билан кутиб олишди. Ўша дамда гўё унинг сиймосида дунё Ўзбекистон номини оламга таратаётган бутун ўзбек спорти вакилларини олқишлади.

Қаламингдан меҳр томиб турганда ҳамма нарса ҳақида ёзсанг ярашади. Бир-икки кун ўтиб, Самарқанд сафарида бўлдик. Ҳаммининг кўнглида “Афросиёб”. Тез, қулай, тоза ва шинам. Барча хизматлар дунё стандартлари даражасида. Ҳатто, бу хизматларга ўзбекона бағрикенглик тамойиллари сингдирилганини кўшиб ҳисобласак, ундан ҳам зиёда.

Одамларнинг тилида: “Шундай поездлар Бухоро томонларга ҳам қатнаркан, яқинда Фарғона водийсига ҳам темир йўл очиларкан, Қарши



ўзгариб кетибди, Урганч яшнаб боряпти, Фарғонани айтмайсизми, Фарғонани, бу ишлар Андижонда биринчи бошланганди, ҳозир ҳамма жойда ободлик...” деган шукроналикни эшитиб, кўнгил яйраб кетади. Хуллас, бунёдкорлар ҳам ўзимиз, лол қолаётганлар ҳам ўзимиз.

Тошкент – Қарши йўналишида қатнайдиغان “Афросиёб” тезюрари белгиланган муддатда Самарқандга етиб келди. Вилоят нуронийлари раиси Ҳасан Нормуродов бир тадбирда Қўшработ тумани аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун миллиардлаб сўм ажратилганига эътиборни қаратди. Сув, бу – ҳаёт. Демак, бу туман ҳам бошқа ҳудудлар каби яна-да обод, яна-да кўркамлашади. Яшаган сари яшагинг келадиган замон бўлди-ку, дўстлар, деб юборасан беихтиёр. Бунинг кадрига етиб яшашга не етсин?

Дарвоқе, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳақида гапирдик. Йўллар, кўприклар қурилиши ҳақида кўп ёздик. Кўчаларимизга ўзимизда ишлаб чиқарилган автолар сиғмай кетди. Шуларни кузатиб, кечаги кун хаёлдан ўтади. Мустақиллик эълон қилинган дастлабки йиллар. Аниқроғи, 1992 йил 22 апрелда Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлат раҳбарларининг Бишкек шаҳрида учрашуви бўлиб ўтди. Ўша нуфузли тадбирни матбуотда ёритиш шарафига муяссар бўлганман. Ўшанда аэропортимиз хувуллаб ётар, белгиланган манзилга етиб олиш учун кўшни республикада кўниб ўтадиган самолётни пойлашга тўғри келди. Мазкур учрашув ниҳоясига етгач, ортага қайтиш учун эса яна икки кун ўша самолётни кутдик.

Бугунги тараққиётимиз даражасини англаш учун Ўзбекистон ҳаво йўллари авиакомпаниясининг дунё микёсидаги нуфузига назар ташлайлик. Сўнгги йилларда авиакомпания парки Европада ишлаб чиқарилган “Airbus A-320” ва Америкада ишлаб чиқарилган “Boeing 767-300-ER” каби дунё стандартларидаги самолётлар билан мунтазам янгиланиб бормоқда. Хорижий мамлакатларга парвозларнинг деярли барчаси, шунингдек, ички авиапарвозларнинг бир қисми шу самолётлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудларидаги ҳамма аэропортлар халқаро мақомга эга бўлди.

Самарқанд... Бу қадим ва навқирон шаҳарда анча вақт бўлмаганимиз дарҳол билинди. Юрган кўчаларимизни қайта-қайта сўраб-суриштиришга тўғри келди. Дунёнинг бирор меҳмонхонасидан қолишмайдиган кошоналар, савдо мажмуалари, ресторанлар, турар жой биноларининг маҳобати кўркам шаҳарга яна-да салобат бағишлайди. Шаҳар қадамжолари сайёҳлар билан гавжум. Аҳоли турмуш даражаси ҳам шуларга мос. Дўконлардаги тўкинликни айтмайсизми, ранг-баранг ва хилма-хил маҳсулотларга тўла. Ёзу қиш шундай тўкинчилик. Деярли ҳамма озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар ўзимизда ишлаб чиқарилган.

Ўтган қисқа муддатда бу даражага эришишнинг ўзи осон бўлгани йўқ, албатта. Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли бўлганига эндиликда ҳаммамиз амин бўлдик.

Тинч ва фаровон турмушни таъминлаш, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш тизимларининг такомиллашиб бораётгани ва буларнинг ҳаммаси инсоннинг қадр-қимматини жойига қўйишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.



Соғлом она ва бола. Соғлом ва дуркун боласини бағрига босган, бахтидан масрур Она сурати эндиликда халқимизнинг рамзига айланиб қолди. Она ҳамма жойда ҳам она. Энди озиб, тўзиб кетган фарзандини минг хавотир билан бағрига босган, кўзларида мунг қотиб қолган умидсиз она қиёфасини кўз олдингизга келтиринг! Улар ўнлаб, юзлаб, минглаб эмас, улар миллионлаб, дунёнинг у мамлакатидан бу мамлакатига қочқин бўлиб юришибди. Бир кун уруш бўлган жойда қирқ кун барака кетади, деганларидек низоли мамлакатлардан хайр-барака кўтарилган. Ўша мамлакат фуқаролари бугун ўз она диёрларида тинч-тотув яшай олмаяпти. Умри қочқинда, хавотирда ўтмоқда. Уларнинг телеэкранда кўрсатилаётган нигоҳига бир қаранг! Барчасининг кўзида зоҳир бўлган биргина ният, нури дийдасини – фарзандини бағрига босиб, бир кечагина бўлса-да, хавотирсиз ухлаб, уйғониш...

Бизда-чи? Сўнги бир-икки йилнинг нари-берисида мамлакатимиз рейтингги халқаро миқёсда ҳар соҳада юқорилаб боряпти. Демак, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга, тинч ва осуда ҳаёт кечириш ўлчамлари бўйича жаҳонда иккинчи ўринни эгаллади. Ўша тинчликни сақлаб турган, 130 миллат ва элатни ҳамжиҳат этган, халқимизнинг фаровонлигини таъминлаб турган Миллий армиямиз дунёнинг энг қудратли армиялари орасида 48-ўринда турибди. Бу ҳисоб-китобларни бизнинг мутахассислар эмас, ҳар бир қадамимизни синчиклаб ўрганиб бораётган дунё “ҳисобчи”лари олиб боришмоқда. Бу фактларни ҳолисона тан олиш деб ҳисоблаймиз ва бу бизга фақат масъулият юклайди.

Яратганга шукрлар бўлсинки, юртимиз тинч, турмушимиз фаровонлашиб бормоқда. Биз ҳали фермерлик, енгил саноат, оғир саноат, автомобил-созлик, газ, нефтни қайта ишлаш соҳаларида сўз юритмадик. Мухтасар мақоламизда айрим соҳалардаги ўзгаришлар атрофида тўхталдик холос. Ўз келажагини ўзи яратаётган халқмиз. Биз ижод аҳлининг вазифаси эса уларга, ҳар бир соҳа яратувчиларига муносиб сўз айтиш. Сўзки, Ватан ҳақида, халқимизнинг қудрати ҳақида бўлсин!





**Абдулла ШЕР**

*1943 йилда туғилган. Тошкент давлат университети-нинг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Кўклам табассуми”, “Гул йиллар, бул-бул йиллар” каби шеърӣ тўпламлари, “Асрларнинг асраганлари” насрий китоби ҳамда “Ахлоқшунослик”, “Эстетика” каби қўлланма ва дарсликлари нашр этилган.*



## **Навоӣ соғинчи**

**Туркум**

**1**

Ўту чўкка уриб мен ўзни  
Машҳурликни даъво қилмадим.  
Шоҳларга ҳам сотмадим сўзни,  
Бозорларга парво қилмадим.

Мен Навоӣ дарвозасини  
Танидиму “сим-сим”ни айтдим:  
Гўзалликнинг андозасини  
Чизиб олди ўшанда байтим.

**2**

Ашрақатдан бошланган девон  
Ўхшаб кетар чексиз оламга.  
Ундаги ер, ундаги осмон  
Суянади буюк қаламга.

Ул қаламнинг сеҳрли пати  
Учиб тушмиш жаннатий қушдан.  
Қоғоз билан қалам суҳбати  
Одамзотни уйғотар тушдан.



Асрларки, девондан порлаб,  
Ёритади Улуғ сўз Шарқни.  
Сўнмас овоз бизга дер, чорлаб:  
“Англа туну тонгдаги фарқни!”

Шоҳлар ўтди, ўтар айш суриб,  
Қуёш билиб тож гавҳарини.  
Шоир эса оҳ тортар, кўриб,  
Ул мукаддас нур жавҳарини.

Шеърят деб аталган ул оҳ  
То қиёмат сочади зиё:  
Алишербек кийган бир кулоҳ  
Мингта тождан аълодир, аъло!

## 3

Навоийнинг асарларидан  
Бўй таратар илоҳий, чўнг гул.  
Унга қўнган асаларидан  
Қанот тилаб учади кўнгил.

Унда қушлар одамлар каби  
Сўзлайдилар ўзни унутиб  
Ва қушлардек, одамлар лаби  
Куйлай бошлар сўзни унутиб.

Унда шоҳлар тарашлайди тош,  
Тоғни кесиб ўтади дoston.  
Тождан чиқиб, юксалганда бош  
Ўпиб кўяр эгилиб осмон.

Унда фалак ўз тасбеҳини  
Мисра қилиб ўгиради жим:  
Ғазалдаги хушбўй беҳини  
Ислаб яшар Ҳадичабегим.

Унда Ҳирот доим қушуйку,  
Самарқандни излайди тушдан.  
Ватан деган қадимий қайғу  
Куйлаб турар минг йиллик ишқдан.

Ашрақатни кўрасан унда,  
Илоҳий нур очар кўзингни:  
Англайсанки, дунёи дунда  
Танимабсан хали ўзингни.





#### 4. Навоий ва Ойбек

Ўзбекистон Ойбек билан хайрлашган кун  
Мангуликдан бир лаҳзага келди Навоий,  
Тирикларга сездирмасдан силади беун  
Ойбекнинг манглайини руҳи самовий  
Ва сўнг уни олиб кетди босиб бағрига –  
Абадият деб аталган руҳлар шаҳрига.

#### 5. Занжирбанд шер

Мен билмайман, бу не жаҳд-жадал,  
Бу қандайин ақл етмас сир:  
Мен туғилмай, беш аср аввал,  
Сувратимни чизмиш Улуғ Пир.

Занжирбанд шер, бок, енгаман дер,  
Йиртилгудек жаранглар қоғоз.  
Жаранглайди занжирланган шер,  
Жаранглайди пўлат бир овоз.

Занжирбанд шер, бок, енгаман дер,  
Йилдан-йилга ул занжир таранг.  
Беш асрки, мен, Абдулла – шер,  
Мен қиламан занжир билан жанг!

Беш асрки, сувратим менинг  
Наъра тортиб яшайди бедор.  
Тугамайди муҳлатим менинг  
Токи шеър бор, токи занжир бор!

#### 6. Навоий соғинчи

Чорласам деб: “Қайдасан Фарҳод?”  
“Мен борман” – дер, Ёсуман кампир;  
Қизил гулнинг ўрнида, ҳайҳот,  
Чайқалади бир туп қалампир.

Нетай, Ҳирот олисдир бугун,  
Олисдадир Навоий бобо,  
Ҳудудларга қокилиб нигун,  
Тарих йиғлар асрлар аро...





## 7. Навоий ҳақида баллада

*Шарафиддин ШАРИПОВ хотирасига*



Яздийнинг нечун бу ҳалол отдоши  
Навоий давридан келди адашиб?  
Бугуннинг худписанд, нокас куёши  
Ундан ижирғанди кўзи қамашиб.

У деди: “Янгитдан улуғ бобомнинг  
Номини жаҳонга ёяман ўзим.  
Сиз илм атаган чапдаст ёлғоннинг  
Йўлида залварли қояман ўзим”.

Ҳамма жим. Бурчакда шивир-шивирлар:  
“Зорми қишлоқига ҳазрат Навоий?!”  
Бошларда фикрмас, ҳасад ғивирлар:  
“Тўғри, бу бола зўр, лекин... савдойи.”

У эса қунишиб хужра захидан  
Навоий шамини ҳар туни ёқди.  
Кичкина ходимлик маоши билан  
Каттакон илмни бемалол боқди.

Ўйинчоқ кўрмаган қоракўзига  
Дерди: “Миндираман ҳали Ғиротга!”  
Ухлолмай сўзларди тунлар ўзига:  
“Тошкентда ҳаво йўқ, кетдик Ҳиротга!”

Бир куни вокзалда шовқиндан нолиб,  
Самарқанд боролмай ялинди обдон:  
“Жой бўлса, уч-тўрт кун бир ерда қолиб,  
Озгина дам олай Навоий билан.

Чипта йўқ, ҳаво йўқ, бўлдик-ку абгор,  
Бизга ёрдам беринг, ўртоқ мелиса!  
(Навоий сатрини умрида бир бор  
Ўқимаган эди бу шўрлик эса.)

Навоий шеъри бу, қаранг, сувратда!”  
Мелиса тушунмас, қотар энсаси:  
“Сиз кутинг. Топамиз бир жой, албатта!” –  
Ва олиб кетдилар уни кечаси...





Сўнг зор-зор ялиниб, гоҳ қилиб хитоб,  
Англамоқ бўлди у фикрин дўхтирга:  
“Қўлэзма топдим мен, тушунинг, ноёб,  
Навоий мен билан юрибди бирга!”

Охири чарчади, дод солди руҳи,  
Ақлли оломон ғалаба қилди.  
Навоий тирик деб кўтарган туғи  
Палата фаршида бўздек йиртилди.

Деди у: “Дўхтирлар, мен адашибман,  
Навоий не керак мендай шўрликка?  
Навоий юрмайди энди мен билан,  
Амирим чидамас бундай хўрликка...”

Қўйиб юбордилар она қишлоққа,  
Навоий ўлган деб сўз олгач ундан.  
Кетаркан, қоқилди бир кафт тупроққа,  
Йиқилиб қараса – ўз қабри экан.

Олимлар! Кечиринг, сизлар сермажлис,  
Мажлис кўп, кўп эрур навоийшунос.  
Лекин ким покдилу ким эса каж ҳис,  
Бизнинг бу кунларда қийиндир таққос.

Гапимдан силкинманг қиличсиз қиндек,  
Майли, мен ишонай даъвойингизга,  
Агар ишонсангиз Шарафиддиндек,  
Ўзингиз кашф этган Навоийингизга!

Яхшиси, бош эгинг қутлуғ қабрга,  
Ўша қишлоқдадир иккинчи Ҳирот!  
Навоий ётибди у билан бирга,  
Унда ўтлаб юрар энг сўнги Ғирот!..

## 8

Мен Навоий озод қилган қул,  
Шеър ўсади қутлуғ эркимдан.  
Юрагимда яшайди булбул,  
Юрагимда Хумо беркинган.

Жисмим – гулхан, каламим чўғдир,  
Ўзим – хато, сўзим – беҳато.  
Шоирликда армоним йўқдир,  
Ашрақатга қилдим иқтидо.







*Хуриид ДЎСТМУҲАММАД*

## **ДОНИШМАНД СИЗИФ**

*Роман<sup>1</sup>*

\* \* \*

Балиқчи чолни аввалги сафар кўрганидан буён орада қанча вақт ўтди – Сизиф бунинг ҳисобини ололмади. Қандайга ҳам олсин, ахир у вақтни йўқотган, вақт тушунчасини аллақачонлар унутган эди. Қуёш нури ҳам, ой шафағи ҳам денгиз мавжларида аксланиб Сизифга кўринар, у бу ҳолнинг сирини билолмай хайратланар, ҳатто осмондаги булутлар ҳам аини денгиз кўзгуси орқали ўзининг турфа шакл-шамойилларини унга кўз-кўз қилар, Сизиф вақт ўтаётганини булутлар карвонининг оқиб бориши орқали ҳис қилишга одатланган эди. Паға-паға булутлар ўтиб бормоқдаларми, демак, ҳамма нарса, ҳамма нарсага қўшилиб вақт ҳам ўтмоқда, денгиз ўтмоқда, тоғ ўтмоқда, уларга қўшилиб Сизиф, унинг изидан эса, вақт-соати етиб, манави харсангтош ҳам ўтади – жонли-жонсиз нимарса борки, ўтиш қисматидан бедахл қолмайди, қололмайди.

Сизиф бир муддат денгиз томон термилиб беихтиёр дам у-дам бу кўзини юмиб-очиб, кафти билан паналаб қарашга тушди. Ўнг кўзи хў-ў олисларни аниқ-тиниқ кўряпти, чап кўзи... ўнгини беркитиб узоқ диққат қилолмаяпти, чапи хира кўряпти, зўр берса, тирқираб ёшланмоқда. Сизиф шу чокқа до-вур хаёлига келтирмаган ташвиш, мана, кўзидан чиқиб турибди! Наҳотки, чап кўзи унинг бошига тушган машаққатларга дош беролмаётган бўлса? Наҳотки, барча машаққатни ўнг эгизаги зиммасига юклаб, ўзи...

Сизиф бирдан-бир ташвиш, муаммо харсангтошга боғлиқ деб ўйларди. Қандай бўлмасин, уни ху-ув тепада симобдай оқариб кўринаётган мафтун-кор мамми ёнига олиб чиқса бас, муродим ҳосил деб юрганди, аллақанча замонлардан буён харсангтош билан орасида ашаддий ғанимлиқ сақланиб келди ва ниҳоят, яқин-яқинлардан у харсангга – юмалоққа, думалоққа, бақалоққа бўлган муносабатини ўзгартирди, яъни мураса йўлини ту-тиб, у билан тил топишди ҳисоб, бу ёғига аҳил-иноқ яшаймиз деб умид-

<sup>1</sup> Охири. Бошланиши ўтган сонда.

вор бўлганди, мана, икки кўзи келишолмай турибди!.. Энди у икки кўзи ўртасида козилик қилишига тўғри келади. Дарвоқе, бу каби келишмовчилик илгарироқ ўзаро оёқлари орасида бошланиб улгурган, унга фавқулодда юз берган фалокат сабабчи бўлган эди...

\* \* \*

...Ёмон бўлди. Ҳар қачонгидан аянчли аҳволда қолди у! Сизиф бутун гавдаси билан тирик тирговуч бўлиб ўтирганди, харсангтошга мутлақо кутилмаганда бирдан жон кирди! Жон кирганда ҳам одатдагидек аста-оҳиста жилмади ўрнидан, балки тўсатдан, худди тепа томондан кимдир, кимлардир ёинки қандайдир кучлар бирлашиб Сизифнинг ҳаётига атайин тажовуз уюштирмоқ мақсадида харсангни туртиб юборишгандек бўлди. Ширин хаёл оғушидаги Сизиф жон ҳолатда ўзини четга отди, бироқ кечиккан эди – харсанг аввалига Сизифни туртиб юборди, Сизиф ўзини ўнглаб улгурмай ўмбалоқ ошиб тушди, ўмбалоқ оша туриб ҳам четга қочиш мўлжалини олди, бироқ харсанг бағритошлигига борди – Сизифнинг оёқ кафтини эзиб ўтди. Тоғ ёнбағрибиёбонни даҳшатли, аянчли қичқирик-ўқирик тутди!..

\* \* \*

У хушига келганида ҳали-ҳамон ўша ўмбалоқ ошиб тушган жойида ер-парчин бўлиб ётар, қандай фалокат рўй берганини эслолмас, чидаб бўлмас оғриқдан оёғига қарашга юраги бетламас, шу аҳволида ҳам кўз қири билан хў-ў этакдаги майдончада қорайиб турган харсангга назар ташлаб, унга нимадир демоқчи бўларди. Бошини кўтарган эди, иккита қоп-қора куш “парр” этиб хуркиб кўтарилди, Сизиф сўл оёғининг кафти мажақланиб кетганини кўрдию, кўзларини чирт юмиб олди. Юмган заҳоти боши узра паст-баланд бўлиб парвоз қилиб турган кушлар унинг яраланган оёғига ташланишди. Сизиф жонҳолатда ярадор оёғини йиғиб, гавдаси билан уни паналади, хира кушларни хуркитиш мақсадида қарсак урганди, кафтлари орасидан тошни тошга ургандаги қарсиллаган шовқин чиқди, бундан кушлар тугул, Сизифнинг ўзи ҳам чўчиб тушди, тошга айланган кафтларидан нигоҳини уздию, чамаси бир қулоқ наригача чўзилиб оқиб тушган қуюқ қон тупроққа сингиб, қотиб қолганини кўрди...

– Лака-лум лак, лака-лум лак. Лак-лакалум, лак-лакалум... – Сизиф чалқанча ётган ҳолида оҳиста хиргойи бошлади. Овозини хиёл кўтарганди шикастланган оёғи зирқираб кетди, оғриқ азобидан кўзларини чирт юмиб олди. Ўзини чалғитиш мақсадида, қарийб шивирлаб, давом этди: – Лак... лак... Лака-лум лак-к... Л-лак, дедим-м, лак-лак...

Сизиф ёрдамга муҳтож эди, худди аллақадан мадад етиб келадигандек илтижоли нигоҳлари билан атрофга, осмонга, осмон тўла булутга аланглади. Увада-увада булут парчалари тақдирга тан берган мағлуб қўшин тўдаси янглиғ олис-олисларга имиллаб бориб осмон билан денгиз туташган ораликда кўздан йўқоларди...



\* \* \*

Сизиф жим бўлиб кетарди ҳам. Соат эмас, кун эмас – ойлар, эҳтимол йиллар чурқ этмай юрган пайтлари бўлди. Ўзининг овози, товуши қандайлигини унутиб юборди. У азал-азалдан шовқин-сурондан кўра сукунатни афзал биларди. Вайсақиларни жини суймас, гапиргандан гапирмаслик афзал деб ўйларди у. Тил-забондан қолиш қанчалар даҳшатли бўлмасин, узоқ вақт жим юриш, ётиш-туриш, кўнглидан кечаётган ҳеч қандай хис-туйғуни овоз чиқариб ҳатто ўзига ўзи айтмаслик, таъкидламаслик Сизифнинг кўнглига хуш ёқаётгандек бўлар, буни ўйлагани сайин ўзини улуғворроқ, вазминроқ, салобатлироқ ҳис қилар, беихтиёр гапга тушиб, вайсақиликка берилиш хавфи туғилганда эса дарҳол ўзини қўлга олар, гап-сўзсиз харсангга тик қадалганича у билан баҳс бойлашар, ким узоқ жим яшаш борасида мусобақа шартларини ўзича кўнглидан кечириб, битим тузарди. “Мен инсонман, истаган шартга тайёрман, истасанг, бел боғлашаман, истасанг, думалайман, истасанг, довул-тўфонда қилт этмай бир жойда қадалиб туравераман, ҳатто, майли, соқов бўлиб қолай, билган сўзларимнинг барини унутай, хиргойи қилмай... лом-мим демаслик борасида ҳам мусобақалашишга тайёрман!” дея харсангни яккама-якка жангга чорлар, у бундайин мутойибанамо ривоятларининг бир қисмини овоз чиқариб айтса, бир қисмини сассадо чиқармай изҳор этар, ҳақ сўз тошни кесади, мулойим лутф харсангнинг дийдасини юмшатади дея ишонарди.

Осон кечмасди бу қилиқлари. Сўзлаш ўтиб бораётган ҳозирнинг шарпалари бўлса, сукут боқийлик, мангулик тимсолига айланарди унинг назарида. Бамисоли гап сотса – ҳозир билан, сукут сақласа – абадият билан мулоқотга киришаётгандек сезарди ўзини Сизиф. Бир йўла ҳам бугун, ҳам келажак билан битим ё сулҳ тузиш эса кони азоб, азоб, азоб! Ҳозирга хизмат қилсанг келажак олдида муттаҳамсан, келажак ва боқийлик руҳида яшасанг эса ҳозир учун бегонасан, ётсан, ёт!.. Топ бунга ўзинг жавобни, банда: қай бири афзал?

\* \* \*

Шу сингари хаёллар гирдобига ғарқ бўлган Сизифнинг жони роҳатлардан ҳаприқиб кетар, яна қачон, қай ҳолатда ва қай алфозда бу каби мастонашукуҳли ўйлар қанотида парвоз қилиш-қилмаслигини олдиндан тахмин ҳам қилолмас, зеро, одатда фавқулодда ва беихтиёр ташриф буюрадиган бундай ардоқли кайфиятини ипидан игнасигача ёдда сақлашга ҳаракат қиларди.

Бу сафар ўзининг ҳам, харсангнинг ҳам авзойи дуруст, Сизиф уни қай томонга бошласа, деярли қаршилиқ кўрсатмаяпти. Сизиф сўқмоқнинг ўнг-терсига, нишаб-дўнглигига қараб харсангни гоҳ ўннга, гоҳ сўлга ва юкорига қаратиб думалатмоқда. Ахён-ахёнда эса... Сизиф қўл-оёқ мушаклари увуша бошлаганини бирдан пайқайди, дам олмоғим зарур, деган ўйда харсангнинг қуйи томонида унга елка тираб, оёқларини кенг ёйганича ерга

капишиб, ўтириб олди. Нафас ростлаб улгурмаган ҳам эдики, бир қўл-бир оёғи чангак бўлиб тортишди. Оғрик зарбидан баданига титроқ турди. Сизиф чидади, азоб бераётган қўл-оёғига бақрайганича ўтираверди.

Аллақайси сафар худди шу алфозда харсангга тиргак бўлиб чўнкайди. Чўккининг қоқ ярмига довур кўтарилган, яъни амали унаётган эди, димоғи чоғ эди, бир нафас ростласа, мадорини жамласа, сўқмоқ йўлнинг қолган қисмини чоғласа, шояд, шояд харсанг қайсарлик қилмаса, бутун залвори-маҳобатини Сизифнинг гарданига тўкиб солмаса, чўккини ишғол этса этибди-да! Наҳот инсоний қудрати ила шу юмушни удалай олмаса? Наҳот мана шу елкасига тирғалиб турган жонсиз, забонсиз, бесўнақай тош билан тил топиша олмаса?! Ахир!.. Ахир!..

\* \* \*

Сизиф ўзидан, ўзининг ташвишларидан кўра денгизчи чолни кўпроқ ўйлай бошлади. Ким бўлди у қария?.. Қандай қисмат етаклаб юрибди бепоён денгизда уни? Бош кўтармайди, ҳамон сув қаърига термилган кўйи эшкак эшмоқда. Чиндан эшкак эшаётганмикан ёхуд?.. Тасодиф гўё Сизиф ўзини қизиқтираётган жумбоққа тайинли жавоб топмоғи учун имконият яратмоқчи бўлгандек тўппа-тўғрида – денгиз сатҳида қора қайиқ кўланкаси кўринди. “Тобут эмас, қайиқ!”, деди ўзига ўзи далда бераётгандек Сизиф. Чол тирик, эшкакни ҳам унинг ўзи эшмоқда! Ҳа, ўзи! Афтидан ғоятда ноёб балиқ овига шу қадар берилганки, бирор марта бошини кўтариб атрофга қарамаяпти... Бир пайт қайиқ тумшуғига келиб қўнган бир жуфт қора қанот куш ошиқона тумшук уриштириб олишди-да, кутилмаганда бараварига парвоз қилиб чолнинг тепасида чарх уриб айлана бошлашди. Қариянинг кўнглини чоғ қилиш истагида рақсга тушаётгандек кўринди улар Сизифнинг назарида. Бироқ балиқчи чол кушларга заррача эътибор бермади. Шунда чарх уриб айланишаётган қора қанотнинг бири тиккасига шўнғиб келиб чолнинг кифтига қўнди ва унинг бетиними, қулоғиними ботириб-ботириб чўкилай бошлади. Сизифнинг эҳсонаси чиқиб кетди, “менинг тепамга келган йиртқичлар – ўлаксаҳўрлар-ку, х-хо-ой, ҳайда-а-а, ҳайдалари-нг-г!..” деганча жони ўртаниб чинқирди. Чолга нима бўлган ахир, қарсақ урса, лоақал эшкакни бир кўтарса бас-ку, бу қонхўр, ёвуз кушлар учади-кетади!..

\* \* \*

Кўз ўнгида юз бераётган манзарадан Сизифнинг кўнгли суст кетди, бирдан ҳолдан тойиб қолди. Зум ўтмай ўзини қўлга олди, хушини йиғиб қора қайиқда тош қотган кўйи денгиз узра сузиб бораётган қарияга ёрдам қўлини чўзгиси келди. Аксига олиб, беихтиёр бор вужуди завққа тўлиб, хандон отиб кулиб юборди бирдан, шодон кулгиси кушларга етиб борди чоғи улар осмону фалакка тиккасига кўтарилиб кетишди. Сизиф кулгисини босолмади – у гўдак болалардек қикирлаб кулди, овозини баралла қўйиб хандон отди... дувуллаб оқаётган кўзёшларини тия олмади. Шунда денгиз-



ни тўлдирган лиммо-лим тўлқин сатҳи бир текис ва бир маромда ажаб-товур куйни ижро этаётган каби мавжлана бошлади. Мавжлана-мавжлана шабада ҳосил қилди, шабада шамолга айланди ва зумда саррин эпкин тоғ ёнбағрида харсангтошга тирик тирговуч бўлиб на кулиши, на йиғлашини билмай қапишиб ўтирган бу бечора ва ёлғиздан-ёлғиз бандасининг ёнига етиб келиб, кўринмас кўллари билан уни бошдан-оёқ ўраб-чирмашга, юпатишга киришди.

\* \* \*

Бу сафар ҳам Сизифнинг умиди пучга чиқадиганга ўхшаб қолди. Олдинга силжишнинг иложи йўқ – тош дўнгликка тирғалган, ўнг томон қия нишаблик, чап томон майда кум-тош, харсанг залвори билан ботиб қолса, уни жойидан жилдириш амри маҳол, шу боис ягона чораси – ортга қайтиш. Жижча, хиёлгина, пичагина орқага тисралса кифоя, сўнг ярим қарич ўнгга олади-да, йўлида давом этади.

Сизиф шуларни чамалай туриб нафас ростлади, шикастланган оёғидан у энди кўпда эмин-эркин фойдалана олмас, авваллари гоҳ у-гоҳ бу оёғини ишга солса, эндиликда фақат соғ оёғини харсанг остига тирговуч қилиб қўяр, бу етмагандай у оқсоқланиб юрадиган бўлиб қолганди. Хуллас, у соғ оёғини тиззасига довур харсангга тиргович қилиб қўйди, қақшаб симллаётган кўлларини икки ёнига осилтирганича гўё ўзи кашф қилган сўзни такрорлагани сайин руҳи таскин ола бошлади: оғайни!.. оға-ини!.. оғайнижон!..

Бироқ “Оғайни”нинг кимлиги, кимни назарда тутиб Сизиф бу сўзни такрорлаётганини ўзи ҳам дуруст англамади...

\* \* \*

Муздек шабада эсди. Шабада аралаш бир тутам булут парчаси етиб келдию, хозиргина ғарқ терга ботган Сизифнинг аъзойи бадани зумда қаҳратон изғиринида қолгандек қақшай бошлади. Шу аҳволида ҳам нигоҳини денгиз томондан узмаган Сизифнинг хаёли ярқ этиб кетди.

– Чол ҳам Зевснинг қаҳрига учраганмикан?! – деб юборди у баралла овозини чиқариб. – Эҳтимол, мен ҳам, куним битиб, анави балиқчи чолнинг кунига тушарман? Қора кузғунларга ем бўларман?!

Тирик жон борки, ўз кузғуни бор. Қаерга бош олиб кетма, қаерга қочма, барибир ўша кузғунларинг кўлига тушасан. Бир умр қочишинг, жонимни сақлапман деб истаганча шодланишинг ҳам мумкин ва паймона тўлган лаҳзада сенга, қисматингга битилган – фақат ўзингагина аталган кузғунларинг бошинг тепасида ҳозир у нозир бўладилар ва улар очофатларча ўзларининг боқий ва шафқатсиз бурчларини шиддат билан ўташга киришадилар. Додинг кимга, қаерга етади бу биёбонда? Тақдиринг, қисматинг олдида нечоғлик ёлғиз бўлсанг, мурдангни чўқилад хомталаш қилувчи қора кузғунларинг олдида ҳам шунчалар ҳимоясиз ёлғизсан, ёлғиз!..

\* \* \*

Гоҳида Сизиф муттасил ҳасрат-надоматга берилиб кетганини, тинмай нолиётганини, онасидан айрилган сакбаччадек инграётгани-ғингшиётганини сезиб қолар, тўсатдан харсанг қулоқ солаётган бўлса-я, устимдан кулаётган бўлса-я, деган хаёлда бирдан хушёр тортар ва яна “оғайниси”га маломат ёғдиришдан, ёзғиришдан, унинг олдида ўзини ночор, бечора ва шўрлик қилиб кўрсатишга уринишдан ўзини, тилини тиярди. Йўқ, мен бечора эмасман, шўрлик, нотавон ҳам эмасман, инсонман, шундай экан, ҳеч кимга, ҳеч нарсага, ҳатто ўзимга-да дахмаза бўлмайман, бўлмайман дея онтлар ичар, у тирик дахмазага айланиб қолишни ҳар нарсадан оғирроқ мусибат деб ҳисобларди.

\* \* \*

Сизифнинг хўрлиги келди, ўзини кутилмаганда омадсиз, бахтсиз ҳис қилди. Бахтсиз одам типпа-тирик дахмазага айланади. Яна ўша совуқ сўз – дахмаза... Сизифнинг эти жунжикиб кетди. Ҳаққирост, омад юз ўгирган одам кимга керак? Дахмаза... ким ўйлаб топган бу сўзни, ким кашф этган?.. Ҳа, ҳаққирост, бировларга эмас, ўзининг энг яқинларингга ҳам дахмаза бўлиб қоласан, соянгга ҳам тирик товонга айлангандек ҳис қиласан ўзингни!.. Йўқ, мен дахмаза эмасман, дахмаза бўлиб юргандан кўра мана шу харсанг остида қолиб йўқ бўлганим афзал, дея илтижо қилди у булутларга юз буриб. Шунда Сизиф бирдан хушёр тортди, оғир уйқудан уйғонган одамдек сергақланди, у ўзини бахтдан буткул мосуво деб билмайди, йўқ, у бадбахт эмас, дахмаза эмас, фақат кўнгли сушт кетган, ахир ҳар қандай одамда бўладиган ҳолат – кимгадир эркалангиси, ялтоқлангиси, кимгадир ҳасратларини дастурхон қилгиси, кимнингдир далда-тасаллисига мухтож бўлиб қолгиси келади. Кўксига юзини босиб хумордан чиққунча кўзёшларини тўккиси келади. Ана шундай дамларда Сизиф ҳам одам-да, банда-да, ихтиёрсиз равишда харсангга ялтоқлана бошларди. Худди шундай қилса ялтоқланишлари кор бўладигандек, илтижолари етиб борадигандек харсангтош атрофини гир-гир айланиб югуришга тушар, оқсоқлиги туфайли қадам олишлари беўхшов чиқар, “Лакалум-лак”лаб ғингшишлари ҳаракатларига мос келмас, шунга қарамай, ҳолдан тойса – одимлаб, мадори етса – яна югуриб гир айланишни бас қилмас, унга қўшилиб булутлар, булутларга қўшилиб денгиз мавжлари айлана бошлар, бунга кўрган Сизиф роҳатланар, ҳатто бесўнақайдан-бесўнақай харсанг ҳам жойида туролмай... гир-гир айланиш куйига жўр бўлмоқчидек унинг атрофида доира ясаб думалар, Сизиф еру осмон ўртасида юз бераётган бу жўровоз-оҳангдошликни кўра туриб кўзларига ишонмас, аммо-лекин айни шу дамларда вужудидаги жамики шубҳа-гумонлар йўққа чиқиб улар ўрнини ишонч, ишонч, ишонч эгаллашини истар, шу ўй, шу хаёлда охириги мисқол мадори тугагунига қадар айланишда давом этар, алҳол, алла-паллада... хушига келганида харсанг биқинига бетини қўйганича жисман беҳол-бемажол, руҳан эса тиникиб, ўзини қушдай енгил ҳис қилиб ётган бўларди...



\* \* \*

– Сабр-р! – деди у тишларининг орасидан тупук сачратиб. – Сабрни еб ташлайман!.. Тоқа-ат-т! Тоқатни икки ямлаб бир ютаман-н!.. Ҳо-ой, қайса-ар, хо-ой, ўжар! Оғайни-и! М... менга қа...

Сизиф бирдан тилини тишлади. Нима деди? Яна “оғайни” дедими? Кимга лутф қиляпти у? Нимага қарата айтди?!

Сизиф тилига келиб қолган бу фавкулудда сўздан ўзи ҳам мутаассир бўлиб қолди, унга изоҳ тополмади, беихтиёр бош кўтариб аланглаганича... харсангнинг шу чокқа довур кўрмаган-нетмаган рафторини, қулоғини излади. Эшитган бўлса-я? Унинг ноласи, илтижоси харсангни мойдай эритиб юборса-я?! Жазо тоши, машаққат тоши турган жойида раҳм-шафқат, муруват тошига айланиб қолса-я?!

Харсангни эркалаётгандек унинг кифтига оҳиста шапатилади, қавариб моматалоғи чиқиб кетган кафтлари билан силади, бирдан назарида харсангни ҳам қийнаб юборгандек туюлди. Бир зум хаёли қочди – у харсангни эмас, харсанг уни чўққига олиб чиқишга уринаётгандек, Сизиф ўламан саттор тоғ тепасига қадам босмайман деб тихирлик қилаётгандек туюлиб кетди. Беҳол жилмайди – қанийди?.. Хаёли жойига қайтди – дарҳақиқат, харсангтошда нима айб? Жазога маҳкум этилган Сизиф бўлса, нима учун харсанг бор ҳаловатидан айрилмоғи керак?! Унинг ҳам умри ҳасратда, сарсонликда ўтмоғи керак?! Унга ҳам малол келаётгандир ахир? Тош бўлсин, харсанг бўлсин, метин ё сижжил бўлсин – Сизифнинг раъйига қараб юрибди. Туртса – силжимокда, кучи-қурби етган жойгача чикмокда, чоғи етмаган жойда эса... Харсанг бошқа яна нима каромат кўрсата оларди? Ахир у ўзича тепага қараб йўргаламайди-ку! Ўзига тармашган, ўзидан бирон одим нари кетмай қўйган бу банданинг хоҳиш-иродаси учун ўзини қурбон қилиб яшамокда, шундай экан, ундан ўпкалаши ортиқча. Қоқилсанг, тошдан ўпкалама, чоғинг келмаса, харсангдан ўпкалама, Сизиф!..

\* \* \*

Гоҳо тим қора тун кезлари, қилт этган шабада ҳам тарк этган онлар нафас олиб бўлмас, бутун биёбоннинг ҳавоси сўриб олингандек кўкси хаприқиб кетарди Сизифнинг. Шунда тўсатдан аллақаерлардан мурдаларнинг иси анқиб қолар, у қочгани жой тополмас, қочиб кетолмас ҳам, ўзини харсангнинг панасига урар, мана шундай дамларда харсанг – оддий харсанг эмас, одамютар тошга ўхшаб кетарди! Одам ютаверганидан қорни шишиб кетган, юмалоқлиги, думалоқлиги, бақалоқлиги шундан!.. Дарҳақиқат, Сизифдан илгари ҳам кимнидир шу биёбонга келтириб ташлашган, унга ҳам мана шу харсангтошни чўққи тепасига думалатиб олиб чиқиш жазоси белгиланган, маҳкум худди Сизифнинг бошига тушгани каби адоқсиз ва самарасиз машаққатли меҳнатга дучор этилган, шўртумшуқ маҳкум ҳарчанд уринмасин, ҳарчанд тавалло қилмасин, уқубатлари зое кетган ва кунларнинг бирида уни... харсангтош хоп этиб ютган-қўйган!

\* \* \*

Иттифоқо хаёлига келган бу фикрдан ўзини қаёққа қўйишини билолмай қолди у. Башарти, шундай қисмат кутаётган бўлса, бу оворагарчилик, бу беҳаловатлик жонига теккан харсанг исталган дақиқада қоқ ўртасидан иккига ажралса-да, хоп этиб Сизифни бор бўй-басти билан ютворса!..

Ана, харсанг ютиб юборган одамларнинг қўланса иси келяпти. Ёрилтош, хо, ёрилтош. Мен ичингга қарайин, юҳо коминг кўрайин!.. Туйқус хониш қилиб турган Сизифнинг кўз ўнгида – ўзи турган жойдан олисроқ, денгиз қирғоғига яқинроқ ерда қоқ-куруқ шохлари тарвақайлаган дарахт пайдо бўлди. Сизиф ҳайрон бўлиб қолди, ахир бундай дарахт-парахтдан номнишон йўқ эди, япроқсиз, яп-яланғоч, шох-новдалари совуқ ургандек ёки ёнғинда қолгандек қоп-қора косовга айланган, қўланса ис ўша томондан келаётганмикан? Заҳар-заққум анқимоқда. Сизиф бурнини жийирди, бетини тошнинг бағрига босганича харсангнинг биқинида биқинган тоза ҳаво қолдиқларидан худди ис олаётган қашқирдек искаб-негиб нафас олар – жон сақлар, сақлашга сақлардию, орадан маълум фурсат ўтгач, у энди бас, паймонам тугади, иззатим битди, деб тақдирга тан берар чоғида харсангтош бир силтангандек бўлар, бундан Сизиф хушёр тортар, ҳолсизликдан хушини йўқотар даражага етган жойида бирдан сергақланар, бетини харсангдан узиб, бошини кўтариб атрофга аланглар, шунда ҳавода сезилар-сезилмас ҳаракат аломатлари кўрина бошлаганини пайқар, бирдан севиниб кетар – Сизиф учун ҳаракатдан қувончлироқ ҳодиса йўқ ҳисоби, бинобарин, ҳали эрта, ҳали эрта-а-а, деганча овозининг очик ҳавода таралашини томоша қилмоқчидек аланг-жалаңлашдан тўхтамасди. Негадир, бошқа ҳеч зоғ ёки бошқа ҳеч бир жондору жонзот йўқлигиданми, рўпарасида, ёнгинасида қорайиб турган харсангга миннатдорликлар изҳор қилар, бисотидаги бор илиқ туйғуларини унга изҳор айларди. Харсанг эса... харсанг ҳам жим турмас, яккаю ягона ҳамроҳининг оғирини енгил қилишга яраганидан мамнундек тебраниб кўяр, Сизиф эса... Сизиф эса ҳаво ҳаракатга келганидан кейин ҳам, ҳатто мусаффолашиб улгургандан кейин ҳам харсангтош теграсида ҳамон майитнинг қўланса иси сақланиб қолаётганидан ажабланар, бу бадбўй иснинг анави шохлари қорайган заққум дарахтга ёхуд харсангга нечоғлик тааллуқли жойи, яқинлиги борлигини билолмай, ҳатто билиш истагини ошқор қилмай нафасини ичига ютар, кўнглининг тубидаги бу истакдан харсангтош хабар топиб қолишидан чўчигандек тошга орқа ўгириб олар, бошини ҳам қилганича кўзларини юмиб чуқур ўйга толар, шу қадар узок ўйга чўмар... Ёрилтош, ҳой, ёрилтош! Ёрилақол, харсангтош!.. Бир пайт... бир пайт ортида турган харсангтошдан бош ўсиб чиқиб, бўйинини чўзиб унинг тепасидан энгашиб, унинг афтига қарашга уринаётгандек, ундан кўнгили сўраётгандек, унга равиш қилаётгандек туюлар, шунда Сизиф шартта харсанг томон ўгирилиб олар, худди сирини яширмоқчидек, эҳтимол, ранги кум ўчган ёки қизариб-гезариб кетган бўлар, шуни харсанг сезиб қолмаслиги учун ҳамон хомуш торганича, лекин энди у билан бетма-





бет кад ростлаб турар, бунга ҳам қаноат қилмай харсангга бетини кўйиб нигоҳларини ундан яширарди. Харсанг ич-ичигача қуйма тош бўлганида ҳам шу тобда муқаррар тилга кирарди. Сизифга лоқал ҳамдардлик изҳор этиш ниятида бирор сас-садо чиқарарди. Бироқ у тошдан-да, сижжилдан-да қаттиқроқ алланимадан ясалган. Сизиф эса ана ўша алланимани жуда-жуда билгиси келаётганди.

\* \* \*

Сизиф қачонлардан ғужанак бўлиб – совуқда оч-наҳор қолган дайди ит-дек қисиниб, билақларини остига йиғиб ётишга одатланганини эслолмади. Ваҳоланки, у чалқанчасига, кўкка юз тутиб ухлар, шу алфозда ором олишидан беҳад қониқиш туяр, ҳатто туш кўрган дамларида ҳам ўзининг осмонга устун бўладиган алфозда ётишидан мағрурланарди. Энди эса... чирмалиб ётишга одатланганига ҳам анчалар бўлди...

\* \* \*

Булутларнинг хилма-хил шаклга киришини кузатишдан кўра мароқлироқ машғулот йўқ эди Сизиф учун. Дов-дарахт, тоғу тош, кир-адир, пахта хирмонлари... Катта-кичик йиртқич ҳайвонлар, паррандалар... боши кунчиқарда, қуйруғи кунботарга чўзилган чумолилар... Бир текисда қор қоплаган бепоён дала, сайхонлик... Вулқон бўлиб отилаётган, хўмрайган-тўрсайган, қаҳ-қаҳ отиб қараётган, аллақаяқларга дарё бўлиб оқиб бораётган, турган жойида қоққан қозикдек қимир этмай қолган, яна аллақандай ҳеч нарсага ўхшамаган номсиз булутлар!..

У мутлақо ҳаракатдан тўхтаган булут парчаларига узоқ разм солиб пойлади. Осмон доғлари – артиб ташлагинг келади баъзан. Баъзан эса... баҳайбат одам жуссаси, қўлларини икки ёнга қулоч отган, калласининг ярми йўқ, чала одам, оёқлари ҳам кўринмас, тикилиб қараган нигоҳга мана ҳозир кимнидир ёхуд ниманидир қучоқлаб олишга шайланаётгандек!.. Бир қараган кўзга гўё батамом ҳаракатдан қолгандек, қайтиб бир қулоч ҳам нари-бери сурилмайдигандек. Кенг ёйилган қулочи, танасининг шакл-шамойили ўзгармаётгандек. Наҳот, ўзгармаса?! Сизиф бу тахминни тасдиқланмаслигини ўз кўзи билан кўриб, шоҳиди бўлиш мақсадида кўкдан нигоҳини узмади. Бутун диққатини кўзларига йиғди – дам осмон бўйлаб сочилиб ётган булут парчаларига, дам қулочини ёйган одамга разм солди. Яна пича кутди, шунда паға-паға булут парчалари зимдан ва ғоятда кишибилмас устомонлик билан силжиётганини сизди. Ғафлатда қолган ўлжаси томон писиб яқинлашаётган сиртлоннинг эҳтиёткорлигига ўхшаб кетди. Бироқ Сизиф ҳам анойи эмас, у Коринфда донғи кетган хушёрлардан саналарди. Ернинг тагида ғимирлаган илоннинг узун-қискалиги, йўғонингичкалиги, ранг-тусигача айтиб бера оларди. Шу тобда пайқгани... сирни, биринчи бўлиб булут-одамнинг ўнг қўли фош қилди – у сабрсизликка йўл қўйди чоғи, тирсагидан букила бошлади. Боядан буён чўнкайиб

ўтирган Сизиф ерга чалқанча узала тушди, иккала кафтини кетма-кетлаб пешонасига пешайвон қилиб қўйганича одамнусха булутнинг қўлидан ва жуда оҳисталик билан бутлаша бораётган калласидан кўз узмади.

Сир тезда фош бўлди-қўйди, ундан воқиф бўлган Сизиф ханг-манг бўлганича ётган жойидан қимирламай қолди. У қараб туриб кўзларига ишонмади, дам у-дам бу кўзини юмиб очди – манзара ўзгармади – булут-одамнинг узундан-узун ва қўполдан-қўпол қўли оппоқкина, бокирагина маммининг тугмачаси теграсида ғоятда оҳиста айланишга тушганди. Булут-қўлдан гирдоб вужудга келди. Гирдоб дам маммидан узоқлашар, дам унга атайин қилгандек тегиниб-тегиниб кетарди. Туйқус шамол турди, булут парчалари тўзиди, булут-одамнинг бутун бадани эса тўзиб маммига ёпирилди. Сизиф узала тушиб ётган жойида ўгирилди, юзтубан ерга кириб кетгудек қапишиб, иккала қўли билан боши, кўзи, кулоқларини ёпиб, беркитиб олди.

\* \* \*

Сизиф букчайиб қолган қаддини ростламоққа шайланди, шу алфозда қадди дол одам ва юм-юмалоқ харсангтош аразлашган дўстлардек бир-бирларига орқа ўгириб тўрсайиб туришарди...

– Ҳолдан тойиб йиқилиб қолсам, қора қузғуну қумурсқаларга ем бўлсам... Ёхуд сен мени ютиб юборсанг, – у ич-ичидан сизилиб чиқаётган сўзларни ўз ҳолига қўйди. Харсангга кўксини босди. Узок, синчков термилиб қолди. – Сенинг ҳолинг нима кечади?.. Сен ким билан қоласан бу биёбонда, қадрдон?.. Ким билан яшайсан, ким бети, кафтлари, кўксини бағринга босади?.. Мен учун сендан бўлак ҳеч вақо қолмади. Ҳайбатингдан, сумбатингдан кўрқар, ваҳмларга тушардим. Жиним суймасди, ишонмасдим. Не-не таъна-маломатларга кўмиб ташламадим, сени?! Лаънатларим, сўқишларим остида қолдинг. Сен-чи, сен?!

Сизиф харсангни биринчи бора кўраётгандек ёхуд унга нисбатан қилган барча қўпол ва дағал муносабатлари учун узрхоҳлик қилиш пайти келганини туйқус англаб қолгандек, бундай дамларда... бундай дамларда розиризолик тилашдан ўзга амал қолмаслигига ич-ичидан иқрор бўлаётганини яширгиси келмади. Гапиргани, изҳори дил қилгани сари кўз ўнгида харсанг чўкиб қолаётгандек, эзилиб, юмшаб мулойим тортаётгандек эди.

Ирғиб ортига ўгирилди, аланглади, шитоб юриб харсанг атрофида айлана ясаб югурди ва ҳозиргина турган жойига қайтиб такка тўхтади-да, шошилиб-ошиқиб гапира кетди: инсон борки, унинг олдида, ёнидаю ортида таъқиб этгувчилар бор!.. Бу – ҳақиқат! Бунинг исботию-тасдиғини ўзим кўрганман! Ҳа, одам боласи бўлсанг, билиб қўй ва унутма, банда борки, мудом кузатувчи ва кузатилувчи! Бунга шак-шубҳа йўқ, йўқ, йўқ-қ!.. Назар-нигоҳдан ҳоли банда бўлмаган, йўқ, бўлмади ҳам. Ҳа-а, лалайма, кўзингни о-оч, Сизиф!..

У ўпкасини босолмай мана шу биёбонга келганидан буён биринчи бор



кимдир уни четдан кузатаётган бўлиши эҳтимолдан холи эмаслигини илк дафъа ўйлаб қолди. Шу қадар паришон юрганига лол қолди. Кузатувдан холи қолган банда йўқ ахир!.. Мана ҳозир, шу тобнинг ўзида унинг айтган гапларига, тошга қилган илтижоларига кимдир четдан туриб қулоқ солаётганини аниқ пайқади! Ҳа, жуда аниқ-тиниқ туйди – кимдир, қандайдир шарпа унга жуда-жуда яқин туриб Сизифнинг оғзидан чиққан ғудранишларига қулоқ солди!

Сизиф ёнгинасида бошқа бир кимсанинг нафасини туйди!..

\* \* \*

Ҳарчанд уринмасин, унинг назарига ҳеч зоғ тушмади. Сизиф нигоҳига эмас, ҳиссиётига ишонгиси келди. Ахир озмунча давру даврон ўтказдими у бу масканда? Озмунча булутлар сузиб ўтдиларми, унинг тепасидан? Ахир шу-унча вақтлардан буён нега у ўйламади? Нечун хаёлига келтирмади? Ахир кимдир, нимадир уни бир чеккада писиб кузатаётгандир? Уни шу кўйда қолдирган маъбудлар ҳов анув тоғ тизмаси ўнгирларида писиб-бикиниб томоша қилишаётгандир. Мана сенга ҳақиқат, мана сенга фидоийлик, ўзгаларга жонбозлик, ҳолингга маймунлар йиғласин, ҳолингга вой-вой-вой, дея чапакбозликлар қилишаётгандир? Унинг қилиқларини, хатти-ҳаракатларини, айтаётган гап-сўзларини, харсангга, тоғ чўққисига, ҳо-ов наридаги денгиз мавжларига бағишлаётган лутфу карамларини тинглаб, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратишаётгандир?!

Жазога маҳкум этилгунга қадар ҳам кўп бўларди бундай ҳолат, Сизиф айниқса ёлғиз қолган дамларида. Ўйга толган ёхуд оғир изтиробларга тушган маҳаллар беихтиёр ўзи билан ўзи суҳбатга киришиб кетар, ўша суҳбатдошига ўзича Сисиф деб исм ҳам танлаб кўйганди.<sup>2</sup> Мароқли дамларга айланарди у суҳбатлар Сизиф учун. Руҳан кўллаб-қувватлар, жўяли маслаҳатлар берар, кўнглини чоғ қиларди Сисиф. Сисиф ўзидан ақллироқ, донишроқ, донороқ туюларди. Сен – Сизиф, мен – Сисиф, дер эди Сизиф мутойиба аралаш мамнуният билан. Сисиф ўламан саттор, кўнмасди. Ким – Сизиф, ким – Сисиф – нима фарқи бор, муҳими, бир-биримиздан айро яшолмаймиз, айро қолсак – иккимиз-да, йўқмиз, йўқмиз, йўқ!

Сизиф Сисифни унутди, айро қолди ундан, ёлғиз қолди ўзи. Бундан чиқди... бундан чиқди Сисиф йўқ. У холда... Сизиф ҳам йўқ. Наҳот, унут бўлди барча-барчаси?!

Сизиф Сисифни соғиниб кетди. Шу-унча вақт мобайнида уни ёдидан чиқариб юборгани жонига оғир ботди. Алҳол, мана, Сисиф оқибатли чиқди, унинг ўзи келди ёлғизининг қошига. Кўмакка, мададга келди Сисиф!.. Қадрдони, ишонгани, якка-ёлғизи Сисиф... харсангтошга айланиб қолган бўлса-чи?! Ана, ана, турибди-ку, унинг рўпарасида!.. Ундан ажралмайди, бирор одим нари кетмайди, соясидек ёнма-ён юрибди-ку, демак, мана шу харсангтош – Сисиф!..

<sup>2</sup> Ривоятларда Сизиф исми Сисиф шаклида ҳам келган.

\* \* \*

Сизиф хаёти дунёда кайфияти забун холларда ўзини қўлга олиш йўлларини излар, ўзига ўзи далда бериш чораларини топар, хушламасада, мен инсонман, дея оташин оҳангларда ҳайқирар, гўё унинг сўзларини майдон тўла оломон тинглаётгандек бурро-бурро воизлик қилишга тушар, инсон боласи енгилиб, енгилганига рози бўлиб кетавериш учун яратилмаган. Мен ҳам шундай одамман! Майли, ана, қўлларингдан келса, марҳамат, янчиб ташланглар, тупроққа қориштириб ташланглар, денгизга улоқтиринглар, аммо-лекин, ҳой мингқулоқлар, ҳо-ой дингқулоқлар, ҳар иккала қулоқларинг билан, сонсиз-саноқсиз қулоқларинг билан эшитиб олинглар – зинҳор мени енга олмайсизлар! Енга олмайсизлар!

\* \* \*

Қоронғи эди, харсангтош янаям қорароқ, янаям баҳайбатроқ кўринар, тошнинг ўзи эмас, қоп-қора сояси ваҳм солибгина қолмай, Сизифни қора тупроққа кўмиб ташлагудай қуюқ кўлага солиб турарди. Сизиф учун бу янгилик эмасди, харсанг унга ҳамиша авзойи бузук йиртқичдек кўринарди. Уни ҳар лаҳза, ҳар дақиқа янчиб ташлашга шай эканлигини яширмас, башарти у шунга жазм қилиб қолса, Сизиф унга бўш келмаслик чорасини олдиндан ўйлаб қўяр, ўйлаб қўйса-да, ўзига ишонса-да, баъзан юрагига ваҳм оралаб, вужудининг аллақаерларида кўз очган кўрқув сездирмагина унинг шуурини, тасаввурини ишғол этаётганини унутмасди. Ундаги кўрқув оддий одамларда бўладиган кўрқувдан мутлақо фарқ қиларди. Кўрқув ўз йўлига, муҳими, Сизиф ўзини гуноҳкор деб билмасди, тавки лаънатга учрашдан пайдо бўладиган кўрқувдан унинг кўнгли тўқ, у ўзини гуноҳкор деб ҳисобламас, лекин ўзига раво кўрилган жазо – маҳкумлик қисмати оқибатида итдек, кутурган ёввойи тўнғиздек манави харсангтош остида мажақланиб кетишдан кўрқарди. Бундай қисматни ўзига на раво, на лойиқ кўрарди. Қандайдир жонсиз бир матоҳ – харсангтош остида қолиб кетишни ўзининг инсонийлик кадр-қимматига муносиб ҳисобламасди. Бу борада иккиланишни нечоғлиқ ўлгудай жини суймаса, изини кўрқув ихтиёрига бериб қўйгудай бўлса, тамом, ҳаммаси муқаррар барбод бўлишини ҳатто тахмин ҳам қилиб ўтирмасди. Шунга қарамай, у ўзини четга олмоққа шайланди, бироқ негадир ҳарчанд чиранмасин, қадами унмади – уни харсангнинг сояси босиб турар, босиб турса-да, негадир жони оғримас, жони оғримаса-да, харсангга сингиб кетган қоронғилик пардаси зўр бериб Сизифнинг нигоҳларини тўлдириб юбораётганди.

Тун пардаси бетга тортилса... Нахот бетим қора?.. Бу телба-саркаш туйғулардан зудлик билан қутилмоғи учун ҳам Сизиф ўзича чоралар ўйлаб қўйган, улардан бири – ғазабини пуркайди оламга, минғирлаб эмас, асло, очик-ойдин, дангалига, таваккалига айтади айтадиганини. Қани, ким айтади, ким мени кўрқоққа чиқаради, бетимга таъна-маломат ёғдиради, дея зимистон бағрини тилка-пора қила бошлади у. Мен ўзимнинг ким эканлигим



ва қандай банда бўлиб яшаб ўтганимни яхши биламан. Бетимга қора балчик чапловчилар озор чекмай қўяқолсинлар, уларни машаққатдан этаман халос, керак бўлса, ўзимнинг бошимгаю шаънимга истаганча таъна-дашномлар ёғдира оламан. Ҳа, ким нима деса десин – такаббурман, худбинман, мунофикман. Қабоҳатлар кониман, уммониман! Айбим ҳам, гуноҳим ҳам шу – неки билсам, рости, дунёга дoston қиламан, дoston!..

Кифоями, етарлими ёхуд яна давом этайми? Марҳамат, бетгачопар, чақимчи! Илло кўрқоқ эмасман! Қоронғиликдан, зимистондан кўркмасман, асло! Майли зулмат, зулумот кўзларимни кўр қилсин, қора заққум дарахтидан таркаган захар жонимни ўртаганча ўртасин, аммо харсангни мендан тортиб ололмайсизлар, уни ҳеч кимга бермайман, ҳеч каснинг қўлини теккиздирмайман унга! О-о-х-х, йўкотиб қўйсам, дунёни остин-устун қиламан, денгизга, тепамдаги булутларга ўт қўяман, паға-паға қилиб ёқаман, мана-ви чўққининг кулини кўкка созураман! Кўзларим басир бўлсинлар, уни искаб-да, топаман! Оёқларим қузғунларга ем бўлақолсинлар, кўксим билан сургалиб бўлса-да, юмалата-юмалата чўққига довур олиб чиқаман, харсангни! Ана ўшанда кўрасизлар, айтганларим чинлигини – қимирлаган қир ошади!.. Ҳа, шундай! Зўрнинг тоши қирга қараб юмалайди!.. Мен зўрман, зўр! Ҳа, шундай!.. Ҳа-а, даҳшат солиб яша ёхуд яшама мутлақ! Яшама мутлақ! Харсанг менинг таним-жоним, ғазабим, армоним, оғайним, муҳаббатим!..

\* \* \*

Кўнглидан кечгани бўлди Сизифнинг: харсангтош кўздан йўқолди!.. Қараб туриб, ёнида юриб, силаб-сийпалаб, ийдираман, кўндираман деб равиш-рафтор қилиб турган бир паллада ғойиб бўлди!.. Ўҳ, талвасага тушди Сизиф!.. Воҳ, бормаган жойи қолмади Сизифнинг!.. Денгизга довур борди, тоғ чўққисига – навраста қиз маммисига довур чиқди (вахоланки, харсангтошсиз чўққига чиқиш ман этилганди унга), этакдан излади, биёбондан, кўкдан излади – эсдан оғиб қолаёзди Сизиф! Кўзим кўрмай қолди деган хулосага келди, кафтларини олдинга чўзганича, сўқирларча пайпасланиб излади харсангни, чор атрофни қадам-бақадамлаб чиқди, эмаклай-эмаклай искади. Бу қандай кўргилик деганча чўк тушиб, мук тушиб бўзлади, таваллолар қилди!.. Ўзини бепарволикда айблади, кимсасиз биёбонда якка-ёлғиз, ҳеч бир юмушсиз қолиб кетишини – ўҳ, даҳшат! Воҳ, даҳшат! – ўйлаб юраклари орқасига тортиб кетди, шунда... шунда у зинҳор-базинҳор, ҳар қандай шароитда ҳам харсангдан узоқлашмасликка аҳд қилди, унинг ёнидан бир қарич ҳам узоқлашмайман дея онтлар ичди. Эмаклаб олди, тўрт оёқлаб келиб, чўққи томон очилган йўл ёқасида – қияликнинг қоқ белидан топди. Харсангтош пастга қараб шиддат билан думалашга шайлангандек, лекин қимир этмай така-тақ тек турарди. Бунақасини Сизиф кўрмаганди! У лол-беҳол эди, тили калимага келмади. Қўллари жонсиз эди. Нафас ҳам олмаётганди. Бетини, сўнг кўксини, бағрини харсангга босди,

онасини йўқотган кучукчадек, тумшуғини олдинга чўзиб ҳавони ҳидлай бошлади, таниш ис, танишгина эмас, бу ҳид ўзининг ҳам аъзойи-баданига сингиб кетган, шундай бўлса-да, тиззалаган ҳолида қулочини кенг ёйиб харсангни кучоқлади, манглайини харсангга босганича, кўзларини юмиб, оғир ва давомли тин олди. Жоним, деди, ёлғизим-ягонам, ишонганим-сунганим, деди. Очиқ тан олди – сенсиз мен бу ерларда ёлғизликдан ўлиб қоламан, деди. Харсангдан кафтларини узмади, силади-сийпалади, силади-сийпалади... унга лабларини босди... Гудранди, оғзига нимадир илашди, чангми-ғуборми, харсангтош зарраларими – таъм билмади, тамшанди. Харсанг мулойимлашди, юмшади. Буни Сизиф кафти, бармоқлари харсангга ботиб кета бошлаганидан пайқади. Лекин ҳайрон бўлмади, чунки унда ҳайратланишга-да ҳол қолмаган, бир чеккаси, қачондир мана шундай ғаройиб воқеа юз беришини, яъни харсанг билан апоқ-чапоқ бўлиб кетишини у аниқ тасаввур қилар, жуда узоқ вақтлардан буён шундай дамлар келишига ишончи муқаррар эди. Энди ҳеч қачон ҳақоратламайман, дўк урмайман, калтакламайман – борингга шукр қиламан, жоним, ёлғизим, ягонам... Харсанг элас-элас тебрана бошлади, унга тармашган Сизиф ҳам шу маромда тебранар, унинг назарида денгиз суви ҳам чайқалаётган, чўкки, унга қўшилиб осмонлар, осмонларни тўлдирган булутлар ҳам тебранаётгандек эди. Кўзларини очса ўзи ва харсангга қўшилиб бутун олам тебранишдан тўхтайдигандек эди, шу боис нима қиларини билмай харсангнинг дуч келган жойини кафтлари, бармоқларининг учлари билан тинимсиз силашда давом этди. Харсанг эриб, мулойимлашаётгандек эди...

Сизиф жуссасига нисбатан бир неча баравар катталиқдаги хамир зуваласини эзғилаётгандек бўлди. Хамир кўпчиб турарди, ундан аввал бармоқларининг учида, сўнг сиқимида зувала-зувала қилиб узиб-узиб ола бошлади. Аёлининг маммасини ҳам чимдиб-чимдиб оларди у. Аёли тушмагур унинг гўдакларча жунунвашлигига тоқат қилар, тоқати баробарида қикирлаб кулар, харсангтошнинг қаршилиқ кўрсатмаётгани, аксинча, унга мойиллик билдираётгани аёлининг эркаликларига ўхшаб кетаётганди. Агар харсанг шу тариқа бўлиниб-бўлиниб унинг қўлига чиқаверса, юмалоқ, думалоқ, бақалоқнинг ҳайбати-келбатидан асар қолмаса, харсанг синиқларини Сизиф ўйнаб-кулиб, битта-битталаб, кучоқ-кучоқлаб чўққига ташиб чиқарса!.. Яқингинада, боягина ғазабини босолмаётган, эски одати кўзгаб дағдаға қилишни, аюҳаннос кўтариб таъна-дашномлар ёғдиришни кўмсаганди-я, аччиқ аламларини кимдан олишини билмай, осмонларни, тоғу тошларни, ҳов наридаги денгизнинг титратишини рўкач қилиб пўписалар ёғдирмоқчи эди-я, ё, алҳазар, эҳ, афсус, эҳ, ғазаб!.. Зудлик билан ҳовурдан тушмоқ ниятида... ғоятда паст овозда хиргойи қилишга ўтди. Харсангнинг тебранишига ҳамоҳанг унинг қулоғига хониш қила бошлади. Узук-юлук хониши жуда узоқ давом этди, эҳтимол хонишлари оҳангдору сўзсиз эди, энг муҳими... энг муҳими... мўъжиза юз берди, мўъжизаки, харсангтош баданидан мошдай, нўхатдай тошчалар, тошбаччалар сачраб-сакраб тўкила бошлади. Қаловини топсанг... Ҳа-ҳа, худди шундай – инсон



Ўз вужудида қандайин куч-қудрат пинҳон эканини, ўзининг нималарга кодирлигини тахмин қилолмайдую, бу бахайбат харсангнинг вужудини қайдан англасин?! Ёрилтош, хей, ёрилтош, ўзингдан хўп ўргулайин, ичингга бир қарайин, Сисиф инимни кўрайин, дийдорига тўяйин! Ёрилақол, харсангтош!.. Бахтсизликдан ҳеч ким буткул қафолатланмагай, бахтдан ҳам ҳеч ким тугал Мосуво этилмагай... одам зоти буткул бебахт ва бадбахтлигича қолмагай...

\* \* \*

Юз бераётган янгиликлар Сизифни тамоман шошириб қўйди. Ҳаловатини йўқотди у. Узоқ ўйлаб турмай харсанг бўлагини икки қўллаб қучоқлаб олганича ҳаллослаб, нафаси тикилиб чўққига етгандагина нима иш қилаётганини тўсатдан англаб қолди. Уни шу кўйларга мубтало қилган маъбудларнинг етти ухлаб тушига кирмаган ажойибот юз бермоқда! Сизиф харсангнинг, ҳар қалай, бир парчасини кўтариб чўққига етиб келди. Чўққига чиқди! Ғириллаб эсаётган ажиб бир шабада қучоқ очиб кутиб олди уни. Бош-оёқ чирмалди. Эти устихонига ёпишган, жон асари қолганми-йўқми, сезилмайдиган аъзойи бадани шу қадар роҳат туйдики! Азбаройи Сизифнинг кўзларидан ёш тирқиради. Жонига мисқоллаб жон қўшилаётганини яққол ҳис қилди у. Умри бино бўлиб не-не юрт кезиб бундай шабадага рўпара келмаганди. Лоақал мана шу лаҳзалар ҳақи чўққини забт этиш кўйидаги сўнгсиз уринишлари ва чеккан заҳматларига рози эди у. Чоққина ялангликда ер бағирлаб най саси таралди, Сизиф ёш боладай қийқиргиси келди, оёғининг остида бир текис ўсган майин майсада ўмбалоқ ошиб думалагиси келди, кўзлари чарақлади, ўзидан бир неча одим нарида, йўқ-йўқ, ёнгинасида садафдек, нуқрадай, оппоқ булутлардан-да оқроқ навраста қиз маммисини кўрдию кўзлари қамашиб кетди!..

\* \* \*

Сизиф шамоллар, булутлар ялаб-юлқайверганидан учи навраста қиз маммисига ўхшаб қолган симобдай оппоқ қоятошга чуқур таъзим айлагиси, икки қўллаб уни кўзларига суртгиси келди, бироқ дағал ва тошдек қаттиқ ва жонсиз қўлларини унга теккизишни раво кўрмади. Қолаверса икки қўллаб харсанг парчасини кўтариб турар, уни жуда-жуда авайлаб ва ардоқлаб мана шу яқин атрофга ўрнатиши зарурлигини унутмаганди.

Япалоқ тош парчасини боши узра кўтарди. Сизифдаги қувончли беҳаловатлик булутга кўчди, паға-паға булут бамисоли шўх рақсга тушди, осмон тўзғиди. Сизиф харсанг парчасини оёғи остига қўяр экан дамо-дам ўзи чиқиб келган йўлга қараб-қараб қўяр, хў-ў қияликнинг қоқ белида – сўқмоқ йўл ёқасида қолган қадрдони – харсангтош тинмай имлаб, уни ўзига чорлаётгандек эди.

\* \* \*

Сизиф эхтиросларини жиловлаб ололмаётган, бир зум тек турмас ва нима қилмоғи кераклигини билмасди ҳам. Қўл-оёқлари бировникидай, жонсиз таёқдай, кафти-бармоқлари акашак бўлиб тош қотганди. Ҳарчанд хаёлини жамлашга уринмасин, маррани забт этганлик шукуҳи зўр келаётганди. Аввал оёқлари, сўнг қўллари қалтирашга тушди. Чарчоқ ва толиқишдан эмас, йўқ, ҳаяжоннинг зўридан безгак тутаётган эди. Етдим деганда-я, мана, ниҳоят дея хайқирадиган пайти етганда-я, наҳотки, у қўрқаётган бўлса?! Ахир шу онлар орзусида озмунча машаққатларга бардош бердимми?! Озмунча!.. Эсанкирама, Сизи-иф-ф! Ҳушингни йиғ-ғ! Ҳайқирешга, дунёга жар солишга ҳали эрта, оғайни! Ҳовлиқма, биродар! Шодланганда шошилма! Шодланганда шошилма! Шодланганда...

### III

Тош қанчалик баланд отилса, у шунчалар шиддат билан пастга тушади. Одам-чи? Сизиф чўққидан қайтишда осмонга отилган тошдан-да тезроқ тушди. Ўзини тўхтатолмади – жадал юриб, жадал сирпаниб, жадал тойғаниб харсанг сари талпинди – у кадрдон ва ажралмас дўстини тарк этгандай, кадрдон оғайнисини тагин йўқотиб қўядигандай хавотирда куюндек, селдек оқиб тушди пастга. Бор бўйи билан харсангга ёпишганича уни қучоқлаб, нафасини ростлолмай анчагача тек қотди...

\* \* \*

Жазо чорасини тайинлаган маъбудлар маъбудининг хаёлига келмаган воқеа юз берди. Абадулабад харсангтошни тепалик сари думалатиш қисматиға мубтало этилган Сизиф бошига тушган жамики машаққат, жамики укубатга дош берди, харсангтош эса дош бермади! Бир парча этдан пайдо бўлган инсон чидади, сижжилми-темирми, метин харсангтош чидамади. У тинимсиз ва мутгасил равишда чўққи томон ўрмалайвериш, пастга қараб думалайвериш оқибатида мўрт дарахт танаси янглиғ емирилиш, синишга юз тутди. Харсангтош ҳар думалаганида ундан япасқи-япасқи парчалар ажралиб тушар, буларнинг бари Сизифнинг кўз ўнгида рўй беришда давом этар, буларни кўргани сари унинг хаёллари парчаланиб, пароканда бўлиб бормоқда эди.

\* \* \*

Харсангтош Сизифнинг кўзига ҳайбатли, маҳобатли, кўрқинчли кўринадиган замонлар аллақачонлар ортда қолди. Сизиф унга ўз исмини ўйиб ёзгач, унинг ёнидан “Коринф” деган сўзни илова қилгач, айниқса харсангтош юмалайвергани, думалайвергани оқибатида у емирила-емирила, парчалана-парчалана вазни енгиллашгани сайин Сизиф билан харсанг орасидаги муносабат тубдан ўзгарди. Орадаги рақиблик, ғанимлиқ кайфияти





барҳам топди. Сизиф энди ўзининг инсон ва каттакон шаҳар аъёнларидан эканлигини кўпда пеш қилмас (аллазамонларда эгаллаган мартабаси унут ҳам бўлаёзган), харсангга дўқ-пўписа ёғдирмас, тилига, оёқ-кўлига эрк бермас, телбалиги тутиб, осмонни титратаман, тоғни синдираман, денгизни чайқатаман деб биебонни бошига кўтармас... ўзида юз берган ва бераётган бундай ўзгаришлар боисини англаб етиш истаги кучайгани устига асосий мақсад-маслагини рўёбга чиқариш онлари яқинлашиб қолаётганини кўнгли сезаётган, сезгани сайин кучига куч, ғайратига ғайрат кўшила бораётганди.

\* \* \*

Сизиф харсангтошни чўкки сари юмалатиш жазосини ўташга киришганидан анчагина кейин ўзида ҳовликмаслик, шошма-шошарлик қилмаслик кўникмаси шакллана бошлаганини сезганди. У бир нарсага ишончи комил, яъни харсангтошни чўкки тепасига думалатиб чиқиш билан боғлиқ машаққат – қилаётган ишлари қанчалар гап-сўз бўлаётган эса, улар бугун учун қимматли ҳисобланса, бу машаққатларининг оқибати, яъни кунлардан бир кун келиб харсангтошнинг чўкки тепасидаги ялангликда қилт этмай туриши абадийлик, мангулик учун беминнат хизмат қилажанини яхши биларди. Шу ўйда ҳам у энг улуг, энг буюк... керак бўлса, замонлар келиб, бутун инсоният кадр-кимматини улуғлаш учун хизмат қиладиган савоб амал экану, керак бўлса... шаккокликка қўл уришдан қайтмайман, деган фалсафани ўзи учун ҳаётий маслакка айлантириб олганди.

\* \* \*

“Наздимда, одам боласи бағоят чала” деганди коринфлик бир донишманд, Сизиф ким экан у авлиё деб суриштиришни кўнглига туғиб юрган кунларнинг бирида янаям ғалати ҳикмат тарқатди ўша қария. Нима эмиш, инсон энг ваҳший, энг кўрқмас ҳайвонларга ҳавас қилиб уларнинг барча яхшиликларини ўзлаштириб ола-ола пировардида шу йўл билан инсонга айланган эмиш! Дабдурустдан бу ҳикмат моҳиятини англаб етмади у. Нақадар ажойиб фикр дедию, бошқа муносабат билдирмади. Ҳузуримга келтиринглар у авлиёни, ётиғи билан суҳбатлашай деди мулозимларига, бироқ ул қария узоқ йиллардан буён хонанишин умргузаронликка юз тутгани, кўзлари қарийб сўқир, ўзи эса беҳад бемор-бемажол эканлигини айтишди.

Мана, ўша ҳикматнинг мағзини чақадиган мавриди келди – Сизиф ўша мезондан келиб чиқиб ўзига ўзи баҳо бермоққа, ўзини ўзи таърифламоққа тунди. Хўш, арслонми у ёки бўрими? Қашқирми ёинки тулкмикан кўпроқ? Қарчиғайдир, бургутдир ҳойнаҳой? Бу сингари саволларга жавоб ҳам топар, илло-билло харсангтошлиги муқаррар-аниқ! Ҳа-ҳа, харсангтошнинг, тоғ-тошнинг, денгизу самода юзиб ўтқувчи булутнинг яхшиликларини ўзлаштирганига йўқ шубҳа! Бундан чиқди, ҳар банда етук ва комилликка етишмоғи учун нафақат ваҳший ҳайвонотдан, шулар қатори табиатдан ҳам энг зарур яхшиликларни тортиб олмоғи, ўзлаштирмоғи даркор. Билъакс ҳолда инсон иродаси табиат иродасини ўзлаштирмагунига қадар унга бас келолмайди, уни енголмайди.

\* \* \*

“Тушимда баланд қоя устига чиқиб олибман, қўлимдаги тарозини қўймай, бутун дунёни тортиб сотаман, дея жар солаётганмишман”. Тушини дoston қилаётган ким ўзи? Менинг номимдан сўйлашга ким изн берди? Чўққини забт этган мен-ку, мен! Денгиз мавжлари узра ялангоёқ югурган, парқу булутларни момикдай тўзитган ҳам ўзим, мана, чўққида қўним топдим. Чўққидаман! Тарози топсам бас, посанги тоши қўлимда. Мана, оёғим остида – чўққини тортаман, денгиз мавжларини, тепамда сузиб бораётган булутларни битта қўймай тортиб-тортиб, қадоқлаб-қадоқлаб улашаман, арзон-гаров сотаман. Ҳа-а, чиройли-бежирим қадоқлайман! Кеп қолинг, керагича опколинг! Тоғу тошдан, юмалоқ, думалоқ, бақалоқ харсангтошдан, денгиз сувидан, булутлардаги энг яхши фазилатларни олинг ўзингизга, асло кам бўлмайсиз! Янги ирода зарур одамларга, янгиси! Ҳаракатга айланажак ирода, ирода, ирода-а! Олинглар, истаганча, кам бўлмайсиз, яхшилар!..

\* \* \*

Тушимми-хушимми, деб ўйга толди Сизиф пича нафас ростлагач. Тушига ҳам, хушига ҳам ўхшади. Бироқ шу тобда унинг шартакилиги, таваккалчилиги тутди. Нима аҳамияти бор, туш билан хушнинг фарқи қолдими?! Ахир мен чўққидаман, чўққини ишғол этмоқдаман! Ҳадемай харсангтошни батамом олиб чиқаман ва вассалом! Вассалом! Чўққидаги одамнинг туши ҳам, хуши ҳам ҳақиқат, унинг айтгани айтган, дегани деган. Қани, унинг сўзини икки қиладиган мард сўзамол топилармикан? Қани қаттол, тошбағир маъбудлар? Келсинлар, кўрсинлар, Сизифнинг оёғи етган маррани! Неча замонлардан буён давом этган меҳнату машаққатлари эвазига харсангтошни, мана, кўринлар, бўлак-бўлаклаб бўлса-да, белгиланган маррага етказиб чиқди!

\* \* \*

Тош мамми симоб томчисидай оппоқ, ғоятда нозик, лекин одам бўйидан анча-мунча баланд экан. Чамалади, қўли етмаслигига амин бўлди. Қўли етганда-чи? Оқ тошдан ясалган... ким ясаган? Ҳозиргина сутга чайилгандек... ким чайган?.. Сизиф тахминларини чамалай туриб бир тутам булут мамми томон яқинлашганига кўзи тушди. Ким билсин, оппоқ булутлар салтанатида шу қадар сайқал топган, шу қадар нукрадай оқарган чиқар? Бир тутам булут изидан унга икки-уч баравар катталиқдаги булут муз тоғидай бўлиб яқинлашаверди. Сизиф шошиб қолди, қўлига тушган тошни олиб булутга қараб отди. Яна ва яна отди. У отган тошлар дом-дараксиз ҳавога сингиб кетди, бу ёқда эса булут парчаси ютоқиб маммини ялаб-юлқай бошлади.

Сизиф аламидан чўк тушиб бетини тиззалари орасига босди. Бошини кўтарди, худди кўмакка чақирмоқчи бўлгандек пастга – харсангтош қолган томонга умидвор мўлтиради.



\* \* \*

Пастда эса ҳаммаси эски ҳаммом, эски тос ҳолича такрорланди-қўйди: киялик ёнбағрининг қоқ ярмида тўхтаган харсангга тўсатдан жон кирди – у Сизифга ёрдамга ошиқиш ўрнига, гўё чўққи тепасида юз бераётган воқеадан – Сизифни хароб қилаётган ҳолатдан хабар топгандек тўсатдан пастга қараб думалай кетди. Харсанг гулдираб-қалдираб думалаб борар экан, Сизиф қулоғига чалинган мутлақо ўзгача шовқиндан хушёр тортиди. Нима бўлди? Харсангга нима бўлди? Тинчликми? Одамнинг, ҳатто ҳайвоннинг феъли қадам олишидан аён, мана, харсангнинг думалашини нима демокда? Сизиф аниқ пайқади: харсанг ҳозирга қадар неча қайта пастга думалаган бўлса, унинг шу сафардаги қуйига эниши мутлақо аввалгиларига ўхшамади. Харсанг замбаракдан отилган сопқондек эмас, юмалоқ-думалоқ нарсага ҳам эмас, балки ғалати шакл-шамойилдаги жисмга ўхшаб кетди – дам секинлашди, дам тезлашди, ҳатто бир-икки жойда таққа тўхтаётгандек бўлди. Ҳайбатли тошнинг бу тарзда пастга қараб юмалашини Сизиф ҳақиқатда биринчи бор кўраётган эди...

\* \* \*

У шу чокқача харсанг хусусида шуурини тўлдириб ташлаган шубҳа-гумонларини ўйлаб уялиб кетди. Ҳақ сўз тошни кесади деб ҳисобларди. Гарчи бу ақидасидан буткул воз кечмаган эса-да, ўрни келганда, ишонч, эътибор, меҳр-мурувват ҳақ сўздан-да каттароқ, қудратлироқ кучга эга эканлигига иқрор бўлди. Шубҳа-гумони ортгани сайин кўнглининг аллақайси бурчагида писиб ётган кўрқув унга тинчлик бермас, бундан келиб чиқадиган ҳаловатсизлик бир мушқулига ўн мушқул қўшар, ҳадик-хавотирда ҳовлиққани-ҳовлиққан, нима қилаётганини, харсанг теграсида ҳарчанд гирдикапалак бўлиб елиб-югурмасин, бирор иши-юмуши унмас, ҳам кўрқув, ҳам ҳовлиқиш... кўрққандан ҳовлиққан ёмон... Ҳақиқатда ҳам, одам ҳовлиққани сайин вақт силжимамай, бир жойда тақа-тақ қотиб қолади. Бу гап тўсатдан ёдига тушган дамларда Сизиф бирдан хушёр тортар, ўзининг қилиқлари беўхшов, бачкана туюлиб кетар ва ўтирган ё турган жойида атрофга аланглар, тоғ чўққиси томон, пастлик томон, шох-бутоқлари қора косовга айланган заққум дарахтига, ундан наридаги гоҳ сермавж, гоҳ “тўнини тескари кийиб” тунд бўлиб олган денгиз томон қаранар – мени кимдир кузатиб турган бўлса-чи, деган ўйда бирдан оғир-вазминлашар, аслида ҳам унга бировларнинг назорати остида қолиш, ўзгаларнинг назарнигоҳи остида яшаш аввал-азалдан жуда-жуда малол келарди. Кўрқув ва уят ҳисси исқанжасида қолиб кетарди. Бундай хаёллар тўлқинида қўли ишга бормас, борса-да, ҳаракатлари ҳаракатга ўхшамас, бинобарин, ҳарчанд чиранмасин-кучанмасин, харсанг атайин унга қасдлашаётгандек, турган жойидан бир чимдим ҳам силжимасди. Демак, харсанг ичимда кечаётган барча ҳис-туйғуларимни ҳис қилади, сезади, кайфиятимни илғайди. Сизифни ортиқча қийнагиси, ортиқча уринтиргиси келмагандек, “бу аҳволда

уннамай қўя қол” демокчидек бўлар, буни Сизиф харсанг томонидан ўзига кўрсатилаётган эъзоз, эътибор, марҳамат ўрнида қабул қилар, ҳамдардлик учун харсангнинг тош-метин танасига бетини қўйганича узоқ тин оларди.

\* \* \*

– Кучинг етмаса, кучанма!..

Сизиф дарҳол бошини кўтармади, аланглаб, бўзрайиб овоз келган томонни изламади ҳам, балки кўнглининг бир чеккасида харсанг тилга кирди деган хулосага келди.

– Харсанг бўлмаса, ким?.. Таниш, жуда-жуда таниш овози-ку! Ёки ўзи гапириб юбордими? “Кучинг етмаса кучанма... Кучинг етмаса кучанма... кучанма...” У яна бир неча бор такрорлади ҳозиргина қулоғига чалинган хайқирикни. Ўзининг овозига ўхшаб турибди, лекин у нега бундай деди? Овози бўғилиб чиқдими? Хирилладими? Бўғилиб айтдими? Ҳойнаҳой, бошқа одамнинг овозида гапириб юборгандир? Яқинларидан бирортасининг овози...

Сизиф ҳам ҳайрат, ҳам кувонч аралаш қийқириб юбораёзди. Яқин орада у қора қайиқда сузиб бораётган денгизчи чолни илк сафар кўргандагина шундай аҳволга тушган, ўшанда ҳам худди ҳозиргидек ҳаяжонини босолмай қолганди. Наҳотки, балиқчи чол уни зимдан кузатиш учун юборилган бўлса?! Бошини кўтармай, юз-кўзини яшириб ўтирганидан ҳам сезгандай эди-я! Ў, писмик, ў-ў, хунаса!

У ҳайқириғидан биёбонни ларзага солгудай важоҳатда сапчиб пешонасини харсангдан узди ва тўрт-беш одим жадал нари бориб денгиз томонга кўзлари кинидан чиқиб кетгудай ўкрайиб қаради. Денгиз сатҳи нима демокчисан, дегандек, тим қора – хўмрайган. Аксига олиб, қора қайиқдан дарак йўқ. Сизиф иккала муштини боши узра ҳаволатиб ўдағайлади. Кузатаверинглар, ўзларинг гапириб ўзларинг қулоқ солаверинглар! Мен ўша-ўша Сизифман, Сизиф бўлиб қоламан!

У турган жойидан ортига ўгирилди, дам ўнг, дам сўл томонга четлашиб, харсангга саросар разм солди. Топаман, деди тишларини ғижирлатиб, пешонаси тиришиб кетди. Топаман! Бу... бу... Сисифнинг товуши! Аниқ, топдим! Сисиф! Қадрдон! Айт, гапир, яна бир оғиз овоз бер!.. Бир оғиз!..

\* \* \*

– Ҳа, мен ҳамиша Сизифлигимча қоламан, аммо-лекин манави ҳаёт, манави биёбон ўзгартирмадим мени? Йўқ, феъл-хўйим ўзгарди, энди мен бошқача одамман, бошқача инсонман! Курмағур, ўша авлиёнинг гапи тўғри – одамлар жудаям чала. Чала туғиладилар, чала яшайдилар ва чала ҳолда ўлиб кетадилар. Ҳатто ушбу ҳақиқатни англаб ҳам етмайдилар. Чала одамнинг шодумонлиги, қайғулари ҳам тўкис бўлмайди. Ҳа, худди шундай – мен одамлар бошқача одам бўлишлари керак деб ҳисоблайман! Бошқача одам!..



\* \* \*

– Овозларингни соғинди-им-м...

Бир зумнинг ўзида Сизиф тамоман ўзгарди-қолди. Хаёлига келган ўйдан унинг юраги орқасига тортиб кетди.

Аниқ эшитди ахир у, жони ўртанибла кетди – Сисифнинг ўзгинаси, унинг қадрдон товуши эди! Фақат, наҳотки, унинг шу тобда кўнглининг туб-тубида пайдо бўлган шубҳаси чин бўлса?! Сисифни харсанг ютган! Аллақачон гумдон бўлган, Сисиф!

Сизиф нола чекиб юборди:

– Ҳой, харсангтош, ёрилтош, ичингга бир қарайин, йўлдошимни кўрайин. Бағримга бир босайин, дийдорига тўяйин. Ҳой, ёрилтош, ёрилтош!..

\* \* \*

Кўнглига оралаган гумони Сизифни тамом ҳолдан тойдирди:

– Сисифни харсанг ютган!.. Харсанг синиб, майдалана бошлагани боис, ҳа-ҳа, худди шундай – харсанг уқаланиб-емирилиб, синиб-синиб туша бошладию, Сисифнинг товуши чиқиб қолди!..

\* \* \*

Унинг хаёли тўзғиди, айниқса учинчи сафар харсанг парчаларини чўққига олиб чиққанида аввалги сафардаги хурсандлик, шодиёнадан асар ҳам қолмаганди. Аниқ эсида – икки бўлак тошни аввалги олиб чиққан харсанг парчалари устига қалади. Бу сафар жонга роҳат бағишловчи майин эсаётган шабадага ҳам, ҳатто тош маммининг ақлдан оздирувчи шаффофлигига ҳам чалғимади. Аксинча у ўзида юз бера бошлаган ажабтовур ва тушуниксиз ўзгаришни англашга уринаётганди. Ҳарчанд уринмасин, ўйларини мияга тўплайдиган ҳолда эмасди. Ўйлари булут устига мингашган булутдай, мужмал ва рангсиз эдилар. Негадир у шу турган жойида ухлаб қолгиси келаетганди. Лекин у бунга йўл қўёлмас, қўйган тақдирда ҳам кўзларининг уст пардаси юмилса-да, ич пардаси юмулмоқ истамас эди. “Нима бўлди менга?” деган савол шуурида ғужғон ўйнар, лекин бу саволга жавоб топиш учун эса шу арзимас уч сўзни шуурида бир жойга тўплай олмаётганди. Вовайло уринди, учала сўз бошининг уч томонига тарқалиб, ҳар томондан пойма-пой овоз беришга тушиб, паришонлиги чандон ошса ошдики, заррача тиниклашмади.

\* \* \*

Паришонлик миясини қора ўйларга буркаб ташлаган, бунинг оқибатида тамоман ҳам ақлан, ҳам жисман ҳаловатини йўқотганди. Шуурини қора ўйлар ишғол қилган, шу кайфиятда ҳатто ўзи неча вақтдан буён интизор кутаётган қора қайикни кўришга ҳам хоҳиш-истаги қолмаганди. Аксига олди – денгиз сатҳида кўринган қора қайиқ сузиб боряптими, лапанглаб бир жойда жилмай турибдими, узоқ тикилса-да, тушунолмади. Бу пайтда у

балиқчи чолдан шубҳаси фаромуш бўлган, хаёли мутлақо бошқа ўй билан банд эди. Ўша ўй таъсирида овозининг борича бақиришга тушди:

– Ваасс!.. Хаас!.. – У оғиз жуфтладию, айтмоқчи бўлган сўзини тополмади. Дик этиб қад ростлади, балиқчи чолнинг афт-башарасини янаям аниқроқ ва тиникроқ кўргиси келди. Афсус, у тоғ ёнбағрини, айниқса харсангтошни ташлаб денгиз томон йўл сололмайди, таваккал қилолмайди. Нима қилса шу турган жойидан айтадим, бақирадим, самоларни ларзага соладими, лекин... нима бўлди, нега айтишга жазм этган сўзини тополмаяпти? – Ссупп!.. Оссу!.. Эсимни йўқотдимми? Ақлим заифлашдимми? Менга нима бўлди, ўзи?! Наҳот шунчалар яқиним, ҳамфикр-маслакдошим исмини ёддан чиқарган бўлсам?!

– Асоп! – дея тўсатдан ҳайкириб юборди Сизиф, ниҳоят, бир муддат каловланиб тургач. Бўғзидан отилиб чикди бу сўз. – Топдим – Асо-оп-п! Асоп!

Чақиришга чақирдию, бирдан тилини тишлади. Балиқчи қария эшитиб қолса, шартта қаддини ростлаб Сизиф томонга ўгирилса!.. Бордию у Асоп бўлмаса-чи? Нега бақирасан, бобой, балиқларни ҳуркитиб юбординг-ку, деса нима қилади? Хижолатпазликни, мулзамликни айтмайсизми! Шунинг учун... Бироқ у беихтиёр хаёлига келган фикрдан воз кечолмади.

– Мен Коринф шаҳрини харсанглардан тиклаб унга мангулик бахш этдим, эвазига харсангтош билан юзма-юз қолиш жазосига маҳкум этилдим, – деди Сизиф аёнлик замонларидаги оҳангда, салобат билан.

– Эҳтимол... – деди Сисиф мулойим истехзо оҳангида.

– Сувлар ва дарёлар илоҳи бўлмиш Асоп шўрликка эса... кўряпсан, бепоён денгиз узра мақсадсиз сарсон кезиш жазоси тайинланган!..

– Қайдам... – Сисиф яна тайинли жавоб қилмади.

Сизиф унда бурунги илиқликни, ҳароратни туймади. Лекин у ўз фаразида қойим эди.

\* \* \*

– Топдимми? Тахминим тўғрими? Айт, Сисиф, нега жим бўлиб қолдинг, кадрдон, сирдош?! Айтдим-ку, мен илгариги Сизиф эмасман, феълим ўзгарди, мен энди тамом бошқа одамман, Сисиф! Тушуняпсанми, бошқа одамман! Мен тоғ этаги биёбонида, Асоп эса денгизда сарсону саргардон, шундай эмасми? Адоқсиз ва маънисиз сарсонлик жазосига маҳкумлармиз!..

Сизиф тўкилиб-тўкилиб гапирмоқчи эди, бироқ Сисифдан жавоб бўлмаётганини кўриб, оғзини жуфтлаганича қолди...

\* \* \*

Кунмиди ё тунмиди, ёруғ эдими ё зимистон, уйкуда эдими ё хушида – Сизиф бу ҳақда заррача ўйлаб ўтирмади, шашт билан оёққа қалқди, у кўз ўнгида юз берган ва бераётган воқеаларни англаб етишга қийналаётган, ўзини кўярга жой тополмай гангиб қолаётган, ҳатто доводириётган ва худди шундай қилса ақл-хушини ўнглаб оладигандек ўзидан-ўзи харсанг агрофида дам югуриб,



дам оҳиста юриб гир-гир айланишга тушди. “Лака-лум, лак... Лака-лум, лак... – У чўлоқланиб, лапанглаб югурадиган бўлиб қолганди. – Лак-лак, лакалум. Лак-лак-лак, лакалум!” Бу баҳайбат юмалок, думалок, бақалоқдан хавфсирашлари беҳуда экан. Қачондир, кунлардан бир куни босиб, янчиб кетади деган ўйлари пуч экан, ҳеч қачон, ҳеч замонда кўнгли юмшамайди, менга бўйсунмайди деган хавотирлари пуч экан – бари ортда қолди. Энди эса аксинча, ҳа, буткул акси – харсангтош Сизиф учун, Сизиф эса – харсангтош учун яралган. Бинобарин, Сизиф тошдан кечмаслиги, уни кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқлиги беасос, қандай бўлмасин, кимлар нималар деб маломат ўтларини ёғдирмасинлар, Сизиф зиммасидаги буюк вазифа-бурчни адо этиш ҳақида қайғурмоғи, яъни харсангни юқорига, юқорига қарата думалатишда давом этмоғи, неча йил, неча замонлардан буён чўққига олиб борадиган сўқмоқ бўйлаб харсанг неча қайта пастга қараб юмалаган бўлмасин, бундан қатъи назар, Сизиф қисматига битилган ҳукми азалдан юз ўгирмайди. Ҳар банда манглайига битилган қисматни адо этмоқлик учун келади ахир дунёга.

\* \* \*

У харсангнинг ёнига етиб келди, нафаси бўғилаётганига қарамай пича тин олдию, бетини харсангтошга босди... Оҳиста чўк тушди, чалқанчасига ётиб ёнгинасида, тепасида тоғдек бўлиб турган харсангтошдан кўз узмай, термилиб қолди. Ён-верига ўгирилса, ҳатто бир зум кўзини юмса ҳам харсангга нимадир бўладигандек, у тўсатдан ҳаракатга тушиб аллақаяқларга равона бўлиб қоладигандек ҳам хавотир, ҳам ички бир ачиниш туйғуларидан изтиробга тушган кайфиятда ётарди. Сисифни ютса ютгандир, мени ютмас... Мени ютмайди, харсанг. Одамни ютадиган холи қолмаяпти, унинг... Учовлон – Сизиф, Асоп, Сисиф дийдор кўришсалар борми, нақ мўъжиза юз беради-ку, бу жазо биёбони шодумонлик биёбонига айланади-ку! Сисифни харсанг қорнидан, Асопни қора қайиқдан халос қилса! Учовлашиб... Қайдасиз, бемехр, малъун маъбудлар?!

\* \* \*

Сизиф қандай юмушга қўл ураётганини ўзи ҳам англаб етмади, ортикча ўйлаб ҳам кўрмади – харсангдан бўлиниб тушган парчани икки қўллаб қучоғига босганича чўққи томон жадал йўл олди. Юқорилагани сайин йўл тиккасига қиялиги орта бораётганини пайқади. Шунда ҳам тўхтамади, илгарилайверди. Нафаси қиса бошлади, толиқди, ҳордик чиқаришни кўзлади, ниятидан қайтди – йўлда давом этди. Қўл узатса етгудек кўринган чўққи бу қадар олислигини ўйлаб кўрмаганди. Энди эса ўйлагиси ҳам келмади, балки йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди. Аъзойи баданидан тер куймайдиган бўлиб кетганди. Йўлида катта-кичик қўлмакларни шалолатиб кечиб ўтаётганига ҳайрон бўлди. Бир неча бор тойганиб-қоқилиб йиқилай деди. Қариганда мошга тойганасан одам, қилга қоқиласан, шабадага чайқаласан, банда... Қучоғидаги харсанг парчасининг залвори сезила бошлади. Сал бўш келса, тошнинг оғирлиги уни туришича пастга қараб тортиб кетадигандек

эди, бироқ Сизифнинг вужудини қоплаган важохат, кўнглига туккан ният, мақсад энди у қасд қилган иродасининг букилишига йўл қўймас, уни йўлдан қайтаролмасди. Ана шу қатъият унинг кучига куч, иродасига ирода қўшди.

Сизиф чўкки тепасига етди, сўнги кучларини жамлаб худди бутун оламга кўз-кўз қилмоқчидек харсанг парчасини боши узра баланд кўтарди-да, тош маммининг ёнгинасида охиста ерга қўйди. Харсангни у парчалагани йўқ. Унинг ўзи парчаланиб кета бошлади. Жазони тайинлаган маъбудларнинг маъбуди ҳам, уни шу биёбонда якка-ёлғиз қолдириб кетган маъбудчалар ҳам ўйлаб-нетмаганлари муқаррар бундай бўлишини. Бу ёғига бошқа чора йўқ, харсанг бўлақларини битта-битталаб бўлса-да, барини чўккига олиб чиқади. Шу ерда ундан юмалок, думалок, бақалок харсангтош ясайди. Ана, қават-қават осмонлар, момик булутлар, дайди шамоллар, тоғу тошлар, майсалар шоҳид, ҳаммасига!

У шу ўй, шу хаёлда шитоб билан пастга қараб ғизиллади.

\* \* \*

Сизиф шошиб қолди – дастлаб кимнинг дийдорига етишини ўйлади. Лекин ихтиёр-изн унда эмас, бинобарин, шу онларда Асоп ҳам, Сисиф ҳам бирдек қадрдон, бирдек азиз эдилар унинг учун.

Харсангнинг биқинига қулоғини босди. Назарида унинг ичидан элас-элас қандайдир сас-садо келаётгандек. Бу ивир-шивир харсанг ютиб юборган кимсаларнинг, жумладан Сисифнинг товуши эди. Товуш бегона эмас, Сисиф шу ерда – Сизифнинг ёнгинасида, шундай экан, ҳадемай у билан дийдорлашади.

У умид билан денгиз томон қаради. Заққум дарахтидан ачимсиқ куйинди ис келяпти. Уммон сатҳи бир текис, жимир-жимир қилар, ҳеч бир жонзотдан дарак йўқ эди. Қайикчи чол қаерларга сузиб кетди, яна қачон бу қирғоқларда пайдо бўлади?.. Денгиз томондан бу каби саволларни ойдинлаштирадиган ҳеч бир белги, ишора йўқ эди. Лекин Сизиф бирон лаҳза умидини узмади. Чол қайтиб унинг кўз ўнгида пайдо бўлишига ишонар, ана ўшанда кўзига кўринган захоти овозининг борича чақиради. Асо-оп, деб ҳайқиради! Ўйлай-ўйлай ёдига туширди бу исмни, топди, худди харсангни чўкки тепасига олиб чиққандек севиниб кетди. Яна хотираси панд беришидан кўрқиб шу қадар кўп такрорладики!.. Асоп, Асоп, Асоп!..

\* \* \*

Сисифнинг совуққонлиги Сизифни қаттиқ ўйга толдириб қўйди. Бу ниманинг аломати, нимадан дарак бермоқда бундай бепарволик? Нахотки, икки ўртадаги яқинликка путур етган, бегонага айланган бўлсалар улар?!

\* \* \*

Энди харсанг одатдагидек осонлик билан йўлга тушмас, уни жойидан жилдириш, яъни дўқирлатиб думалатиш учун Сизифдан анча-мунча куч талаб қилинаётганди.





Тепалик бошланди. Сизиф шикастланган оёғини авайлайдиган, эҳтиёт-ламаган тақдирда ҳам уни зўриктиришдан наф бўлмас, шу боис чап оёғини харсанг остига пона қилиб иккала кафти-елка аралаш харсангни юқорига томон илгарилатишга тушди.

Харсангнинг юмалоқлиги, думалоқлигидан асар ҳам қолмаганди. Синган-нетган жойлари туфайли у одатдагидек бир текисда думаламас – бу ҳол Сизифнинг мушкулини оғирлаштирган, энди харсангни жойидан жилдириш – у ён, бу ёнига ағдариш анча куч-қувват талаб қилаётганди. Лекин харсанг аввалгидан анча-мунча енгил тортган – бу жиҳати Сизифнинг ишини бир қадар енгиллаштирган эди.

Шу тобда у ғалати ҳолатга эътибор қилди: ўнг қўли чапига нисбатан ожизроқ туюлди. Ахир шикастланган ўнг оёғи эди, ўнг қўли эмас-ку! У ҳолда нега ўнг қўлига чап қўличалик куч келмаяпти?.. У ўнг кафтини, бармоқларини, билагини – елкасигача назардан ўтказди. Қотиб, қуришиб устухони қолибди, холос. Ахир унинг ўнг қўли кучлироқ эмасмиди?! Ўнақай эдими у ёхуд... чапақаймиди?.. Наҳотки, Сизиф шуни эслолмаса?! Ахир шу эрдан чиқадиган нарсами?! Одамларнинг аксарияти ўнақай бўлармиди ёки?.. Эсида, фақат ўнг қўлимга таянаман, деб юрарди. Мана, ишонган қўли панд беряпти. У иккала кафтини боши узра ҳаволатиб осмонга қаради. Панжалари, билакларига термилиб қолган Сизифнинг диққатини кўз ўнгидан сузиб ўтаётган паға-паға оппоқ булут увадалари тортди. Зардаси кўзидиё, уни сездирмасликка ҳаракат қилганича харсангга ёпишди. Иккала кафти, тиззаси, елкасига кўксини ҳам қўшди. Харсанг бир силжидиё, ярим қадам юқори кўтарилиб қотди-қолди. Сизиф харсангнинг синиб тушган жойига пешонасини қўйди, оёқ-қўллари бўшашиб, ҳаракатдан тўхтади. Ўнг оёғи, ўнг қўли, чап кўзи панд бера бошлади. Шу боис харсанг ҳар сафар синиб-парчаланиб тушганида сезиларли даражада енгиллашаётганидан қувонса, бунга сайин эса Сизифнинг қўл-оёқларидаги мадор тугаб бораётгандек эди. Бордиё, қўл-оёқларини мутлақо қимирлатолмай қолса-чи? Куч-қудратига қўшилиб тажрибалари ҳам иш бермай қолса?! Оддий инсоний турмуш тарзи-муҳити бўлганида у мана бундай ишларнинг бирортасига қўл уриш у ёқда турсин, қайрилиб қарамасди. Якка ўзи бу харсангни итариб чўкки сари думалатишга уриниш эмас, ҳатто шу ҳақда ўйлашни даҳшатли-хатарли юмуш сифатида ўзига эп билмасиди, тасаввурига сиғдирилмасиди, инсон боласига раво кўрмасиди. Бу ерда эса... Бу ер, бу аҳволда...

\* \* \*

Сизиф ўзи харсангтош билан биргаликда чиқиб-тушавериб очган сўқмоқ йўл ёқалаб пастлаётиб харсангнинг икки бўлак синиғини кўрди. Каттароқ ликопчадек, ичи-ташқариси биллур янглиғ ялтирайди, кирралари эса қиличнинг дамидек – ўткир, кескир.

Сизиф иккала “ликопча”ни устма-уст тахлади-да, авайлабгина кўтариб, оғир-оғир қадам босганича чўкки томон йўлга тушди.

У бояги-бояги ниятида қойим – харсангдан узилиб тушган бўлақларни

битга-битталаб бўлса-да, чўққига олиб чиқади. Сўнгра тобора енгил торга-ётган харсангни думалатиб, эҳтимол, даст кўтариб чўққига етказиб бориш осон кўчади. Харсангни эсон-омон маррага кўндиргач, унинг синикларини уюб харсанг устига тахлайди, ғиштдек теради.

Кўлидаги харсанг синиклари айтарли оғир эмаслиги туфайли шекилли у бирмунча осонлик билан чўққига етиб борди. Тош парчаларини аввалги сафар олиб чиққан синиклар устига қўйди. Қилаётган ишининг унумидан мамнунлигини яширмай кушдай енгил тортиб иккала кўлини боши узра кўтариб аввал осмонга қаради, сўнг пастга назар ташлади. Хў-ў, пастликда харсангтош якка-ёлғиз худди ташландик матоҳдек бечора, маҳзун бир кайфиятда қолганди. Оғир қайғуга ботган жондордек кўриниб кетди у Сизифнинг кўзига.

Қадрдонининг ёнига ошиқди.

\* \* \*

Сизиф ўнг чаккасини ерга босиб узоқ тин олиб ётди. Ер қаъридан гулдираган, ғўлдираган сас келмоқда, ҳадемай оёқ остидан саноксиз издиҳом чиқиб келадигандек, денгиз безовта шовулляпти, ҳадемай тўфон кўпадигандек, тоғ чўққисининг тепасидан кимдир гурзи билан урмоқда, тоғу тошни қозик янглиғ ерга қоқиб ташлайдигандек... Харсангтошнинг ичидан ивир-шивир, ивир-шивир товуш чалиняпти кулоққа, демак, тошнинг ичи фақат тош эмас, у ерда бошқа нималардир... Сисиф... эҳтимол, яна кимлардир бор, Сизифнинг юраги сезиб турибди. Сисиф, ҳадемай, дийдор онлари етади, Сизифнинг бағри тўлади, тўкис одамга, тўкис иродага айланади. Бу ҳолни ҳатто харсангни шу ерга келтириб қўйган маъбудлар ҳам ўйлаб кўрмаганлари аниқ, замонлар келиб, бу харсангтошнинг қаъри ивир-шивирга тўлалигини қандайдир худобезори банди Сизиф кашф қилиши тушларига кирибдими!..

Сизиф чап чаккасини ерга берди. Жимжит. Узоқ пойлади у. Бирон шовқин, сас-садо йўқ – жимжит. Ўнг томонини босди. Бояги-бояги товушлар, овозалар эшитилди. Бундан чиқди, чап кулоғи оғирлашган... Демак, ўнг кўзи, ўнг оёғи ва чап қуло... Сизиф ерга чалқанчасига ётиб осмонга қаради. Катта-кичик булут тўдалари кумушдек оппоқ, изма-из карвон тортиб ўтишяпти. Ҳар бир булут тўдаси бири биридан ғалати-ажабтовур жондорларни эслатади. Сизиф қилт этмай турган бу “жондор”ларнинг аслини ҳаётда кўрмаган, кўпларининг номини ҳам билмайди. У чап кўзини кафти билан ёпди.

\* \* \*

Булутлар карвонининг йўналишини яқинда пайқаб қолди Сизиф. Увада-увада бўладими, сидирғасига осмонни қоплаган бўладими, чароғон ёхуд тунд-қорамтир бўладими, қатъи назар, булутлар Сизиф ишғол этишга уринаётган тоғ чўққиси тепасида бирров йиғилиб, бамисоли қиз маммини тавоф қилгачгина денгиз томон йўл олишар экан. Булут оқими яқинлашгани сайин эса денгиз сатҳи ҳаракатга тушар – тўлқин изидан тўлқин келиб қирғоққа урилар, оппоқ кўпиклар фаввора ясаб ҳавога сочилар, Сизифнинг нигоҳи илғамайдиган олисларга бориб эса булутлар ўйноқи денгиз мавжлари оғушига сингиб кетишарди.



\* \* \*

Сизиф харсангнинг катта-кичик синган, учган жойларини бир сидра кўздан кечирди. У қандай ҳодиса юз бераётганини энди англаб етган, бироқ унинг оқибатини ҳамон аниқ тасаввур қилолмаётган, бир кўнгли қувонса, бир кўнгли беихтиёр хавотирга тушаётганди. У худди дўстининг кўнглини кўтармоқчи, унга тасалли бермоқчидек харсангнинг “кифти”га шапатилаб қўйди, икки чек-касига қулочи етгудек япаски бўлак синиб тушган жойини силади. Харсангнинг юмалоқлиги, думалоқлиги, бақалоқлигига путур етганига термилиб қолди.

– Қани, йўлга, оғайни, – деди Сизиф харсангдан кўра ўзига далда бўладиган оҳангда, баланд товушда. Шундай деб харсангни жойидан кўзғатишга чоғланди. Харсанг одатдагидек беш-олти одим жойга юмалаб бормади. Бир ёнбошга ағдарилдию, тўп этиб тушганча тек қотди. Сизиф кучига зўр берди – икки кўллаб, тиззалаб, кўкси аралаш харсангни кўтарди. Харсанг яна тўп этиб бошқа ёнбошига ағдарилди-да, тураверди. Харсанг сингани сари унинг юмалоқлигига путур етаётган, шу боис бурунгидай думалолмаётган, лекин унинг аввалги залвори, оғирлигидан асар ҳам қолмаётгани яққол сезилаётганди. Демак, энди у юмалоқчи-думалоқчи эмас, ўрмаловчи, одамлар сингари қадамлаб тик юрувчи ҳам эмас, балки у ён, бу ёнга ағдарилиб-ағдарилиб, тўмпарилиб-тўмпарилиб ҳаракатланувчи, бақалоқлигига ҳам анча-мунча путур етган – тобора ихчам тортаётган харсангга айланганди.

Сизиф саркаш хаёлларга чек қўйиб, харсангни дам у ёнбошига, дам бу ёнбошига ағдара-ағдара йўлнинг танобини тортаверди. Бир пайт Сизиф аввал гурс этган, кетидан қарс-с этган шовқиндан чўчиб тушди. Не кўз билан кўрдики, харсангнинг ёнбошида Сизифнинг бўй-бастидан чоғроқ бўлаги синиб ётарди. Харсангнинг ичи-бағри очилди деб кутганди у, шу хаёлда шошиб янги синиқ жойига қаради, бироқ харсангнинг бағри тим қора, қоронғилик орасида тиканак учидек йилт этган зарралар сочилиб ётарди. Сизиф шуни ҳам яхшиликка йўйди – йилт этган, милт этган нур борми, демак, тош йўнувчи мўйсафид устабоши назарда тутган харсангнинг қалби мана шудир ҳойнаҳой? Топабилиш деганмиди, кўрабилиш деганми, нима деган тақдирда ҳам Сизиф икки кўзи билан кўриб турибди!

\* \* \*

У янги синиқ бўлакни икки кўллаб тепага қарата судрашни мўлжаллаганди. Оғиргина экан, кичикроқ ва энгилроқ бўлса чўққига олиб чиқиш осон кўчарди, лекин начора, бориға барақа, қайтанга харсанг янаям энгиллашгани аниқ. Яна бир-икки марта мана шундай синиб тушса, у ёғи... Сизифнинг бор мушқули осонлашади-кўяди.

– Марра яқин, Сисиф, шундай эмасми, кадрдон?

Сизиф қулоқ солиб кутди, пича фурсат ўтказиб саволига ўзи жавоб қилди:

– Шундай...

Сисифнинг совуққонлигидан Сизиф тутақиб кетди. Бирдан ичи хувуллаб қолди. Ўзини жудаям ёлғиз, ҳатто чала одам ҳис қилди. Яқин орада бу

қадар хўрлиги келмаганди. Сисиф ҳам бегоналашибди, у ҳам жонига ора киролмас экан, у ҳолда... Сизиф харсанг синиғини икки қўллаб тутганича алам билан уни тепага қарата тортишга тушди.

– “Шундай” ҳам гапми! Худди шундай! Марра яқин! Ана, қўл чўзсам бас! Харсангнинг ичи тош эмас, ичи тўла йилт этган, милт этган нур! Харсангни чўққига олиб чиқмаган номард, ношуд! Мен ўзим, ёлғиз ўзим олиб чиқаман! Маъбудлар кўриб қўйсинлар, ўшанда, одамлар кўриб қўйсинлар, ўшанда! Ҳа-ҳа-а, қараб туринглар, шоҳиди бўлинглар-ар-р!..

\* \* \*

Чўққига етиб чиққан Сизиф ҳолдан тойиб ўтириб қолди. Бироқ у оёқ-қўли, аъзойи бадани толиққанидан эмас, руҳида кечаётган ҳолатни тушунолмаётганидан ҳолдан тойганди. Дастлабки сафар харсанг бўлагини олиб чиққанида севинчи ичига сиғмаган, азбаройи тортинмай-нетмай қичкирган, ҳатто харсангни батамом олиб чиққанида нима деб оламга жар солишини ҳам чамалаб қўйган, фақат ўша сафар пастда – тоғ ёнбағрида ёлғиз қолган харсангнинг аҳволидан хавотирда ҳаялламай ортига қайтганди. Энди эса... Сизиф ўтирган жойида атрофни кузатди, самода дам сузиб, дам тек туриб қолаётган булут тўдаларига термилиб ўтирди. Назарида парку булут тўдалари денгиз жилваларига кўшилиб кетди. Қора қайиқни, балиқчи чолни кўргиси келди Сизиф. Асоп... Қизининг аҳволи нима кечди экан?.. Сисиф... Сизиф пастда анчагина ихчам тортган харсангга разм солди. Уни думалатиб чўққига олиб чиқиш ўтирган жойида жуда-жуда оддий, жўн, ҳатто арзимас машғулотдек туюлиб кетди. Шунда Сизиф шу чокка довур тоғ ҳақида ўйлаб кўрмаганига ҳайрон бўлди.

\* \* \*

Аллақанча дафъа чўққи томон кўтарилишга уринганларида эмас, мана, чўққидан пастга тушаётганида тоғ ёнбағрининг бу қадар нишаблигини ҳис қилди. Тоққа чиқишдан кўра, ундан тушиш мушкулроқ эканлигини биларди. Бироқ у фақат ва фақат тепага қараб ўрмалаш хаёлида, ҳаракатида яшади. Изидан қайтмас кумурскадек, саккиз-ўн оёқли ўргимчакдек ўрмалади. Харсангни чўққига томон думалатишдан бошқа ҳеч нарсани кўзламади, ўйламади. Харсанг ҳам озмунча унга бўйсундими! Лекин, мана, оқибат, мана, кўриб турибди у ўз кўзлари билан! Ва яна бир қатга ҳақиқатни англаб етаётганидан ҳаяжонини босолмай қолди. Харсангтош бирор марта юқорига кўтарилиш чоғида эмас, фақат ва фақат пастга тушаётгандагина, пастга қараб думалаш чоғидагина сина бошлади. Пастга энаётган лаҳзалардагина харсангнинг метинлиги панд берди – у синишга, парчаланишга юз тутди. Харсангтош чўққига чиқиш укубатларига эмас, тепадан пастга тушиш машаққатларига дош бермади.

\* \* \*

Тоғ ёнбағри текис ва равон бўлмаса нима қиларди Сизиф? Ўйдим-чуқур бўлганида, чакалакзор, юлғунзор қоплаган ёхуд йўл ўнгурзорлар оралаб



тушганда-чи? Бу борада Сизифнинг омади чопгани аниқ, тўппа-тўғри йўл, қўл чўзса етгудек марра. Тўғри, хийла қиялик ва харсангнинг залвори, оғирлиги йўл қўймади зиммасидаги жазони эртароқ ўташга. Лекин у бўш келмади, барча машаққатга чидади. Денгиздан, булутдан, ҳатто харсангтошнинг ўзидан мадад олди, фақат негадир тоғ ҳақида ўйламабди. Хуноби тошганида, алам жон-жонидан ўтиб кетган пайтларда тоғни ўпириб-қўприб ташлаши мумкин эди. Ёки харсанг билан тил топишган кезларида тоғ билан тиллашиш ҳақида бош қотирмаганига ҳайрону лол қолди.

\* \* \*

Сизиф осмонга кўз тикди. Украдай оппоқ ва паға-паға булут ошиқмай-нетмай оқиб бормоқда. Сизифнинг назарида булут жуда имиллаб ҳаракатланаётгандек туюлди. Бу кетишида гўё вақт ўтмаётгандек, булутнинг имиллаши вақт ўтишини секинлаштириб қўяётгандек эди. Ваҳоланки, вақт буткул тўхтаб қолмаган, балки мудом ўтиб бораётганини Сизиф кўпдан буён булут оқимиға қарабгина чамалаётган – кейинроқ эса булут оқими билан денгиз сувининг мавжланишлари орасида пинҳона яқинлик, ўзаро хуфия “битим” борлигини пайқаб қолди.

\* \* \*

Харсанг думаламай қўйди. Энди у худди тўртала томони тенг кўтарилган супачадек, бундай жисмни думалатиш эмас, суриш, у ёки бу ёнига ағдариш йўли билан тепаликка олиб чиқиш мумкин, холос.

Сизиф шунга ҳам рози ва хурсанд эди. Унинг учун қандай бўлмасин, харсанг жойида туриб қолмаса, бир қадам, бир қулоч бўлса-да, ўзига бўйсуниб тепалик сари илгариласа бас. Сизиф шу ниятда харсангни жойидан жилдирди. У ҳали думалоқлиги сақланган сиртида бирмунча осон думалар, ўйилиб тушган жойи билан тап этиб тушган жойидан эса уни яна кўзғатиш, жилдириш учун Сизифдан бир талай куч-қувват, бардош-ирода талаб қилаётганди.

Хайрият, харсанг аввалгидан анча-мунча ихчам тортган, агар парчаланиш давом этса, у холда Сизифнинг машаққати янаям озаяр, вазни енгиллашган харсангни ортиқча машаққатсиз чўққига олиб чиқади-да, ундан кейин... ана, кейин...

\* \* \*

Сизиф сўлоқмондай харсанг бўлагини чўққига олиб чиққан дамда кўнглига оралаган ғалати нохушликни қайта туйди. Чиндан ўша сафар кўнглида бир ғалати шарпа пайдо бўлган, лекин Сизиф унинг қандай ва ниманинг боисида пайдо бўлган кўнгилашлик эканини англаб етолмаганди. Мана, ўша кайфият яна уни ўйга толдирди. Нахотки, бу харсангни чўққига олиб чиқиш билан боғлиқ бўлса? Ахир неча замон, неча даврлардан буён ўйлагани, интилгани, истагани шу эди-ку! Ниятига етмоқда-ку, у ахир!

Сизиф атайин қўл силтади-да, адоқсиз ўйларни ўзидан йироқлаштириш ниятида харсангга тармашди. Уни бир уринишда кўтариб ташлади. Яна, яна, яна. Харсанг бир неча одим илгарилади. Сизифнинг димоғини ғалаба эпкини қитиклаётганди. Назарида шу кетишнинг ўзида чўққига етиб борадигандек эди. Денгиз томон умидвор тикилди. Уммон сатҳи эса деярли қилт этмас, бундай пайтда қора қайиқни кўришга умид ҳам боғламас – қора қайиқ ўрнига кўз ўнгида тутаб бораётган қора дарахт эътиборини тортаётган – балиқчи чол минган қайиқ эса одатда салқин шабада эсан дамларда пайдо бўларди. Булутлар эса турфа шакл-шамойил ясаб ўтиб бормокда, демак, вақт тўхтамаган. Сизифнинг вақти ўтмоқда. У ана шу вақт ичида иродасини ишга солмоғи шарт. Иродаси ҳаракатга, ҳаракати иродага айланиб кетиши шарт. Шунга эришса, бас, ҳар қандай машаққатга дош бериши ва мўлжаллаган муддаосига етишмоғи осон кўчади.

\* \* \*

Харсангнинг навбатдаги қасирлаб-қисирлаб синиши ҳар сафардагидек кутилмаганда юз берди. У харсангни кўполлик билан думалатмаганди, жуда авайлаб, эҳтиётлаб ёнбошига ағдараётганди. Ўнг ёнбошига айланаётган харсанг тўп этиб сўл томонига ағдарилди. Шу ағдарилишда у пастга қараб шўнғийдигандек кўринганди, йўк, тўп этдию, тек қотди. Харсанг оғир-оғир нафас олаётгандек эди. Ҳа, деди Сизиф, ичида, мен эмас, харсанг ҳолдан тойди. Одам енгилмади – тош енгилди, тошга қўшилиб тоғ енгилди, чўққи енгилди. Маъбудларнинг маъбуди енгилди. Ваҳоланки, Сизиф ҳеч кимни, ҳеч нарсани сўкмади, туртмади, аюханнос кўтармади. Харсангнинг феъли ўзига маълум, шу боис ундан бир қадам ҳам нари кетмайди. Фақат тепаликка кўтарилаётиб... не кунларни солмади харсанг Сизифнинг бошига?! Ҳоли-қудрати етмай, уни тутиб қололмаган жойдан орқага – пастликка томон гулдираб-дўнғиллаб, қасира-қусурлаб тоғ кўчкисидек, кўклам селидек пастга томон отилган дамларда Сизиф билан харсангтошнинг оралиғи узоклашиб кетар, Сизиф аҳ-ҳ, эссиз, деганича манглайига қарсиллатиб шапалоқ тортар, қаққайиб турган жойида кўксининг ичида нимадир шу-у-увуллаб пастга тушиб кетар, гулдураб-қалдираб пастга ҳаммаёқнинг тўс-тўполонини чиқариб йиртқич ва телба буқадек думалаб бораётган харсангни нигоҳи билан кузатиб қолишдан бошқага ярамас, бирор кори бад юз бермасин-да, дея баралла илтижолар қилар, зум ўтмай эса нияти ижобатга олинганидан боши осмонда, олишувда ғолиб келган болакайдай ростакамига чапак чалиб юборар, “тўхтади, хайрият”, деганича тоғнинг этагидаги бўйрадек яланглик жойга бориб ҳаракатдан қолган телба харсангдан кўз узмай тушиб келар, қақшатқич ва аёвсиз мушталашувдан сўнг нафас ростлаётган қадрдонига меҳрибонлик кўрсатмоқчидек, харсанг теграсида гир айланар, чир айланар, қадрдони ҳеч бир шикаст-рехтсиз келиб тўхтаганидан боши осмонларга етар, назарида эса, харсангнинг бутун юз-кўзидан тер қуйилаётгандек бўлар, Сизиф тош қотган кафтлари билан унинг “бети”ни силаб-сийпалар, терларини, чанг-ғуборларини артиб кўярди.



\* \* \*

Сизиф ўз қўли билан тиклаган харсангтош теграсида оҳиста айланаётиб ўйиб ёзганлари ёдига тушди. Излай бошлади. “Сизиф”, сўнгра “Коринф”... “Сизиф” ва “Коринф”... У ост-уст бўлиб қалашган харсанг синиқларини кўтарди, энкайиб қаради, биронта ҳарфли тош бўлаги чиқмади. Ўзи топол-маса, бошқалар, яъни келажакда бу манзилга қадами етадиганлар қаердан топадилар, қаердан кўрадилар? Ахир у не ниятларда, не машаққатларда ўйиб туширганли ҳарфларни?! Нахотки, бари зое кетган бўлса?! Йўқ, ёзувлари ўчиб кетиши мумкин эмас, уларни топади, зеро, одамлар, замону давронлар ўтади, булуту осмонлар, тоғу денгизлар ўтади, лекин ёзув қолади, ёзув!..

\* \* \*

Сизиф Коринф қалъасининг тошдевори бўйлаб салобат ила одим ташлаб бораётиб рўпарасида хурмат сақлаб қуллук қилиб турган мулозимларига бош ирғаб саломлашди. Сизиф олдинда, мулозимбоши ёнбошда йўлда давом этишди. Мулозимбоши адо этилган юмушларга доир ахборот бериб келаверди.

– Қалъа деворини тиклаш ишлари ниҳоясига етаёзди...

Сизиф мулозимбошининг овозида таҳлика оҳангини пайқайди.

– Етдимми, етаёздими? – тавозе ила сўз қотди Сизиф. – Фурсат аллақачон етди чоғи?..

Сизиф шундай деб кўкка кўз тикди. Ҳаво очиқ эди. У кунботар томон оҳиста сузиб бораётган оппоқ парку булутлар тўдасидан бир муддат нигоҳини узолмади.

– Анавиларга қара, – деди Сизиф мулозимбошининг биллагидан тутиб. – Булутга қара деяпман. – Фурсат етди эмас, аллақачон ўтди...

– Шундай-шундай, фақат... фақат... – Мулозимбоши осмонга қараб ҳеч нарсани англамади, булутлардан кўзини узиб деворнинг ниҳоясида ҳайҳотдай қорайиб турган харсангтош теграсида чумолидек ғуж қалашган ишчиларга, қулларга қаради. Мулозимбоши ўша томонга икки қўлини чўзиб ялинчоқ оҳангда ғудранди: – Ана шу... ана шу харсангни жилдиришнинг эпи топилмаяпти, аъло ҳазрат. Бу таъвия харсанг шарманда қилди барчамизни, ишонинг, аъло ҳазрат!

Сизиф харсангтошга бир назар ташладию, сапчиб орқага тисарилди. У – жазо биёбонида Сизифга рўпара қилинган, неча замон, неча вақтлардан буён унга адоқсиз машаққатлар, азоблар берган ва алҳол унинг жонфидо биродари, қадрдонига айланиб кетган харсангтош эди! Фақат унинг Сизифга илк сафар рўпара келган ҳайбатида – бус-бутунлиги Сизифнинг капалагини учириб юборганди. Шунда ҳам у сир бой бермади, зўраки бўлса-да, мийиғида қулди. Ёнбошда таъзим қилиб турган сангтарошлар сафида таниш мўйсафид устабошига нигоҳи тушди.

“Дилини топмабсан-да?..” – Бу сўзни Сизиф сас чиқармай, ўзи ҳам эшитмайдиган овозда шивирлаб айтди ичида. Фавкулудда устабоши сангтарош сафдан бир қадам олдинга чиқиб чуқур таъзим бажо келтирди. Сизиф тўхтади.

– Аъло ҳазрат, шундай харсанглар учрайдики, уларда на дил, на юрак-на қалб топилади. Қодир Оллоҳ уларни ушбу неъматлардан бенасиб этган бўлса ажабмас...

Сизифнинг чеҳраси очилди, бош чайқади.

– Дили, тили топилмайдиган харсанг йўқ оламда, сизларни шарманда қилган бу харсангнинг дили ҳам, қалби ҳам, мана, менинг қўлимда!

Сизиф шундай деб қўлидаги харсанг синиғини баланд кўтарди, атрофга аланглади. Теварак-атрофида ҳеч ким, ҳеч зоғ йўқ, унинг ўзи баланд чўққининг тепасида турарди. Кимсасиз, ёлғиз ўзи тургани ҳам уни ажаблантирмади. Худди у Коринф қалъаси девори қурилишида ҳозир бўлмагандай, ҳеч ким билан савол-жавоб қилмагандай, ўша-ўша кўтаринкиликда баралла хайқирди:

– Менким Сизиф ишғол этган юксакликни инсон боласи етти ухлаб тушида кўрмаган. Энг баланд иморат дейсизми, энг баланд тоғ чўққиси дейсизми, уларнинг ҳеч бири мен забт этган чўққи олдида ип эшолмайди. Ҳеч бир замон ва маконда одам боласининг оёғи етмаган баландликда, мана мен – бўйим дароз, бошим осмон қад ростлаб турибман!..

\* \* \*

Бу дамларда у ўзини курраи заминнинг энг эркин ва озод бандаси деб билар, чунки унинг оёқларига урилган кишаннинг узунлиги ернинг исталган чеккасига довур боришига монелик кўрсатмас, бироқ, шу билан бир вақтда ер сатҳидан бир қадам нарига одим босишига йўл қўймас, чунки кишан занжирининг узунлиги ҳисобли эди. Айни чоғда у ўзини бепоён осмоннинг энг эркин ва хур бандаси деб ҳисоблар, чунки унинг бўйнига урилган само кишани осмонларнинг исталган сарҳадларига довур боришига йўл қўяр, шу билан бир вақтда коинот сарҳадларидан бир баҳя бўлсин, нари кетишига изн бермасди. Шундай бир ҳолатда у заминга тушиш истагида бетоқатлангудай бўлса само кишани бўғзидан тортар, само сари интилган тақдирда эса – замин кишанлари ортиқча бирор қадам ташлашига йўл қўймас, яъни унинг эркинлиги ва озодлиги мана шу икки кишан узунлиги орасида эди...

\* \* \*

Самони қоплаган қоп-қора булут уммон сари лашкар тортди. Манзара ваҳимали эди. Осмон нимадан ғазабга келди? Жунбишнинг боиси нимада? Бутун самони қоплаган қуюқ, оғир ва ҳайбатли булут оқими дунёнинг тўс-тўполонини чиқармоққа шайланган важоҳатда... Сизиф кўнглига оралаган турфа саволларга жавоб топиб улгурмади – осмон тўла булут денгиз устига етган жойда тўсатдан пастлашди ва маъшуқаси васлига етишган ошиқ янглиғ бутун залвори билан денгиз устига ёпирилди. “Их-их-х-х!” деган сирли сас таралди самога. Бунга аниқ эшитди Сизиф, ўз қулоғи билан эшитди. Булут билан денгиз... Демак, булут ва денгиз... Сизиф хаёлига келган фикрдан ўзини қўярга жой тополмай қолди ва ҳардамхаёллик билан денгизнинг жонига ора кирмоқчи эди, бироқ денгиз қирғоқларига қадар, ўйноқи тўфону оппоқ мавжларига қўшилиб осмон тўла булут оғушига сингиб кетди...





\* \* \*

Адоқсиздай кўринган машаққатлар ортида қолди. Сизиф ўзининг нималарга қодирлигини кўриб-билгани сайин юз бераётган воқеаларни ақлига сиғдирилмаётган, хаёлининг бир чеккасида кўз кўрқоқ – кўл ботир деган нақлнинг нақадар тўғри эканлигига имон келтирар, ўзига ўзи тасаннолар ёғдиришдан тортинмасди. Меҳнат машаққатидан одам ўлиб қолмаслигига ҳам иқрор бўлди у. Шунга қарамай, инсонга ҳам руҳий, ҳам жисмоний азоб-уқубат берувчи меҳнатни оқлашни истамас, оддий инсоний шароитда бундай даҳшатли-хатарли ишга кўл ура олмасди албатта, бу – муқаррар, лекин танбалликка ҳам ўт тушсин, ҳеч бир танбал банда юзга кирдим деб кўксига урганми ҳеч бир замонда?! Меҳнат қилган яшайди, юзга чиқиш ҳам гапми, мингга киради. Уйдек, тоғдек харсангтошни юмалатиб, думалатиб мана шундай тоғ чўққиларига олиб чиқишни уддалайди. Бахт – зўрники. Бахт – харсангтошни юмалата олганники! Меҳнатсеварники, меҳнат машаққатларидан кўркмаганники!

\* \* \*

Сизиф бир замонлар кўнглига туккан ниятини, мана, ниҳоят... ниҳоят баралла оламга жар солиб айтар фурсати келди! У заррача тортинмайди, қисинмайди, балки овозининг борица оламга жар солади: хо-хо-хе-ей-й, одамлару одамла-ар, эшитмадим демангла-ар! Менким шаҳаншоҳ Эол ва малика Энаретнинг суюкли ўғлони, Мероплар сулоласининг арзанда куёвтўраси, Главканинг падари, Беллерофонтанинг меҳрибон бобоси бўлмиш маҳқум Сизиф кимсан Зевс томонидан каминага белгиланган жазои ҳакни, ниҳоят, ниҳоят... шараф билан ўтадим, уддалади-и-м-м! Ҳа-ҳа-хе-е-ей-й-й! Мана-а, қарангла-ар, шоҳиди бўлингла-ар, харсангтошни чўққига олиб чиқдим, чўққини забт этдим, зафар кучди-им-м!..

\* \* \*

Сизиф не-не замонлардан буён кўнглига туғиб, неча қайталаб такрор-такрор машқлар қилиб кўйганидек шу тахлит оламга жар солиш ниятидан кутилмаганда воз кечди. Харсангтош синиқларини авайлаб-эҳтиётлаб тахлаб чиққач, қад ростлаб чўққида турган жойидан пастга қарадио, юраги шув этиб кетди. Юраги орқасига тортиб, ўзини хасдек, хазон парчасидек, қилт этиб шабада эсгудай бўлса жисми-жасадини осмону фалакка тўзиб кетадиган чанг заррасидек омонат, муаллақ сизди. Шошилиб чўққининг тепасидан то этагигача бўлган масофага кўз югуртирди. Бўм-бўш – ҳеч зоғ, ҳеч нарса кўринмас, ҳатто тоғ ёнбағри ҳам қаёққадир ғойиб бўлган – Сизиф кўкда, булутлар ёнида муаллақ парвоз этиб тургандек – булутлар вақт ўтаётганидан хабар, белги берувчи деб ҳисоблаб келарди у шу чоққача. Энди кўряптики, булутлар сурув-сурув, гала-гала, уюр-уюр бўлиб келиб, уялмай-нетмай обдон тош маммини ялаб-юлқаяпти... буларнинг бари Сизифнинг кўз ўнгида юз беряпти, мамми шунга мойилдек ял-ял оқариб, яшнаб-чарақлаб, янаям кўзни камаштириб, гул-гул очилмоқда – бир жозибасига ўн жозоба қўшилмоқда.



Қайдандир “гуп” этган шовкин эшитилди, Сизиф денгизга яқин томонда заққум дарахти аланга олиб ёна бошлаганини кўрди. Ўт кўяман, деб бакириб юборди Сизиф дағдаға билан қўлларини боши узра сермаб, хасаддан, рашқдан азбаройи қорайиб кетганди у, булутга ўт кўяман, ёқаман! Осмонга кўшиб, маммига кўшиб кулини кўкка совураман!

– Лака-лум, лак... Лака-лум, лак... – Сизиф турган жойида қўлларини боши узра кўтариб рақсга туша бошлади. – Лак-лак, лакалум. Лака-лака, лак-лак, лакалум-м!..

Унинг кўзи тиниб, боши айланди. Кўнгли алағда бўлди. Ҳақиқатда икки қўллаб мамми пойига суянмаганида булут аралаш эсаётган шабадада хасдек аллақаёқларга учиб кетиши ҳеч гап эмасди.

– Булутга кўшилиб мамми кучоғида ёниб кул бўлсам ҳам майли, чўққидан пастга юмалаб, думалаб парча-пурча бўлиб кетсам ҳам розиман!.. – Лак-лак, лакалум-м! Лак-лака, лакалум-м!.. Лак-лак, лакалум! Лак-лака, лакалум-м!..

Сизифнинг кулоғига мусиқий сас чалинди. Нолакор нағма қай томондан таралаётганини аниқлолмади у. Мусиқа тўхтаб қолмасайди деган хавотирда “Лак-лакалум”ни бас қилмади. Мусиқа ғоятда назокат ва эҳтиётлик билан хиргойига жўр бўлди, бунга сайин Сизифнинг илҳоми жўшди.

– Мен осий банда, – хаста товушда шивирлади: – Кечиргайсиз... узрларим... тавбаларим... илтижоларим...

Нигоҳи денгизга қадалди – мовий сув сатҳи саломга чиққан келинчақдек маънос ва сокин тортганди. Сизиф гандираклаб, тубсиз пастликка қулаб тушаёзди – тисарилиб бориб, тош мамми пойига суянди. Кўзи қамашди. Ўзини қўлга олишга уринди. Харсангтош синиқлари уюми томон қўлини чўзди, кулочини борича ёйди, базўр қад ростлаган ярадор аскардек олдинга битта-битта қадам ташлади. Шу боришда нимани ўйлади, ниманинг мўлжалини олди, мурод-мақсади нима эди, ўзига-да ноаён, лекин айни дамда ичида нимадир йилт этди, азбаройи узок уйқудан чўчиб уйғонган одамдай сапчиб тушди. Тошқотган кафтлари билан юзкўзини қаттиқ-қаттиқ ишқади, суюнди, сурғалиб танасидан орқада қолаётган ногирон оёғига оғриниб, кулимсираб қаради. Зум ўтмай кулимсираш ўрнини аламли чираниш, фавқулудда шиддат эгаллади ва... ва... дўсти, кадрдони, якка-ягона сирдошига айланиб қолган харсангни бир ҳамлада пастга қараб думалатиб юборадиган вазоҳатда тош бўлақлари уюми устига ўзини ташлади...

2015 йил

*Тамом*



*Халима АХМАД*

*1960 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Тунги марваридгуллар”, “Эрк даричаси”, “Тийрамоҳ”, “Афсун”, “Умид сояси”, “Шафақ ибодати” каби шеърӣй китоблари нашр этилган.*



## **Тун қалбида маъюс куй оқар эди**

### **Ишқ рангги**

Шовуллайди боғлар қалби нотинч исёнкор  
Ва олисида лопиллайди чироқ шуъласи.  
Борлиқ кўнглин топтаётган тун қадамида  
Ёрилади аллақандай сирлар яраси.

Мен уйғоқман. Деразамни ялар изғирин,  
Юрагимни титкилайди соат миллари.  
Кўп беҳузур бўлар кўнглим вақт овозидан  
Ва ўйлайман, бахтлимидим анча илгари?

Бахтлимидим, о, нақадар бачкана бу сўз  
Ва хотира ортидаги тундай ноаён.  
Чалкаштирдим ҳаётимни бегона йўлда,  
Гарчи уфқ орзулари эди бепоён.





Ғижирлайди дарахтларнинг қовурғалари,  
Музлаб қолган ой сояси синиб тушади.  
Изғиринли тун ичида тентираб юрган  
Умидсиз нур толасидан дил увушади...

...Қайси кундир чорраҳада жавдираб турган –  
Болақайнинг кўзидаги қўрқувда эдим.  
Гарчи умрим бир нотаниш йўлларда кечди,  
Ҳар бир лаҳза армон севган орзуда эдим.

Мен уйғоқман, изғиринли шамоллар билан,  
Қонимда муз хандасини сезаман такрор.  
Гўё менинг вужудимда ўзга бир одам,  
Нафас олар, судралади бемордан-бемор.

Яна, яна илдамлайди соат миллари  
Ва етаклар телба руҳим қайси томонга?  
Ғижимланган хотиралар нигоҳи билан  
Мактуб ёзиб жўнатаман олис осмонга

Ишонаман, бир кун менга жавоб келади,  
Лайлакқорлар ёхуд ёмғир шивирлашида  
Ахир, менинг қисматимнинг зеру забари  
Таҳрир этиб қўйилганку унинг аршида.

Ва биламан, мен учун ҳам аталган кун бор,  
Бахту бахтсизликдан айро шаффоф кун.  
Фақат ҳозир не учундир дилғирман жуда,  
Фақат ҳозир не учундир юрагим юпун.

Аммо, ҳозир енгилсам гар, ютқазсам агар,  
Қайда қолар менинг ўша Ҳалималигим.  
Ва Ҳақ менга ишонган шу қисмат олдида,  
Ҳақиқат, айт, менга, ахир, ким бўламан, ким?

Ва ҳайдашим керак қондан умидсизликни,  
Кет деб, айтай ичимдаги мажҳул беморга.  
Кўнглим тутай ўқигин деб, ошиқ сингари,  
Кўкдан келган жавоб ёмғир ё лайлак қорга,

Янги бир куй излагайман ишқ қўшиғига,  
Болалигу ёшлик завқи қўшилган наво.  
Токи, менинг ҳар бир куним, ҳар бир лаҳзамни,  
Ошиқ этсин тўлқинига илоҳий дарё....



(Сезаяпман), зумрад ҳислар келаяпти соғинч юртидан,  
Қиш туни ҳам тек котди ва тишлади лабин.  
Нимагадир зорикдими титраб қўйди бир,  
Ошиқликдан айро тушган бечора қалбим?

Эй, сен мени сўлим кунлар ёдига тортган  
Соғинчингни асраганман айтмай бировга.  
Мен ҳаётни севаяпман, исиниб бу тун,  
Қачонлардир юрагингда ёнган оловга.

Зумрад ҳислар, ўтган кунлар ҳурмати учун  
Тунни моҳир пайвандчидай улайман тонгга  
Ва шодликнинг борлигига имон келтириб,  
Бу дунёни бўягайман ишқ деган рангга.

\* \* \*

Куйган булутлардек куйди нимадир,  
Нимадир ғижимлаб отди жонимни.  
Ва сўнгра армонга ўхшаган ҳаво  
Ўраб олаверди тўрт томонимни.

Теграмда судралиб юрар эди вақт,  
Гўёки сайдини пойлаган сайёд.  
Умримни совурган хоин дўст каби  
Мендан кўзин олиб қочарди ҳаёт.

Ўйладим, наҳотки, тугади бари,  
Наҳотки, мен шундай топаман якун?  
Ташқарида эса эски ковушда  
Боғларни кезарди қайғузода тун.

Тиниқ эшитиларди олис самода –  
Исмсиз юлдузнинг шивирлагани.  
Ва мавҳум афсунга тўлиб тошарди –  
Муҳаббатсиз ойнанинг тилло лагани.

Жонимни кафтимга олиб титрадим  
Ва нажот истадим одам наслидан.  
Куйган умид ҳиди уфурди бирдан,  
Кўнгилнинг қаҳратон деган фаслидан.

Мен чиқдим, ўзимдан отилиб чиқдим,  
Армон ҳаволари кетди титилиб.  
Ташқарида дарахтларнинг юраги  
Тупрокқа қоришган эди йиртилиб.



Тун қалбида маъюс куй оқар эди,  
Сездим, жоним фалак тушига кирган  
Ва кимдир соғинчнинг нафаси билан  
Яна мен томонга дилин ўгирган.

Тентирадим туннинг кўчаларида  
Руҳини йўқотган девонасимон.  
Сўнгра, нажот истаб кўлларим чўзсам  
Бармоғим учига қунишди осмон.

Ҳар бир хужайрамда сен эдинг пинҳон,  
Ҳар бир нафасимда борлигинг ошкор.  
Шунча ишқим билан, шунча ишқ билан,  
Оёғинг остида абгорман-абгор.

Бас, қайғу, мен сендан узаман кўнги  
Ва қоронғи тунлар васвасасидан.  
Бир либос тикаман кўнглимга бу кеч,  
Умид нафасидан, гул нафасидан.

Энди мен нур сари бораман яккаш  
Ва қалб титроғини ишққа тикаман.  
Кўзим дарчасига урилаётган  
Саҳарлар хуснидан маст энтикаман.

Гар, ҳозир устимдан куласан ҳаёт,  
Минғирлайсан, сендан чиқмайди ёғду.  
Қачондир дилиннга нурдай югурар,  
Жоним ковагида асраган орзу.

Бир куни оломон жунбишда дейди:  
“Гарчи тирикликнинг кўчасида қор,  
Қаранг, бир телбаваш аёл келаяпти,  
Ўнг қўлида қуёш, сўлида баҳор ...”

...Орзули тун каби ёришар недир,  
Нимадир эркалаб суяр жонимни  
Ва сўнгра умидга ўхшаган ҳаво  
Чулғаб олаверар тўрт томонимни.



\* \* \*

Бошим айланади, айланади ер,  
Шамоллар судрайди тириклик туғин.  
Осмон шаффоф қўлин қуёшга чаяр,  
Кўзларимга экиб соғинч уруғин.

Бинафшаранг умид соясида жим  
Мизғийман, тушимга киради ҳаёт  
Ва ногирон кўнгил васвасасида  
Кимдир эснаганча мени этар ёд.

Уйғониб боқаман, рангсиз мавога,  
Боқаман, умидсиз, абгор, беилинж.  
Фақат олти томон сукутин бузиб,  
Кўзларимда маънос шивирлар соғинч.

Биламан, бу сенинг нафис шивиринг,  
Мани ёлғонлардан этгувчи айро  
Ва ҳислар тўлқинин мавжлантирувчи  
Биламан, бу сенинг соғинчинг, Худо!

Аммо, мен қаердан, қаерга келдим,  
Билмайман, қай фасл домонидаман?!  
Гоҳ ғамнинг энг чуқур кудуғидаю  
Баъзан беҳушликнинг осмонидаман.

Кимга қараб келдим, кимдан кетаяпман,  
Нечун орзуларим ғарибдан-ғариб?  
Баҳорлар оёғи остида гўё  
Ётибман, узилган баргдай сарғайиб.

Қандайдир аланга жоним ичида  
Ловулар, чирсиллар девонасимон.  
Жонимни қақшатган шу алангага  
Художон хиёнат қилдим мен қачон?

Бугун унутилган ўтмишман, балки  
Хаёлим сиғмайди ҳеч битга ранга  
Мудроқ босган эски боғдайин жимман,  
Жонимда куйлайди фақат аланга.

Раббим, чарчаганман. Ва соғинганман,  
Кенглик нафасини, ёмғир сасини.  
Олиб кетсин айтган ўша одамга  
Жонимга яширган алангасини.

Бошим айланади, айланади ер...



### *Абдулхай НОСИР*

*1946 йилда тузилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) тамомлаган. “Ирмоқлар”, “Кўзгу”, “Уруғлар”, “Жавдар”, “Улоқ”, “Баҳс”, “Ватанни таниш”, “Богнинг тўрт сурати”, “Ўзим яхши кўрганим” каби китоблари нашр этилган.*



## **Уфқларга порлаётган садолар**

\* \* \*

Томирларим най бўлиб саҳар,  
Субҳи тонгни уйғотмоқ бўлди.  
Қумри кушлар топдию хабар,  
Уфқларни кўзғатмоқ бўлди.

Уйғонгандан боғлар нафаси,  
Шамолларни ютгандай бўлди.  
Капалаклар келиб ҳаваси,  
Гуллар узра қотгандай бўлди.

Яйловларда чопган кўзилар,  
Майсаларни ўпгандай бўлди.  
Кун ҳам чиқиб аста чўзилар,  
Оламга нур сочгандай бўлди.

Яшнаб кетди борлиғу кодир,  
Етти иқлим тарафи бўлди.  
Томирларим най бўлиб нодир,  
Кўнглимнинг бахт, иқболи бўлди.

\* \* \*

Севгим ёқут эди,  
дур эди севгим,  
Қоронғи кўчага сочилиб қолди.  
Беқасам елкамда,  
ҳилпираб енгим,  
Ўт олган кўкрагим очилиб қолди.





Ёкут тош ёришиб,  
дурим ёришиб,  
Қоронғи кўчани ёритиб қолди.  
Лек, лойга қоришиб,  
чангга қоришиб,  
Алами кўп мани қаритиб қолди.

Кўнгилда,  
севгимни изладим узоқ,  
Қоронғи кўчада тонглар оттириб.  
Йўлимда тиканлар,  
ҳасадлар тузоқ,  
Ҳасратлар, азоблар, шонлар орттириб.

Толганда шодланиб  
ёкутим, дурни  
Кўкларга кўтариб парвоз айладим.  
Ва озод яшабда,  
бағрида хурни,  
Иккала дунёни пар соз айладим.

\* \* \*

Афросиёб поезди – бу нур ичган шитоб,  
Дулдул бўлиб қанотини ёзган чоғида –  
Етолмайин қолганини кўрдимда офтоб,  
Хаёлларим учганида бўзлаб гоҳида.

Олиб кўнглим кўзларини, боғлардан ўтиб,  
Сирдарёнинг кўпригидан ўтиб тезлашса –  
Киприklarим кўлларини силкиса тутиб,  
Ярашади ҳофизлардай ёниб созлашса.

Ўтаётиб поезд Жиззах адирларидан  
Сочилганин кўриб йўлга лолаларини –  
Уфқларда порлаётган садоларидан  
Тутган бўлди боболарнинг ноалаларини.

Улуғбекнинг кўзларидан меҳрлар туйиб,  
Кўкдан тушиб, айланибда қамар тантига –  
Тоғлар ошиб, ёғдусини баралла куйиб,  
Шиддат билан кириб келди Самарқандига.

Жисму жондан ўтиб борди ушбу ташбеҳим:  
Қучоғига босиб тағин тонг ила шонни –  
Шарафларга улагани қадим тарихим,  
Тезлаб-тезлаб бораётган Ўзбекистонми?



\* \* \*



Муҳаббат сифатин топдингми дерлар,  
Шунча йил яшадинг ишқ дардин чекиб?  
Даштларда чўғ излаб чопдингми дерлар,  
Қорачиғ ўтимга кўзларин тикиб?

Топдимда, қирларда лолалар излаб,  
Селларда юзларим ювган чоғларим.  
Қалдиروق нурида қалтираб, бўзлаб,  
Кўкларни куйдирган оху доғларим.

Топдимда, меҳрдан порлаб нигоҳим,  
Лабимни ёндирган пайти лаблари.  
Қувончдан тошганда жўшиб сегоҳим,  
Қалбимга қўшилиб кетди қалблари.

Топдимда, ўғиллар туғилганида,  
Қанот пайдо бўлиб икки кафтимда –  
Шодликлар дўл каби ёғилганида,  
Бахтимни кўрибда, қалбу тафтимда.

Топдимда, бу куни уйнинг тўрида,  
Ойдаи набиралар давраси аро  
Мирзодай ўлтирсам юрак кўрида,  
Порлаган кўзлардан кўзларим қаро.

Муҳаббат сифатин топдингми дерлар,  
Шунча йил яшадинг ишқ дардин чекиб.  
Даштларда чўғ излаб чопдингми дерлар,  
Қорачиғ ўтимга кўзларин тикиб.



**Саида ЗУННУНОВА**

1926 йилда тугилган. Андижон педагогика институтини ҳамда Ўрта Осиё давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. “Қизингиз ёзди”, “Гуллар водийси”, “Қизларжон”, “Бир йил ўйлари”, “Қўшиларим” каби шеърӣ тўпламлари, “Гулбаҳор”, “Гулхан”, “Кўчалар чароғон”, “Бўйларингдан ўрғилай” каби насрий китоблари нашр этилган. 1977 йилда вафот этган.

**ЎШАНДА ҲАМ КУЗ ЭДИ****Ҳикоя**

Низом институтдан қайтганда ойиси ичкари уйда ким биландир гангур-гунгур гаплашиб ўтирарди. Она унинг шарпасини дарров сизди. Сухбатини тўхтатиб, одатдагидек енгил, шарпасиз қадамлар билан унинг ёнига келди.

– Келдингми, болам?

– Ҳим, яхши ўтирибсизми?

– Шукур. Меҳмон бор.

– Ким?

– Лутфи опоқинг.

– А?! – Низом эндигина ечган костюмини негадир қайтадан кийди. – Нега? Нега киритдингиз?

– Жим. Уят бўлади. Қариндошлариникига келган экан, кўчада кўришиб қолдик. Ўзим олиб кирдим уйга. Сўрашиб қўй..

Низомнинг ранги оқариб кетган эди. Баҳри хола жонсиз, қалтираган кўллари билан унинг елкасидан силаб, секин шивирлади:

– Жон болам, гина сақлашни ўрганма. Ҳаммаси ўтиб кетди. Уйигача кирган одамга қаттиқ гапириш, сўрашмаслик одобдан эмас. Мени хижолатга қўйма.

Баҳри холанинг мулойим, меҳрибон кўзлари ўғлига ёлвориб қарар, Низомнинг юрагида қанча алам, ғазаб ётган бўлса-да, бу кўзларга қарши бир нима деёлмасди. Баҳри хола меҳмон хузурига кириб кетди.



– Низомжон экан. Ўқишдан келди. Бу йил охирги курс. Киравер, болам, опокинг бўйларингни бир кўриб кўйсин.

Остонада Низом пайдо бўлди. Меҳмоннинг лаблари пирпиради. Низомнинг авзойига қараб, кулишини ҳам, сўрашишини ҳам билмай, охири бурни тагидаги икки дона тишини кўрсатиб илжайди, ўрнидан турди.

– Омонмисан, Низомжон?

– Келинг. Яна нимага...

– Болам! – Низом сакраб ўрнидан турган онасининг кўзларига бир каради-ю, шахт ўгирилиб чиқиб кетди. У тўхтамади, орқасига ҳам карамади. Уйларида анча олислаб кетганини ҳам билмай қолди. Нимагадир чеккиси келди. Йўл четидаги будқадан бир дона сигарет олиб, хиёбоннинг бир четидаги бўш скамейкага бориб ўтирди.

Ҳозир унинг кўнгли бўм-бўш, худди мана шу сокин, кузги хиёбонга ўхшаб қолганди. Сигарет олибди-ю, гугурти йўқ. Сигарет донасини бармоқлари билан эғилаб, агрофга аланглади. Ўтиб кетаётган бир йигитдан туташтириб олди-да, қаттиқ сўрди. Бурни, оғзидан буралиб чиққан аччиқ тутун хушини ўзига келтиргандай бироз енгиллашдими, секингина энтикиб кўйди. Унинг кўзига яна бурни тагидаги иккита тишини кўрсатиб илжайган башара кўриниб кетди. Унинг бағри бутунлигини шафқатсизлик билан тортиб олган бу аёлни кўришга Низомнинг тоқати йўқ эди. Ҳозир-ку ақл-хуши бор, кап-катта йигит. У вақтларда гўдак эди. На ота-онанинг хидига, на уларнинг бағрида эркаланишга тўйган эди. Ана шу бағритош аёл, маъсумгина бир гўдакнинг эркаликка, эркаланишга бўлган ҳаддига биринчи бўлиб тирноқ ботирган, чанг солган эди. Баҳри хола жуда ювош, бировдан озор кўрса ҳам озор бермайдиганлардан. Низомни ҳам шунақа тарбиялашга ҳаракат қиларди. Ўша пайтларда қанча қийналса ҳам Лутфихонга бир оғиз қаттиқ гапирмаганди. Мана, ҳозир ҳам уйига олиб кириб меҳмон қилиб ўтирибди.

Ўша пайтларда улар бир маҳаллада яшашарди, Лутфихоннинг Содиқ деган ўғли билан Низом ўртоқ эди. Содиқларнинг ҳовлиси анча катта бўлгани учун сабзи, помидор экишар, сигир боқишарди. Онаси бировнинг қўлидан ишини олгин, меҳнатдан қочма, эринма, деб кўп насихат қилгани учун Низом Содиққа доим ёрдамлашар, сигир ўтлатар, кўкат юлар, қарашгани-қарашган эди. Шунинг учун бўлса керак, Лутфихон уни яхши кўрар, кириб қолса, минг ўргилиб, минг айланарди.

Низомнинг дадаси касаллиги туфайли эрта пенсияга чиққан, ёлғиз онаси ишларди. У аёллар кўйлагини жуда чиройли тикарди. Ишхонадан келгандан кейин ҳам машина тепгани-тепган эди. Низом болаларнинг каттаси, ўшанда олтинчи синфда ўқирди. Укаси билан синглиси ҳали кичкина эдилар. Бирдан уларнинг бошига оғир ташвиш тушиб қолди. Дадаси қазо қилди. Бир ойнанинг ичида онаси чўпдек бўлиб озиб кетди. Низом энди дадаси қолиб, онасига ачинар, у йиғласа чидаёлмас, бағрига кириб юпатгиси келар, лекин дилидаги гапларни айтолмай, кўшилишиб йиғларди, холос. Бир куни онаси Низомнинг бошини силаб, кўзларига тикилди-ю, орқасига қоқиб деди:

– Бор, болам, ўртоқларинг билан ўйнаб кел. Авжи ўйнаб ўйинга тўймайдиган пайтларинг. Бор, ўргилай.

Низом кўчага чиқди. Дадаси ўлгандан бери ўйнамаганини ҳам шунда



сезди. Секин Содикларникага кирди. Лутфихон сўрида эри билан қотган жўхориларни уқалаб ўтирарди.

– Вой, кел, Низомжон, бормисан?

Низом салом бериб, сўрининг бир чеккасига ўтирди.

– Ўртоғинг ҳозир келиб қолади. Магазинга макаронга чиқазувдим.

Шу пайт кўчада бирдан тўполон бўлиб қолди. Нима гап экан, деб ҳаммалари баробар югуриб чиқишди. Дарвоза тагида қоғозга ўроғлиқ макарон сочилиб ётар, Содик бўлса қандайдир бир нотаниш бола билан муштлашарди. Улар худди жўжахўрозга ўхшаб бир-бирларига ташланишар, хансирашар, атрофда бўлса болалар қичқирарди. Низом нима гаплигини суриштирмасдан, бегона болани дўппослай кетди. Содик иккаласи уни тупроққа беллашиб роса уришди. Содикнинг ойиси билан дадаси безрайиб кулиб турганини кўрган йўловчи киши ғулдираб келиб, жаҳл билан уларни икки ёққа ажратди. Бегона бола йиғлаб усти бошини қокди-да, бирдан югуриб қочиб кетди. Содик билан Низом кула-кула ҳовлига киришди. Ўғлининг зўравонлигидан отасининг оғзи қулоғида, Лутфихон бўлса ўғлининг елкасига уриб чанглари қоқар экан, Низомни ҳам эркалаб қўйди:

– Чинакам дўстисан-да, ўғлимнинг. Ўртоқ деган шунақа бир-бирининг ёнини олади-да. Нега муштлашдинг ўзинг, кимнинг боласи у? – деб ўғлига юзланди Лутфихон.

– Қайси куни кўчада помидор сотиб ўтирганимда икки кило помидор олган эди. Бугун магазинда кўриб, помидор тамом бўлдим дейман, жуда қимматфуруш экансан, деса бўладими. Оғзингни юм, десам вайсаяпти, чайқовчи, дейди.

Лутфихон ўғлига меҳр билан қараб туриб илжайди:

– Ўла қолсин. Ажаб қилибсан уриб!

Шу куни Низом уйига кирса, онасининг қовоғи солиқ.

– Мен одам боқдим десам, кучук боқибман-да, – деди бирдан унинг зардаси қайнаб. – Сендақа болам йўқ менинг, кўзимга кўринма ҳозир. Уялмасдан муштлашиб юрибди-я...

Низом бир нафас серрайиб турди. Онаси дарров эшита қолибди. Баҳри хола унинг афтига қарамади. Кўлидаги косадаги сувни ҳовлига сепиб юборди-да, бориб жиз-биз қилаётган қозонни кавлади. Низом онасининг авзойига зимдан қараб қўйиб, уйга киргани юраги бетламади. Секин қайтиб чиқиб кетди. Яна Содикларникага кирди. Улар макарон қовурма еб ўтиришарди. Лутфихон айланиб-ўргилиб уни овқатга таклиф қилди.

– Ола қол, ол, жоним. Насибанг қўшилган экан. Нима бало, тумшайиб қолибсан?

– Ойим уришиб бердилар, – деди Низом йиғламсираб.

У онасидан ҳеч қаттиқ гап эшитмагани учунми, жуда оғир ботганди. Лутфихон бир хўрсиниб олди-да:

– Пешананг ҳам курсин, – деди ачинганнамо. – Онасизлигинг етмасмиди, Худо отангдан ҳам айирди. Энди чидайсан-да, болам.

Низом ялт этиб Лутфихонга қаради. Унинг кўзларида ҳам ҳайронлик, ҳам кўркув бор эди.



– Нима деяпсиз?

– Вой, билмасмидинг? Қаердан ҳам биласан сен бечора. Сенинг онанг чақалоқлигингда ўлиб кетган, болам. Бу онанг ўгай. Агар сени турткиласа, индамай бизникига чиқиб келавер. Ўртоғинг билан юраверасан.

Низом ўшанда қайси аҳволга тушганини билмайди. Қичқирдимми, чинқирдимми, йиғладимми, ҳали-ҳали билмайди. Ҳар қалай, бу унинг учун кутилмаган дахшат эди. Югуриб ҳовлиларига кирди. Сочиқ юваётган Баҳрихоннинг олдига бориб, ёш юқи кўзларини тикиб чинқириб сўради:

– Айтинг, айтинг, сиз менинг оймимасмисиз? Нега алдайсиз?! Қани менинг оймим?!

Баҳрихоннинг ранги докадек оқариб кетди. Қўлидаги кир шалоп этиб тоғорага тушди. Кўпик кўли билан уни маҳкам кучоқлади.

– Бекор гап! Қайси ноинсоф айтди? Ўзим туққанман сени, ўзим!

Низом силтаниб унинг кучоғидан чиқди. Онаси унинг кўзига биринчи марта бегона, ёт кўринди ўшанда. Меҳрибончиликларининг ҳаммаси энди юзакидек, унинг гўдак қалбидаги кемтикни тўлдиролмай қолди. Онасининг ялиниб-ёлвориши, йиғлашига қарамай, чопқиллаб чиқиб кетди. Баҳри хола кўча бошигача эргашиб, қувлаб борди. Унинг кетидан укалари ҳам йиғлаб эргашиб боришарди. Лекин Низом қарамади. Чопқиллаганча кетаверди. Кечкурун уни Содик топиб келди. Топиб келди-ю, ўзлариникига олиб кириб кетди. Буни сезган Баҳри хола уларникига чиқди. Лекин Низомни уйга яшириб қўйишган эди. Низом уйда туриб онасининг йиғлаганларини эшитди. Юраги ғалати бўлиб кетди, югуриб чиққиси келди-ю, бегона деган совуқ бир сўз уни яна ўрнига михлаб қўйгандек жиллолмади. Онаси чиқиб кетди. Бошини эгиб йиғлаганча чиқиб кетди.

Ўшанда ҳам куз, авжи узумлар пишган пайт эди. Эрталаб Лутфихон бир тоғора узумни унинг бошига қўйиб, Содикқа қўшиб бозорга жўнатди. Ўша куни Низом биринчи марта мактабга бормади. Баҳрихон кидириб мактабдан тополмабди. Кўрганлар уни бозорга кетганлигини айтиб қўйишибди. Бир вақт Низом билагидан кимнингдир юмшоққина ушлаганини сезиб ўгирилди. Бу онаси эди.

– Эсингни едингми, болам? Ўқишинг-чи? Ўқишинг нима бўлади?

Низом тўнглик билан жавоб берди:

– Бормайман. Менга барибир энди.

– Бекор айтибсан. Менга барибир эмас, мен онангман, болам.

– Ёлғон гапирманг. Бормайман, барибир. Менинг ҳеч кимим йўқ.

– Одамларни қаратма, юр, кўзим.

Ҳақиқатда атрофга одамлар йиғила бошлаган эди. Низом:

– Мени тинч қўйинг! – деб бақирди-ю, одамлар орасига кириб кўздан йўқолди.

Баҳри хола тарози ушлаб турган Содикқа маъюс, совуқ назар билан қараб қўйиб, аста юриб кетди. Кечкурун у яна Содикларникига чиқди. Низомни яна уйга яшириб қўйишди.

– Насихат қилиш ўрнига шунақа қиласизларми, – дерди Баҳри хола куйиб. – Ахир мен келганимда саккиз ойлик эди. Дадаси бечора боқолмай қийналиб кетган экан. Ўзим ҳам гўр оғзидан қайтариб олганман. Эти суягига ёпишиб



қолган экан. Бу болаларимга ўшанчалик меҳнатим сингмаган. У ёш болалик қилипти. Лекин менга фарқи йўқ сира. Болаларимдан кам кўрган эмасман. Кечаси билан мижжа қоқмадим. Отасининг арвоҳи ҳам чирқиллаб юргандир...

Низомнинг юраги алланечук бўлиб кетди. Чикқиси келди-ю, лекин чиқолмади. У кечадан бери ўз онасини тасаввур қилишга уринарди. Сура-ти бормикан...

– Жуда куяверманг. Сизникига кирмаса, бизникида юрар, – деб юпатган бўлди Содикнинг дадаси.

– Нега сизникида юради? Ўз уйи, онаси, укалари туриб-а!

– Бошқа жойларда юргандан кўра, бизникида юргани яхшироқмасми? Чикмай қаёққа боради, чиқади-да бир кун, – деб бидирлади Лутфихон.

– Ҳеч қаерда юрмайди. Уйга киради. Ўқишидан қолмаслиги керак. Укалари ҳам кечаси билан менга кўшилишиб ухлашмади. Раъно сира овқат емаяпти.

Низомнинг яна чикқиси келди. Лекин яна жилолмади.

– Мен ўзим айтар эдим. Вақти билан айтар эдим. Ҳали у гўдак. Нимани билади? Ҳозир шу гўдакнинг кўнглини синдириш кимга керак бўлиб қолибди? Кеча ишга ҳам боролмадим. Уни топмагунимча бормайман ҳам. Содикжон, ўргилай сендан, бор, топиб кел. Бўлмаса милицияга хабар берман. Юрагим ёниб кетяпти. Ўзим зўрға юрган эдим. Мен ҳам ётиб қолсам, бу гўдакларга ким қарайди?

Низом яна бир талпинди. Лекин яна тўхтаб қолди.

– Онасининг суратини аяб-асраб беркитиб қўйибман. Уй кўрганда айтарман, дердим. Ёнига бир суянчиқ, овунчоқни тайёрлаб қўйиб айтарман дердим. Мана буни уйингга каттайтириб осиб қўй, туғиб бўйингни, бахтингни кўрмаган бу бечора ҳеч бўлмаса суратидан қараб турсин, дейман деб ўйлардим...

Низом отилиб ҳовлига чиқиб қолганини ўзи билмай қолди. У хансирар, йиғларди. Баҳри хола уни бағрига босди.

– Болам, болагинам, болажоним, – Баҳри холанинг бутун вужуди титрарди. Иссиқ кўзёш томчилари Низомнинг юзига тушди. Низом бу гал индамади. Секин-секин юриб, онасининг пинжида уйига чиқиб кетди.

Ўшанда Раънонинг севинганлари! Низомнинг ёнидан сира кетмас, энди ҳеч қаёққа бормайсизми, биз ухламадик, аям кўп йиғлади, деб бижирларди. Лекин Низомнинг хаёли бошқа нарсада эди. У онасининг суратини кўрмоқчи. Уни дунёга келтирган, уни тукқан онаси қанақа эди? Кечадан бери ўз ташвиши билан бўлиб қозон осмаган Баҳри хола овқатга уннаб юборди. У дам-бадам Низомга меҳрибонлик билан жилмайиб қараб кўярди. Низомнинг томоғидан овқат ҳам ўтмади.

– М-менга, – деди у дудуқланиб. – Суратни кўрсатинг. Сурати бор эканку, ойимнинг!

– Хўп, ўргилай. Олдин овқатни егин. Мен сен учун асраб қўйганман. Ол, жоним, овқатни е.

Бирдан Низомнинг хўрлиги келди. Йиғлаб туриб қайсарлик билан чинқирди:

– Нега шу вақтгача айтмадингиз? Нега мени алдадингиз?

Баҳри хола яна уни бағрига босиб шивирлади:



– Болагинам, ҳали сен нимани биласан?! Мен сенга яхшилик қиламан дедим, ўғлим. Сенга осон бўлсин, дедим.

Шундан кейин у ичкари уйга кириб кетиб сарғайиб кетган қоғозга ўроғлиқ иккита сурат кўтариб чиқди. Биттасида ёшгина қиз илжайиб турарди. Иккинчисида фарқини ёндан очган, ироқи дўппи кийиб, бир ўрим сочини олдига ташлаган ёшгина жувон Низомга жуда-жуда таниш кўзлари билан маъюс термиларди. Низом узоқ тикилиб қолди. Лекин йиғламади. Баҳри хола секингина уф тортди. Низомнинг қўлидаги суратларни астагина олди-да, эҳтиётлик билан қоғозга ўраб уйга олиб кириб кетди.

Низомнинг хаёлида бу воқеалар худди кечагина ўтгандай жонланиб, ҳаммаси бир-бир эсига келаверди. Энди у Баҳри холанинг сабр-тоқатига, меҳрига тан берар, ўша пайтда уни қийнаганларини эслаб, ўзи азоб чекарди. Озмунча таъналар қилдими? Кетидан озмунча югуртирдими? Нима, Баҳри хола болага зор хотинлардан эмасди-ку! Олдида ўзи туққан болалари бор эди. Уларни катта қилгунча сочининг қораси қолмади. Хотинларга ўхшаб иккита аёл билан бир зумгина гаплашиб ўтиролмасди. Ишга борар, уйда ҳам тинмай иш тикарди. Болаларни ўқитгиси келмасди. Низом институтга кирётган кунлари-чи! Имтиҳонни Низом эмас, онаси бераётгандай эди. Доим ташвишда, илинжда, қўрқувда ўтказди ўша кунларни. Низом ишлайман, деса унамади, ўқийсан деб туриб олди. Мана энди бўлса уйлантиришнинг ташвишида. Баъзан ўғлининг кўнглига секингина қўл солиб ҳам кўради...

Низомнинг кўзига яна хунук илжайиб турган Лутфи холанинг оғзидаги иккита тиш кўриниб кетди. Нега уни ҳайдаб чиқармади? Онаси қандай қилиб унинг башарасига қараб ўтирибди экан? Тоқатини қаранг-а! Низом ўша пайтда онасининг тортган азоблари учун ҳам бу аёлни ҳайдаб чиқармаганига афсусланарди. У отадан айрилган бир пайтда уни онасидан ҳам айирган эди бу аёл. Кичкинагина юрагига қанча ўкинч, қанча армон тўлдирган эди. Унда ёш гўдак эди. Ҳақиқатни билмаслик унинг болалик бахти эди. Ана шу бахтдан маҳрум қилган эди уни бу хотин. Агар ҳозир билганда, албатта, қанча азоб чекмасин, Баҳри холани ўшанчалик қийнамасди. Баҳри холанинг безовта бўлганичалик бор экан. Мана, Содик ҳали ҳам ўша-ўша. Тайин бир жойда ишламай, олди-сотди қилиб юргани-юрган.

– Низомжон, нима қилиб ўтирибсиз бу ерда?

Низом сесканиб кетди. Олдида мункайган бир кампирни қўлтиқлаб сумка кўтариб олган кўшнилари Нурхон турарди.

– Ойингиз қидириб юрибди. Раънони бир ёққа, укангизни бир ёққа жўнатиб, ўзи кўчада ўтирибди.

Низом сакраб ўрнидан турди-ю, унга ҳеч нарса демасдан жадал юриб кетди. Яна қийнадими онасини? Бу мунис, меҳрибон аёлнинг меҳнати, муҳаббатига шуми жавоби? Йўқ, мана ҳозир етиб боради. Ҳозир!

Низомнинг қалбида фарзандлик туйғулари жўш уриб кетганди. Унинг лаблари беихтиёр шивирларди.

– Ойижон, ойижон. Мени кечиринг. Сизни ташвишга қўйган бўлсам, кечиринг. Қўрқманг, ташвишланманг. Энди бағрингиздан ҳеч қаёққа кетмайман, ҳеч қаёққа...





**Нилуфар УМАРОВА**

*1972 йилда туғилган. Қариши давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини битирган. Унинг “Орзуси бир дунё аёлнинг”, “Кўнгил розлари”, “Дуоғўй ёмғир”, “Хаёл кўзлари”, “Туйғулар тилмочи” сингари китоблари нашр этилган.*



## **Нурлар тўкилади йўлларга сим-сим**

\* \* \*

Чорлаб турар чексиз бир кенглик,  
Ҳаволари руҳим аллалар.  
Кулфин очсам меҳр сандиғин,  
Сарпо кутар мендан далалар.

Бутун борлиқ чўғга айланиб,  
Қинғир-қийшиқ изга тушар йўл.  
Вужудимни қиздирар баттар,  
Вужудимда ёнаётган дил.

Кўнглим каби девона шамол,  
Кўйиб куяр хўп соврилгунча.  
Хаёлларнинг узун сочлари  
Ўралашди руҳимга бунча?

Қараб тўймам бир гўзал тасвир,  
Илдамлайди тасаввур сари.  
Қай рассомнинг иши экан бу,  
Кўз ўнгимда санъат асари?





Хайрлашар намхуш далалар,  
Кун кўзида жимирлар кўзёш.  
Қадокланган оловга ўхшаб,  
Лов қизариб ботмоқда куёш.

\* \* \*

Бугун хаёлимни банд этди ёмғир,  
Бугун банд эдим мен хаёллар билан.  
Тўрида эдингиз уларнинг, ахир,  
Келгандингиз хушбўй хаёллар билан.

Гарчи, йўқловларим ҳаммадан кейин,  
Гарчи, изоҳларим туюлар такрор.  
Лекин, хаёлимнинг сиз бор жойида  
Ёғду улашгувчи фаришталар бор.

\* \* \*

Адашмадинг, шу йўл сеники,  
Таъналарни ёғдирма мубҳам.  
Гар эгаси бўлмасам ҳамки,  
Бир четида юрибман мен ҳам.

Сен қоқилма, равон жойдан ўт,  
Тош устида юрарман, майли.  
Йиртилмасин ковушинг дея,  
Оёкяланг юрарман ҳали.

Игна териб ўтар кунларим,  
Оғриқ турар курагимгача.  
Тиканлари товондан бошлаб,  
Санчилгандир юрагимгача.

Ўзни ўнглаб олгунимча то,  
Бош ёрилди, тирналди кўнгил.  
Шукур, аччиқ сабоғи ила  
Қалб уйига бошлади шу йўл.

\* \* \*

Шамол ҳуриллайди жимликни бузиб,  
Ҳаёт сабоғидан ураётир бонг.  
Тандиридан кулча куёшни узиб,  
Ийманиб остона ҳатлар оппоқ тонг.



Нурларин улашар нондай синдириб,  
Қўлин чўзган борки – дарахт, майсага.  
Қалбини ёруғлик ила тиндириб,  
Йўлига интизор чиқар қўмсаган.

Кулгуни унутган қийиқ кўзларда,  
Тун кийилди эзма гаплари билан.  
Қуёш кулаётир тонгги изхордай,  
Қирмизи гулларнинг лаблари билан.

\* \* \*

Кўнглимнинг уйига қамалган ҳислар,  
Остона ҳатламай қўйдилар ойлаб.  
Ўтиб кетмасин деб эшик олдидан  
Кўкламнинг келишин кутаман пойлаб.

Соҳир хаёлларнинг қувиб изидан  
Бирдам ғойиб бўлар дайди шамол ҳам.  
Тўкилмоқ бўлади булут кўзидан  
Ҳаё пардасида яширинган ғам.

Кўкариб кўринар ернинг қулоғи,  
Осмон ҳам рўшнолик кутади бунда.  
Югуриб чиқаман истикболига,  
Кўзларим порлайди юлдузли кундай.

\* \* \*

Миннатдорман, осмон, ёруғлик учун,  
Юлдузлар пар каби кафтимга тўлди.  
Қушлардек осилсам нурлар дорига  
Феъли кенг ҳаволар насибам бўлди.

Ястаниб ётади хипча бел йўллар,  
Аёвсиз зарбларга тикканча кўксин.  
Осмон елкасига қўлин қўяр тун,  
Нурлар тўкилади йўлларга сим-сим.



### **Ориф ТҶХТАШ**

*1976 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетида журналистика йўналиши бўйича ўқиган. Унинг “Ғунчалар табассуми”, “Қуёш йўли”, “Кўнгилга ташриф”, “Ватан атри” номли шеърый тўпламлари нашр этилган.*



## **Илинжим – муждали жавоб**

### **Ҳолат**

Қишлоқда туғилдим,  
Қишлоқда ўсдим,  
Қишлоқда танидим оқу қорани.  
Қишлоқ эди менинг энг яқин дўстим,  
Очиқ қилиб кетар бўлдим орани.

– Яхши қол азизим, хайр-хўш энди! –  
Шундай хитоб қилдим кетарим олди.  
Билмадим, у мени қандай тушунди,  
Узоқ ўйга ботиб, қузатиб қолди?

Изимдан эргашди анча йўлгача,  
Бир сўз айтмоқчидай бўлдию лекин  
Қаради, қарорим қатъий, ўзгача,  
Хўрсиниб, ортига қайтди у секин.

Олисдан кўзида ёшлар кўринди,  
Бу ҳам бир айрилиқ сабоқлари-да.  
Кентман деб, керилган тошлар кўринди,  
Орзумнинг олис бир адоқларида.

Сўнгги бор қарадим ортимга ногоҳ,  
Йўллар ўз ҳолича – йўлдай турарди...  
...Икки қир ёнбағри жойлашган қишлоқ  
Дуога очилган қўлдай турарди.



## Юрак

Қара, манов боғларни,  
Япроқларни синчиклаб, қара.  
Учратмайсан бунда доғларни,  
Ғуборлардан холи манзара.

Ювинтирмиш уларни ёмғир,  
Кўмиб шивирларга, титроққа.  
Андоза ол улардан, ахир,  
Ўхшайсан-ку, сен ҳам япроққа.

Кўзни яшнатади неки бор,  
Ғунчаларнинг кулгусида шаън.  
Бугун борлик қандай беғубор,  
Сен нималар қайғусидасан?

Вужудимда сени деб қийноқ,  
Айт, нимадир истаган нарсанг?  
Ҳасратингдан айлагил огоҳ,  
Балки, сен ҳам ёмғир кутарсан?

Афсус, бунда ўжарлик бекор,  
Қилолмайсан сен ёмғир талаб.  
Ахир, сенга кўзёшим етар,  
Оққанлари ичимга қараб!

## Ҳижрон манзараси

Сен – баҳорсан.  
Мен эса –  
Қовжираган кузакман.  
Иштиёқ дилни кесар,  
Жоним, сендан узоқман.

Ўртамизга саратон  
Соя солар ҳовурдан.  
Бир томоним – қаҳратон,  
Қарс-қарс синар қовурғам.

Сенчи ҳар бир новдага  
Қадаб кароматингни,  
Йўллаганинг-йўллаган  
Мен томонга хатингни.





Биламанки, ҳар япроқ  
Сендан келган номадир.  
Қўлларимга тегмаёқ  
Кўзёшимдай томадир.

Ағёрга бас келмоқнинг  
Топилмади қалови.  
Хатни куйдирди, ёқди  
Саратоннинг олови.

Менга етиб келгунча  
Қовжирайди баргларинг.  
(О, азизам, кўп мунча:  
Ҳасратларинг, дардларинг?)

Ҳар сарғайган япроқни  
Узарканман бандидан,  
Босар бахтсизлик ваҳми  
Қисматнинг зўр пандидан.

Бир ҳарф ўқиб бўлмади,  
Куйиб, кул бўлган хатдан.  
Сўнг, мен мактуб йўлладим,  
Қиймалади қиш, аттанг!

Не қилайин, ўзинг, айт,  
Олис баҳорим менинг?  
Аросатда қолган пайт,  
Ким мададкорим менинг?

Юракларни ёндирдик,  
Аламнинг аччиғидан.  
Бўшамадик ёмғир деб,  
Аталгувчи йиғидан.

Борай десам, сен сари,  
Қиш қиличин яланглар.  
Музлаб ётган кўзлари  
Ногоҳ эриб, аланглар.

Нахот, чора йўқ энди,  
Ҳижрон захмидан бўлак?  
Бизни учраштирамайди  
Бу дунёда ҳеч йўлак.



Сен – баҳорсан.  
Мен эса –  
Қовжираган куздирман.  
Бир томони – аланга,  
Бир томони муздирман.

### СОҒИНЧИМ ЎЗИНГ

Мендан хафамисан, бермайсан хабар.  
Ёки чарчадингми дили қонлардан?  
Сенсиз изтиробга кетгайман бадар,  
Ҳатто топилмайсан телефонлардан.

Сўнгсиз қўнғироқлар йўллайман сенга,  
Биргина илинжим – муждали жавоб.  
Бокирам, дунёмни айлантир кенга,  
Савол ҳам бермайман, санасанг нобоп.

Майли, бир оғиз сўз айтма, ахтарим,  
Битта хўрсиниб қўй, борингни билай.  
Ёдимга солиб бер масрур вақтларим,  
Хотирам ҳам сен-ла кетган, не қилай?

Яна сенга томон учар сўзларим,  
Қўнглим тегранг аро қилсам дейди сайр.  
Йўлларингни излар “компас” – қўзларим,  
Кипригим тилланар – қў-риш-гун-ча хайр!





### **Фарида ҲУСАИНОВА**

*1959 йилда тугилган. Қўқон давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатган. Унинг “Сунбулгинам”, “Санамачоқ”, “Кўнгил кўзи” тўпламлари нашр этилган.*



## **Соғинч юрагимга қалар лахча чўғ**

### **Мустақиллик**

Мустақиллик эркин учган қуш –  
Кенг самонинг бағрин бойитган.  
У тонгдаги энг мунаввар туш –  
Юракларнинг тархин ёритган.

Мустақиллик саррин эсган ел –  
Эркинликнинг бўйин таратган.  
Мустақиллик бахти кулган эл –  
Ҳур туйғулар куйин яратган.

Мустақиллик раҳмат ёмғири –  
Бутун борлиқ ғуборин ювган.  
Булбулларнинг сирли шивири –  
Гулгунчанинг хобини қувган.

Мустақиллик – чўл узра ушшоқ,  
Атрофи тоғ, яшнаган қўрғон.  
Эл, юрт омон, нурамас бу тоғ,  
Эркин авлод – мустаҳкам тўғон.

Мустақиллик – жону тилингда  
Яйраб-яшнаб сайраган калом.  
Соҳир тонглар имон дилида  
Меҳроб сари талпинган салом.





## Дерларки

Дерларки, киприklar тўкилса агар,  
Соғинган ёридан келармиш хабар.

Сиз севган кипригим тинмай тўкилар,  
Тўлган юрагимнинг чоки сўкилар.

Лекин сиздан, ёрим, бирор хабар йўқ,  
Соғинч юрагимга қалар лахча чўғ.

Қора кўзларимдек зим-зиёдир тун,  
Тушларимда меҳмон бўласиз ҳар кун.

Висол-чун, азизим, топмайсиз имкон,  
Биламан, сизнинг ҳам ранггингиз самон.

Дейсизки, соғиндим сени жуда ҳам,  
Майин овозларинг жонимга малҳам.

Қўнғироқ қил дейсиз, йўқса бир бора,  
Соғинчим ортмоқда, жоним, тобора.

Қизғонмагин, асло, мендан овозинг,  
Жонимга ўт ёқар аразинг, нозинг.

Негадир кипригим тўкилар тинмай...

## О, ёруғлик

О, ёруғлик,  
Қуёш бормисан омон,  
Совук, қор жонлардан кетди-ку ўтиб?  
Изғирин юракни музлатди ёмон,  
Баҳор остонада турсада кутиб.

Тунда ой дарчадан мўралагандек,  
Тунд юракка инди меҳр – ёруғлик.  
Сарроф кумуш танга саралагандек,  
Зиё, нур – камалак ўйнайди кўҳлик.

Либоссиз қимтинар новдалар беҳол,  
Зумрад қабо бичар оташқалб офтоб.  
Турналар “кур-кур”и кўк юзида ҳол,  
Умиднинг кўзидан қочар уйқу, хоб.

Истарим, навбаҳор тезроқ келақол,  
Қадамингга диллар зору интизор.  
Тупукли дастрўмол тўқир терак, тол,  
Ошуфта юракнинг кўзлари нигор.





## Ҳаёт тегирмони

Қўлингдан кетгани билсанг армондир,  
Дунё бой беришдан иборат асли.  
Сабр қилсанг, илло, бахтинг омондир,  
Ҳар нега кўникар одамзот насли.

Эгилсанг ҳам ўғлим, синмагин, майли,  
Бағрингни тўлдирсин рангин дунёлар.  
Эрта кулар ишон, замона зайли,  
Соғинчларга суян, сочар зиёлар.

Ҳаёт тегирмони тўхтамас бир зум,  
Азалдан-азал бу инсон қисмати.  
Бўлолгин кимнидир кўнглига малҳам,  
Бу инсон кўлининг хайр, ҳиммати.

Завқ билан яшагин баҳорлар, эркам,  
Чечаклар юз очсин мисоли бодрок.  
Жасорат аталар бу ҳам чинакам,  
Ҳаёт қандай гўзал, атрофингга боқ.

Бутун яшай билгин эътиқод ичра,  
Хайрли ҳар кунга ўқи шукрона.  
Қалб хайрати – эркам, кўзлари тийра  
Нурларга тўладир эрта остона.

## Фарғона йўлларида

Йўллар – бу сочилган сўнгсиз саволлар,  
Йўллар – бу тўсиқсиз, узун хаёллар.

Эшилиб-эшилиб қочган сўқмоқлар,  
Қуёш елкалаган момақаймоқлар.

Сарин-сарин эсган майин шамоллар,  
Яшил дуррасини силкитар толлар.

Оғадай бир-бирин суяган томлар,  
Нукрадай тобланган узум ишқомлар.

Саф тортиб кузатар адл тераклар,  
Мажнунтоллар узун сочин турмаклар.





Гул-чечаклар аро мўралаб ялпиз  
Хушбўй ифорини этади кўз-кўз.

Бепоён кенгликлар орзуим менинг,  
Анғизларнинг ҳиди жон дилим менинг.

Қип-кизил олмалар қалққан ариқлар,  
Кўлдек шопипоя, буғдой, тариклар.

Ох, бу яшил орзу – бийдек кенгликлар,  
Баланд, паст тепалар, қиру дўнгликлар.

Асрий афсоналар сўйлаган тоғлар,  
Олма, шафтолидан эгилган боғлар.

Ялла, қўшиқ куйлаб оққан жилғалар,  
Дилга жуда-жуда яқин туюлар.

Йўллар – бу сочилган сўнгсиз саволлар,  
Йўллар – бу тўсиқсиз, узун хаёллар.



## ҲУКМАТ

**Ҳар бир яхши, ёмонни муло-  
ҳаза қилиб курсанг, ҳаёт учун  
хайрли ишларга сабаб бўласи.**

**Заҳириддин Муҳаммад БОБУР**





Абдуқаюм ЙЎЛДОШ

## ДАРЁ

*Роман<sup>1</sup>*

\* \* \*

Қариялар дарё бўйига чиқишди.

Қирғоқда Турғунбой ота одагига кўра ёғоч кемача яшашда давом этди, Ўктабр ота эса негадир кайфиятсиз, дарёга термилиб ўтираверди.

– Умр ҳам худди шу сувдай оқиб ўтиб кетаверар экан-да, а, Турғунбой? – деди у ниҳоят оғир сўлиш олиб.

– Менга эса ўтган умрим худди тушга ўхшаб кўринади, жўра.

Йўлдан ўтиб бораётган Дилмурод кўринди. Ўктабр ота йигитча томонга кўзини қисиб қаради:

– Тохирнинг боласими?

– Ҳа, ўша.

– Жуда қайсар деб эшитаман, шу ростми?

– Қайсар ҳам гапми? – уф тортди Турғунбой ота.

– Ҳой бола! Қани, бу ёққа кел-чи!

Йигитча истар-истамай қайрилди.

– Ассалому алайкум.

– Ваалайкум ассалом. Қани, бу ёққа чўк-чи.

Дилмурод Ўктабр отанинг ёнига ўтирди.

– Мана сен ўқиган-билган, тушунган боласан, – гапни узоқдан бошлади қария. – Мана шу олдимизда оқиб ётган дарё муборак дарё десам ишонасанми? Она дарёмизда хазрати Юнус пайғамбарни ютиб юборган, уни уч кеча-кундуз қорнида асраган балиқнинг авлодлари яшайди.

Дилмурод истехзоли кулди:

– Китобларда Юнус пайғамбар Дажла дарёсидан кемада денгизга чиққанида наҳанг ютиб юборган деб ёзилган. Дажла қаёқда-ю, бизнинг дарё қаёқда.

<sup>1</sup> Охири. Бошланиши ўтган сонларда.



– Кўриб турибмиз, билимдон экансан, – бўш келмади Ўктабр ота. – Лекин унақа дема. Биринчидан, дарё бўлмаса денгиз бўлмайди. Иккинчидан, дунёнинг барча дарёлари бир-бири билан боғланиб туради. Ўзинг шунча ўқимишли экансан, балиқни нега лўқмайи ҳалол дейишларининг сабабини биларсан?

Турғунбой ота суҳбатга қўшилди:

– Балиқнинг ўлганиям ҳалол, тиригиyam. Шунинг учун олдиндан ойқулогидан сўйиб қўйилган.

Шу маҳал уларнинг ёнига туман инспекциясининг бошлиғи ҳаллослаб етиб келди.

– Э, бормисизлар, оқсоқоллар!

– Тинчликми, бунча ит қувган соқовдай ҳовлиқиб келаяпсиз, Равшанбой? – ҳайрон бўлиб сўради Ўктабр ота.

Нафасини ростлашга уринаётган Равшан ака энтиқиб Дилмуроддан сўради:

– Даданг қани?

– Ишда.

– Ишда? – Равшан ака ерга беҳол ўтириб қолди.

Дилмурод хавотирланиб қолди:

– Дадамга бир гап бўлдими, Равшан ака?

– Ёрилсангиз-чи бундоқ, Равшанбой, – қаттиқ гапириб юборди Ўктабр ота. – Шундан-шунга, яна пойи пиёда бекорга келмагандирсиз.

– Оқсоқол, милисадан телефон қилишиб, “Холиёров бизда” деб қолишди. Телефон қилсам, соткаси доирадан ташқарида. Шунга юрагим ёрилиб чопиб келаётганим.

– Яхши ният қилинг, ука, – деди Турғунбой ота. – Тоҳир унақа одамлардан эмас.

– Туянинг думи ерга тегибди дейишса ишонаман, лекин Тоҳирнинг ёмон иш қилиб милисага тушишига ишонмайман! Кўз олдимда ўсган бола у, – ишонч билан таъкидлади Ўктабр ота.

Равшан акага жон кирди:

– Агар у ёқдан сўраб қолишса, шунақа деб ёзиб берасиз-да, оқсоқол. Ҳар қалай, менгаям яхши. Ишга олганимда жамоатчилик фикрини ўрганганман деб туравераман. Ахир кадрларга мен жавоб бераман.

– Равшанбой! – жаҳлдан лаблари пир-пир учди Ўктабр отанинг. – Элбурутдан ваҳима қилманг. Арзимаган нарса бўлса, эртага ўзингиз уялиб қоласиз. Ўзи ким сизга телефон қилди?

– Лейтенантман деди. Фамилиясини айтувди. Адашмасам... Назировмиди-ей.

– Назаров. Учрашувга келганида савол беравериб роса бошини қотириб ташлаганман. Эсида бўлса керак. Хўш... Манави мўъжиза шунақа пайтлари роса қўл келади-да, – Ўктабр ота чўнтагидан қўл телефонини чиқариб, рақам терди.

– Сиз... сиз милисага телефон қилиясизми? – ваҳимага тушиб сўради Равшан ака. – Балки шарт эмасдир. Ортиқча ташвишнинг нима кераги бор, оқсоқол?



– Бу ерда ўзимизча фол очиб, ич-этимизни еб ўтиришимиз ташвиш эмасми?.. Алё. Шаҳар ички ишлар бошқармасими? Мен “Сайхун” кишлоғидаги Гулзор маҳалласи оқосоқоли Ўктабр Мэлсов бўламан. Октябрь эмас, Ўктабр. Менга лейтенант Назаровни улаб берсангиз. Зудликда... Маҳалламиз фуқароси масаласида... Раҳмат. Кутиб тураман... Алё. Ваалайкум ассалом, Назаров болам. Мен Ўктабр амакингизман. Ҳа, ўша оқсоқол. Шу... инспектор Тоҳир Холиёров масаласида қўнғироқ қилаётгандим... Ҳа, у йигит бизнинг маҳалладан. Мана, ёнимда қарчиғайдай ўғли ҳам турибди... Кимдан дейсизми? – Ўктабр ота Равшан акага қаради, аммо у жонжаҳди билан қўлларини силкиб, “мени айтманг” ишорасини қилди. – Тасодифан эшитиб қолдим. Энди, биласиз-ку, гап тез тарқалади... Тоҳир ажойиб йигит... Ҳм-м... Шунақа денг... Йўғ-э?! У ичмайдиам, чек... Қанақа жиноий иш? Ўйлаб гапирясизми?.. Майли, Назаров болам, бирон тушунмовчилик юз бергандир... Майли... Эртагами? Бўпти. Хайр.

Ўктабр ота телефонни ўчирганча ўйланиб қолди.

– Дадамга нима кепти, Ўктабр ота?

– Бир тушунмовчилик юз берганга ўхшаб турибди.

– Сен қаёққа? – сўради Ўктабр ота қишлоқ томон шошиб кетаётган Дилмуроддан.

– Шаҳарга, – деб кичкирди аллақачон узоқлашиб бўлган Дилмурод.

– Ҳа, боласи тушмагур-а, – Ўктабр ота Турғунбой отага қаради. – Жўра, кемангни кейин битирасан энди. Бориб Тоҳирдан хабар олайлик-чи.

Турғунбой ота ўрнидан турди:

– Уйга юр. Гулнозинг машинасида бора қоламиз.

\* \* \*

Муқаддам неча йиллик яна бир пинҳоний орзусига эришди: дўкондан чақалоқларнинг кийимларига бағишланган рангли журналлардан бирини намойишкорона тарзда, “Кўриб қўйинглар!” дегандай шошмасдан, танлаб-танлаб сотиб олди. Иш бошлаган маҳали ҳам қандайдир кўшиқни минғирлаб хиргойи қилганча кириб-чиқиб турган меҳмонларнинг кўз ўнгида, очиқ-ошқора бири иккинчисидан чиройли суратларни томоша қилиб ўтираверди. Ошинг ҳалол бўлса кўчада ич, деганлари шу бўлади, ҳа...

Қабулхонага тўрсайиб кириб келган Дилобар ҳам жувонни шу машғулот устида учратди.

– Менга хона керак.

Журналдан бошини кўтарган Муқаддам Дилобарни кўриб, ҳайрон бўлди:

– Сиз?

– Ҳа, мен. Нима, менга сизнинг меҳмонхонангиздан хона олиш мумкин эмасми? – Қиз зарда билан сумкасида паспортини чиқариб берди. – Кўрқманг, абадий қолмоқчи эмасман. Бир суткага. Эртага эрталаб шахрингизни тарк этаман.

Муқаддам паспортни олиб, варақлаб кўрди:



- Бир кишилик бўлсинми?
- Албатта. Фақат биринчи қаватдан бўлмасин. Шовқинга тоқатим йўқ.
- Хўп.

Муқаддам қоғозларни расмийлаштириб, иккинчи қаватдаги хонага кузатиб қўймоқчи эди, қиз кўнмади:

- Ўзим топиб оламан.

Шу маҳал “Тез ёрдам” машинаси меҳмонхона эшиги ёнига келиб тўхтади. Ундан бир даста гул кўтариб тушган оқ халатли Дониёр ичкарига кирдию, зинадан юқорига кўтарилаётган Дилобарни кўрди.

Дониёр “тақ-туқ” қадам ташлаган кўйи Муқаддамнинг қаршисига борди-да, унга нималарнидир гапираётган мўйловли одамнинг орқасида хўмрайиб тураверди.

- Демак аввал чапга, кейин яна чапга. Шундайми, синглим?

– Худди шундай. Иккинчи марта чапга қайрилган захотингиз дарвозага пешонангизни уриб оласиз, – Меҳмоннинг яна ниманидир аниқлаштиришга чоғланганини кўрган Муқаддам Дониёрга қаради: – Келинг, дадаси.

Меҳмон ҳайрон бўлиб ортига ўгирилди ва ўзини ғажиб ташлағудай тикилиб турган Дониёрнинг вазоҳатидан чўчидими, кетишга шошди.

- Раҳмат, синглим, раҳмат.

- Арзимаиди.

Дониёр меҳмоннинг ортидан ўқрайиб қараб қолди:

- Нима керак экан бу... хотинбозга?

Муқаддам кулиб юборди:

- Унинг хотинбозлигини қаердан билдингиз?

– Шундоқ башарасидан кўриниб турибди-ку! – тутакиб жавоб қайтарди Дониёр. – “Аввал чапга, кейин яна чапга” эмиш! Бу гапни қандай маънодор айтганига эътибор бердингми?

- Кўйинг, дадаси. У бечора бозорга қандай боришни сўради.

- Бозорда нима бор экан? – тирғалишини қўймасди Дониёр.

- Шуни сўрамапман-а.

- Қара, сендан бозорни сўради, ўзи бўлса яна хонасига кўтарилиб кетди.

Бу сенга шубҳали кўринмаяптими?

– Кўринмаяпти. Балки пулга чиққандир, балки сизнинг еб қўйғудай бўлиб тикилиб турганингизни кўриб... кўркиб кетгандир.

- Сенга гап бўлса. Айтгандай, анави бу ерда нима қилиб юрибди?

- Яна ким? – ажабланди Муқаддам.

– Шопирлар билан жанжал бўлган қиз. Ҳозир кўриб қолдим. Уям тепага кўтарилиб кетаётган экан. Ҳойнаҳой мўйловнинг олдигадир. Кўр кўрни қоронғида топади-да.

– Ҳа, Одиловами? У ҳозиргина бир кишилик хона олди. Бир суткага. Эртага бизни ташлаб кетармиш.

- Кетса ундан нари. Лекин уни бу ерга киритиб бекор қипсан.

- Киритмасликка ҳақим йўқ. Паспорти бор.

- Барибир, бекор қипсан. Уни кўрганимдан негадир кўнглим ғаш бўлиб қолди.



Муқаддам жон ҳолатда қорнини қафтлари билан бекитди:

– Унақа деманг-э! Аввал-ку, оддийгина рашкчи эдингиз, энди қип-қизил ваҳимачи бўлиб қолибсиз, Лати... э-э, дадаси.

Дониёр кутилмаганда кулиб юборди:

– “Дадаси” деганинг пайти анави хотинбоз мўйлов бирдан шалвираб қолганини сездингми?

– Бўлди-да энди, дадаси. Нима, шаҳарнинг жами эркакларию меҳмонлари битта сизнинг хотинингизга қараб қолганми? Ўзи нимага келган эдингиз?

– Шундай, сендан хабар олишга, – сал ўзини босиб олган Дониёр кутилмаганда яна тутақа бошлади: – Кўрдингми, бекорга келмаган эканман. Кўнглим ниманидир сезгандай бўлувди-да.

– Об-бо, сизга Худо бериб қолди, энди бир ҳафта кўзимни очирмайсиз. Яхшиси, менга пойлоқчилик қилгандан кўра ишингизга боринг.

– Бораман. Айтгандай, анави топилди...

– “Анави”ингиз нимаси? – эрининг хижолат чекаётганини кўриб, ҳайрон бўлди Муқаддам.

– Клофелин. Тумбочканинг пастига тушиб қолган экан.

– Ие, менга қарши ишлатадиган далилингиздан маҳрум бўлиб қопсиз-ку! Энди нима қиласиз?

– Майли, мен кетдим.

Дониёр душман кидиргандай атрофга аланглаган кўйи эшик томон юрди.

– Дадаси-и!

Дониёр тўхтаб, ўгирилди:

– Нима дейсан?

– Кўлингиздагини айтаман, – Муқаддам “Тез ёрдам”га ишора қилди. – Ҳамширангизга шекилли, а? Жуда чиройли экан. Мен гулдастани айтяпман, қизни эмас. Ҳар қалай, ҳайдовчингизга эмаслиги аниқ.

– А... ҳа... – довдираб қолган Дониёр шошиб қайтиб келиб гулдастани тутди: – Бу сенга эди.

– Раҳмат. Иккиқат бўлиш яхши экан: ҳар куни саккизинчи март... Ана энди яхши боринг.

– Нимагадир кетгим келмаяпти.

– Боринг деяпман! Вос-вос касалига чалиниб қолдингизми? Мени жин урармиди?

– Барибир вақтим бўлганда кириб тураман.

– Ў, Худо!.. Нима, энди ёнимда қилич яланғочлаб турасизми?..

Муқаддам қабулхонадан чиққан эрининг ортидан адоқсиз меҳр билан қараб қолди.

## V боб

Омадсизлик бир кўз тикдими, ўлжасини осонликча қўйиб юбормас экан. Биринчиси ортидан иккинчисига дучор қиларкан, кейин учинчисига...

Номаълум нуқтага тикилганча оғир ўйларга ботиб ўтирган Дилобарни





телефоннинг кескин жиринглаши сескантириб юборди. Қиз шоша-пиша столдаги қўл телефонини олди, унинг экранчасида “Засекреченный номер” деган ёзувни кўрди. Бу ўша...

– Эшитаман.

Зардали, дағал овоз:

– Қаердасан?

– 29-хона.

Қиска-қиска гудоклар.

Дилобар ваҳима ичида хонага нажотсиз аланглади. Бунака пайти вақтнинг ўтиши ҳам қийин бўлади. Қиз телефонида рақам терди.

– Жора, келяпсизларми?

– Йўлдамиз, – деган жавоб келди мотоцикл тариллаши аралаш.

Қиз хиёл енгил тортди. Ҳар қалай, мадад... Шу лаҳзада... “гурс-гурс” қадам овозлари тобора яқинлашаверди ва кимдир эшикни тақиллатиб ўтирмасдан очди.

Дилобар хукмни кутаётган маҳкума янглиғ бош эгганча титраб-қақшаб ўрнидан турди. Қора кўзойнак таққан Рустам хонага кирди, эшикни зич ёпди. Унинг биринчи гапиеқ пўписа, дағдаға бўлди:

– Ишнинг расвосини чикардинг-ку!

– ...

– Очкўзлигинг ўзингнинг бошингга етди! Дипломат билан сенинг нима ишинг бор эди! Йигирма миллион олиб кетишмайдами, ўттиз миллион олиб кетишмайдами! Сенларга топширилган вазифа нима эди?

Дилобар кўрка-писа гапирди:

– Ҳайдовчиларни ухлатиб қўйиб... машина калитини олиб... кейин... хабар беришимиз керак эди.

– Бўлди, шундан кейин иккаланг мотоциклчиларинг билан жуфтакни ростлаб қолишларинг керак эди. Шунга келишганмидик, а, келишганмидик?

– Ҳа.

– Агар бу иш бўлмай қолса-чи?

– Унда... – кўрка-писа гапирди Дилобар, – “Б” режага кўра ҳайдовчиларни меҳмонхонада ухлатиб, машина калитини олиб чиқишимиз, кейин... калитни сизнинг одамингизга топшириб, мотоциклда шаҳарга қайтиб кетишимиз керак эди.

– Унда нега топшириқни бажармадинг? Нега айтганни қилмадинг?

– Мени кечиринг, Рустам ака.

– Кечирмайман! Сен арзимаган ўн-ўн беш миллион сўм пулга чалғиб, мени машинадаги беш юз миллион сўмлик молдан маҳрум қилдинг. Айтганимни қилганингда шунинг ўн фоизини қуртдай санаб олардинг. Шуни биласанми, а? Хўш, молни менга энди ким тўлайди? Сенми? Ё аллақачон қуён бўлган дугонангми?

– Мени кечиринг, Рустам ака. Бошқа... бошқа топшириқ беринг. Мен... бажараман.

– Гўр қиларсан. Сендақалардан ҳеч қачон ҳақиқий ишбилармон



чикмайди. Тўрт сўм пулга андармон бўлиб юраверасан! Чунки пастсан! Отанг ҳам шунақа майда ўғри эди, майда ўғрилигича ўтиб кетди. Бўйнингга беш юз миллионни илиб қўймаганимга, омон қолдирганимга шукр қил. Тамом! Энди қайтиб менга қорангни кўрсатма!

– Рустам ака...

– Эсингдан чиқмасин, мен сенга пул бермадим, лекин катта пул ишлаб олиш имкониятини бердим. Шундан фойдалана олмадинг.

– Рустам ака... – ёлворди қиз.

– Яна нима?

– Пулим... қолмади. Уйга етиб олсам бўлди...

Дилобарга нафрат билан қараб турган Рустам “чирт” этказиб ерга тупурди.

– Ҳам ғарлик, ҳам пешгирлик де...

Рустам чўнтагидан бир даста пул чиқариб, полга ташлади. Кейин “гурс-гурс” қадам ташлаганча хонадан чиқди. Дилобар яна телефондан мадад излади:

– Яқин қолдиларингми, барака топкурлар?..

\* \* \*

Ўктабр ота милиционерларнинг “хой-хой”ига ҳам қулоқ осмасдан тўғри Назаровнинг кабинетига кириб борди. Аммо лейтенант ҳам гапга кўнмайдиганлардан экан.

– Отахон, сизни жуда яхши тушуниб турибман. Лекин бунинг ҳеч иложи йўқ, – деб туриб олди у. – Тартиб-қоида ҳамма учун баробар.

– Ахир шундан-шунга сарғайиб келиб ўтирибмиз. Бир мартагина шу тартиб-қоиданга ёпишиб олмасанг бўлмайдими, Назаров болам?

– Бўлмайди, отахон. Холиёров сизнинг маҳалладошингиз бўлганлиги учунгина унга имтиёз беролмайман. Қолаверса, мана, – Назаров қоғозларни кўрсатди. – Яқиндагина шифокорларнинг хулосасини олдик. Ўша сиз қўй оғзидан чўп олмайдиган ходим деб таърифлаётган Тохир Холиёров спиртли ичимлик ичган ҳолатда шиша билан бир бегуноҳ фуқаронинг бошига каттиқ урган. Натижада жабрланувчи фуқаро инсон ҳаёти ва саломатлигига хавф солувчи оғир тан жароҳати олган. Бунинг ҳаммаси Холиёров хизмат вазифасини адо этаётган пайти содир бўлганлиги эса оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Шунинг учун, Ўктабр ота, зудликда жиноий иш очиб, делони терговчига ўтказишдан бошқа иложим қолмади. Ҳа, айтгандай, инспекторларнинг сменага чиқиш графигига кўра Холиёров ўша пайти ишда бўлиши керак эмасди. Демак, у ё атай қасд олиш учун ё бўлмаса таъмагирлик мақсадида формада дарёга чиққан.

– Назаров болам, – бу гаплардан боши шишиб кетган Ўктабр ота яна ялинди. – Тохирнинг ўзи билан ҳеч бўлмаса икки оғиз гаплашиб кўрмабсизда. Балки буларнинг ҳаммаси бутунлай бошқача содир бўлгандир.

– Отахон, менинг алкашлар билан пачакилашиб ўтиришга вақтим йўқ. Ана, ётибди камерада ўз қусиғига ўзи беланиб. Яна “Холиёров ичмайди”,



дейсиз. Ҳозир камерага кирсангиз ҳам, Холиёровнинг сизни таниши гумон.

Ўктабр ота бош чайқади:

– Жуда унчалик эмасдир, Назаров болам.

– Хўп, менга шунчалик ишонмас экансиз, ана, боринг, кўринг, тўйиб томоша қилиб олинг. Сержант!

– Эшитаман, ўрток лейтенант.

– Отахонни вақтинчалик ҳибсда сақлаш камерасига олиб бориб, гумондор Тоҳир Холиёровни кўрсатинг. Ҳозирнинг ўзида.

Тоҳир каравотда уп-узун бўлиб ётарди. Ўктабр ота шошиб унинг ёнига келди.

– Тоҳир!.. Тоҳир деяпман!

Аммо инспектор гап эшитадиган аҳволда эмасди. Эсанкираб қолган ота уни силкитди:

– Бу нима ётиш?

Тоҳир аранг кўзларини очди, қаршисида турган Ўктабр отани таниб, беўхшов илжайганча ғўлдиради:

– А-ама-ки...

– Уф-ф... Ароқ сасиб кетибсан-ку, Тоҳир. Ўзингмисан? Сени нима жин урди?

Тоҳир сал гавдасини кўтарди, нимадир демоқчи бўлди, бироқ “шилқ” этиб жойига қулади.

– Бунга бир нарса бўлган, болам, – сержантга ўгирилди Ўктабр ота. – Дўхтирга кўрсатдиларингми?

– Албатта. Диагноз: кип-қизил маст. Ўзингиз кўряпсиз-ку, агар шу ерда яна бирозгина турсангиз, ўзингизам ароқнинг ҳидига маст бўласиз-қоласиз.

Сержант эшикни очиб турди, Ўктабр ота Тоҳирга қарай-қарай камерадан чиқди.

Йўлакда сержант сўраб қолди:

– Хўш, лейтенантнинг айтганлари тўғри эканми?

– Ҳайронман, болам. Етти ухлаб тушимга кирмаган ҳодиса бу...

– Отахон, бир каттанинг, бир кичикнинг гапини ол дейишган. Сиз шу ёшингизда бежиз бу одамнинг ёнини олмаётгандирсиз. Менинг сизга бир таклифим, хоҳласангиз амал қилинг, хоҳламасангиз йўқ.

– Айтақол, болам.

– Холиёров устидан иккита ариза келиб тушган. Ёнидан порага олинган пул чиққан. Аҳволини бўлса ўзингиз кўрдингиз. Ҳар қандай ҳолатда ҳам жиноий иш очилиши тайин. Холиёров бошига ароқ шишаси билан урган одам шифохонада ётибди. Боринглар, кўринглар, агар жароҳати оғир бўлмаса илтимос қилинглари, даволанишига ёрдамлашинглар, хабар олиб туринглар. Агар ўша одам, яъни жабрланувчи бизга ариза бермаса ёки судга даъво аризаси киритмаса, унда Холиёров амнистияга илиниб қолиши мумкин дир эҳтимол. Яна билмадим. Ҳар қалай, хизмат ваколатини ўтаётган пайти ичиб олиб юрган масъул ходим...



Ўқтабр ота бутунлай довриаб қолди:

– Қанақа амнистияни гапиряпсан, болам? Айтдим-ку, Тохир ўзимнинг ўғлим қатори, уни жуда яхши биламан. Бунақа иш унинг қўлидан келмайди.

– Балки қўлидан келмас, аммо факт шуки, у шу ишни қилди. Майли, хайр. Яхши боринг. Кўп хафа бўлаверманг. Агар айби бўлмаса, Холиёровни ҳеч ким жазоламайди.

Сержант йўлакдан тез-тез юриб кетди. Ўқтабр ота у кўрсатган эшикдан ховлига чиқди.

Дарахт соясида турган Турғунбой ота, Серсенбой ота, Гулноза, Ноила, Дилмуродлар бирдан уни ўраб олишди.

– Нима бўлди, амаки? – ховлиқиб сўради Гулноза.

Ўқтабр ота иложи борича хотиржам гапиришга уринди:

– Хуллас, учрашдим бошлиғи билан. Арзимаган тушунмовчилик экан. Лекин бу ернинг тартиб-қоидасиям ўзига яраша-да. Шунга Тохирга эртага-ча жавоб беролмаймиз, дейишди.

Гулноза шошиб савол берди:

– Ҳеч бўлмаса ўзини кўрдингизми, амаки?

– Кўрдим, албатта кўрдим. Кўрмасдан чиқармидим?

– Нима қияпти, аҳволи қандай экан?

– Тохирми? Кўрдим. Ётибди... дам олиб.

– Тушунмадим, – норози бўлиб қошларини чимирди Гулноза. – Бу ерда шунча одам хавотирда, у киши бўлса бемалол ётибдими? Арзимаган нарса экан, уйига бориб ётсаям бўлади-ку. Шартми шу ерда ушлаб туриш?

– Бу гапни менам айтдим. Лекин тартиб-қоида шунақа экан-да, қизим.

Ўқтабр ота:

– Қизим, сендан бир нимани илтимос қилмоқчийдим, – дея кулиб, Турғунбой ота билан Сарсенбой отага ишора қилди: – Манавилар эшитмай қўя қолсин. Қариб, буларнинг оғзида гап турмайдиган бўлиб қолган, эртагаёқ ҳаммага ёйиб чиқади.

Икков чеккароққа ўтишди.

– Тунда Тохир қизинг иккалангни дарёда айлантирган экан.

– Ҳа, шундай бўлганди. Нимайди?

– Ўшанда у... ичмаганмиди?

– Вой, бу нима деганингиз, амаки? У кишининг ичмаслигини ўзингизам яхши биласиз-ку.

– Яхши билардим. Лекин у... ичкарида... маст.

– Йўғ-э?

– Ҳа. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас...

Гулноза безовталаниб қолди:

– Яна нима?

– У дам олишда бўлиши керак пайти ишга чиққан экан.

– Ҳа, у қизим иккаламизни дарёда айлантириш учун сменадоши билан алмашган экан. Бунинг нимаси жиноят экан, амаки?

– Билмадим. Кавласанг, тирноқ остидан кир топилади-ку, қизим...



Ўқтабр ота билан Гулноза яна бир неча дақиқа шивирлашиб гаплашганларидан сўнг Гулноза имлаб Ноилани ёнига чакирди-да, унга машина калитини берди:

– Сен бобонгни, Серсенбой амакини, Дилмуродни олиб кишлоққа кетавер. Бизнинг Ўқтабр амаки билан бу ерда қиладиган озроқ ишимиз бор. Биз кейин ўзимиз етиб оламиз.

Бу таклиф ёқмаган Ноила ўшшайиб олди:

– Бу нима деганингиз, оий?

– Бу ойингнинг гапига қулоқ сол деганим.

– Ахир... ахир уйга хабар бериб қўйдик-ку, – тушунтиришга уринди киз. – Бизни адам кутиб турибдилар-ку.

– Адангга кейин тушунтирамиз.

Ноила онасига тик боқди:

– Тоҳир акани дебми?

– Ҳа, – очигига кўчди Гулноза. – У оғир аҳволга тушиб қолибди.

– Тўғри, Тоҳир ака яхши одам. Оғир аҳволга тушган бўлса ёрдам бериш керак. Лекин... Мана, оий, телефон, ўзингиз адамга тушунтиринг бор гапни.

Ноила рақам териб, телефонни ойисига тутқазди. Гулноза жаҳл билан аппаратни қўлига олиб, қизининг телефонини бутунлай ўчирди, кейин ўзиникини.

– Бекор бундай қиляпсиз, оий. Келинг, ҳеч бўлмаса мен тушунтирай адамга.

Гулноза бош чайқади:

– Аданг Тоҳирни билади...

– Билсалар нима қипти?

– Нотўғри тушуниши мумкин.

Ноила ўчган телефонларга ишора қилди:

– Бу аҳволда-чи? Тўғри тушунадиларми?

– Ҳозир шуни ўйлагим келмаяпти, қизим. Айтганимни қил.

– Кўнглим сезяпти, катта жанжал бўлади, оий. Сиз туякушга ўхшаб бошингизни қумга тикиб олманг-да, ундан кўра...

Гулноза қизини силтаб ташлади:

– Менга ақл ўргатишга ёшлик қиласан! Бор, айтганимни қил!

Иzza бўлган Ноила машина томон юрди. Бу ерда Ўқтабр ота иккала жўрасинию Дилмуродни машинага ўтказишга уринмоқдайди.

– Мен ҳеч қаёққа кетмайман! Шу ерда қоламан! – деб такрорларди Дилмурод ўжарлик билан.

Турғунбой ота ҳам тайсалланарди:

– Уйга бориб захар ютиб ўтиргандан кўра шу ерда жимгина ўтирганимиз яхши, жўра.

– Тусинмедим, бизди айдеб жериб, ўзинг не қиласин бул жерде?

Ўқтабр ота Гулнозага қараб қўлларини кенг ёзганча ноиложлигини билдирди.

– Бўпти, булар шу ерда ўтириб туришсин бўлмаса, – деди жувон. – Юринг-чи. Қаерда у шифохонангиз?



– Кўчанинг нарёғида.  
Ўктабр ота йўл бошлади.

Бердикул елкасига халат ташлаб олган меҳмонларни хушламаганини билдириш учунми, қовоқ уйиб ётаверди.

Ўктабр ота гапни ҳазилдан бошлади:

– Ҳа, хизмат кўрсатган хизматчи, бурга тепдими?

– Бурга эмас, кўтос тепди, – кесатди бемор. – Ўзиям роса семиртириб боққан экансиз.

Ўктабр ота кулди:

– Тилинг бор экан-ку, болам, гапиравер.

– Бу тил ҳали керакли жойда керакли гапларни гапиради! – юқоридан келди Бердикул. – Ана ўшанда айрим зўравонларга сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолади.

– Болам, ўпка-гинани кўяйлик. Ўзингдан гапир, яхшимисан, қийналмаяпсанми?

– Аҳволимни сўраб нима қиласиз, оқсоқол? Аллақачон дўхтирлардан барини билиб олгандирсиз. Тўғри мақсадга ўтаверинг, мақсадга.

– Ишқилиб, сени қийнаб қўймаймизми?

– Қийнаб қўя бошлаган пайтингиз ўзим айтаман. Унгача бемалол.

Ўктабр ота Гулноза билан кўз уриштириб олгач, гапни узоқдан бошлади:

– Бердикулжон. Худога шукр, бир юрт, бир қишлоқнинг одамимиз...

– Оқсоқол, – унинг гапини бўлди бемор. – Бекорга овора бўлманг. Тўғри, мен қамалиб чиққанман. Лекин одамман. Тоҳирга ўхшаган кутурган кўппакларга ўзимни талатиб қўймайман.

– Бердикулжон. Эски гапни эсини еган кавлайди. Яхшиси, янги гаплардан гаплашайлик.

Бердикул Гулнозага қаради:

– Сиз адвокатмисиз?

– Йўғ-э, Турғунбой жўрамнинг қизи-ку. Шаҳарга тушган. Тоҳир билан бир синфда ўқиган.

– Эшитганман, эшитганман... – мийиғида илжайди Бердикул. – Биринчи муҳаббатнинг куйиғи ёмон бўлади, дейишарди, тўғри экан. Мана, Тоҳиржоним қамалиб қолди деб Тошкентдай жойдан учиб етиб келибсиз-а. Ҳойнаҳой долларларингизни қўлтиғингизга қисиб олгандирсиз. Ё Бердикулдай ўтириб чиққанларга сўмам бўлаверади, деб ўйладингизми?

Отанинг жаҳли чиқди:

– Бердикул! Оғзингга қараб гапир!

– Мен хоҳлаган гапимни гапираман, оқсоқол! – овозини кўтарди бўйин томирлари ўқлоғдай бўртиб чиққан бемор. – Ҳеч ким менинг тилимга хўжайин эмас! Эсларингдан чиқарманглар, сизларнинг эркатойингиз мени уриб, миямни чайқатиб қўйди. Энди балки бир умр даволаниб ўтарман, балки эртага, индинга ё бир йилдан кейин ногирон бўлиб қоларман. Шунда кунимга ярамидиларинг?



Шу пайтгача жим турган Гулноза Бердикулнинг бошига келиб, тик қаради:

– Қанча?

Бердикул ўзини анқовликка солди:

– Нима деяпсиз, гапингизни тушунмаяпман.

– Ҳаммасини тушуниб турибсиз. Қанча?

Бердикул мушук-сичқон ўйинини йиғиштирди:

– Анча.

– Аниқ айтаверинг.

Бердикул Ўктабр отага қаради.

– Амаки, сиз чиқиб туринг.

– Бу нима деганинг, кизим! Ҳеч қаёққа чикмайман. Шу ерда ўтираман.

– Илтимос, амаки.

Бердикул қарияга мазахомуз қаради:

– Кўрдингиз. Шаҳарликлар қишлоқлар билан қандай гаплашишни билишади. Пул кўп-да буларда, пул кўп.

Ўктабр ота ноилож палатадан чиқди.

– Қанча?

– Анча деб айтдим-ку. Ҳадеб бир саволни такрорлайверасизми? Лекин билиб қўйинг: мени арзимаган чақаларга сотиб ололмайсиз.

– Шунинг учун менга аниқ суммани айтинг.

– Ҳа, ишбилармон аёл эканлигингиз кўриниб турибди. Хўп, ана, ҳисобланг: беморни Москвага олиб бориб, операция қилдириб келиш керак. Кўкрак саратони.

– Менимча, – Гулноза беморнинг бошига ишора қилди. – Бошингиз зарар еганди шекилли.

Бердикул пинак бузмади:

– Бунақа бошлар шу ерда, текингаям даволанаверади. Гап бошқа бош ҳақида кетяпти. Ҳақиқий тилла бош ҳақида. Кейин худди шу беморнинг кўзини операция қилдириш керак. Шу ерда, хусусий шифохонада. Плюс озгина қарзим бор, бир ярим мингча. “Кўк”ида ҳисоблаганда. Сиз шаҳарликлар шуни маъқул кўрасизлар-ку.

– Ариза ёзмаслигингиз, даъво қилмаслигингиз эвазига... – Гулноза ўйланиб қолди, сўнг машина калитини тумбочка устига қўйди. – “Нексия” сизники. Ҳали янги. Қирқ минг юрган.

Бердикулнинг жаҳли чиқиб кетди:

– Бир уюм темир-терсакни бошимга ураманми? Менга пул керак. Ҳақиқий пул!

– Ишонч қоғози қилиб бераман. Хоҳлаган одамингизга сотишингиз мумкин.

– Марҳамат қилиб ўзингиз хоҳлаган одамингизга сотинг-да, менга пулини опкеб беринг. Ўзингиз. Гувоҳларсиз. Ана ўшанда эҳтимол келишиб олармиз.

– Майли. Бир нарсани сўрамоқчийдим. Сиз... Тохир акани нега бунча ёмон кўрасиз? Ҳатто исмини тилга олган пайтингизам нафратдан қалтираб кетяпсиз.

Бердикулнинг кўзлари ўт бўлиб ёнди:



– Тегиб кетдими? Ҳар қалай, биринчи муҳаббат... Майли, майли, дарров жаҳлингиз чиқмасин. Мана, қаранг, узоққа бормасдан, ўзингизни олинг. Орадан шунча йил ўтиб кетган бўлсаям Тохир деб куйиб-пишаяпсиз. Бўлмаса у сизга бутунлай бегона-ку. Шундаям етса молим деб турибсиз. Кўнгил-да. Кўнгилга буюриб бўлармиди? Ҳар кимники ўзига... Мен-чи, мен нима қилай? Ахир бу аблаҳ мен суйган қизни ўзига хотин қилиб олди, буям камдай, гўрга тикди. Йўқ, гўргаям тикмади, сувга оқизди-юборди.

Гулноза эслади:

– Жамила...

– Сиз бу исми тилга олманг! – қичқириб юборди Бердикул. – Рухини безовта қилишга ҳақингиз йўқ!.. Тохирга келсак... Яхши кўриб уйлансаям майлийди. Йўқ, сизга қасдма-қасд... Мен ҳаммасини биламан... Хўп, ана, уйланишга уйланибсан, хотинингни дарёда олиб юришга бало борми? Эр бўлиб битта аёлни қутқариб қололмагандан кейин... Аввал хотинингга қарамайсанми, аблаҳ... Сиз мени тушунарсиз балки. У ўлганидан кейин бутун олам хувуллаб қолди. Яшагим ҳам келмай қолди. Атай ўғирлик қилдим. Мақсадим бу ерлардан узоқларга кетиш эди. Кетдим ҳам. Ўша ёқларда ўлиб кетаман деб ўйлагандим. Ўзимга ўлим тилагандим. Лекин одамни ҳаёт билан боғлаб турувчи ришталар мустаҳкам бўларкан, ҳатто боланг бўлмаса ҳам. Ўзингни ўйламасанг, яқинларингни ўйларкансан. Онангни... Шунақа гаплар. Лекин мен бу гапларни сизнинг раҳмингизни келтириш учун айтмадим. Сиз ҳозир мени сотиб олишга урияпсиз. Мен бўлса ўзимни қимматроқ сотишга ҳаракат қилаяпман. Бу бизнес, холос. Айтиб кўяй, савдомиз келишса-келишмаса то бу дунёда тирик эканман, мени бебахт қилган, фариштадай қизнинг умрига зомин бўлган Тохирни тинч қўймайман. Ҳеч қачон!

– Сиз... сиз шундай оҳангда гапиряпсизки, гўё Тохир акам қасддан...

Бердикул Гулнозанинг гапини бўлди:

– Пул қачон бўлади?

– Эртага.

– Унда эртага кўришамиз. Хайр. Лекин айтиб кўяй, мен узоқ кутмайман.

Бердикул устига ёпилган чойшабни кўтариб, бошини ҳам бекитди. Гулноза бир муддат иккиланиб тургач, калитни олди-да, палатадан чиқди.

Гулноза Ўктабр ота билан ички ишлар бошқармаси ҳовлисига қайтгани маҳал унга биринчи бўлиб қўлидаги телефонини кўз-кўзлаётган Ноила пешвоз чиқди:

– Ўтиборингиз учун, дадам ўн икки марта кўнғирок қилибдилар. Ҳатто дастурхонга қўйилган ажойиб тортнинг суратини ҳам юборибдилар. Бунга нима дейсиз, ойижон?

Гулноза нима ҳам дерди...

\* \* \*

Учрашув совуқкина кечди. Дилобар бир қарашдаёқ сизди: дарди дунёйи қоронғи Тожибойни эплаб бўлмайд қолганди ҳисоб... Ҳозир ҳам келганига чорак соат бўлгани йўқ-у, бир ўзи шишани яримлатиб қўйди.





Дилобарнинг ўзларини алдаб кетган Рустамдан бошлаб ўч олиш учун аввал пухта режа тузиш, кейин уни янада пухталиқ билан амалга ошириш тўғрисидаги таклифини эса икки ўртоқ ёқтирмайроқ тинглашди. Сўнг Жўрабой очикдан-очик:

– Рустам бизни ёллади, лекин биз топшириқни бажаролмадик. Одамда лафз бўлиши керак. Агар бажариб, ҳакимизни ололмаганимизда эди, ичагини бошига салла қилиб ўрасак ярашарди. Ҳозир қайси томондан олма, ўзимиз айбдормиз, – деб туриб олди.

Ўзича бир нималарни орзу қилиб, ҳажонланиб ўтирган қиз дами чиққан пуфакдай шалпайиб қолди.

Жўрабой яна ўзига ароқ қуяётган ўртоғини жеркиб берди:

– Бўлди-да! Етади!

Тожибой унга чакчайиб қаради:

– Нима етади, а, нима етади? Етмайди. Ҳеч нарса етмайди! – у стол четидоги пулга ишора қилди. – Рустамбой қолдирган садақа етадимми? Ё арзимаган умр кўриб, икки қўлим тепада кетаётганими? Йўқ, етмайди! Етмайди...

Жўрабой Дилобарга ўгирилди:

– Бунга эътибор қилма, Диля. Асаблари ишдан чиққан, ҳаммага тўнини тескари кийиб олган ўзи.

Ҳамма гапдан хабари бор Дилобар Тожибойни юпатишга уринди:

– Хафа бўлма, Толян. Ҳаммамиз ҳам бир куни ўша ёққа кетамиз. Биров эрта, биров кеч.

– Бунақа аллаларни Жорадан ҳам кўп эшитдим. Энди таъсир ҳам қилмай қўйган. Хўш, мен бу дунёга келиб нима кўрдим, Диля? Онам тирик бўла туриб етимхонага тушдим. Шу билан болалиқ ҳам кетди қулоғини ушлаб. Энди ишга кирдим, энди одамдай яшайман деганимда бу бало чиқиб турибди! Тузаладиган касал бўлсаям майлиди! Э, оналарини эмсин бунақа ҳаётларинг!

– Сен ҳаётни сўкиб, ўчингни аёллардан оляпсан, Толян. Уларнинг айби нима? – орага қўшилди Жўрабой.

– Менинг-чи, менинг айбим нима? Нима учун энди мен айна кучга тўлган, навқирон ёшимда индамасдан ўлиб кетаверишим керак экан? Нима учун? Йўқ, мен ўнтаси, йигирматаси, ўттизтаси, юзтасини ўзим билан олиб кетаман! Мен сиғмаган ҳаётда уларгаям ўрин йўқ!

Дилобар оғир уф тортди:

– Яхшиям Тамарчикнинг кетгани.

Жўрабой қизнинг гапини маъқуллаб бош ирғади, сўнг жўрасига таънали қаради:

– Ичиқоралиқ қилма, Толян. Сен кўр бўлсанг, қолганларам кўр бўлиши керакми?

– Бўлиши керак! Ҳамма басир бўлиши керак!.. Келинлар, бир базм қилайлик. Қирқ йилда бир от ўйин бўлса бўлибди-да. Қўйинлар ўша бажарилмаган топшириқниям, қурумсоқ Рустам думига қисиб қолган пулларниям. Ўшасиз ҳам кунимиз ўтиб турибди-ку. Яхшиси ичамиз.



Тожибой тўкиб-сочиб пиёлаларга ароқ қуя бошлади. Дилобар билан Жўрабой кўз уриштириб олишди. Бу сафар ҳам ёлғиз ўзи ичган Тожибойнинг кўзлари қонталаш тус олди, пешонасига реза-реза тер тошди.

– Хўш, нима учун мен? Нега бошқа эмас, айнан мен? Қайси гуноҳим учун ахир? – дея одатдаги дийдиёсини бошлаётгани маҳал у бирдан хушёр тортди: – Тамара қани?

– Тамара йўқ! – кескин оҳангда гапириб юборди Жўрабой. – Бор бўлгандаям яқинингга йўлаттирмасдим.

Тожибой билан Тамара болалар уйдан ошиқ-маъшук эдилар. Коллежни битириб, заводга ишга кирганларидан сўнг тўй қилмоқчи бўлишди. Бироқ ўзи туғилган маҳалла аҳли ўртасида обрў орттирмоқчи бўлдими, ишқилиб, Тожибой тўйни айнан ўша маҳалла гузарида ва албатта каттагина ўтказишни орзу қилиб қолди. Табиийки, катта тўй учун катта пул керак. Ана шунда Тожибой-Толян “хайё-хуйт” деганча бир йилга Россияга кетди. Ҳар қалай, у ёқларда мардикорлик қилиб бўлса ҳам уч-тўрт танга топиб келди, бироқ никоҳдан ўтиш учун ариза берганларидан сўнг уларни мажбурий тиббий кўрикка юборишади-ю, шу ерда йигитнинг СПИДга чалингани аниқланади... Тожибойнинг ўзи бориб аризасини қайтариб олди. Балки шу “қаҳрамонлиги” эвазигами у анча вақтгача Тамаранинг йўлини пойлади. Назарида кизнинг ўзи бош эгиб келадигандек эди. Аммо Тамара қурбон бўлиш йўлини танламади... Ана шунда аламига чидай олмаган, болалик орзусини амалга ошириб, пулига иккита мотоцикл сотиб олган, ўзига кўшиб жўраси Жорани ҳам байкерга айлантирган Тожибой ароққа ва... нотаниш қиз-жувонларнинг бошларини айлантириб ёки пул эвазига тўшакка тортишга зўр берди...

– Унда менга бошқа Тамарани топиб берасан! – кичкирарди у бўйин томирлари ўқлоғдай бўртиб.

– Бўлди-да энди, Толян. Шусизам беш-олтитасининг бошига етдинг шекилли.

Бу гапни эшитган Дилобар ваҳимага тушиб қолди:

– Шунақа қилдингми, Толян?

Тожибой бир кўтаришда пиёласини бўшатди, асабий кулди:

– Шунақа қилдим, қиламан ҳам! Айтдим-ку у ёққа бир ўзи кетадиган аҳмоқ йўқ деб.

– У бечораларнинг айби нима эди, аҳмоқ?

– Айби шуки, учраб қолди қорним очганда... – Тожибой бўш шишага меровсираб тикилиб қолди: – Битта ароқ топиб беринглар. Илтимос. Ароқ одамнинг жони эмас-ку.

Жўрабой уни жеркиб берди:

– Опкелганингни тугатдинг-ку!

– Шунинг учун сенлардан илтимос қиляпман-да. Юз граммгина топиб беринглар.

– Уф-ф. Жонга тегдинг-ку. Диля, мехмонхонада ароқ сотадиган кафеми, ресторани йўқми?



– Йўқ.

– Бу энди қўймайди. Юр, бир шаҳарни айланиб, бунга бирон нима топиб келайлик.

– Майли.

Жўрабой ўртоғига тайинлади:

– Толян. Сен дам олиб тур. Биз Диля билан ароқ топиб келамиз. Кейин кетамиз. Келишдикми?

– Майли-ю... Унда менга... ҳеч бўлмаса анави... ресепшнда ўтирган жувонни чакириб бериб кет, Жора. Дўмбоққина экан. Айтганини тўлайман!

– Жуда сенга кўзи учиб турибди-да.

Тожибой кўрагини керди:

– Ё ўзим борайми?

– Буни хаёлингга келтирма! – Жўрабой муштини дўлайтирди. – Агар шу хонадан чиқадиган бўлсанг, қайтиб келганимдан кейин бир уриб бошингни мажақлаб ташлайман!

– Шундай қилсанг савобнинг тагида қолардинг, – пичинг қилди энгашиб, сумкасидан шприц чиқараётган Толян.

Шприцни кўриб, Дилобар баттар ваҳимага тушиб қолди.

– Бу... ахир...

Жўрабой қизнинг билагидан ушлаб, йўлакка бошлади:

– Кўявер, Диля... Бу тамом бўлган, дедим-ку...

Икковлон пастга тушиб, қабулхона ёнидан ўтаётганлари маҳал Дилобар жойида баайни чарақлаб ўтирган, ниманидир ёзганча, ўз-ўзидан кулимсираб кўяётган Муқаддамнинг ёнига борди:

– Хонада шеригимиз қолди. Сал мазаси йўқ экан, дам олиб турсин. Биз тезда дори олиб қайтамиз.

– Бизда аптечка бор, – деди шошиб Муқаддам. – Қанақа дори керак?

– Уники махсус дори, – аниқ жавобдан ўзини олиб қочди қиз. – Рецепт билан сотилади.

– Унда “Тез ёрдам” чақира қолайлик.

Дилобар кўнмади:

– Шарт эмас.

– Тўғри бориб, иккинчи чорраҳадан ўнгга қайрилсаларингиз, навбатчи дорихона бор.

– Раҳмат.

Дилобар йигитнинг ёнига қайтди.

Бирга ҳовлига чиқишаркан, Жўрабой Муқаддамга ишора қилди:

– Бахтиёрлиги юз-кўзидан бу қадар аниқ билиниб турган аёлни биринчи кўришим.

– Бахтиёрлиги? – сўради қиз ҳардамхаёллик билан. – Эътибор бермапман. Ким билади, балки сигири эгиз тукқандир.

Ички кўнғироқ жиринглади. Муқаддам шошиб гўшакни кўтарди:

– Ассалому алайкум. Меҳмонхона навбатчиси эшитади.



Кимдир ғўлдиради:

– Тўққиз... ўн бир... Худди америка киноларигадайдй...

– Қайси хонадансиз?

– Йигирма тўққиз.

Муқаддам бирдан безовталаниб қолди:

– Ҳа, ҳа, менга айтишганди...

– Айтишганмиди? – жувоннинг гапини бўлди Тожибой. – Унда тез келинг. Мен... мен ўляпман...

– А? – ваҳимага тушган Муқаддам учиб ўрнидан турди: – Вой, мен хозир! Ҳозир!..

Муқаддам иккинчи қаватга чопиб чиқди, 29-хона эшигини жон-жаҳди билан очди-ю, ичкарига шошди.

Билагини чилвир билан боғлаб, томирига шприцдаги дорининг ярмини юбориб улгурган, хузурланганидан илжайиб қўяётган, нечукдир ўзини кучли, бакувват ҳис этаётган ҳолида эшик ёнида чайқалиб турган Тожибой мўлжаллаб ҳам ўтирмасдан хонага отилиб кирган Муқаддамнинг яланғоч билагига шприцни санчди. Муқаддам, билагида чайқалаётган шприц билан анг-танг аҳволда қотиб қолди. Тожибой унга ғолибона қаради:

– Мен бир ўзим кетмайман!

Тожибой шошмасдан эшикни ёпди, қулфлади. Унга ҳайрат аралаш ваҳима билан қараб қолган, нима бўлаётганини ҳали-ҳануз тушунмаётган аёлнинг кўзлари олая бошлади...

Орадан ярим соатлардан сўнг Жўрабой билан Дилобар меҳмонхонага қайтиб келишди. Улар ичкарига киришаркан, қабулхонанинг бўшлиғи кизни ҳайрон қолдирди.

Тўсатдан ранги бўздек оқариб кетган Дилобар иккинчи қаватга чопди, таажжубланган Жўрабой унга эргашди.

Хона эшиги берк эди.

Ваҳимадан адойи тамом бўлган, оёқлари майишиб кетаётган Дилобар эшикни бир тортди, икки, сўнг жон-жаҳди билан ура бошлади:

– Оч! Оч эшикни, Толян!

Ичкарида калит “ширқ” этди. Эшик очилди ва хонадан афтодаҳол, сочлари тўзғиган, паришон Муқаддам чиқиб келди.

Дилобар билан Жўрабой унга қарахт аҳволда қараб қолишди. Жувоннинг ортидан Тожибой кўринди.

Муқаддам йўлакдан бир-бир босиб кетаверди. У чайқалиб, деворга суяниб қолди, кейин яна йўлида базўр давом этди.

Жўрабой Тожибойни судраб хонага олиб кирди. Гижим тўшак, столда чилвир, игнасида қон юки қолган шприц...

– Нима бўлди, Толян?

Вужуди қалт-қалт титраётган Тожибой ўзини бепарво кўрсатишга уринди:

– Ўзи келди, – сўнг қўшиб қўйди: – Айтгандим-ку, у ёққа бир ўзим кетмайман деб!



Дилобар ваҳима ичида нарсаларини йиғиштира бошлади:

– Кетиш керак! Ҳозироқ бу лаънати шаҳардан кетиш керак! Ҳозироқ!

Жўрабой ўртоғининг юзига мушт туширди:

– Калланг курсин сен аҳмоқнинг!

Диванга йиқилиб тушган Тожибой лабини артиб, чайқалганча бўш шиша билан шприцга ишора қилди:

– Менга бу дунёда шулардан бошқа ҳеч нима қолмади! Ҳеч нима!

– Жора, Толян! – бақириб юборди Дилобар. – Кетиш керак! Атас!

Учовлон оёқ учида пастга тушишганида қабулхона бўш эди.

Дармонсиз Тожибой Жўрабойнинг орқасига ўтирди. Иккинчи мотоциклни Дилобар ҳайдади.

Улар жуда тез юришиб, катта йўлга чиқиб олганларидан сўнг ўзини тобора ёмон ҳис қилаётган Тожибойнинг ишораси билан дарахт тагида тўхташди.

Мотоциклдан чайқалиб тушган Тожибой чеккароқда тиз букиб ўтирди, йилтир бошини чангаллаганча анча қайт қилди.

Ниҳоят у қайтиб келди. Дилобар йигитга нафрат билан қаради:

– Хўш, Толян, етдингми мақсадингга? Ўзингга яна битта ҳамроҳ орттирддингми?

– Унинг ўзи келди, – зўр бериб такрорларди йигит. – Телефон қилиб чақиргандим, ўзи келди. Кейин... кейин мен унга бор гапни айтдим.

– Нимани айтдинг?

Тожибой ерга тикилганча анча ўйланиб қолди, ахийри садо берди:

– Ҳаммасини. Наркоманман дедим. СПИДман дедим. Оз қолган дедим.

– У индамай қараб туравердимми? Дод солиб милиция чақирмадимми?

– Йўқ... Индамади. Лекин қадалиб қараб тураверди... Қараб тураверди... Мен кўрқиб кетдим... Ёмон кўрқдим... Ичим музлаб кетди... Мен шунда... шунда бу аёлнинг суяқоёқ эмаслигини билдим... Бу аёл... онамга ўхшаб кетди...

– Ким бўлсаям, – енгил нафас олди Жўрабой. – Милицияга хабар қилмагани бизга яхши бўлибди. Шундан кўрққандим.

Тожибой бу фикрга қўшилмагандай бош чайқади:

– Бундай қарагандан кўра... хабар қилгани яхшийди... хабар қилгани яхшийди...

– Бўлар иш бўлди, ўртоқ, энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди. Бу ерлардан қанча тез кетсак, изимизни қанча тез йўқотсак шунча яхши. Яна бироз чидаб берасан, Толян.

Тожибой бошини кўтарди, ўртоғига тийрак назар ташлади:

– Мен яхшиман. Аравамниям ўзим ҳайдайман.

– Қўйсанг-чи.

– Ўзим!

Қандайдир оғир ўйлар оғушида қолган, кўзлари жикка ёшга тўлган Тожибой шошмасдан бориб мотоциклни ўт олдирди, ўриндиққа ўтирдию, шлемини ҳам киймасдан тез ҳайдаб кетди.



Жўрабой хавотирга тушиб қолди:

– Бунга бир бало бўлганга ўхшайди. Юр-чи.

Мотоциклини учириб кетаётган Тожибойга етиб олиш осон эмас эди. Жон-жахди билан тезликни ошираётган Жўрабойнинг спидометрга қарашга юраги дов бермасди.

Тожибой тўсатдан рулни кескин бурди ва дахшатли тезликда қаршидан келаётган улкан “КамАЗ” тагига кириб кетди.

Дилобар додлаб юборди:

– Тол-я-ан!..

\* \* \*

Ишдан ҳориб қайтган Муҳиддинбойни хотини ҳовлиқиб кутиб олди:

– Дадаси! Ўғлингиз куни билан йўқ.

– Телефон қилмадингми?

– Юз мартадан кўпроқ қилгандирман. Нукул “хизмат доирасидан ташқарида”.

Муҳиддин пинагини бузмади:

– Шунга шунча ваҳимами? Юргандир у ер, бу ерда биронта ўртоғи билан.

– Дадаси, Дилшоджоним ҳар куни ҳеч бўлмаса ҳар икки-уч соатда бир марта кўнғироқ қилиб турарди. Бугун жим. Кўнглим жуда ғаш.

– Ваҳима қилаверма, хотин. Эр етган бола бўлса. Балки учрашувга чиққандир. Қиз боланинг ёнида телефон орқали онасига ҳисобот бериб ўтирмайди-ку, тўғрими?

– Шунақа дейсиз-у, лекин барибир юрагим ҳапқириб кетяпти. Ҳозир ким кўп – бой эр излаб юрган қизлару, бўлмаса бой куёв излаган доғули хотинлар кўп...

Муҳиддиннинг қовоғи уйилди:

– Қўй, болани бунақа папалайверма. Парникда ўсгандай нимжон бўлиб қолади. Пишисин бироз. Одамлар ўғлини бир йиллик армияга юборади. Сен бўлсанг бир кунга “бў” деб ўтирибсан.

Муҳиддин ичкарига кира бошлади. Ҳикоятхон йиғлағудай бўлди:

– Дадаси!

– Бўпти, – рафиқасини хотиржам қилишга уринди Муҳиддин. – Рустамга айтаман, йигитлари билан бир излаштириб кўради. Лекин айтиб кўяй, бирон жойда учрашув-пучрашув қилиб юрган бўлса ўзинг уялиб қоласан.

Орадан бир ош пишгулик фурсат ўтар-ўтмас Рустам Мансурни бошлаб келди. Қисқа салом-алиқдан сўнг Муҳиддинбой мақсадга ўтди:

– Бугун Дилшодни кўрдингми?

– Кўрдим, – деди Мансур.

Кўзлари кизарган, ранги сўлғинлашган Ҳикоятхон жон ҳолатда сўради:

– Қаерда? Қаерда кўргандингиз боламни?



– Туш пайти кўчада кетаётиб, машинасини кўриб қолдим. Қарасам, Дилшод кафедрада бир қиз билан ўтирган экан. Қизнинг оти эсимда йўқ. Лекин Дилшод уни Тошкентдан келган деб айтди. Кейин иккаласи кетишди. Дилшоднинг машинасида.

– Қаёққа кетишди? – сўради Муҳиддинбой.

– Билмадим. Дилшод айтмади, мен сўрамадим.

– Вой, нега сўраб олмадингиз...

Муҳиддинбой бир ўқрайиб қараганди, Ҳикоятхон тилини тишлаб қолди.

– Тошкентлик қиз дегин... – Муҳиддинбой ўйлашиб қолди. – Ҳар қалай, қиз Тошкентдан фақат музқаймоқ ейиш учун келмагандир. Демак, ўғлинг қизлар билан учрашувда юрибди. Сен бўлсанг бу ерда ваҳима қилиб ўтирибсан.

– Йўқ, дадаси, – кўнмай туриб олди Ҳикоятхон. – Дилшоджоним менинг хавотир олишимни билади, қаерда бўлсаям албатта телефон қилган бўларди. Бу ерда бир гап бор.

– Эҳ, хотин-а! Болангнинг олдида сулув қиз турганда сен эсига келармидинг? Ахир энди у ёш бола эмас, жигит.

– Дадаси, мен биламан, Дилшоджон унақа бола эмас... Нимагадир кўнглим ғаш.

– Бўпти, – Муҳиддинбой Рустамга буюрди: – Қидиришни давом эттиринглар.

– Хўп, хўжайин.

– Менам сизлар билан бирга борсам майлими, Рустам ака? – деб қолди Мансур.

Рустам саволомуз тарзда Муҳиддинбойга қараганди, у маъқуллаб бош ирғади.

Ҳикоятхон Мансурни алқай кетди:

– Умрингиздан барака топинг, ўғлим. Илойим, тўйларингизда хизмат қилайлик...

Рустам Мансурни бошлаб чикди.

\* \* \*

Ҳаммаси тамом бўлди... Ҳаммаси...

Кўзлари ҳеч нарсани кўрмаётган Муқаддам зулмат бағрида тентираб юриб-юриб... дарё бўйидан чиқиб қолди.

Жувон кимсасиз қирғоқ бўйида узоқ юрди, ой нурида жимирлаб турган сувга узоқ-узоқ тикилиб қолди. Бир пайтлар бобоси такрорлашни хуш кўрадиган гапни эслади: “Сувда етти юмаласа ҳаром нарса ҳам ҳалол бўлиб қолади...” Наҳот...

Анави ифлос кимса без бўлиб айтди: “Мен СПИДман. Оғир формаси. Яшасам яна ярим йил-бир йил яшайман. Мен ириб-чириб бораётган одамман. Энди сен ҳам шундай бўласан. Эрингга яқинлашсанг, эринг ҳам шундай бўлади... Сен ҳам тез орада менга ўхшаб ириб кетасан, йирингли сув бўлиб оқасан...”



Муқаддам сесканиб кетди ва шу лаҳзада яқингинада эри билан бўлиб ўтган суҳбати ёдига келди:

– Майли, ўғлимизнинг исмини “Тошкенбой” деб қўя қоламиз...

– Шошилманг, дадаси, шошилманг. Сезиб турибман, бу қиз. Чиройли қизалоқ!..

– Ҳечам-да. Биринчиси ўғил бўлади, майли, иккинчиси сен айтгандай...

– Кўнглингизнинг кўчасини! Қиз бола ота-онасига меҳрибон бўлади, шунинг учун тўнғичнинг қиз бўлгани яхши...

– Мен ўғлимни шундай тарбиялайманки, у ота-онасига қиз боладан ҳам меҳрибонроқ бўлади...

Туйқусдан сумкадаги қўл телефони жиринглаб қолди. Чўчиб кетган Муқаддам атрофга аланглади ва ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, қўлларини буюк бир меҳр билан қорнига қўйганча, аччиқ кўзёшларига фарқ бўлган кўйи буюк муҳаббат билан шивирлади:

– Дадаси... дадажониси... Болам... болажоним...

Жувон мана шу ҳолида, қўлларини қорнига қўйган кўйи, узлуксиз жиринглаётган телефонини ҳам эшитмай, дувуллаб оқаётган кўзёшларини артмасдан бир-бир босганча негадир бирдан бўтана тус олган дарё қаърига кириб бораверди, бораверди... Оқар сув аввал Муқаддамнинг тиззасига гача келди, кейин кўкрагига гача... Ногоҳ шиддат билан оқаётган сувости оқими жувоннинг оёқларига урилди. Муқаддам тойиб йиқилди ва ҳеч бир қаршилиқ кўрсатмасдан, аста-секинлик билан чўкаверди...

Дарё икки жонни ўз бағрига олди...

Йўк, йўк, келинг, воқеалардан бироз олдинроққа ўтиб бўлса-да, муҳтасаргина маълумот бериб ўтайлик; илло, уларни батафсил тасвирамкок имконимиз сарҳадидаги ишдир. Оқар дарё бу икки жонни бағрига қабул қилмади: тонг палла, куёшнинг илк нурлари билан шишиб кетган жасад сув юзасига қалқиб чиқди... Балиқчилар майитни қирғоққа олиб чиқишди...

Бир кечада сочи қордай оқариб, қадди кекса чолникидек букчайиб қолган Дониёр хотинини ўликхонада кўрган лаҳзада бир оғиз сўз айтолмасдан “гуп” этиб қулади... Тилдан қолган Дониёр анча даволанди. Сал тузалиб, дудуқланиб гапира бошлаган Дониёр хотинининг йилини ўтказгач, бир кечада кўчиб кетди. Кимдир уни Тошкентга кетган дейди, кимдир ота-онасининг ёнига. Ҳарнечук, ҳар ҳафта Муқаддамнинг қабрида янги гуллар пайдо бўлиб қолишига қараганда, Дониёр бу шаҳардан унча узоклашмаганга ўхшайди...

\* \* \*

Бердиқул ҳисобни тўғри олган экан: қўлида семизгина конверт тутган Гулноза кириб келди.

Жувон салом-палом бериб ўтирмасдан, конвертни тутди:

– Мана.

Бердиқул қаддини ростлаб ўтирди, конвертни очиб, ичидаги долларларни санаб кўрди.

– Етадимми?





Бердикул истехзоли илжайди:

– Етиб колар. Етмаганини Тохирнинг ўзи қўшиб турар.

– Уни тинч қўйсангиз девдим.

– Шарт қўйманг, синглим. Сиз бу пулга менинг кўрсатмаларимни сотиб оляпсиз, ўзимни эмас. Агар муҳтожлик бўлмаганида эди, сиздан бир тийин олмасдим. Шунинг учун олдиндан айтиб қўяй, мен тирик эканман, Тохир душманим бўлиб қолаверади. Дунёнинг олтинларини бошимдан сочсангиз ҳам уни тинч қўймайман. Бу сафар уни сиз қутқариб қоляпсиз. Кейинги сафар нима бўлади, кўрамыз! Барибир бир куни уни оёқларим остида топ-тайман, хор қиламан, зор қиламан!

Гулноза сесканиб кетди, Бердикулга ғазаб билан қаради:

– Разил одам экансиз!

– Бир нарсани унутманг: менинг разиллигим оқибат, сабаб эса яна Тохирнинг ўзи бўлиб қолаверади.

– Хўп, шу сафарга ишонсам бўладими?

– Ҳа. Мен эркакман. Айримларга ўхшаб хотин кишининг орқасига яшириниб олмайман.

– Уф-ф. Тохирнинг ҳали бу гаплардан хабари йўқ десам ишонасизми?

– Хабари бўлмаса, бўлади, – пинак бузмади Бердикул. – Сизга тиз чўкиб миннатдорчилик билдирса керак ўзиям. Барибир икки ўн беш – бир ўттиз бўлиб қолаверади. У аввал ўғирлик қилмаган бўлса, энди мошинангизни тўлаш учун ўғирлик қилади. Катта ўғирлик қилади. Ана шунда қопқонга тушади.

– Бўлди килинг, – энсаси қотганини яшириб ўтирмади жувон. – У томони билан сизнинг ишингиз бўлмасин.

– Сизнинг ҳам эртага менинг нима қилишим билан ишингиз бўлмасин!

Гулноза палатадан чикди. Асабийлашганидан вужуди дир-дир титрай бошлаган Бердикул ўрнидан турди, конвертни ички чўнтагига солиб, бошидаги бинтни ечиб ташлади.

Палатасидан чикқан, бошига боғланган бинтлари олиб ташланган Бердикулнинг хотиржамлик билан йўлакдан кетиб бораётганини кўрган навбатчи ҳамшира анграйиб қолди:

– Бемор... Қаёққа?

Бердикул жилмайди:

– Бир тоза ҳавода айланиб келсам дегандим.

Ҳамшира Бердикулнинг бошига ишора қилди:

– Лекин сиз...

– Ҳа, буми? Бирдан тузалди-қолди. Соғ одам койкани ортиқча банд қилиб ётгани яхши эмас-да.

Шу сўзларни айтгач, Бердикул йўлида давом этди. Ҳамшира унинг ортидан оғзини ланг очганча қолаверди.

\* \* \*

Терговчи Жавлон Сулаймонов соат етти бўлмасидан ишига келди ва биринчи бўлиб Гулнозани қабул қилди.



– Мен иш ҳужжатлари билан танишиб чиқяпман. Шунинг учун сиз шошманг. Аввал ҳаммасини ўрганайлик, баҳолайлик.

Терговчининг биринчи айтган гапи шу бўлди.

– Сиз ҳаммасини ўрганиб, баҳолаганингизга қадар Холиёров озодликда юриб турса бўларди. Ҳар қалай у одам ўлдирмаган-ку.

Сулаймонов жиддий тарзда делони варақлаб кўрди:

– Мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш... Хизмат вазифасини ўтаётган пайти фуқарога оғир тан жароҳати етказиш... Пора... Мастлик... Менимча, шуларнинг ўзиёқ гумондор Холиёровни вақтинчалик ҳибсхонада сақлаб туриш учун етарли асос бўла олади. Бундай одамлар ўз хулқ-атворлари билан жамоатчилик учун хавф туғдириши мумкин.

– Лекин у ичмайди. Мутлақо! – таъкидлади Гулноза.

– Бу куруқ гап, холос. Экспертиза бошқа нарсани кўрсатиб турибди. Бунинг устига, Гулноза опа, мана шу ичмайдиган инспектордан калтак еган, тан жароҳати олган бечора фуқарони ҳам эсдан чиқарманг. Ҳали у шундай ариза берсинки...

– Ўша фуқаро ариза бермайди.

– Наҳотки? – Сухбат бошлангандан бери биринчи марта Гулнозага қизиқиб қаради Сулаймонов. – Унинг оғзини мойлашга қачон улгура қолдингиз?

– Мен илтимос қилдим. У кўнди.

Терговчи ғалати илжайиб қўйди:

– Бунақа маҳаллари мушук текинга офтобга чиқмаслигини яхши биламиз. Лекин айтиб қўяй: мен жабрланувчининг аҳволи ҳақида суд-мед экспертнинг холис хулосасини ишга тиркаб қўяман. Агар ҳаёт учун хавфли жароҳат етказилган бўлса, жабрланувчи ариза киритмаган тақдирда ҳам бу ҳолатни ҳисобга олишимизга тўғри келади. Ва бу Холиёровнинг фойдасига хизмат қилмайди.

– Ҳа, хурсанд қилдингиз, – кесатди жувон.

– Қонун талаби шу. Дарвоқе, Холиёров бу қонунбузарликларни ўз иш сменасида эмас, айтиш мумкинки, ишдан бўш вақтларида қилиб юрганини ҳам унутмаслик керак. Бу жиддий айблов. Агар Тоҳир Холиёровнинг айбсизлигига ишонсангиз, тузукрок адвокат ёлланг, куруқ гап билан ҳеч нарсага эришолмайсиз.

– Менинг эрим адвокат.

Жавлон бир муддат жувонга анқайиб қараб қолди, сўнг тилга кирди:

– Унда янаям яхши. Хайр.

Гулноза ўрнидан турди:

– Хайр.

\* \* \*

Йигитлардан бири камишзор яқинида Дилшоднинг “Нексия”сини топибди. Бу хабарни эшитган заҳоти Рустам шу томонга елдек учди.

Машина ўриндиғида компьютерда, катта-катта ҳарфларда ёзилган қоғоз бор эди. Рустам машинасини чийиллатиб қайирганча шаҳарга шошди.



Йўл-йўлакай кўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтиришга уринганди, аммо барибир ҳеч нарса англамаган Муҳиддинбой ҳовлида, ҳовуз ёнида асабий тарзда у ёқдан, бу ёққа бориб келиб турган экан.

Рустам дарвозадан одатига кўра бош эгиб кирган заҳоти Муҳиддинбой паст овозда сўради:

– Қани?

Рустам кўкрак чўнтагидан қоғозни тутқазди, аммо қўллари титраётган Муҳиддинбой уни қайтариб берди:

– Ўқи.

Рустам шивирлаб ўқиди:

– “Ўғлингни эсон-омон кўраман десанг, соат ўн иккида бетонкага уч юз минг доллар чиқар. Агар биз билан ўйнашадиган бўлсанг, ўғлингнинг мурдасини ҳам тополмайсан!”

Муҳиддинбой турган жойида чайқалиб кетди:

– Аблаҳлар!.. Машинада бирон киши бормиди?

Шу маҳал ичкаридан Ҳикоятхон шошиб чиқиб қолди:

– Вой, Рустамжон иним, келдингизми? Топдингизми ишқилиб? Топдингизми қулоқсиз боламни?

Тарадудланиб қолган Рустамнинг ўрнига Муҳиддинбой жавоб қайтарди:

– Топилибди, хотин, топилибди.

– Вой, хайрият! – яшнаб кетди Ҳикоятхон. – Қаерда экан? Нега бизга кўнғироқ қилиб қўймапти.

– Тошкентда, ўртоқлари билан юрган экан, – ёлғон тўқишда давом этди Муҳиддинбой. – Соткаси ишламай қопти.

– Вой, калласи жойидами унинг? – тутақиб кетди Ҳикоятхон. – Бизни пичоқсиз сўйди-ку.

– Хотин, – вазмин оҳангда гапирди Муҳиддинбой. – Уйга кир. Бизнинг Рустам билан зарур ишларимиз бор.

Ҳикоятхон Рустамга ажабланиб қаради:

– Дилшоджоннинг ўзи қани?

– Йўлда экан, – яна ўзи жавоб беришга мажбур бўлди Муҳиддинбой. – Кеп қолади.

– Ҳеч бўлмаса бир гаплашай. Эшитай овозини у беўйнинг!

Муҳиддинбой бақириб юборди:

– Хотин! Ишимиз бор дедим!

Аммо туни билан ваҳимали ўйларга боравериб, бўлари бўлиб чиққан Ҳикоятхон таслим бўлмади:

– Ахир ўғлингиздан муҳимроқ канақа иш бўлиши мумкин ҳозир, дадаси? Муҳиддинбой... бирдан мулойимлашди:

– Ҳикоят, уйга кир. Эркаларнинг гапига аралашма.

Ҳикоятхон ноилож, аммо орқасига қарай-қарай ичкарига кирди.

Муҳиддинбой кўчага ишора қилди. Икков дарвозадан чиқишди.

– Кеча ўртоғи Дилшодни тошкентлик қиз билан кўрдим дегандай бўлувдими?



– Ҳа, хўжайин.

– Бу менга негадир шубҳали туюляпти. Инвесторлар билан айнан уч юз минг долларлик шартнома тузганимдан фақат Аббос Усмонович билан Қаҳрамон Темирович иккалови хабардор эди. Бошқа ҳеч ким билмасди. Ё сен биронтасига оғзингдан гуллаб қўйганмидинг?

– Йўғ-э, хўжайин.

Муҳиддинбой ўйчан тарзда, ўзига ўзи шивирлади:

– Тошкент...

– Хўжайин, – деб қолди Рустам. – Эҳтиёт бўлинг, сиздай одамга қарши чиқишибдим... Мен, масалан, сизнинг ўрнингизда бўлганимда сўраганларини берардим. Боламнинг бир тола сочи тўкилмаса бас дердим.

– Қанча вақтимиз бор?

– Икки соатча. Хўжайин, рухсат берсангиз пулни ўзим опчиқардим. Уларнинг биттасини кўриб олсам бўлди, кейин ернинг тагидан бўлсаям кидириб топаман. Мени биласиз.

Ҳа, Муҳиддинбой Рустамнинг бунақа масалаларда қанақа абжир эканини яхши биларди. Ҳов қаҳратон қишда, бундан ўн йилча бурун, шаҳарда бизнес ишлари билан юрганида намозшом маҳал жомадонидаги каттагина пулини тортиб олиш мақсадида тўртта безори унга ёпишганида қайдандир пайдо бўлиб қолган мана шу Рустам уларни тўрт томонга иргитиб ташлаганди. Кейинроқ, ўзига ёрдамчи қилиб олгач, Рустам уларни биттама-битта қидириб топди, ҳаммасини Муҳиддинбойнинг ҳузурига олиб келиб, тиз чўктирди, кечирим сўратди... Ҳа, бунақа ишларни Рустам боқлайди... Лекин унда ўртада пул турганди, холос. Ҳозир эса...

\* \* \*

Эр-хотин орасидаги суҳбат оғир кечди. Аввалига Файзулла сира телефони кўтармади. Гулноза қасдма-қасдига қайта-қайта қўнғироқ қилаверганидан сўнг, ниҳоят у гўшакни кўтарди ва гапни пичингдан бошлади:

– Нечук бизни йўқлаб қоптилар?

Гулноза гапни калта қилди:

– Ўзингиз келмасангиз бўлмайди, адаси. Қолган гапларни шу ерда гаплашамиз.

– Наҳотки? Наҳотки менсиз ишингиз битмаса, хоним?

– Ҳозир ўпка-гинанинг ўрни эмас, адаси. Тез етиб келмасангиз, бир бегуноҳ одам қамалиб кетиши мукин.

– Ким экан ўша бегуноҳ? Оиламизга тегишли одамми?

Бир муддатлик сукутдан сўнг жувон айтди:

– Тохир.

– Тохир? Ие, ие... Эски яралар яна тирналибди-да. Кечадан бери гум бўлиб кетганингиз сабабини тусмоллаб тургандим. Қаранг, адашмабман.

– Файзулла ака, кесатманг. Орамизда ҳеч нарса бўлгани йўқ. Лекин сиздан илтимос қиламан, ёрдам беринг.



– Нима, у ерда адвокат йўқ эканми?

– Тоҳирга кучли адвокат керак дейишди.

– Нима учун энди келиб-келиб уни химоя қилишим керак экан? Оиламга совуқчилик солгани учунми? Хотинимни менга бемехр килиб қўйгани учунми?

– Адаси, келинг. Илтимос. Кейин... кейин сизнинг ҳар қандай талабингизга розиман.

– Ҳм-м, шунақа денг, – бу сафар Файзулла анча сукут сақлади. – Бу таклифни ўйлаб кўрса бўларкан.

– Ўйлаб ўтиришга вақт йўқ, адаси. Сиз тез етиб келинг, қолган гапларни шу ерда гаплашамиз. Ҳамма шартларингизга олдиндан розиман деб айтяпман-ку...

Файзулла телефонни ўчириб қўйди.

Гулноза қайта кўнғироқ қилмади. У эрининг одатини яхши билади: ҳозир адвокатларга хос совуққонлик билан “мусбат” ва “манфий” томонларни тарозига солмоқда, ҳар битта далилни ҳидлаб, эзгилаб, ўлчаб кўрмоқда... Қарор ана шундан кейин, натижага қараб қабул қилинади...

\* \* \*

Шаҳар ички ишлар бошқармасидан чиқиб келган Муҳиддинбой дарвозадан ўтиб, машинаси томон юраётган маҳал Рустамнинг машинаси унинг шундай ёнига келиб тўхтади.

– Тинчликми, хўжайин? – хавотирли овози эшитилди Рустамнинг.

Ўз ташвиши ўзига етарли Муҳиддинбой қўл силтади:

– Сен офисга боравер.

Бирок индамай кетиш ўрнига Рустам милиция биносига ишора қилиб сўради:

– Айтдингизми? Ахир, улар талаб қилишганди-ку!

Бу савол сўнгги томчи вазифасини ўтадимми, Муҳиддинбой бирдан портлаб кетди:

– Айтган мен, сенинг нега орқанг куйяпти?!

Рустам довдираб қолди:

– Хўжайин... мен... ҳалиги...

– Офисга!

– Хўп...

Рустам шу аҳволда машинасини тез хайдаб кетди. Баттар жаҳли чиққан Муҳиддинбой унинг ортидан бақириб қолди:

– Офис бу ёқда-ку, тентак!

\* \* \*

Инспекторнинг барча айбларни ўйламай-нетмай инкор қилавериши охир-оқибат терговчининг жаҳлини чиқарди.

– Сиз қандай аҳволда эканлигингизни тасаввур қилмаяпсиз, шекилли? Шунинг учун ҳаммасини бўйнингизга олмасдан, силлиққина кутулиб



кетмоқчи бўлаяпсиз. Лекин бизда ҳозирча мавжуд далилларнинг ҳаммаси сизга қарши.

– Буларнинг ҳаммаси тухмат!

Терговчи истехзоли кулди:

– Наҳотки ҳамма қоп-қора-ю, биттагина сиз оппоқ бўлсангиз?

– Мен ҳақиқатни гапиряпман!

– Хўш, нима учун раҳбарингиз тасдиқлаб берган иш графиги асосида эмас, бошқа сменада ишга чиқдингиз?

– Мен сменодошим билан келишгандим.

– Қай тахлит? Бевосита раҳбарингизга билдирги билан мурожаат этганмисиз, у кишининг ёзма розилигини олганмисиз?

– Йўқ. Биз оғзаки келишгандик.

– Тасдиқланган иш графиги бўйича сиз дам олишда эдингиз. Демак, сиз ўзбилармонлик билан, мавжуд қоидаларни писанд қилмаган ҳолда иш юритгансиз. Йўриқномага асосан эса сиз қонунбузарлик ҳолатини аниқлаганингиз заҳоти зудликда ўз сменасида ишлаётган ҳамкасбингизни чақиришингиз ҳамда бу жараёнда гувоҳ сифатида иштирок этишингиз лозим эди.

– Вазият тезлик билан иш юритишни тақозо этганди. Бўлмаса далиллар йўқ қилиниб ташланиши мумкин эди.

– Ҳар қалай, қўйнингизда пайдо бўлиб қолган саксон минг сўмни айтмаётгандирсиз?

– Мен ҳеч кимдан пул олганим йўқ. Олмаيمان ҳам.

– Яна ҳаммасини бошидан бошлаяпсиз, Холиёров. “Олмаганман, олмайман. Қўйнимга солиб қўйишган. Ичмаганман, ичмайман. Мажбурлаб ичиришган. Урмаганман...” Тўтикуш бўлиб кетинг-э. Бўлмаса ким олди пулни? Ким ичди? Ким шиша билан урди бегуноҳ фуқарони?

– Нималарнидир ғира-шира эслагандай бўляпман, лекин аниқ бир нарса деёлмайман.

Жавлон қўлларини икки ёнга ёйди:

– Яна нима дейсиз? Яхшиси ҳаммасига иқрор бўлиб қўя қолинг. Чин кўнгилдан айбига иқрор бўлиш жазони енгиллаштиради.

Тоҳир зўр бериб ўша жанжални эслашга уринди, аммо ғира-шира нималардир ёдига тушгандай бўлди, холос. Инспектор оғир “уф” тортди...

\* \* \*

Ичкарида дастлабки суриштирув-тергов ишлари олиб борилаётган пайтда оппоқ “Нексия” ички ишлар бошқармаси биноси дарвозаси ёнида тўхтади.

Машинани таниб қолган Ноила қийқириб, шу томонга чопди:

– Адам! Адажоним келдилар!

Машинадан кулимсираганча Файзулла тушиб келди. Ноила ўзини адасининг бағрига отди. Гурухнинг қолган аъзолари ҳам машина томон шошишди.



Кўришишлару ҳол-аҳвол сўрашишлар тугаганидан кейин эр-хотин чеккароққа ўтишди.

– Йўл бўйи ўйлаб келдим, хоним. Аслида-ку, ўша Тоҳир деганларининг камокда чириб кетганлиги менга маъқулроқ эди, – Файзулла хотинининг кескин тарзда ўзига ялт этиб қараганини кўриб истехзоли илжайди. – Ҳай-ҳай, юрак пастга тушиб кетди-ёв... Хўш, ҳиссиётларни бир четга тугиб қўйиб, ақл билан иш юритамиз. Мен бу ишга киришаман. Ҳали ҳеч нарсадан хабарим йўқ, шу сабабли ҳеч нимага кафолат беролмайман. Биласиз, мен чангали маҳкам одамман. Бир киришсам, каттиқ киришсам. Шу сабабли, виждонан ишлашимни олдиндан маълум қилганим ҳолда, натижа қандай бўлишидан қатъи назар, сизга ўз талабимни айтишга тўлақонли ҳақлиман деган қарорга келдим.

– Сиз уни олиб чиқасиз, – ишонч билан гапирди Гулноза.

– Насиб қилса, хоним. Хуллас, каминанинг камтарингина талаби шундан иборат: бундан кейин дунёда шундай одам борлигини тамомила унутасиз, табиийки, телефон-пелефон деган нарсалар ҳам буткул унутилади. Овулга ҳам баҳона бўлса-бўлмаса ёлғиз ўзингиз ликиллаб чопиб келавермайсиз, фақат мен билан келиб, мен билан кетасиз. Келган пайтларимиз ҳам ёнимдан бир қадам нари жилмайсиз. Бахтли эр-хотинлардек яшаймиз. Маъқулми?

– Розиман. Сизам машинамни тилга олмайсиз. Мен уни сотдим.

– Битта машина сизнинг бош-кўзингиздан садақа, хоним. Оғзаки келишув шартлари ҳар икки томонни қаноатлантирди, деган қарорга келамиз ва ишга киришамиз. Чақиринг ўша қахрамоннинг яқинини. Ўғлимиди? Мен ордер тўлдиришим керак-ку, ахир.

Гулноза дарвоза ёнида турган Дилмуродга қараб қўл силкиди:

– Бу ёққа кел!

Файзулла ҳақиқатан ҳам ўз ишининг устаси эди. Зарур ҳужжатларни тўлдирганидан сўнг у қонунни пеш қилиб, энди гумондордан айбланувчига айланган Тоҳир Холиёровнинг камерасига кириб борди. Адвокатнинг ҳайратдан оғзи очилиб қолган Тоҳирга нима дегани номаълум, аммо ўн дақиқалик кириш сўзидан сўнг инспектор Файзуллага бор гапни айтиб бераверган, у эса эринмасдан буларнинг барини қоғозга тушираверган.

Хуллас, адвокат терговчи Жавлон Сулаймоновнинг кабинетига кириб борган маҳали етарли даражада “қуролланиб” улгурганди. Файзулла гапни талабдан бошлади:

– Мен ҳимоямдаги Тоҳир Холиёровнинг ҳаракатларида жинойт аломати йўқлиги сабабли зудликда озод этишингизни талаб қиламан.

Терговчи адвокатга “Бунинг эси жойидами ўзи” дегандай ажабланиб қаради:

– Қачондан буён хизмат вазифасини ўтаётган пайти катта миқдорда пора олиш, бировга тан жароҳати етказиш жинойт бўлмай қолди?

– Мен ўз ҳуқуқимдан фойдаланган ҳолда тергов ҳужжатлари билан танишиб чиқдим, – сайраб кетди адвокат. – Холиёровнинг қўйнидан чиққан



80 та минг сўмлик купюранинг биронтасида унинг бармоқ излари топилмаган. Демак, бу пуллар менинг ҳимоямдаги Холиёровга кейинчалик қасддан солиб қўйилган бўлиши ҳақиқатга яқинроқ. Шунингдек, жиноят қуроли бўлган ароқ шишаси далилий ашё сифатида ишга тиркалмаган, унда Холиёровнинг бармоқ излари қайд этилмаган. Демак, бу айблов ҳам дастлабки суд терговидаёқ совун пуфагидай ёрилиб кетиши аниқ.

– Балки, гумондор Холиёровни мажбурлаб ичиришган ҳам демоқчидирсиз?

– Худди шундай демоқчиман.

– Талабингиз асоссиз, – хужумга ўтди терговчи. – Чунки Холиёров айёр одам сифатида қўйнига тикилган пора пулларга атай қўл теккизмаган бўлиши ҳақиқатга яқинроқ. Ароқ масаласига келсак, бош инспектор берган тушунтириш хатида Холиёровнинг яширинча чекиб юриши келтириб ўтилган. Демак, у кўпчиликдан яширинча равишда ичиб юрган бўлиши ҳам мумкин. Жиноят қуролига келсак, зарба кучли бўлганлиги боис у синиб кетган.

Файзулла яйраб кафтларини бир-бирига ишқади: бунақанги даҳанаки жанглар унинг жон-дили эди:

– Муҳтарам терговчи, мен ҳали ўша талабларимни пунктма-пункт ишотлаб бераман. Унгача ҳимоямдаги Холиёровни гаров пули эвазига озодликка чиқариш тўғрисидаги илтимосимга нима дейсиз?

Терговчи ноилож қолди:

– Илтимосингизни тегишли тартибда расмийлаштиринг, ўйлаб кўрамиз.

– Хўп.

Ташқарига илжайиб чиқиб келган Файзулла ўзини кутиб турганларга ётиғи билан вазиятни тушунтирди: инспектор гаров пули эвазига чиқариб юборилади, буни расмийлаштириш учун икки-уч соат вақт кетади, холос. Умуман олганда эса, ишнинг судга оширилмасдан, терговдаёқ ёпилиши ҳақиқатга яқин.....

\* \* \*

“Ўзи яқинда қамоқдан қайтган одам бўлса... Унда пул нима қилади?.. Айтди-қўйди-да... Шу билан йиққан-терганим ҳавога учди-кетди”, деб юрган эканми, кутилмаганда ўзини йўқлаб келган Бердикул газетага ўралган бир даста пул тутиб турганини кўрганида Самад кўзларига ишоналмай, тирчиллаб қолди:

– Минг раҳмат, ука! Келаётган шанба тўй, энди нима қиламан деб сочимни юлгудай бўлиб ўтиргандим.

Бердикул илжайди:

– Пулингиз қисир экан, болалабди.

Ишорани тушунган Самад газетани очди. Долларлар. Самад шошиб санаб кўрди. Кўп. Анча кўп.

– Оббо укажон-ей, тўёнаси ҳам ичида денг.





– Ҳали уни топширишга алоҳида келамиз, ака.

Самаднинг кўзларида ёш халқаланди:

– Илоё, умрингиздан барака топинг, укажон. Тўғриси, умидимниям узиб қўйгандим. Минг раҳмат.

– Хўп, Самад ака, мен борай. Вақтингизни олмай, тўй ташвишлари билан юргандирсиз.

– Ёқимли ташвиш, укажон, бу ёқимли ташвиш, – Самад пулга ишора қилди: – Айникса, белинг бақувват бўлса. Лекин, укажон, бир пиёла чой ичмасдан кетмайсиз.

– Тўйдан кейин, ака, тўйдан кейин бафуржа ўтириб чойлашамиз. Ҳозир ўзимам шошиб тургандим.

– Майли, укажон, майли. Фақат ваъдани унутмасангиз бас: тўйдан кейин алоҳида отамлашамиз.

– Хўп.

Бердикул қўлини кўксига қўйганча оғзининг таноби қочиб бораётган Самаддан узоклашиб, кўчага чиққан чоғида қўл телефони жиринглади.

– Эшитаман.

– Қаердасан? – бу Рустамнинг таҳдидли овози эди.

– Қишлоқда, Рустам ака.

– Анов масала ҳал бўлдимми?

Бердикул гап нима ҳақида кетаётганини тушунди:

– Ҳал бўлди.

– Тузук. Тез қамишзор ичидаги кулбага бор. Ҳамрокул кутиб турибди.

– Хўп.

Бердикул уйига шошди.

Тўшақда беҳол ётган Солиҳа энанинг ёнида Қўзибой билан оқ халатли шифокор.

– Эна! – ошиқиб кириб келган Бердикул ўтирганларни кўриб, салом берди.

– Келдингми, ука, – деб қўйди Қўзибой паст овозда.

– Энам яхшими?

Қўзибой шивирлади:

– Яхши. Ҳозиргина ухлади.

– Келганингиз яхши бўлибди, ака, – ховлиқди Бердикул. – Худо хоҳласа, бугун ё эртага энамни дўхтирга обормоқчи бўлиб тургандим. Операцияга.

Шифокор бу гапга ишонқирамагандай бош чайқаб қўйди:

– ҚВПга оборолмай турибмиз-у.

Бердикул онасининг ёнига ўтирди:

– Тинчликми, ака? Энамга бир гап бўлдимми?

– Ҳаммаси жойида, ука. Сен безовта бўлмай қўя қол. Ўзимиз...

Бердикулнинг жаҳли чикди:

– Ака, менга ишонмаяпсиз шекилли? Мана!

Бердикул чўнтагидан оқ салафан халтачага солинган бир даста доллар чиқариб, кўрпача устига ташлади. Қўзибой пулга бир қараб қўйди.



– Бунингни олиб қўй, ука.

– Бу нима деганингиз?

– Энамга... фақат ҳалол пул ишлатаман деб ният қилиб қўйганман.

– Нима, сизнингча, бу ҳалол эмасми? – дир-дир титрай бошлади Бердикул. – Ахир, буни мен пешона терим билан топдим.

– Фақат пешона тери билан бунча пул топиб бўлмаслигини иккаламизам яхши биламиз. Буни олиб тур.

Шифокор орага гап қўшишга урингани маҳал Бердикулнинг телефони жиринглаб қолди. Рақамларга қараган Бердикул шошиб пойгакка ўтди.

– Эштаман, Рустам ака.

– Етиб бордингми?

– Йўк, энди...

– Тошбақамисан? Ўн минутда етиб бормасанг, тириклай терингни шилиб оламан!

– Хўп, хўп. – Бердикул телефонни ўчирди. – Ака, ишдан чақириб қолишди.

– Бемалол, дедим-ку, ука.

– Энам уйғонганидан келганимни айтинг.

– Хўп. Фақат, – Қўзибой пулга ишора қилди, – бунингниям опкетиб тур.

– Ака!..

Бердикул нимадир демокқа чоғланди, аммо вақт зиклигини англаб тургани боис шошиб келиб пулни олди ва хонадан илдам чиқиб кетди.

Қамишзор ичида, сувга деярли туташ ҳолатда чайла қурилган экан. Чайланинг бир бурчагида, қамишлар устида қўл-оёғи боғланган, оғзига латта тикилган бир йигит ётибди.

Бердикул қўшоғиз милтигини маҳкам бағрига босиб ўтирган қоровул Ҳамроқулнинг ўрнини эгаллади.

Чайла четидаги банди кучаниб-ихраниб, қўл-оёғини арқонлардан бўшатмоқчи бўлди, аммо эплай олмади. Ўз ўйларига ғарқ Бердикул унга эътибор ҳам бермади.

Қамишзор ёнига Мансурнинг “Москвич”и келиб тўхтади. Ундан Мансур билан ўттиз ёшлардаги аёл тушишди. Улар тўғри қамишзор ичига кириб, уйча ёнига келишди.

Сергак Бердикул милтиқ милини шу тарафга тўғрилади:

– Ким у?

– Ўзимизникилар, – овоз берди Мансур. – Бизни Рустам ака юборди.

Бердикул милтигини туширди.

Мансур билан жувон чайла ичига киришди. Бердикул ўз жойини эгаллади ва ичкарини диққат билан кузатиб ўтирди. Ўртоғини кўрган Дилшод типирчилаб, арқонларидан халос бўлишга уринди. Мансур илдам бориб Дилшоднинг оғзидаги латтани олди.

Дилшод хурсанд бўлиб кетди:

– Уф-ф... Келдингми, ўртоқ! Мени яна кутқардинг-а! Ким билан кел-



динг? Мени қандай топдинг? Мени ким бу ерга опкелди? Нега?

Бирдан Дилшоднинг кўзи ўзига мазахомуз тикилиб турган жувонга тушиб, каловланиб қолди:

– С-сиз?

Жувон таманно ила Дилшоднинг ёнига келиб, лўли лаҳжасида гапирганча уни қўл телефонида сурагга ола бошлади:

– Садақа қилинг, амак. Садақа радди бало дейдилар... Садақа қилинг, амак.

– Сиз... сиз тирикмисиз? – дея олди нафаси бўғилиб қолган Дилшод аранг.

Мансур Дилшоднинг ёнига бемалол жойлашиб ўтириб олди:

– Шу хушxabарни сенга айтиб, суюнчи олиш учун атай келдим, ўртоқ. Аммо-лекин сен суюнчи беришга ярамайсан. Шунинг учун суюнчининг каттасини даданг тўлайдиган бўлди. Ахир, кимсан Муҳиддинбой!

Дилшод энди Мансурга гарангсиб қаради:

– Ўртоқ...

Мансур илжайди:

– Агар сенга ўхшаган иккита ўртоғим бўлса, менга душманнинг кераги йўқ экан.

Ҳаммасини тушунган Дилшод инграб юборди:

– Нега... нега бундай қилдинг?

– Нега? – ўзини ажабланганга солди Мансур. – Чунки сен шу қадар сипсиллик, яхши ўртоқсанки, одамнинг бўғиб ўлдириб қўйгиси келади.

– Сенга пул керакмиди? – ғазаб билан сўради Дилшод.

– Ҳа, керак эди. Аммо-лекин пулдана м зўр нарса бор. Буям бўлса ўзини осмон санаб юрган одамнинг ер билан битта бўлишини, ўзингдана м пастга тушиб кетишини кўриш. Аммо-лекин сен буни тушунмайсан. Чунки умрингда бир марта оч қолмагансан, умрингда бир марта ҳақорат эшитмагансан, умрингда бир марта балиқ бозорида сени ўласи қилиб калтаклаб кетишмаган.

– Мансур!

– Нима Мансур? Мансур одам эмасми? Унинг орзу-ҳаваси йўқми? Ё бир умр итнинг кейинги оёғи бўлиб, сенинг хизматингда бўлиш учун дунёга келганми Мансур?! А, гапир!

– Аблах экансан!

– Чунки сенинг ўртоғингман-да. Сени бир умр виждон азобида қийналиб юрмасин деб сен аллақачон ўлиб кетди деб юрган тиланчини тириклай олиб келсам-у, раҳмат ўрнига айтган гапингни қара. Ўзинг Муҳиддинбойнинг ўғли бўла туриб арзимаган йигирма беш мингни топиб беролмадинг-ку. Ўшани берганинда эди, олам гулистон эди.

– Бу... – Дилшод жувонга ишора қилди. – Бу тиланчи... сенинг шеригингми?

– Ҳақорат қилма. Бу тиланчи эмас, собиқ актриса. Роҳатой. Умирида бир марта сахнага чиққан, ундаям гадой лўлини ўйнаган. Шундан бери ҳаётдаям шу ролини ўйнаб юрибди. Аммо-лекин ҳақиқий режиссёр кимлигини сен



барибир билмадинг. У тез орада мени олиб кетади. Роҳатой қолади, аммо уни хафа қилишни хаёлингга ҳам келтира кўрма... Сен билан хайрлашишга келдим, курумсоқ. Отанг бугун пулни шиқирлатиб санаб беради, шу билан тамом. Биз эса узоқ-узоқларга кетамиз. Катта пули бор одам қаерга борса ҳам питпилдик!.. Аввал Қозоғистонга ўтамиз, у ердан Россияга, кейин Европага. Балки Америкадаям бироз яшаб кўрармиз...

Қирғоқ тарафдан машина сигнали эшитилди. Бердикул ўрнидан турди.

– Рустам аканинг машинаси.

– Мана! – хурсанд бўлиб кетди Мансур. – Хайрлашиш пайти келди, ўрток!

Шу маҳал Бердикулнинг қўл телефони жиринглади. Бердикул шошиб телефонни қулоғига яқин олиб бориб, паст овозда гапирди:

– Ака, мен ишдайдим. Кейинроқ ўзим...

Аппаратдан Қўзибойнинг ўкраб йиғлаётгани эшитилди:

– Энажонимиздан айрилиб қолдик, ука!

– А?

Шуурсиз аҳволда қотиб қолган Бердикулнинг қўлидан телефон аппарати тушиб кетди.

Уйчага дарғазаб Рустам кириб келди. Мансур шошиб унга пешвоз чиқди:

– Мен тайёрман, Рустам ака.

– Ҳаммаси тамом бўлди! Ҳаммаси! – ғазабланган Рустам Дилшодга нафрат билан қаради. – Манави аблаҳнинг отаси ўз боласидан пулини аяди! Ўз боласидан-а!

Мансур кичкириб юборди:

– Бермадими?

Рустам Дилшоднинг устига бостириб бориб, алам билан уни тепкилай бошлади.

– Аблаҳ! Мен ўн йил отангнинг хизматини қилдим. Итдай ишладим. Лекин отанг ўзи тозалаб қўйган суягиниям мендан қизганиб келди. Сен бўлса бир пулга қиммат боласан! Отанг ҳам буни исботлади! Осмондан тушиб турган уч юз мингга сендан қизғанди! Бундан кўра болам ўлиб кетаверсин, деди! Нима ҳам дердик, Муҳиддинбой. Сизнинг амрингиз вожиб! Болангиз ўлиши керак бўлса – ўлади!

Рустам атрофга аланглади. Бунақа воқеалар бўлишини кутмаган бўлса керак, Роҳатой бир чеккада, ваҳима ичида ғужанак бўлиб турарди. Рустам ҳамон шуурсиз аҳволда, кўзларида жикка ёш билан турган Бердикулни имлаб чақирди:

– Бери кел. От буни!

Бердикул яқин келди, аммо милтиғини ушлаб тураверди.

– От дедим!

Бердикул бош чайқади.

– Менинг буйруғимни бажармайдиган бўлдингми? Пул кутуртирдими?

Рустам бир тепишда Бердикулни икки қадам ортга учириб юборди. Милтиқ Бердикулнинг қўлидан отилиб кетиб, қамиш тўшама устига туш-



ди. Бердикулнинг чўнтагидаги қоғозга ўралган пул ҳам тушди, қоғознинг бир чети очилиб, ундаги долларлар кўринди.

Рустам Мансурга қараб, пулга ишора қилди.

– Ол буни! – Мансур буйрукни бажарди. – Энди милтиқни ол. – Мансур милтиқни олди. Рустам Дилшодни кўрсатди: – Энди от буни!

Мансур жовдираб, ялинди:

– Рустам ака. Ахир, биз келишгандик. Мен фақат... Ахир...

– От деяпман!

Мансур худди қўли куйгандай милтиқни бир четга отиб юборди.

– Шунақами? Ҳажикизлар! Қаранглар, кўриб қўйинглар Муҳиддинбойдай пасткашни мана бундай қилиб бир умр куйиб ўтишга маҳкум қиладилар!

Рустам милтиқни олиб, Дилшоднинг пешонасини кўзлади. Роҳатой жон ҳолатда кулоқларини бекитиб олди. Бердикул лабларидаги қонни енгига артганча ўрнидан турди.

Рустам тепкини босди. “Чирқ” этган овоз эшитилди, аммо ўқ отилмади. Рустам жон ҳолатда иккинчи тепкини босди. Милтиқ яна отилмади.

Рустам милтиқни очиб, стволларни қаради. Уларнинг ичи бўм-бўш эди.

– Ўқ қани? – бўқирди Рустам.

Бердикул ўнг кафтини очди, унда иккита ўқ бор эди:

– Мана.

– Бер бу ёққа! – қўлини чўзди Рустам.

Бердикул бош чайқади. Рустам қутуриб унга ташланди. Бердикул ўзини сал орқага олиб туриб, қутилмаганда Рустамнинг қаншарига кучли зарба берди. Рустам “гурс” этиб йиқилди.

– Мен... мен ёмон одамман! – жазавага тушиб бақирди Бердикул. – Ёмон!.. Мен... ўз онамни ўзим... Лекин мен сени ўзимданам ёмон кўраман. Ифлоссан!

Бердикул Рустамни судраб ташқарига олиб чиқди. Уйча ортида тўнкага боғлаб қўйилган эшакли қайиқ турарди.

Бердикул сал ўзига келиб, қаршилиқ кўрсатишга уринаётган Рустамнинг бошини дарё сувига тикди. Рустам жон-жаҳди билан типирчилар, аммо бу бефойда эди.

Мансур билан Роҳатой ортидан Дилшод судралиб чиқди. Бердикул Рустамнинг бошини сувга тикиб тураверди. Ахийри Рустам тинчиб қолди. Шундан кейингина Бердикул ўрнидан турди ва қалтираётган Мансурга яқинлашиб кела бошлади:

– Ўртоқ эмиш! Сенам устозингнинг орқасидан равона бўл, сотқин!

Мансур “гуп” этиб ўтириб қолди.

– Акажон! Жон ака! Анави, – у жон ҳолатда Рустамнинг жасадига ишора қилди: – анави мени мажбурлади! Ота-бола гўл, улардан катта пул ундирамыз-да, чет элда маза қилиб яшаймиз, деди. Кўнмагандим, кўрқитди! Ўлдиртириб юбораман, деди! У... ҳаммасига у айбдор!

Бердикулнинг Мансурга хезланаётганини кўрган Дилшод:

– Қўйинг уни, ака, – деди. – Кўряписиз-ку кимлигини...



Ранги қумдай оқариб кетган Мансур қўлидаги долларлар ўралган қоғозни жон алпозда Бердиқулга тутди. Бердиқул қоғозни олиб, пулларни Рустамнинг мурдаси устига сочди. Кейин арқонни ечди, сувни кечиб бориб қайиқни оқимга итаргач, қайиққа чиқди-да, эшкакларни отиб юборди. Сўнг шу ҳолида, тик турганча, боши ҳам ҳолда эшкаксиз қайиқда, оқим ихтиёрида кетаверди.

Қайиқ аста-секин кўздан йўқолди.

Буткул довдираб қолган Мансур шошиб келиб Дилшоднинг қўлоёқларидаги арқонларни еча бошлади.

Қамишзор ёнига милиция машиналари келиб тўхтади. Биринчи машинадан отилиб тушган Муҳиддинбой милиционерлар билан биргаликда чайла томон чопди.

\* \* \*

Тожибойнинг ўлиmidан сўнг гарангсиб қолган Дилобар ўйлай-ўйлай ахийри Тамара ишлаётган цехга ишга кирди: бироз кўзга чалинмай, тинч яшаб тургани маъқул.

Ўша кунни юзига ун беланган қиз ҳовлига чиқиб, суви жилдираб турган фаввора ёнида ўтиргани маҳал кимдир ортига келиб турганини сизди.

Дилобар шошиб шу томонга ўгирилди. Бу фуқаро кийимидаги терговчи Жавлон Сулаймонов эди.

– Мен билан боришингизга тўғри келади, Одилова. Жўрабой машинада. Дилобар пиқиллаб йиғлаб юборди:

– Толян... Жойи жаннатда бўлсин.

– Хабарим бор. Юринг.

Кўзёшларини тиелмаётган Дилобар терговчига эргашди.

\* \* \*

Кейинги кунлари хувуллаб ётган “55” Масъулияти чекланган жамият” балиқ етиштириш корхонасида эрталабдан ҳаракат бошланди. Володя билан Абулқосим ишни бутун ҳудудни супуриб-сидиришдан бошлашди.

Бу ерга хизмат машинасида хотинини ҳам ола келган Муҳиддинбой эринмасдан корхонанинг ҳужжатларини текшириб чиқди, қуриб ётган ҳовузни бориб кўрди, эни-бўйини кадамлаб ўлчади, ахийри юзи ёришиб, ўғлини мақтаб қўйди:

– Яхши бизнес-режа тузган экансан, ўғлим. Вақтида шуларни менга айтганингда бунча ташвиш бўлмасмиди?

Ҳикоятхон дарров ўғлининг ёнини олди:

– Вой, дадажониси, сизга сюрприз тайёрламоқчи бўлганини тушунтирди-ку. Муҳиддинбой тахтачадаги “55” рақамига бир назар ташлаб қўйди.

– Ишни бошидан бошлаймиз, ўғлим. Балки банкдан кредит олишга ҳам тўғри келар. Фақат менда бир таклиф бор.

Дилшод отаси қаёққа қараганини сезганди:



– “55”ни “56” қилиб қўяйинми? Ахир бу йилги туғилган кунингизга ба-рибир улгуролмайман.

– Нега энди “56”? – хайрон бўлди Муҳиддинбой. – Менга қолса “50” деб ёздириб қўярдим. Ҳаттоки “45” деб.

Ҳикоятхон ажабланди:

– Вой, нега, дадаси?

Муҳиддинбой кулиб юборди:

– Чунки... чунки ўғлимнинг ақл билан тадбиркорлик қилаётганини кўриб камида ўн ёш яшариб кетдим-да.

Муҳиддинбой уялиқираб турган Дилшоднинг елкасига қоқиб қўйди.

\* \* \*

Учинчи инсулт жуда оғир кечди...

Ўктябр ота уйида, ёлғиз ўзи эски суратларни томоша қилиб ўтирган маҳал кулаб тушган экан...

Тилдан қолди шўрлик. Кўзлари ғилтиллаб, бошида ўтирган жўраларига нимадир демоқчи бўлади, аммо томоғидан хириллашдан ўзга бир сас чиқмайди... Охири қоғозга, бармоқларини аранг қимирлатган кўйи қинғир-қийшиқ ҳарфларда ёзди: “У ёқдан сенларга жой олиб қўяй десам, менинг борар жойим маълум... Сен икковинг ҳам жаннатисан...”

Шу пайтгача ўзини тутиб турган Турғунбой ота чидай олмади: ўкраб йиғлаганча жўрасини маҳкам кучоқлаб олди, Серсенбой ота бўзлаб уларга ёпишди...

Чоллар узоқ йиғлашди...

Кейинги нома қисқа бўлди: “Уйимдан...”

Эртаси куни гоҳ ҳушини йўқотиб, гоҳ ўзига келаётган Ўктябр отани уйига олиб келишди...

Жўрасининг гаплари ёдида турган Турғунбой ота унинг бошида калима қайтариб, билган дуоларини ўқиб ўтираверди...

Ўктябр ота тонг маҳал, безовта уйқусида узилди...

Жаноза куни қишлоққа одам сиғмай кетди...

Исм-шарифи Коммуна Октябровна Лопетайте бўлган бу аёл қишлоққа отасининг вафотидан саккиз кун ўтгандан сўнг, олти яшарлар чамаси сап-сарик қизчаси билан кириб келди.

Албатта, Папакириакопоулос фамилияли, ўзбекчани қийиб ташлайди-ган “Саша грек”лар яшаб ўтган овулда бу ажабтовур фамилияни айтиш ун-чалик қийин эмасди. Аммо Коммунанинг она тилини аллатовур талаффузда, бунинг устига қийналиб гапириши, сап-сарик қизчасининг эса биронта ўзбекча сўзни билмаслиги ғалати эди.

Тез орада Комилахон – қишлоқ аҳли Ўктябр отанинг ёлғиз қизини шун-дай деб атай бошлади – литвалик рассом эрининг фамилиясига ўтгани аён бўлди. Байналминал оила аввал Вильнюсда яшабди, кейин Каунада. Ҳозир



эса Шенген визасига эга, демак катта имкониятлари бор ёшлар сифатида Оврупонинг гоҳ у давлатида, гоҳ бу давлатида истикомат қилишармиш. “Иш топилишига қараб”, дея қўшиб қўйди Комилахон қизиқувчиларнинг бундай кўнимсизлик борасидаги содда саволларига жавобан.

Уй дарвозасига “Продаётся” деб ёзиб қўйган Комила-Коммуна шошиб турган эканми, икки марта қабристонга бориб келганидан сўнг қайтиш тадоригини кўра бошлади. Шу боис ёлғиз кизи, ўзи кўрмаган невараси иштирок этсин, раҳматлининг руҳи шод бўлсин деган ниятда Ўктябр отанинг кирки жуда тез муддатда ўтказилди.

Қандайдир нотаниш одамлар келиб, уйни сотиб олишди. Янги эгалар уйдаги бор эски-туски қоғозлар, суратлар, хужжатлар ва бир олам китобларни ёқиб юборишмоқчи эканидан хабар топган Турғунбой ота илдам бориб уларнинг ҳаммасини уйига опкелтириб қўйди...

Раҳматли отасини “папуля” деб гапирадиган Коммуна Октябровна Лопетайтени кузатишга ярим қишлоқ чикди. Отасининг мазоридан олинган бир сиқим тупроқ тугилган рўмолчани кўлидан қўймаётган жувон, баайни энди бу овулга қайтиб келмаслигини сезаётгандай, озгина кўзёши тўкиб ҳам олди...

\* \* \*

*Она Дарё минг, миллион йиллардан бери тўхтамай оқаяпти; яна минг, миллион йиллар оқади. Биз йўқ эдик, Дарё бор эди. Биз келдик, Дарё бор. Биз ўтамиз, Дарё қолади. Вақт сув каби оқиб ўтади, деймиз, ваҳоланки, аслида Дарё вақт каби оқиб ўтаверади. У неча-неча минглаб, юз минглаб кишиларга жон бахш этди, сувга зорларнинг ташналигини қондирди, саҳроларни бўстонга айлантирди; яна бағрида балиқларни парваришлайди, уларни бизга тақдим қилади. Дарё ҳаёт мисоли: сиртдан сокин кўринган сув қаърида не-не пўртаналар, не-не гирдоблар, не-не шиддатли оқимлар яширин. Дарё бизнинг беминнат онамиздай меҳрибон, гамхўр. Шунинг учун биз уни Она Дарё деб атаймиз. У тириклик ибтидоси. Унинг интиҳоси йўқ...*

**Тамом**







# БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

*Дилмурод ДЎСТ*

*1989 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети талабаси. 2010 йилда Дўрмонда бўлиб ўтган “Истеъдод мактаби” Республика ижодкор ёшлари семинари иштирокчиси. “Таширф” номли илк шеърий тўплами чоп этилган.*



## **Изҳорлар пойингда ётар сочилиб**

\* \* \*

Кўчага боқаман ойна ортидан.  
Ташқарида қор.  
Ташқари совуқ.  
Хаёлим қорларга ботганча, ана  
Кетиб бораяпти уйингга яна...

...Одобсиз хаёлим берухсат кириб,  
Даҳлизда турганча сўрайди сендан:  
– Хаёл уйдаими?  
Сенинг жавобинг:  
– Уйда йўқ.  
Кетганди, сўрамай мендан.

Ҳафсаласиз, мадорсиз қайтар хаёлим,  
Йўлда неча тўхтаб, куч йиғиб олар...  
...Қайтиб,  
Остонада киролмай турган  
Сенинг хаёлингга дуч келиб қолар...





\* \* \*

Кутганим роз эди, бироқ  
Дуч келганим зор бўлди.  
Ҳажрингда озорда эдим,  
Сўнг... яна озор бўлди.

Жар солдим етти оламга,  
Ошиғинг ман... ман... ман.  
Лек, садо йўқ, оқибатким,  
Кўзларим нам... нам... нам.

Куттирганинг озми сенинг,  
Ёки кутганим озми?  
Тақдир пешонамга чекди,  
Тоабад ўчмас имзо.

Рух шошар, хур хаёли  
Етаклар уни ҳар кеч.  
Тун.  
Чикмас, хур хаёли,  
Юрак оҳ чек!..  
Оҳ!.. Оҳ чек!..

\* \* \*

1. Нечун: “Осмон олис, ер қаттиқ”, бўлди,  
Аламнинг сояси дилларга тушди?  
Рашкда куйиб, адо бўлган юракнинг  
Гуноҳи, наҳотки, гулларга тушди?

Ишқни улуғлаган диллар бўлди хор,  
Заминга дардрангли гул ислар инди.  
Алданган туйғули исёнкор дилдан  
Наргизранг гуллаган хур ҳислар унди.

Атрофни чулғаган ранглар тиглидир,  
Рухимга эргашиб Самарқанд бордим.  
Гул исли ҳисларга тўлган юракни  
Иккиланмай, бийи қошида ёрдим.

2. Замонлар юзимдан югуриб ўтди,  
Асрга тутшиб бўйлади ишқим.  
Намиққан киприкдан юракка томган  
Аччиқ кўзёшлардан сўйлади ишқим.



Росту ёлғонларни қўшиб сипқордик,  
Гулкосалар тўлди ишқ уволига.  
Изҳорлар пойингда ётар сочилиб,  
Замин гувоҳ бўлди ишқ заволига.

3. Айбга буюрдинг сен, мен гуноҳ қилдим,  
Намозшомгулдек дил тунда уйғонди.  
Айтсам, сенга росту, ўзгага ёлғон,  
Руху танам ишқда оловсиз ёнди.

4. Гулшаҳри – Самарқанд, бир гулинг узиб,  
Ирмоқлар орқали Сир томон оқиз.  
Зарра томчиларда акс этсин висол,  
Айтақол розингни нарғиз бўйли қиз...

\* \* \*

Сокин тун...  
Жимжитлик қўшиғи авжда,  
Хаёлни денгизга занжирбанд этдим.  
Бечора тебранар, тўлқинда, мавжда,  
Уни кўп кузатмай, ғафлатга кетдим.

Ўша тун...  
Ғафлатнинг эшигин чертиб,  
Уйқуни чақирдим, афсус, фойда йўқ.  
Ишқинг оташида занжир эритиб,  
Хаёлим қочибди, хаёл жойда йўқ.

Сокин тун...  
Ниҳоят, ушладим уни  
Ва яна занжирбанд этдим шу онда,  
Эй, хаёл билиб қўй, энди ҳар куни  
Мен сени сақлайман мангу зиндонда.

Ўша тун...  
Уйқу ҳам эшигин очиб,  
Мени чорламоқчи бўлганди, шу он.  
Банди хаёл яна сен томон қочиб,  
Деди: Уни севиб қолгансан, ишон!



\* \* \*

Айланиб қолсайдим шамолга,  
 Ҳавони кесгувчи шамолга.  
 Инсоннинг сокин дил дарёсин  
 Сийпалаб эсгувчи шамолга.

Шунда, ул дарёлар жўш уриб,  
 Кўринмас қирғоқдан тошарди.  
 Шамолдан туғилган тўлқинлар  
 Дил уйғотмоқликка шошарди.

Айланиб қолсайдим шамолга,  
 Тўлқинлар уйғотсам дарёда.  
 Тўлқинлар мавжининг шавқидан,  
 Мудроқ дил қолмаса дунёда.

\* \* \*

Тор йўлак.  
 Ортингдан кузатиб бораман.  
 Ўн қадам орамиз...  
 Қоронғи йўлакда ҳеч ким йўқ,  
 Сен, мендан бўлак.

Ортинга қарайсан гоҳи гоҳида,  
 Қарашинг – умиддир менга.  
 Ўн қадам орамиз...  
 Ортингдан келишим,  
 Бу сўзсиз изҳорим сенга.

Тор йўлак.  
 Ўн қадам орамиз...  
 У ён, бу ён чопиб ҳалак,  
 Шу ораликда изҳорсиз севги.  
 Биз эса шу зайил кетиб борамиз.

Тор йўлак.  
 Ўн қадам орамиз...





**Хосият БЕКМИРЗАЕВА**

*1974 йилда туғилган. Ўш давлат университети-нинг филология факультетини тамомлаган. “Бобур шеърлятида поэтик образ”, “Экологик тарбия воситалари” номли китоблари нашрдан чиққан.*



## НАВОИЙ ВА БОБУР

Навоийнинг идеал ҳукмдор ҳақидаги орзулари Бобур фаолятида муайян даражада акс этган. Бобур ўзи тузган “Буюк империя”да ислохотлар ўтказган ва мафкурасини мустаҳкамлаган. Бунинг назарий асосларини яратиш мақсадида диний-фалсафий асарлар, ҳарб ишига оид китоблар ёзган. “Мубаййин” ва қатор рисолалари бунга далилдир.

Алишер Навоийгача ҳам ўзбек ёзма адабий тили муайян даражада шаклланган, шеърлятда ҳам анъаналар мавжуд эди. Алишер Навоий ўзининг турли мавзуга бағишланган шеърлий ва насрий асарлари орқали ўзбек адабий тилини ривожлантирди. У бунинг учун ўзбек тили шевалари имкониятларидан фойдаланди, мавжуд адабий мактабларнинг анъаналарини ўзлаштириб ва умумлаштириб, ягона ўзанга солди. “Навоийнинг ўзбек тилида ёзиш ҳақидаги ташвиқот ва тарғиботлари ўз даврида у кутган даражада муваффақият қозонмаган бўлса ҳам, аммо ўзбек адабиётининг бундан кейинги тараққиётида жуда катта ижобий роль ўйнади”<sup>1</sup>. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг шеърлий ва насрий асарлари шундан далолат беради.

Бобур Навоийнинг “олий услуб”ига тақлид қилмаган, у оддий туркона услубда асарлар битган. Навоий ўз асарларида замонанинг жуда муҳим ижтимоий ва фалсафий масалаларини кўтарган. Навоий ва Бобур ижоди бир даврда турли усуллар мавжуд бўлишининг ёрқин намунаси дир. “Бобурно-

<sup>1</sup> Ҳайитметов А. Навоийнинг адабий танқидий қарашлари. – Тошкент, 1959. – Б. 95.



ма” жуда содда, равон тил билан ёзилган. Бу фикрни Бобур шеърляти хусусида ҳам айтиш мумкин.

Бобур ўзига устоз деб билган Навоий ижодини чуқур ихлос билан ўрганган, кўпгина ғазалларини ёд олган. “Бобурнома”нинг 1499-1500 йилларга бағишланган бобида руҳиятида вужудга келган безовталиқ ҳақида бундай ёзади: “Тоҳи телбалардек ёлғуз пушта ва даштқа борур эдим. Тоҳи боғот ва маҳаллотни кўча-бакўча ахтарур эдим. Не юрумукта ихтиёрим бор эди, не ўлтурмокта, не бормокта қарорим бор эди, не турмокта.

Шеър:

*Не борурга қувватим бор, не турарга тоқатим,  
Бизни бу ҳолатқа сен қилдинг гирифтор, эй кўнгул”.*

Ушбу мисралар Навоийнинг “Наводир уш-шабоб” девонидаги (385-рақамли) ғазалнинг учинчи байтидир. Руҳиятига мос келган байтини эслагани Бобур бу ғазални тўлиқ ёд олганини билдиради. Бобур Навоий ижодини чуқур билгани унинг лирикасида ҳам акс этган:

*Ошиқ ўлғоч кўрдум ул шамшод қаддин юз бало,  
“Оллоҳ, Оллоҳ, ишқ аро мундоқ балолар бор эмиш”.*

Бобур ғазалидаги иккинчи мисра тазмин санъати асосида Навоийнинг куйидаги байтидан олинган:

*Ошиқ ўлдим билмадим ёр ўзгаларга ёр эмиш,  
Оллоҳ, Оллоҳ, ишқ аро мундоқ балолар бор эмиш.*

Маълумки, Навоийнинг кўпгина ғазаллари аниқ бир мавзуга бағишланган ва улар композицион жиҳатдан яхлит. Шоирнинг ушбу ғазали воқеабандликка қурилган. Бобур ижодидида ҳам Навоий шеърляри таъсирида ёзилган бундай ғазаллар кўплаб топилади.

Навоий ғазаллари мавзу ва мазмун эътибори, воқеабандлик даражасига кўра ҳар хил. Бобур ғазаллари хусусида ҳам шундай дейиш мумкин.

Навоий нимага эътибор қаратмокчи бўлса, асар давомида ўқувчи диққатини бот-бот ўша нуқтага жалб қилади, ана шу мақсадга етказадиган сўзлардан қайта-қайта фойдаланади. Шундай ҳолат Бобур ғазалларида ҳам мавжуд. Бунга куйидаги ғазал мисол:

*Кўёшим ҳар сориға азм қилса, заррае қолмон,  
Не учунким, агар айрилсам ондин, кун кўра олмон.*

*Онингдек бўлмишам ҳайрон кўёш янглиз юзунгаким,  
Кўёшдек найзалар тегса кўзумга кўз ола олмон.*

*Агарчи ёр ишқи нотавон кўнглумга ўт солди,  
Вале, мен нотавон ул ёр ишқида кўнгул солмон.*



*Ибодат вақти бўлса, ҳар неча меҳроб ўтрумда,  
Қошин нақшин тасаввур қилмагунча, ерга бош чолмон.*

*Ироқу Форса гар етса сенинг бу шеъринг, эй Бобур,  
Ани ҳифз этгуси Ҳофиз, мусаллам тутқуси Салмон.*

Ғазалда шоир қуёш, ёр ишқи каби сўзларни қайта-қайта ишлатади. Ғазалдан қуйидагича маъно англашилади:

Қуёшим (яъни ёрим) қай томон юрар бўлса, мен ундан зарра ҳам ортда қолмайман, нега десангиз, агар ундан айрилар бўлсам, кун кўролмайман.

Қуёш юзингга шунчалар ҳайрон бўлганманки, қуёш нурлари гўё найза бўлиб кўзимга санчилса ҳам ундан кўз узолмайман.

Ёр ишқи нотавон кўнглимга гарчи ўт солди, аммо мен нотавон ёр ишқида кўнглимни хотиржам қила олмайман.

Ибодат вақти бўлса-ю, меҳроб қаршисида турсам ёр қошининг нақшини тасаввур қилмагунча, сажда учун бош кўя олмайман.

Эй Бобур, агар бу шеъринг Ироқ ва Эронга етиб борса, Ҳофиз уни ёд олиб, Салмон эъзозлайди.

Ғазал мисралари мазмунан бир-бири билан мустаҳкам боғланиб, олдингиси навбатдагисига йўл очган. Шоирнинг бошқа ғазалида ҳам шундай манзара мавжуд:

*Бу кеча кулбамга келди ул қуёшим ёшурун,  
Қарнларда келмади ҳаргиз мунингдек кечқурун.*

*Оғзидек тор фурсат васли, вале, ҳажри туни,  
Ул муанбар сочи янглиз ҳам қоронғу, ҳам узун.*

*То хаёли оразинг тушти кўнгулга, эй қуёш,  
Бўлди кўнглум бир ёнар ўту сўнгақларим – ўтун.*

*Бўлди кўнглумда гириҳи ҳасрат анинг тор оғзидин,  
Бор магар жисмим менинг тору кўнгул анда тугун.*

*Олғали жонимни ҳижронга ҳавола қилди ёр,  
Қўйма ҳижронга, ажсал, жонимни ол, тенгри учун!*

*Сарвдек қадди фироқида фижонимдур баланд,  
Гул киби рухсори ҳажрида ёшимдур лолагун.*

*Ишқ ила девоналигда бўлмишам соҳиб камол,  
Ишқ аҳли, эмди Бобурни дегайсиз зуфунун.*

Бу кеча қуёшим (яъни ёрим) кулбамга яширин келди, шунча замонлар ҳеч бундай кечқурун келмас эди.



Васл фурсати оғзидек тор, ҳажр туни эса анбар бўйли сочи каби ҳам қоронғи, ҳам узун.

Эй қуёш, оразинг (юзинг) хаёли кўнгилга тушгач, кўнглим ёнар ўту суякларим ўтин бўлди.

Тор оғзидин ҳасрат тугуни кўнглимда бўлди, жисмим тору кўнгил ундаги тугун.

Ёр жонимни олгани ҳижронга топширди, ажал, ҳижронга қўйгунча, тангри йўлида жонимни ол.

Сарвдек қадди фироқида оху фарёдим юксакка ўрлайди, гул каби рухсори ҳажрида кўзёшим лоларанг.

Ишқ девоналигида соҳиб камол бўлдим, ишқ аҳли, энди Бобурни зуфунун дейсизлар.

Бобурнинг бошқа шеърларидаги каби ушбу ғазалида ҳам арабча-форсча сўз ва иборалар нисбатан кам.

Ғазалдаги қофиядош сўзлар: ёшурун – кечкурун – узун – ўтун – тугун – учун – лолагун – зуфунун ўша давр шеърляти учун оҳорли қофия саналади.

Бобурнинг “Кошки” радифли ғазали бор. Лутфий ҳам, Навоий ҳам худди шундай радифли ғазал ёзган.

Навоий ғазалида:

*Очмайгай эрди жамолинг олам аро кошки,  
Солмагай эрди бари оламга гавго кошки,*

дейилган бўлса, Бобур ғазалида янги фикр-мулоҳаза, ўзгача ҳиссиёт – армон-пушаймонлик ҳисси ифодаланади:

*Кўрмагай эрдим жамоли олам оро кошки,  
Бўлмагай эрдим бари оламга расво кошки.*

*Ихтиёр эт ўзга иш, Бобурки, ҳосил бўлмагай  
Ишқу васлу айш ила ширатдин илло, кошки.*

Навоийда ҳам, Бобурда ҳам ёр ёғлиғи (рўмоли) ҳақида ғазал бор. Муаллиф айтилмаса-да, улар кетма-кет ўқилса, шеършунос бўлмаган киши ҳам ғазалларнинг қайси бири Навоийга, қайси бири Бобурга тегишли эканини аниқ ажрата олади. Бунга, аввало, сўз ва ибораларнинг танишлиги; фикрнинг аниқ ва лўнда ифодаланиши; қўлланган бадиий-тасвирий воситалари имкон беради. Албатта, бу иждокорнинг маҳоратидан далолат беради. Бобурнинг ёғлиқ ҳақидаги ғазалида ёрнинг рўмоли ошиққа “жон риштаси”дан тўқилганга ўхшаб кўриниши таъкидланади. Лирик қаҳрамон машуқага “рўмолинг жонларнинг ришталаридан тўқилган”, дейди. Шоир: “Хаста жонлар риштасидиндур магар ҳар тор анга?” деб савол берар экан рўмолга нисбатан ҳавасланиб:

*Эрулур бошинггаю гоҳи юзунга юз қўяр,  
Бу жиҳатдин от эмиш “гулпечу” гаҳ “гулзор” анга, –*

дейди.





Бу байтдан шоир яшаган замонда рўмолнинг “гулпеч”, “гулзор” деган турлари бўлгани англашилади. Бизнингча, “гулпеч” – дурра, “гулзор” эса рўмол маъносида келмоқда.

Ғазалдаги сўнгги икки байт кўнгилга хитобан айтилган. Уларнинг бирида:

*Эй кўнгул, юз пора қилса ёр тиги, зам ема,  
Лутф этиб гар боғлар ўлса ёғлигини ёр анга, –*

деб кўнгилга тасалли беради.

Мақтаъда бу фикр яна ҳам кучайтирилади:

*Кўнглум истар ёғлигингни, балки андин бир насим  
Етса Бобурга эрур жон бирла миннатдор анга!*

Бобур ғазалда ёғликни байтма-байт тадқиқ қилади ва унинг тўлақонли образини гавдалантиради.

Бобур ғазаллари хусусидаги фикрларни унинг рубойларига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Чунки Бобур ҳам ўз рубойларида Навоийнинг одоб-ахлоқ ва инсоний комиллик мавзуларини давом эттирган. Масалан, Бобурнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи билан боғлиқ, “Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши” деб бошланадиган рубойси Навоийнинг “Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш” мисраси билан бошланувчи рубойсига маъно ва мазмунан оҳангдош. Ёки Бобур: “Рафторию қаддиға равоним садқа, Бир боқишиға икки жаҳоним садқа”, – деганда, Навоийнинг шу монанд мисралари эсга тушади. “Кўзум ичра ёр тутуб, кўнглумда манзил қилгудек” мисраси эса “Қаро кўзум...”нинг ўзгача талқинидир. Булардан келиб чиқиб Бобур ижоди Алишер Навоий ижодига ўхшайди, деб айта олмаймиз. Лекин адабий таъсир масалалари доирасида Навоий ва Бобур ижоди ўрганилса адабиётшуносликда янгилик бўладиган бир қатор тўхташларга келиш мумкин.

## ҲУКМАТ

**Кимнинг халққа фойдаси те-  
зиб, шу фойдаси тўғрайди ҳало-  
ват топса, ўша одам азгудир.**

**Юсуф Хос ҲОЖИБ**



### Абдулҳамид ҚУРБОНОВ

1957 йилда туғилган. Наманган давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. Республика ва хориж журналларида Навоий асарлари, тасаввуф ҳамда мумтоз поэтиканинг турли масалаларига бағишланган ўттиздан ортиқ мақолалари чоп этилган. “Аруз вазни”, “Тасаввуф ва адабиёт” китоблари муаллифи.

## ТАСАВВУФИЙ МАЪНОЛАР ОЛАМИ

*Юз илоҳий ҳусн тажаллийси ёки илоҳий ҳусн жилваланиб турадиган мазҳардир. Атоий дейди:*

*Эй малоҳат богининг бир сарви гулрухсораси,  
Кашифи анвори тажаллийдур юзунг наззораси.<sup>1</sup>*

Юз бадий адабиётда яна рух, рухсор, ораз, узор, чехра, рў, рўй сўзлари билан ҳам ифодаланади. Кўзгу эса юзнинг энг кўп истифода этиладиган сўфиёна истиоравий ифодасидир. “Мирьоти ушшоқ” муаллифи юз ҳақида шундай деб ёзади: “Рух (юз) ёки рухсор (юз) деб зотий ҳусн мазҳари ёки жамолий тажаллиётга айтилур. Байт:

*Рух инжо мазҳари ҳусни Худойи-ст,  
Мурод аз хат ҳижоби Кибриёи-ст”<sup>2</sup>.*

(Мазмуни: *Юз бу ерда илоҳий ҳусн мазҳаридир, Хатдан мурод эса улуғликни тўсувчи пардадир*).

Мазкур таърифда шарҳланиши лозим бўлган икки тушунча бор: 1) зотий ҳусн мазҳари; 2) жамолий тажаллиёт.

“Ҳайрат ул-аброр”нинг “Аввалги муножот”ида айтилишича, азал чоғида бекиёс гўзаллик, куч-қудрат ва фазилатлар кони Парвардигорнинг ёлғиз ўзидан бошқа ҳеч нарса бўлган эмас. У пайтларда на Унинг тенгсиз ҳусну жамоли, на гўзал исмлари, на яширин сирларидан хабардор бир зот ва на Унинг ишқида бағрини ўртагувчи бир ошиқ бор эди. Илоҳ ҳусни ўз-ўзида жилва қилар, Унинг зоти ўз ҳуснига мазҳар бўлиб, ҳусн ҳам, бу ҳуснни мушоҳада қилувчи ҳам, шоир сўзлари билан айтганда, нозир ҳам, манзур ҳам Унинг ўзи эди:

<sup>1</sup> Атоий. Девон. – Тошкент: Фан, 2008, 226-бет.

<sup>2</sup> Мирьоти ушшоқ /Е. Э. Бертельс. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. – М.: Издательство “Наука”, ГРВЛ, 1965, С.132.



*Андаки бор эрди ниҳон бу жаҳон,  
Балки ниҳон доғи жаҳондек ниҳон.  
Не еру не ер юзида бир киши,  
Не кўку гайри ситам ер иши.  
Хусн ўти ҳангома фуруз ўлмайн,  
Ишқ элига мойи сўз ўлмайн.  
Сен эдингу бас, яна мавжуд йўқ,  
Жилва қилиб ҳуснунга ўз ҳуснунг – ўқ.  
Мазҳар ўлуб ҳуснунга миръоти гайб,  
Жилва қилиб анда хаёлоти гайб.  
Нозир ўзинг эрдингу манзур ўзунг,  
Ишқингга хуш, ҳуснунггу мағрур ўзунг.<sup>3</sup>*

Ҳақ таоло гўёки бир яширин хазина эди. Унинг тенгсиз ҳусну жамоли, куч-қудрати ва фазилатлари худди кўзгудагидек акс этсин учун ўзини маълум қилишни истайди. Тангри таоло оламни шу мақсадда яратиб, уни ўз ҳусну жамоли, куч-қудрати ва фазилатларининг кўзгуси қилди:

*Қилди мазохирда хаёли зухур,  
Топқали ул ҳусн камоли зухур.  
Жилваи ҳусн ўлгали зоҳир анга,  
Бўлди бу миръот мазохир анга.<sup>4</sup>*

Шундай қилиб, олам “миръоти мазохир” – бир кўзгу бўлиб, Оллоҳ жамоли ҳамма нарсада: еру кўкда, сувда, тоғу тош, гуллар ва ўсимликларда, хуллас, жонли ва жонсиз мавжудотларнинг ҳаммасида, жумладан, оламнинг гултожи бўлган инсон ҳусну жамолида, қуёш нурлари кўзгуга тушиб, унда қандай жилва қилса, шундай жилваланиб туради. Алишер Навоий бир ғазалида ушбу фикрни турли бадийий тимсоллар воситасида юксак бадиият билан ифодалаб, шундай дейди: олам чаманининг оташгоҳига оташин гулдан ўт солиб, булбулни самандардек кулга ботирган ҳам; Лайли ҳуснининг кўзгусида аксини кўргизиб, Мажнунни кўзгу аксидек беором қилган ҳам; ҳусн гулшанида юз минг гули раъно яратиб, қуёшни хижолатдан гоҳ қизартириб, гоҳ сарғайтирган ҳам; Узронинг узори боғида юзининг гулини очиб, Вомиқни юз гул очирган ҳам; каломини Ширин лабига яшириб, Фарходнинг кўзёшларини қип-қизил лаълга айлантирган ҳам шу ҳусндир:

*Зиҳий, ҳуснунг зухуридин тушиб ҳар кимга бир савдо,  
Бу савдолар била кавнайн бозорида юз гавго.  
Чаман оташгаҳига оташин гулдин чу ўт солдинг,  
Самандардек ул ўтдин кулга ботти булбули шайдо.  
Не ишка бўлди беором кўзгу аксидек Мажнун,  
Юзи кўзгусида аксини гар кўргузмади Лайло.  
Қуёшқа гаҳ қизармоқ, гоҳи сарғармоқ эрур андин,*

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Еттинчи том. – Т.: Фан. 1990, 20-бет.

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Еттинчи том, 20-бет.



*Ки сунъунг богида бор ул сифат юз минг гули раъно.  
Недин юз гул очар ишқ ўтидин булбул каби Вомиқ,  
Юзингдин гар узори богида гул очмади Узро.  
Каломингни агар Ширин лабида қилмадинг музмар,  
Недин бас лаъл ўлур Фарҳоднинг қон ёшидин хоро...<sup>5</sup>*

Бироқ, шу билан бирга, олам ва одам кўзгу бўлиб, бу кўзгуда илохий ҳусн куёш нурларидай жилваланиб турса ҳам, “миръоти мазохир” Ҳусни Мутлақнинг айна эмас. Чунки илохий ҳусн қандай бўлса, шундай эмас, балки олам ва ундаги хилма-хил ва сон-саноксиз нарсалар У истаган шаклда намоён бўлган. Бинобарин, олам илохий ҳуснни жилвалантириш билан бирга, ўз қиёфасида ҳам намоён бўлиб, оламдаги ҳар бир нарсада икки хусусият зоҳирдир:

- 1) илохий ҳусн жилваси;
- 2) нарсаларнинг ўз сурати.

Бошқача қилиб айтганда, булбулни самандардек кулга ботирган гул, Мажнунни кўзгу аксидек беором қилган Лайли, куёшни хижолатдан гоҳ кизартириб, гоҳ сарғайтирган минглаб гули раънолар, Вомиқнинг юзида юз гул очирган Узро, Фарҳоднинг кўзёшларини қип-қизил лаълга айлантирган Ширин, бир тарафдан, илохий жамол тажаллийси бўлса, иккинчи тарафдан, гул – гул, Лайли – Лайли, куёш – куёш, Узро – Узро, Ширин – Шириннинг ўзи. Бинобарин, олам ва одам Оллоҳ жамолини қанчалик жилвалантирса, уни шунчалик кўздан яшириб ҳам туради, бошқача қилиб айтганда, Оллоҳ ўз жамолини қай даражада олам ва одамда намоён қилган бўлса, уни шу даражада олам ва одам суратларининг ортига яширган. Оллоҳ ва олам ўртасидаги ушбу мураккаб ва зиддиятли ҳолатни Алишер Навоий бир байтида шундай тасвирлайди:

*Юзига кўзгуни ҳар дам қилур ул сиймбар моний,  
Анингдекким куёш рухсориға бўлғай қамар моний.<sup>6</sup>*

Улуғ шоир Оллоҳ жамолини куёшга, оламни эса қамар, яъни ойга ўхшатади. Маълумки, қоронғи кечада куёш кўринмай, ойнанинг ўзи нур сочаётганга ўхшаб туюлса ҳам, аслида ой қоронғи жисм бўлиб, ойнанинг ўз нури йўқ, у нурни куёшдан олади. Улуғ шоир шу ҳолатга ишора қилиб дейдики, *Оллоҳ ҳар дам оламни жамолининг жилвасига парда қилади. Бу, гарчи ой куёшдан нур олса ҳам, қоронғи кечада куёш кўринмай, ойнанинг куёш рухсориға парда бўлишига ўхшайди.* Демак, Оллоҳ куёш бўлса, олам – ой. Ойда куёш нурлари жилва қилганидек, оламда ҳам Оллоҳ нурлари жилва қилади. Бироқ куёшнинг ўзи кўринмай, куёш нурлари ой нурлари бўлиб кўринганидек, оламда ҳам илохий жамол кўринмай, оламдаги нарсаларнинг жилваси ва шаклу шамоили уларнинг ўз жилваси ва шаклу шамоили бўлиб туюлади. Бинобарин, ой куёш рухсориға қандай парда бўлса, оламдаги нарсалар ҳам Оллоҳ жамолига шундай пардадир.

<sup>5</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Учинчи том. – Т.: Фан. 1990, 26-бет.

<sup>6</sup> Алишер Навоий. МАТ. Учинчи том, 294-бет.

Хуллас, бир тарафдан, ой куёш нурларини ўзида жилвалантиргандай, илохий жамолни ўзида акс эттирувчи кўзгу бўлса, иккинчи тарафдан, ой куёш юзига моне бўлганидек, илохий жамолни назардан яширувчи парда ҳамдир. Бу ҳақда Навоий дейди:

*Сени топмоқ баса мушкулдурур, топмаслиг осонким,  
Эрур пайдолигинг пинҳон, вале пинҳонлигинг пайдо.*<sup>7</sup>

(Мазмуни: (Эй Парвардигор, бу оламда) сени топиш гоят мушкул, топмаслик осон, чунки пайдолигингда пинҳон бўлсанг, пинҳонлигингда пайдо-дирсан). Албатта, Ҳақ жамоли ҳамма учун ҳам пайдоликда пинҳон эмас. Ёр юзидан олам пардаси кўтарилмоғи, Унинг бекиёс жамоли кўнгилда жилва қилмоғи учун кўз пардасини “ғайр нақши” – Оллоҳдан ўзга нарсаларнинг суратларидан ювиб покламоқ лозим:

*Назар йўлин сиришим пок юб, кўз пардасин очти,  
Ки чиққач пардадин кўргаймен онинг чеҳраи покин.*<sup>8</sup>

Назар йўли покланиб, кўз пардаси очилган пок ишқ эгаларининг назарида Ҳақ жамоли борган сари ёруғроқ жилваланиб бораверади:

*Кўзума ҳар дам ёруғроқдур юзунгунг кўзгуси,  
Хосият мундоқ эмиш ҳар кимда бўлса пок ишқ.*<sup>9</sup>

Сўфиёна фалсафага кўра, Оллоҳнинг оламда ўзини намоён қилиши Унинг лутфи бўлса, ўзини олам пардаси ортига яшириши Унинг қаҳридир. Тасаввуф фалсафасида Оллоҳ лутфининг жилваси жамолий тажаллий, қаҳрининг намоён бўлиши эса жалолий тажаллий номланган.

Айтилганлардан келиб чиқилса, юз шундай сўфиёна маъно ифодалаши маълум бўлади: Юз илохий ҳусннинг мазҳари, жилвагоҳи бўлиб, юз деганда, 1) зотий тажаллий – Ҳусни Мутлақнинг ўз-ўзида, ваҳдат ёки ғайб оламида зуҳур этиши тушунилса; 2) жамолий тажаллий – Ҳусни Мутлақнинг зоҳирий оламда лутф сифатлари билан тажаллий қилиши назарда тутилади.

Атоийнинг юз яширин тарзда ой билан кунга ташбеҳ қилинган куйидаги байтида бу фикр шундай ифода этилган:

*Мен нечук ташбеҳ этай ул юзни ою кунгаким,  
Нисбати йўқтур тажаллий юзининг кўзгу била.*<sup>10</sup>

Оллоҳ жамоли чексиз-чегарасиз нурдир, ойю куёш канчалик нурафшон бўлмасин, илохий нурнинг бир заррасини ҳам акс эттиришга қодир эмас. Шунинг учун Мен ул юзни қандай қилиб ою куёшга ташбеҳ этишим мумкин, – дейди шоир, – чунки юз тажаллийсига ҳеч нарса, ҳатто ою куёш ҳам кўзгу бўла олмайди. Байтда юз тимсолида Мутлақ Ҳусннинг ваҳдат ва ғайб ола-

<sup>7</sup> Алишер Навоий. МАТ. Учинчи том, 25-бет.

<sup>8</sup> Алишер Навоий. МАТ. Учинчи том, 346-бет.

<sup>9</sup> Алишер Навоий. МАТ. Учинчи том, 313-бет.

<sup>10</sup> Атоий. Девон. – Тошкент: Фан, 2008, 31-бет.



мидаги жилваси назарда тутилганлиги сезилиб турибди: оламдаги ҳеч бир нарса Ҳусни Мутлакнинг зотий жилвасига тенглашиши мумкин эмас.

Қуйидаги байтда айтилишича, юз – тажаллийи жамол:

*Ўшул Сониъки, сунъидин тажаллийи жамол айлар,  
Юзунг миръоти ҳуснидин юз изҳори камол айлар.<sup>11</sup>*

Байтда тилга олинган *Ўшул Сониъ* – Оллоҳ, *сунъ* – Оллоҳ яратган нарсалар. *Оллоҳ ўз ҳунарини кўрсатиб, яратган нарсаларида жамолини жилвалантириб туради*, – дейди шоир биринчи мисрада. Мисрадаги *тажаллийи жамол* иборасининг *жамолининг жилваси* деган маънодан ташқари, *жамолий тажаллий* деган маъноси ҳам бор. Шунинг учун мисрани яна шундай деб тушуниш мумкин: *Оллоҳ ўз ҳунарини кўрсатиб, яратган нарсаларида жамолий тажаллий қилади*. Иккинчи мисрада айтилишича эса, маъшукнинг юзи Оллоҳ яратган нарсалар ичида энг мукамал кўзгу бўлиб, Оллоҳ жамолини юз комиллик билан зоҳир айлайди: *(Эй маъшукам,) Юзунгнинг кўзгуси (Оллоҳнинг) ҳуснидан юз изҳори камол айлар*. Мисрада иккита *юз* деган сўз бор. Иккинчи *юз* миқдор маъносидан ташқари, чехра маъносида ҳам келган. Бу ҳолда юз *ўшул Сониъ*нинг юзи бўлиб, мисрада шундай мазмун юзага чиқади: *(Эй маъшукам,) Юзингнинг кўзгусида (Оллоҳ) ўз жамолини юз комиллик билан изҳор қилади*.

Алишер Навоий қуйидаги байтда юзни *лутфи бениҳоят* деб атайди. *Юзинг зарварақлари ҳадсиз-ҳисобсиз лутфдир*, – дейди шоир жамолий тажаллийнинг маъносига аниқлик киритиб, – *бу лутфларнинг ҳар бири жамолинг “мусҳаф”ида гўёки бир оятдир*:

*Юзунгда зарварақ ҳар ёнки, лутфи бениҳоятдур,  
Жамолинг мусҳафида ҳар бири гўё бир оятдур.<sup>12</sup>*

Байтда шоир маъшук жамолини “Қуръони карим”га ташбеҳ қилади: унинг жамоли “Мусҳаф”, яъни “Қуръони карим”, икки юзи эса “Мусҳаф”нинг икки зарҳал саҳифаси, икки зарҳал саҳифа эса *лутфи бениҳоят* бўлиб, гўёки “Мусҳаф”нинг икки саҳифасидаги икки оятдир. Шоир дейдики, “Қуръон”, ундаги оятлар *Тангрининг ўз бандаларига лутфи бўлганидек, Тангри жамолининг маъшук юзида тажаллий қилиши ҳам Унинг ошиқларга кўрсатган ниҳоятсиз лутфидир*.

Юз сўфиёна руҳда талқин қилинган мазкур байтларда юзнинг кўзгу ва “Мусҳаф”нинг зарҳал саҳифаларига ташбеҳ қилиниши бежиз эмас. Юзнинг сўз санъатида қайта-қайта мадҳ этилган фазилатларидан бири унинг оқлиги бўлиб, юзнинг сўфиёна талқини ҳам ана шу оқ ранг билан узвий боғлиқ. Оқ рангнинг ишқий шеърятда, жумладан, сўфиёна адабиётда тасвирга тортилган икки қирраси бор: 1) тиниқлик; 2) нур. Ўзга нарсаларнинг аксини жилвалантириш тиниқликка хос хусусиятдир. Юзнинг кўзгуга ёки кўзгулик хусусиятига эга бўлган бошқа нарсалар, масалан, сувга нисбат бе-

<sup>11</sup> Атоий. Девон. – Тошкент: Фан, 2008, 55-бет.

<sup>12</sup> Алишер Навоий. МАТ. Учинчи том, 25-бет.

рилиши унинг тиниклиги билан боғлиқ бўлиб, юз кўзгуси билан “мазҳар” ўртасида тўла ўхшашлик бор: Оллоҳ жамоли олам мазҳарларида қандай тажаллий қилса, юз кўзгусида ҳам шундай жилваланиб туради. Куйидаги байтда юз ҳам сув, ҳам кўзгу сифатида талқин қилинган:

*Хатда рухсоринг су эркинму ёшунган сабзада,  
Йўқса кўзгудурки, қолмиш ҳар тараф зангор аро.*<sup>13</sup>

(Мазмуни: *Хатлари бор рухсоринг майсаларни яширган сув (чашма)микин ёки ёнлари кўм-кўк товланувчи кўзгумикин?*)

Юзнинг нур сифатига келадиган бўлсак, юз нури билан илоҳий жамол тажаллийси ўртасида ҳам тўла ўхшашлик мавжуд, чунки илоҳий тажаллий нур сифатида тасаввур қилинган. Юқорида юзнинг сўфиёна маъносига мисол тариқасида келтирилган байтда Атоий илоҳий ҳусн тажаллийсини нур деб атайди:

*Эй малоҳат богининг бир сарви гулрухсораси,  
Каишфи анвори тажаллийдур юзунг наззораси.*<sup>14</sup>

*Эй ҳусну малоҳат богининг сарви гулрухсораси,* – дейди шоир илоҳий маъшуқага мурожаат қилиб, – *юзунгга назар солган киши тажаллий нурларини кашф этади.* Илоҳий тажаллийнинг юзга нисбат берилиши юзнинг яна бир муҳим сифатининг юзга келишига асос бўлган: *нури ҳидоят!* Мутлақ Ҳусн бу оламда тажаллий этибгина қолмай, нур бўлиб, ошиқларнинг йўлини ёритиб ҳам туради. Атоийнинг, Навоий каби, юз *Мусҳаф*га, юздаги холнинг нуқтаси эса оятга ўхшатишга куйидаги байтида айтилишича, юз – Ҳақ ошиқлари учун мақсадга элтувчи нурдир:

*Эй мусҳафи ҳуснунгга менгинг нуқтаси оят,  
Ислом элига бўлди юзинг нури ҳидоят.*<sup>15</sup>

Ислом аҳлига *Мусҳаф* тўғри йўл кўрсатувчи нур бўлганидек, маҳбуб чехраси, яъни илоҳий ҳусн жилваси ҳам ошиқларни асл мақсад – Ёр висолига етишиш, У билан ваҳдат ҳосил қилиш йўлини ёритиб турувчи нури ҳидоят. Юзнинг ҳидоят нурларига қиёс қилиниши сўфиёна адабиётда кенг тарқалган ташбех-истиора бўлиб, Навоийнинг куйидаги байтида ҳам маъшуканинг *зарфишон чехраси ҳидоят шамига* ўхшатишга:

*Сочингда зарфишон чехранг залолат шомида ҳар ён  
Тажаллий машъалидин ёругон шами ҳидоятдур.*<sup>16</sup>

*Сочларинг гумроҳлик кечасидир,* – дейди улуғ шоир байтда, – *нурафишон чехранг эса тажаллий машъалидан нур олиб, ошиқлар қоронғида адашиб қолмаслиги учун ҳар ёнга ёқиб қўйилган ҳидоят шамидир.*

<sup>13</sup> Алишер Навоий. МАТ. Учинчи том, 41-бет.

<sup>14</sup> Атоий. Девон. – Тошкент: Фан, 2008, 226-бет.

<sup>15</sup> Атоий. Девон. – Тошкент: Фан, 2008, 43-бет.

<sup>16</sup> Алишер Навоий. МАТ. Учинчи том, 171-бет.



Навоийнинг бошқа бир байтида ҳам ёрнинг сочи зулматга, юзи эса шамга ташбеҳ қилиниб, махбуб юзи ҳидоят нурлари сифатида талқин қилинган:

*Зулфин очганда занах чоҳига тушигай минг кўнгул,  
Кўймаса ул чоҳ уза рухсори шамин ёрутиб.*<sup>17</sup>

(Мазмуни: *Агар ёр юзининг шамини ёритиб кўймаганда эди, у зулфларини ёйганда, минглаб кўнгиллар ёр кулдиргичининг зиндонига тушиб кетган бўлар эди*).

Шундай қилиб, юз – нур, нур бўлганда ҳам, оддий нур эмас, Ҳақ ошиқларини залолатдан кутқариб, уларга тўғри йўлни кўрсатувчи ҳидоят нуридир. Юзнинг сўфиёна адабиётда кўпинча шам, субҳ (тонг), кундуз, ой ва куёш каби нурафшон нарсаларга, баъзан эса иймонга нисбат берилиши ҳам шу туфайлидир. Жумладан, қуйидаги байтда айтилишича, куфр зулмат бўлса, иймон нуридир:

*Зулфи зуннорига чирманган узорин очди ёр,  
Зулмати куфр ичра элга нури иймондир даво.*<sup>18</sup>

Байтда тилга олинган *зуннор* мусулмон мамлакатларида ғайридинлар мусулмонлардан ажралиб туриш учун белларига боғлаб юрадиган махсус ип. Шеърятда эса ёр сочининг истиоравий ифодаси. Тамсил санъатининг ноёб намунаси бўлган мазкур байтнинг биринчи мисрасида айтиладики, *ёр зулфининг зуннори билан яширган юзларини очди*. Иккинчи мисрада шоир бу ҳолатни изоҳлаб дейдики, *ахир куфр зулматига иймон даво бўладида!* Тамсил санъатининг қонуниятларидан келиб чиқиладиган бўлса, соч (зулф) – куфр, юз (узор) эса – иймон. Агар куфрнинг сўфийлик фалсафасида илоҳий маърифатдан беҳабарлик, иймоннинг эса илоҳий маърифат эканлиги эсга олинса, байтда шундай мазмун ифодаланганлиги маълум бўлади: *Кўнглимдан Ҳақдан ўзга нарсаларнинг суратлари гойиб бўлиб, илоҳий жамол жилва қила бошлади, зеро, кўнгил ойнасидаги олам хираликларини кетказишининг энг яхши чораси маърифат нурларидир*.

Қуйидаги байтда ошиқ кўнглининг паришон ҳолати ифодаланган. Байтда айтилишича, мосиваллоҳ – Оллоҳдан ўзга нарсаларнинг ҳаваси кўнгилдаги илоҳий хусн жилвасини хиралаштириб қўйган:

*Юзига тушти зулф, айланг наззора,  
Ки бўлди куфр иймон бирла мамзуж.*<sup>19</sup>

Юзнинг яна бир сифати – унинг ўт сифатида талқин қилиниши ҳам нур билан боғланиб кетади. Нур ва ўт бир-бирига яқин тушунчалардир: нур қоронғи кўнгилларни ёритса, ўт кўнгилдаги *мосиваллоҳни* куйдириб кулга айлантиради:

<sup>17</sup> Алишер Навоий. МАТ. Учинчи том, 65-бет.

<sup>18</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Бешинчи том. – Т.: “Фан” нашриёти. 1990, 33-бет.

<sup>19</sup> Алишер Навоий. МАТ. Учинчи том, 95-бет.



*Тажаллий истасанг, ул юздин ўртабон жисминг,  
Кули била кўнгул ойинасин жило қила кўр.<sup>20</sup>*

(Мазмуни: Агар илоҳий жамолнинг кўнглинда тажаллий қилишини истасанг, жисмингни тажаллий ўтида куйдириб, кули билан кўнгил ойнаси-га жило, сайқал бер). Ёки:

*Ишқ аро кўнглимни ул юз меҳридин манъ айламанг,  
Ким эмас мумкин самандар ўтдин этмак эҳтироз.<sup>21</sup>*

Байтда тасвирланган ошиқнинг кўнгли – ўт ичра туғилиб, ўт ичра яшайдиган самандар номли афсонавий махлуқ, маъшукнинг юзи эса оловдек ловуллаб турган қуёш. *Ишқ аро кўнглимни ёр юзининг ўтдек ловуллаб турган қуёшига талпинишдан манъ айламанг*, – дейди ошиқ ишқдан беҳабар кимсаларга, – *ахир ўтни ўзига макон айлаган самандар қандай қилиб ўтдан ўзини четга тортсин!?*

Айтилганлардан келиб чиқиб, юзнинг сўфиёна маънолари ҳақида шундай хулоса чиқариш мумкин: *юз сўфиёна истилоҳда илоҳий ҳусн тажаллийси ёки илоҳий ҳусн жилваланиб турадиган мазҳар бўлиб, тиниқлиги жиҳатидан кўзгуга, нурафшонлиги жиҳатидан эса тажаллийга ўхшайди. Юз ўтмиш адабиётида мазҳар сифатида сув ва кўзгуга, тажаллий сифатида эса зарварақ, шам, субҳ, кундуз, ой, қуёш, иймон ва ўт сингари нурафшон ва эзгулик, илоҳий лутф билан боғлиқ ижобий тушунчаларни ифодаловчи нарсаларга ташибеҳ қилинган.*

## ҲУКМАТ

**Ватан бизнинг валинеъматимиз ва мураббийимиздир. ҳар бир валинеъмат ва мураббийга хизмат қилиш лозим. бас, Ватанга хизмат бурчдир.**

**ФИТРАТ**

<sup>20</sup> Алишер Навоий. МАТ. Учинчи том, 143-бет.

<sup>21</sup> Алишер Навоий. МАТ. Учинчи том, 201-бет.



**Феруза РАЖАПОВА**

*1975 йилда туғилган. Урганч давлат университети-нинг чет тиллар факультетини тугатган. Республика ва хориж наشرларида йигирмадан ортиқ мақолалари чоп қилинган.*

## **АЧЧИҚ ҚИСМАТЛИ ШАХС ФОЖИАСИ**

Эркин Аъзам услубидаги ўзига хосликнинг бир қирраси характер яратишда яққол намоён бўлади. Бу ҳол унинг ўндан зиёд қиссаларидаги чинакам характер даражасига кўтарилган қатор образлар талқинида эркин кўринади. Мухими, улар замини реал, муайян воқеликдаги характерлардир. “Бадий характерда субъектив жиҳат устунлик қилади. Шунинг учун бадий характер муаммосини ижодкор эстетик идеали ва ижодий методи билан боғлиқликда ўрганиш мақсадга мувофиқ”<sup>1</sup>.

Эркин Аъзам эстетик идеалида инсонни ҳар жиҳатдан баркамол кўриш, унинг характери такомилидаги фазилату қусурларни табиий, ишонарли акс эттириш, тасвир ва ифодада эса реалистик метод асосий мезондир. Бу жиҳатдан “Шоирнинг тўйи” қиссаидаги характерлар алоҳида ажралиб туради. Қиссада, адибнинг бошқа асарларидан фарқли равишда аччиқ қисмат, фоже қахрамон характери биринчи ўринга ўтади.

Асар яқин ўтмишда яшаб ижод этган ва қатағон қилинган таниқли шоир тақдирига бағишланган бўлиб, одатдагидек ижобий ва салбий характерлар муносабатлари сюжет асосини ташкил этади. Аммо, воқеалар ва кечинмалар талқини анъанавий эпик қолипдан бошқачароқ: образларнинг ҳеч бирига исм кўйилмай, улар ўзларига мусбат ёхуд манфий муносабатини ифодаловчи сўз билан аталади.

<sup>1</sup> Драгомерецкая Н. Проблемы теории литературы. М. Наука. 1968. – С.101.



Шоир таваллудининг саксон йиллигини нишонлаш тадбири қисса воқеаларининг уюштирувчи марказдир. Ҳамма ҳодиса ва лавҳалар бевосита ва билвосита бош қаҳрамон – Оташқалб шоир ҳаёти тасвирига бўйсундирилиб, унинг аччиқ қисмати даҳшатлари талқинида якун топади. Бу ҳол сюжет тузилмасида бир ўзгачаликни вужудга келтирган. Воқеалар одатдаги кетма-кетликда эмас, балки эпик унсурларнинг аралаш, синкретик тарзда кечишини тақозо этган. Шу боис, умумий сюжет анъанавий баёнда композицион қолиплаш (ҳикоя ичида ҳикоя) усулига асосланиб, у икки йўналишда давом этади: биринчи, ҳикоячи муаллиф нутқи; иккинчи, ҳикоячи персонажлар нутқи. Булардан биринчиси, умумий қолип бўлиб, у муаллифнинг баёни, қаҳрамонга муносабати, лирик чекиниш ва субъектив фикрларини ўз ичига олса, иккинчиси, қаҳрамон саргузаштлари турли персонажлар тилидан баён этилади.

Қисса воқеалари замон ва макон жиҳатдан икки давр ва ҳудудга мансуб бўлиб, ҳар иккаласида ҳам Оташқалб шоир сиймоси етакчи. Булар: 1) ўтган асрнинг 30-йиллари ва 1956 йилдан кейинги даври; 2) қаҳрамоннинг ўз ватани Ўзбекистон ва узоқ Сибирдаги ҳаёт лавҳалари. Ҳар иккала сатҳдаги воқеалар ўзаро мантқан боғланиб, композицион структурал яхлитликни шакллантиради.

Асардаги эпик воқеа репреспектив сюжет – қаҳрамон ҳаётининг сўнги дақиқалари, юбилей ўтаётган кошонага келиши билан бошланади ва мудҳиш қисмати манзаралари кейинги тасвирларда акс эттирилади. Оташқалб шоир адолатсиз тузум ва риёкор ғанимлар қурбони, ҳақгўйлиги, миллатсеварлиги учун таҳқирланган, Сибирга сургун қилинган. Аммо, пешонасида бор экан, у минг азобларни енгиб, бугун ўзига аталган “тантана”да катнашмоқда. Лекин уни ҳеч ким танимайди. Адибнинг уни мусофир мухлис деб аташида катта мажозий маъно мужассам. Ташқи қиёфа тасвири эса унинг метин иродали характерини кенгроқ тасаввур қилишга ёрдам беради, китобхонда ҳам ачиниш, ҳам ҳайрат туйғусини уйғотади: “Тиззадан кесилган оёқларнинг пўнтиғига кирза этикнинг қўнжидан ясалган қоплама кийгизилган, иккала қўлининг ҳам тирсагидан пасти йўқ – исқирт, яғири чиққан қоп-қора пахталикнинг шалвираган енглари юқорига қайтарилиб, билакка чандиб қўйилган. Авжи баҳорнинг илик оқшоми бўлишига қарамасдан, ғаройиб мухлисимизнинг эғнида қалин пахталигу, бошида эскидан эски кулоқчин, соч-соқоли ўсиб кетган. Ташқи қиёфасидан бу юртнинг фуқаросига ўхшамайди, узоқдан келган, жуда узоқдан, мусофир. Аммо унинг асов, бароқ қошлар тагидан боқиб турган ўтли кўзларини кўрган одам бир сесканиб тушиши муқаррар! Ва уни шубҳасиз оғир бир савол ўртай бошлайди: бу қадар тиниқ кўзлар кимники?”<sup>2</sup>

Оташқалб шоир – динамик характер. Унга даҳлдор ҳар бир лавҳа ва талқин реал, ишонарли тарзда асосланади ва характернинг такомиллашиш жараёнига табиийлик бағишлайди. Қисса бошланишидаги воқеалардаёқ унинг афтода аҳволда ўз юртига келишининг ўзи фавқулодда мустаҳкам характеридан нишонидир.

Дарҳақиқат, “озодликка умидворлик билан яшаётган” шоирни ҳеч нарса она тупроққа боришдан қайтара олмас эди, аммо бу орзу осон кечмади, хаёлида турли фикрлар ўтди. “Икки ҳафтача вагонма-вагон юриб, поезддан

<sup>2</sup> Эркин Аъзам. Кечикаётган одам. Қиссалар. Тошкент. Шарқ. 2002. Б. 314-315



тушгач, вокзал яқинидаги ташландик бир кулбага жойлашиб, шаҳар кезиб, хотирасида бирон-бир нарсани тикламоғи душвор бўлди<sup>3</sup>.

Бу ўринда воқеа ва руҳий ҳолат уйғунлиги намоён бўлади. Сургундаги беаёв изтироблар тафсилотлари эмас, балки уларнинг қаҳрамон қалбидаги даҳшатли оқибатлари тасвирда олдинги ўринга чиқади ва маҳбуснинг руҳий оламидаги тизгинсиз аламларини янада кучайтиради, унга хайкал қўйилиши ва “номини абадийлаштиришга” қаратилган бошқа тадбирлар ҳам ёвузликка қарши қасос ўтини ўчира олмайди. Афсуски, унинг бу борадаги имкониятлари чекланган: тили, оёқ-қўллари кесилган, фақат кўз ва кулоқ омон қолган. Лекин, жисмонан мажруҳ, онг-шуур хиралашган, эс-хуш кирарли-чиқарли даражада бўлса-да руҳ тетик, маънавият бут: Умид ва Ишонч тирик, халққа, Ватанга садоқат – суянч!

Шоир “тўйи” лавҳаси воқеалар ривожини ва персонажлар курашининг кульминацион нуқтасини бўлиб, конфликт икки хил йўналишда кечади: 1) Оташқалбнинг дўстлари ва ғанимлари ўртасида; 2) Оташқалб билан вазият ва душманлари ўртасида. Булардан биринчиси, фикрлар жангига тарзида, иккинчиси, қаҳрамон қалбида ички коллизия тарзида воқеа бўлади.

Қиссадаги Оқсоқол шоир ва Ажойиб домла образларининг Оташқалбга муносабатлари талқинида чинакам шоирни “халқ душмани”га айлантирган тухмат, тўқилган хаёлий “афсона” мужассамлашган. Анжуманни қаҳрамонимизнинг ёшлик дўсти Оқсоқол шоир томонидан очилиши тасодифий бўлмай, унда муайян эстетик маъно бор: Оташқалб фожиали қисматининг асосий сабабчиларидан бири ўша! Бу жараён тафсилотлари қиссада муаллиф нутқини орқали берилиб, уларда биринчидан, Оқсоқол шоир мунофиқлигига муносабат, иккинчидан, Оташқалб характеридаги инъикоси ёритилади. Жумладан, Оқсоқол шоир Оташқалб истеъдодини кўролмагани, шуҳрати ошаётганига хавфсирашдан ташқари, дўсти севган қиз Мовийкўзни ҳам талашгани ғанимлиқ асослари сифатида шарҳланади.

Оташқалбнинг фожиали қисмати айбдорларидан бири маърузачи Ажойиб домла Оқсоқол шоир образини тўлдирувчи салбий персонаж маънавий инқирозини ифодаловчи типик тимсолдир. Ажойиб домла демократия ва юбилей баҳонасида қаттол қилмишларини ниқоблаб, жамоат фикрини чалғитишга уринади, ҳатто Оташқалб сургунда бир дақиқа ижодини тўхтатмаганини, бир қанча шеър устозлар яратгани, лекин буларни назоратчи маъмурлар ўша заҳоти ёқиб ташлаганлари ҳақида оғиз кўпиртиради ва бундай ижодга офаринлар айтади.

Ушбу сафсатанинг фош қилишни муаллиф бошқа персонаж зиммасига юклайди. Бу ўринда Жасур шоир нутқидаги куйидаги фикрни келтириш хиёнаткорлар ниқобини очиш учун етарлидир:

“Ҳурматли дўстлар, сиз билан биз Оташқалбга ўхшаган зотларнинг қора қисматга дучор бўлганида кўпинча замонни қоралаймиз. Тўғри, замон но-боп келган, носоз келган. Аммо, замон мавҳум тушунча, унинг “паррагу винтчалари” ўзимиз эдик-ку! Ахир, тўрт-беш шеърини тўплам муаллифи бўлган ёшгина шоирни Сталин ёки Ежов қаёқдан билади, тўғрими? Де-мак, Оташқалбни таниган-билганлар шу кўйга солган. Улардан баъзилари ҳозир барҳаёт, мана шу ерда савлат тўкиб ўтиришибди”.

Адиб Оташқалб образини яратишда унинг характери шаклланишидаги

<sup>3</sup> Ўша жойда. Б. 334.

хаётий асослар ва босқичларни бевосита у яшаётган муҳитдан, вазиятдан, одамлар билан муносабатдан келтириб чиқаради, қаҳрамонни идеаллаштириш, ҳавойи оҳангларда тасвирлашга йўл қўймайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қиссанинг тағмаёносида тарихий сиймолар, ҳаётдаги реал ҳодиса нарса ва жой номларига муайян ишора сезилади. Бунда тарихийлик тамойили ифодаси анча сўник бўлиб, умумий фон вазифасини бажаради ва муаллифнинг бадиий тафаккури қатларига сингиб кетади, тасвирнинг яхлит силсиласида эса адиб ижодий ҳиссаси, кашф этиш салоҳияти ёрқин ва устувордир. Бу ўринда Оташқалб билан тақдирдош ижодкорлар Усмон Носир ва Чўлпон назарда тутилмоқда.

Адиб янги образ яратишда бу икки шоирга хос айрим хусусиятлардан синтез йўли билан прототип сифатида ижодий фойдаланади. Зеро, қаҳрамон умрининг қатор жиҳатлари билан қатағонга учраган юқоридаги шоирлар қисмати ўртасида муайян ўхшашлик, яқинлик бор, лекин айнан шулар деб бўлмайди.

Бу ўхшашлик Усмон Носир шахсияти, ҳаракат-интилишлари доирасида, Чўлпоннинг эса ижоди, муайян асарларига муносабат аспектида кўпроқ акс этади.

Усмон Носир характеридаги кизикқонлик, куюнчаклик, ҳақсизликка мурасасизлик, тантилиқ ва мардлик каби хислатлар, бир гуруҳ кишиларнинг Сибирга бориб, қабрини зиёрат қилишлари, уни билганлар билан мулоқотда бўлишлари, шунингдек, жабрдийдани сургундан озод қилишни сўраб юқори ташкилотларга ариза ёзганига оид реал воқеалар қисса қаҳрамони саргузаштларига ҳамоҳанг. Аммо, бу монандлик бадиий контекстда бўлгани ва ижтимоий-эстетик жиҳатдан қайта сайқал топгани, мазмунан бойитилгани боис оригиналликка монелиқ қила олмайди.

Қиссада Чўлпонга алоқадорлик унинг икки асарининг Оташқалбга нисбат берилиши ва бевосита матнда тасвирий восита сифатида қўлланилишида кўринадики, бу ҳол адабиётнинг бадиий шартлилик хусусияти билан асосланади. Жумладан, Чўлпоннинг машҳур “Адабиёт надур?” асари қиссада “Шеърят надур?” шаклида Ажойиб домла нутқида тилга олиниб, Оташқалбнинг “адабиётшунослар учун ҳали-ҳамон бебаҳо қўлланмасидир” дея баҳоланса, “Сен-сен” шеърига кенгроқ ўрин ажратилади.

Кўринадики, замондош ва касбдош Усмон Носир, Чўлпон қисматларидаги Оташқалбга ўхшашликлар миллийлик ва ижтимоий позиция қанчалиқ яқин бўлса-да, образлар орасига тенглик аломати қўйиб бўлмайди. Чунки, дастлабки икки шоир – тарихий, Оташқалб эса бадиий қиёфа. Яъни, муаллиф бадиий ниятига кўра индивидуаллашган ва айни чоғда умумлашма образдир.

Асар ечимида қутилмаган тарзда фожиага нуқта қўйилади: “Ўша кеча шаҳарда икки сирли ўлим ҳодисаси юз берди. Бири, Оқсоқол шоирнинг ўз дачасида юрак хуружи ва “қўл-оёқсиз тасқара бир вужуддан” бўғзига тушган зарба натижасида вафот этиши. Иккинчиси, муаллиф Оташқалбга нисбатан “ўлим” сўзини қўлламайди. Бу маъно ўша олағовур вазиятдан, ногиронга тегишли ҳужжат ва ғалати ашёлардан англашилари.

Умуман, ушбу қисса қатағон мавзусида ўзбек адабиётида яратилган сара асарлардан бири, Оташқалб шоир эса аччиқ қисматли шахс фожиасининг реалистик ифодасидир.



# БИР ДАРАХТ НОВДАЛАРИ



## ***Набийра ТЎРЕШОВА***

*Қорақалпоғистон халқ шоири. 1953 йилда туғилган. Нукус давлат педагогика институтини битирган. Унинг “Ёшлигим менинг”, “Савр шамоли”, “Паризод”, “Одил сўзлар”, “Ўзингдан”, “Азизим” сингари шеърӣ ва драматик асарлар тўпламлари чоп этилган.*



## **Азизим**

*Туркум*

\* \* \*

Умр фасли ҳам қиёмдан ўтди,  
Олдда турар қўл етгудай ер.  
Тош, темирни емирган вақт ҳам  
Бизнинг умримизни емирар.

Хизмат этдик яхшилик учун,  
Биз тиладик тоза юракни.  
Ҳам учирдик ҳалоллик қушин,  
Ёзиб унга орзу-тилакни.

Ҳали олдда кўпдир ишимиз,  
Кутаётир юкнинг ярмиси.  
Битириш шарт сарфлаб кучимиз,  
Сабаб – зарур халқнинг олқиши...  
Азизим!



\* \* \*

Яхши кетиб борадир,  
Ёмон кетиб борадир.  
Ёлғон дунё – бепоён,  
Толган кетиб борадир.

Кимлар етди манзилга,  
Кимлар йўлда йиқилди.  
Умр деган ҳазилми:  
Ким укмади, ким укди?

Эс-ақлли бутунни  
Меҳнат ила сийлади.  
Чалаларга дўқ қилиб,  
Пишмагунча қийнади.

Дунё мунис онадир,  
Тақдир синчи отамиз.  
Фаросатинг панадир,  
Уйсизлигинг хато иш.

Ардоқлайлик дунёни,  
Қадрлайлик умрни.  
Яхшиликлар макони –  
Жам қилолсак кўнгилни...  
Азизим!

\* \* \*

Бу дунёда керак эмас одам йўқ,  
Бу дунёда тушуниксиз замон йўқ,  
Лек, бандасин, тушунгудай чаман йўқ,  
Сабаб, дунё ранги алвон-алвондир.

Мақсадсиз яратмас битта дарахтни,  
Яратганнинг жуда ҳазили қаттиқ,  
Бир куннинг ярми – булут, ярми – ёқти,  
Сен – қиличсан, улар эса полвондир.

Бекорга куясан, бекорга ёниб,  
Қийин кечмишингдан нолиб туйиниб,  
Кўрсанг ақл билан агар ўйланиб,  
Шу қийин кунларинг сенга дармондир.





Хом сут эмган банда, хомлик этарсан,  
Жаҳонга сиғмас манманлик этарсан,  
Тор ерларга сиғмай торлик этарсан,  
Оқибат барчага меҳнат армондир.

Сен ундан ранжима, зиён этди деб,  
Кўп йилларим хорлик билан ўтди деб,  
Йўкотганингдан ҳам топганларинг кўп,  
Иш одамдан, бир Оллохдан фармондир.

У ҳам ёзмишининг буйруғин қилар,  
Йўлларда шайтоннинг ўйинин қураар,  
Тақдир эганг сени ўшандоқ синар,  
Уни ғаним деган ўйинг ёлғондир.

Бор ишин тушунмоқ қийин фалакнинг,  
Сен ҳам билай деган бири ҳалакнинг,  
“Дунё беҳишт бўлса...” деб таъма этдинг,  
Аввал-охир дунё шундай қолғондир...  
Азизим!

\* \* \*

Тақдир йўлим хўб сабоқли,  
Ғариб қалбим минг қуроқли,  
Собит дилимда сабоқли  
Ширин жоним тошдан экан.

Ҳар кадамда минг бир сўроқ  
Бошга қордай ёғар ҳар чок,  
Жавоб берай десам, бироқ  
Изоҳлари дoston экан.

Саволларга жавоб излаб,  
Ҳаққа тўғри йўлни кўзлаб,  
Юраин Ҳақ сўзни сўзлаб,  
Насибамга сочган экан...  
Азизим!

\* \* \*

Қайғумни ҳеч билмас дема,  
Кўриб кўзга илмас дема,  
Гирдобларга тушса кема  
Қайғу атан<sup>1</sup>ни чўктираркан.

<sup>1</sup> Атан – улкан, қудратли туя.







Ишлаганинг эл хизмати,  
Сенга кўп иззат-хурмати,  
Яхшининг келса кулфати –  
Умр синовдан ўтказаркан.

Тўнтарса тақдир қайиғинг,  
Кимга қўярсан айибинг,  
Қани қадим Эдил – Ёйиғинг,  
Ҳақ ҳукмини битказаркан?!.

Кўрганимиз, кўраримиз,  
Билганимиз, биларимиз,  
Ойдин бўлса бораримиз,  
Манзилга ҳам етказаркан...  
Азизим!

\* \* \*

Синовнинг каттаси олдинда экан,  
Оғзимга боқади минг-минглаб кўзлар.  
Бирок, сен қисинма азизим, эркам,  
Хомак сўзни айтиб кўрмадик бизлар.

Кузатган кўзларга, нурларим бериб,  
Умр гузарларин ойдин этарман.  
Тақдирнинг бебаҳо дурларин териб,  
Сенинг ҳаётингни безаб кетарман...  
Азизим!

*Қорақалпоқ тилидан  
Музаффар АҲМАД таржимаси*



### **Музаффар АҲМАД**

*1956 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозирги ТДПУ) тамомлаган. Бир қатор шеъррий китоблари чоп этилган. “Дўстлик” ордени билан мукофотланган.*



# АДАБИЙ ТАНҚИД



**Дилмурод ҚУРОНОВ**

*1960 йилда туғилган. Андижон давлат тиллар институтини тамомлаган. Олимнинг “Рухий дунё таҳлили”, “Истиқлол дарди”, “Адабиётшуносликка кириш”, “Чўлпон насри поэтикаси” каби китоблари нашр этилган.*

## ШЕЪРДА МАНТИҚ КЕРАКМИ?

Сўнги вақтларда назмбозлик касалига йўлиққанлар – жўн гапларни ҳам шеърга соладиган, энг ёмони, уларни “шеър” деб эълон қиладиганлар кўпайиб кетди. Буларнинг бахтига овоз кучайтиргичу фонограммалар замони келиб, истеъдоду диддан мосуво кўшиқчилар ҳам тўлиб тошди. Ўхшатмагунча учратмас, деганлари шу-да: булар наригилари битган маза-матрасиз шеърларни хориждан ўғирланган куйларга солиб, компьютерлар ёрдамида сайқаллаб, чунон “куйлай” бошладиларки, тезда FM тўлқинларини забт этиб, кўл телефон “чип”ларини тўлдирдилар. Ана энди, кулоғидан “наушник” тушмайдиган, ҳар нени ундан таралаётган оҳангга мос муқом билан қиладиган “санъат шайдолари” шеърятни, санъатни қандай тушунишларини фаҳмлаб олаверинг!.. Ўтган йили университетда шеърлари машхур хонандалар репертуаридан жой олган Аҳад Қаям билан учрашув бўлди. Ўшанда талаба қизлар дастхат олиш илинжида унинг ортидан югурганларини кўриб, шеърят ҳақидаги тасаввурлар нечоғлик кашшоқлашиб қолганини надомат билан ҳис қилдим. Ахир, “мухлисларнинг” кўпчилиги филология факультетининг талаба қизлари – эртага ёш авлодга чин шеърятни, бадийий сўз жозибасини англатишга тайёргарлик кўраётганлар эди-да! Бу ҳолат менга негадир адабиётимизнинг истиқболидан ташвишли бонг бўлиб туюлаверди...



Бадиий диднинг оммавий тарзда сусайгани – талабаларнинг шунчаки вазну қофияли нутқ билан ШЕЪРни, назмбоз билан ШОИРни фарқламай қўяётгани ҳаммани жиддий ташвишга солмоғи керак. Мазкур ҳолнинг сабаблари кўп, лекин энг аввал ўзимиз билан боғлиқ томонини мулоҳаза қилиб олишимиз лозим. Бемаза шеърлар урчиб кетаётгани ҳақида кўпдан бери айтиб келамиз. Афсуски, фақат шугина: “айтиб келамиз” – вассалом! Ҳеч биримиз ўша шеърларнинг нимаси бемаза экани, нима учун уларни шеърга санаб бўлмаслигини кўрсатиб беришга ҳафсала қилмадик. Бундай шеърларга осмондан қараб, уларни “танқиддан тубан”, “диққат-эътиборимизга номуносиб” деб билдик, улар ҳақида бир нима ёзишни ўзимизга эп кўрмадик. Энди тобора амин бўлганим, бу масалада тутган тутумимиз зиммамиздаги вазифага хиёнат экан. Зеро, жим турмай, вазифамизни сидқидилдан бажарганимизда, бемаза шеърлар урчиблар кетмаган бўлармиди?!

\* \* \*

Шеър машқига жазм этганлар, кўпинча, энг қийини сўзларни вазнли мисраларга тизишу ўринли қофиялар топиш деб ўйлаб хато қилади. Бу шеър техникаси билан боғлиқ, ўрганса бўладиган жиҳат. Аслида мавзун мисралару бенуқсон қофиялар восита холос, уларнинг вазифаси муайян туйғу ё фикрни изчил ифодалашу ўқувчи лирик ҲОЛни кўнглида қайта яшатишига имкон яратиш. Шу боис, поэтик мантиғи ва ифода изчиллигига путур етган шеър, нечоғлиқ хушоҳанг бўлмасин, барибир “хомаклигича қолаверади”.

Поэтик мантиқ, биринчидан, кечинма билан у юзага келаётган ҳолат мутаносиблигини, иккинчидан, лисоний ифоданинг тасвирланаётган кечинмага мослигини, учинчидан, шеърдаги мисраларнинг ўзаро мантиқий-мазмуний боғлиқлигини (кетма-кетлик, изоҳлаш, зидлаш, қиёслаш, ўхшатиш каби алоқаларни) тақозо этади. Мазкур талаблар нуқтаи назаридан бир шеърни кўриб чиқамиз:

*Сизга қанча меҳрим берсам ҳам,  
Тўймадингиз, тўймадингизда.  
Энди фақат мен сизни дейман,  
Қўймадингиз, қўймадингиз-да<sup>1</sup>.*

Илк мисрадан лирик қаҳрамон кечинма вақтига қадар ёрига “қанча меҳрин берган”и, анчадан бери унга муҳаббати борлиги англашилади. Иккинчи мисрадаги “тўймадингиз” сўзининг тақрори, – “да” юкласи юзага келтираётган оҳанг “наҳот шунча меҳрга ҳам тўймасангиз” тарзида ёзғириш маъносини беради. Тўғри, ҳақиқий ижодкор бадиий тафаккурни баҳоли қудрат ривожлантириши, янгилашга интилиши, ундаги айрим қарашларни инкор қилиши табиий ва зарур. Бироқ, унинг бу ҳаракати бадиий-эстетик заруратдан келиб чиқиши ва асосланиши шарт. Юқоридаги ҳолатда эса бундай зарурат йўқ, “тўймадингиз” сўзи “қўймадингиз”га

<sup>1</sup> Аҳад Қаюм. Бегим деманг; бегойим.- Бухоро, 2012.- Б.102-103; кўчирма қилиб олинган шеърини парчалар имлоси ва тиниш белгилари китобдаги ҳолича қолдирилди.



қофиядош бўлгани учунгина қўлланган. Натижада, ошиқ ёрга берган меҳрини миннат қилаётгандек ҳолат юзага келган. Кейинги мисрадаги “энди” сўзи аввалги икки мисра мантиғини тамом барбод этади. Чунки “энди” сўзи иш-ҳаракатнинг нутқ вақтидан бошлаб, кейин амалга оширилишини англатади. Шундай экан, лирик қаҳрамоннинг ёрга анчадан бери меҳр бериб келаётгани ёлғон бўлиб чиқадими?! Ёки у ҳозирга қадар бир эмас, бир нечаларга меҳр бериб келаётган эдим, демокчимми? Энг қизиғи, банд матнида у ёри “қўймагани” учунгина “фақат мен сизни дейман” деяётган чиқади, яъни яна ўзини ўзи инкор қилади.

Иккинчи бандни ўқиймиз:

*Муҳаббат излайсиз кўзимдан,  
Қолманг дейсиз жоним ўзимдан,  
Шарпадек кезасиз изимдан,  
Қўймадингиз, қўймадингиз-да.*

Лирик қаҳрамоннинг “фақат сени дейман” дея онт ичиши билан маъшуканинг ошиғи кўзидан “муҳаббат излаши” бир-бирини инкор қилади. Бу ошиқ кўзида муҳаббатдан асар йўқ, деган маънони беради! Маъшуканинг ошиқни ҳол-жонига қўймай ортидан “шарпадек кезиши”, “ўзимдан қолманг” дея ўтиниши ҳам биринчи банд мазмунини инкор қилади. Эътибор беринг, иккинчи бандни ўқигач ҳам лирик кечинмани юзага келтирган ҳолатни тасаввур қилиш имкони ҳаминқадар. Энг ёмони, маромга солиб ўқиш асносида аксарият ўқувчилар бу томонга эътибор ҳам бермайди, худди радиодан таралаётган замонавий кўшиқни қўшилиб хиргойи қилган каби, оҳанг мазмунни босиб кетади.

Кейинги банд мантиқни тамом пароканда этади:

*Хоҳланг йиғлаб, хоҳланг куламан,  
Сиз истаган ошиқ бўламан,  
Севиш керак бўлса севаман,  
Қўймадингиз, қўймадингиз-да.*

Иккинчи бандда маъшуқа ошиқ ортидан эланиб юрган эди, энди навбат ошиқнинг ўзига келди. Дастлабки икки мисра мантиқан “энди фақат сизни дейман” онтини шарҳлаб, яъни шоир гўёки тангани чақага майдалаб беряпти, холос. Бироқ, сири билан турган, маъшуқа бечорани изидан “шарпадек кездирган” лирик қаҳрамон нечук бу қадар кескин ўзгарди? Шеърдан бунга бирор асос, тurtки бўлган детал топилмайди. Ўзи шусиз ҳам кечинма юзага келган ҳолатни тасаввур қилиб бўлмаётган эди, энди бунинг имкони тамом кесилди-қолди. Шунча онту илтижолардан сўнг бирдан “севиш керак бўлса севаман” дейилиши ўқувчини шошириб қўяди: яъни, шу пайтгача севган эмас, керак бўлса, энди “марҳамат кўрсатиб” севиб ҳам кўяверадилар. Бунгача севмаган бўлса, гап ўзи нима ҳақида бораётганди?

Ўқувчи шошиб қолганига ҳайрон қолмаса ҳам бўлади, зеро, гап қандай туйғу-кечинма ҳақида кетаётганини лирик қаҳрамоннинг ўзи ҳам билмайди:

*Фарқи йўқдир, ҳазилми, чинми,  
Энди танлаб бўлдим мен сизни,  
Олай энди бир кўнглингизни,  
Кўймадингиз, қўймадингиз-да.*

Хўп, лирик қаҳрамон қизга муносабати ҳазилми ё чинлигини билмасин, ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам бўлишини асло инкор қилмаймиз. Бироқ, “фарқи йўқ” деган қатъий ҳукмини қандай тушуниш керак? Ахир, ўзинг севгидан сўзлаб турган бўлсанг-у, яна бу гапларинг “ҳазилми ё чин”лигининг фарқи йўқ десанг? Ҳолатга, айти дамдаги руҳиятга мос эмас-ку! Шу гапларини эшитиб турган, яна унинг изидан “шарпадек кезишга” ҳозир маъшуқага ҳам хайф! Эҳтимол, шўрлик тил-забонсиз бир махлуқдир. “Бир кўнглингизни олай” чорловидан кишида андиша туғилади. Дилига инган андишани “Кўймадингиз, қўймадингиз-да” сатрига уриштирган ўқувчи “бир кўнглини олмасликка қўймайдиган” маъшукани қай қиёфада тасаввур қилсин?!

Ўнгу терс гапларидан маъшукаси хавотирга тушишини туйқус фаҳмлаб қоладими, лирик қаҳрамон уни хотиржам қилишга шошади:

*Бўлди етар хавотир олманг,  
Қалбингизни шубҳага солманг,  
Сизга рухсат ортимдан қолманг,  
Кўймадингиз, қўймадингиз-да.*

“Қалбингизни шубҳага солманг” калимаси мурожаат қилинаётган одамга “ўзингизни шубҳалантирманг” деган даъватни англатадики, айти ҳолат мантиқига мувофиқ эмас. Бу ўринда лирик қаҳрамоннинг “гап-сўзларим, хатти-ҳаракатим дилингизга шубҳа солмасин” дейиши мантиқан тўғри бўларди. Кўрамизки, ўзбек тилининг услубий хусусиятларига эътиборсизлик орқасида яна мантиққа хилоф ҳолат юзага келаётир. Сиз қанча чамаладингиз, билмадим-у, менинг наздимда маъшуканинг ошиқ қошидаги мақомию кадри хуш қарасанг суйкалиб, “чип” десанг бадар кетадиган кучукчадан ортиқ кўринмади... Шу боис, бўлса керак, кейинги мисралар каминага “қир кўйлакка жун жўяк” нақлини эслатди:

*Кўкдан юлдуз узиб бераман,  
Ғам деворин бузиб бераман,  
Ҳатто шеър ҳам ёзиб бераман,  
Кўймадингиз, қўймадингиз-да.*



Қаранг, лирик қахрамонимиз энди мумтоз шеърий қасамлар ичмоқда, лекин “ортидан қолмаслик учун изнга мухтож” ёр қошида бунақа қасамлар ичишга ҳожат бормикан?! Йўғ-э, ёр шўрликнинг ўзи бунинг кўзига кучук боладай мўлтиллаб қараб турган бўлса-ю, унга яна “юлдуз узиб берилса” – ортиқча ҳашамат, исроф бўлади-ку! Демак, ушбу банднинг мазмуни ҳам ўзидан олдинги банд мазмуни билан мантиқий номувофиклик ҳосил қияпти. Бундан ташқари, “ҳатто” сўзини нотўғри қўллаш оқибатида мисралараро алоқада ҳам мантиқий ғализлик юзага келган. “Кўкдан юлдуз узиб бериш” ўзи муболағанинг ҳадди аълоси эди, сўнг “ҳатто” сўзи қўлланаётган экан, бажарилажак амалнинг ундан-да муболағалироқ бўлиши тақозо этилади. Шу ерга келганда шоирнинг камтарлиги тутиб кетганми ё ёрини ашаддий мухлис деб биладими, “шеър ҳам ёзиб бераман” дея ваъда қилади. Майли, бунини мумтоз шеърят анъанасидаги фахрияга йўйиб қўя турайлик-чи.

Шеърнинг ҳикмати, масалнинг “алқиссаси” каби охирида экан, бу бандда шоир гўё эътирозларимизни олдиндан билган каби:

*Биласиз-ку менинг кимлигим,  
Эҳтиросга дарров берилгум,  
Севги деса жуда бўш кўнглим,  
Қўймадингиз, қўймадингиз-да.*

Қаранг-а, ўқиганларимиз “севги деса жуда кўнгли бўш”, эҳтиросга берилувчан одамнинг кўнгли ҳоли экан-у, шунга фаҳмимиз етмай эътироз устига эътироз қилаётган эканмиз. Эҳтимол, эътирозларимизни кимдир қабул этмас, кимдир шеърдаги ҳолату кечинма ғоят ҳаётий дея ўзимизга эътироз қилар. Бироқ, ҳаёт шеърятга тўғридан-тўғри кўчавермайди-да. Бу ўринда бир оддий ҳақиқатни таъкидлаш зарур: ҳар қандай кечинма ҳам, ҳар каснинг илҳоми ҳам ПОЭЗИЯга дахлдор бўлавермайди.

\* \* \*

Муҳаббат мавзусидаги шеърларнинг энг машҳурлари айрилиқдан сўзлайдигани. Нега? Менимча, асосий сабаб – шеърда акс этган йўқотиш изтиробининг гўзаллигида. Ҳа, шеърят анъанасида шундай: бир шоир йўқотиш изтиробини “ёруғ ҳасрат” деб айтади, чунки ҳасрати ҳам ёр билан лиммо-лим тўлган (А.Пушкин); бошқа бириси ёридан айро ҳолатини “бу кун ҳамроҳимдир гўзал изтироб” дея таърифлайди (А.Орипов) ...Ҳар икки ҳолда ҳам изтироб нурли, энди унда кин, адоват, аламзадалигу нафрат қабиларга ўрин йўқ – гўзал изтироб қаршисида улар ўта майда. Муҳими, шеърхон ўз дилидаги изтиробни шунга менгзайди – маънан юксалади; тағин бири ўзга қалбда шундай гўзал изтироб бўлиб яшаётганини ҳис қилади, ўзини ўша гўзалликка алоқадор сезади – нурланади. Айрилиқдан бўзловчи шеърларнинг кучи ҳисларни кўнглидан кечиртиришида, шу боис, улар кўнглимизга чиппа ёпишади.

Ҳар нарсада меъёр сакланиши керак, суиистеъмол – ҳар ненинг кушан-

даси. Тўғри, шеърият ҳақида сўз борганда статистик маълумотларга таяниш ғалати. Шундай бўлса-да, “Ёлғиз аёл” тўпламини варақлаб санашга тушдим: айрилиқдан бўзловчи шеърлар адади 25 дан ўтди – у ёғига сабрим чидамади. Рости, беихтиёр бунча шеърга мавзу берган айрилиқнинг ортида турган муҳаббатни тасаввур қилишга урина бошладим: ё у – мисли кўрилмаган буюк муҳаббат, ё менинг тасаввурим – ўта ожиз! Йўқ, хайрият, узоқ ўқинишимга тўғри келмади, жумбоқнинг ечими топила қолди – “Бугун севиб қолдим учинчи марта” номли шеърга кўзим тушди:

*Биринчи севгимни зўрға унутиб,  
Кўнгил қўйган эдим иккинчи марта,  
Не қилай ундан ҳам бахтимни топмай,  
Бугун севиб қолдим учинчи марта.*

Э-ҳа, гап бу ёқда экан: бугун учинчи марта севиб қолган бўлса, айрилиқдан бўзлашлари камида иккита муҳаббат билан боғлиқ чиқади, эътирозда сал ошириб юборибман-да, эсиз! Ҳали бу таассуфим ростмана англаниб улгурмасдан охириги банддаги мана бу сатрларни ўқиб, эътирозимга умуман ўрин йўқ экан-ку, деб ўйладим:

*Аҳад яшолмайди севгисиз, куйсиз,  
Ёшлик – бебошлик-да, нима ҳам дейсиз,  
Қизлар чиройли-да, кўриб қарайсиз...*

Тўғри-да, севгисиз яшай олмаса, ёшлик – бебошлик бўлса, чиройли қизлар тугамаса – айрилиқдан бўзловчи яна қанча шеърга материал керак ўзи! Жиддий айтсам, “мисли кўрилмаган буюк” деб ўйлаганим муҳаббат парчаланиб, уқаланиб кетди. Бунақа ушоқ муҳаббат билан боғлиқ айрилиқ ҳам асл шеъриятнинг объекти бўлолмайди, сабабини “эшагига яраша тушови” нақлидан ортириб изоҳлаш мушкул. Ушоқлиги боис бундай муҳаббат қалбни тозартиришу юксалтиришга ожиз, шундан у нафрату аламзадаликка осонгина таслим бўлади:

*Ўзганинг бағрида сен бахтдан қулсанг,  
Мен эса юракда нафрат санайман.*

Беихтиёр савол туғилади: тақдир айирганидан сўнг шундай нафратга сазовор ёр чинданам севилганми? Лирик қахрамон дилидаги туйғу чинданам муҳаббат эдими? Шеър охиридаги мана бу мисраларни ўқиганда, бу шубҳалар янада кучаяди:

*Азизим, аслида дардим йўқ мени,  
Севги дунёсида бахтим кўп мени,  
Севасанми, йўқми Аҳадга фарқсиз –  
Ошиқлар ичида қадрим кўп мени.*



Мазкур мисраларни ўқиганда лирик қаҳрамон ёридан кўра кўпроқ ўзини севадигандек туюлди. Қаранг, “аслида дардим йўқ” деган даъвосию “севги дунёсида бахти кўп” лигидан фахр этиши билан ёрига “кўриб қўй, сенсиз хам ўлиб қолмадим” деяётгандек кўринмаяптими?! Кейинги икки мисрада эса аламзадалиқ янада очикроқ ифодасини топган. Ўзига муҳаббати бандлигидан лирик қаҳрамон энг аввал ёрини айбдор ҳисоблайди – шундай ошиқни кадрлай олмаган-да! Яъни у муҳаббатидан айрилганига эмас, кўпроқ ўзининг нафсонияти оғринганига куяди, алами кучидан “ўлганнинг устига тепган” қабалида ёрга иддаолар қилади. Ҳолатни шу йўсин мулоҳаза қиларкан, табиий бир иштибоҳ туғилади: лирик қаҳрамон қалбида ёрига нисбатан муҳаббат бўлганми ўзи?! Иштибоҳимиз бежиз эмаслигига “Кимдир бугун, кимдир эрта” шеърини ўқиганда яна бир карра амин бўламиз. Шеърнинг дастлабки икки бандида ёрнинг илгариги ҳолати билан бугуни қарши қўйилган: “Шаҳзодалар эшик қоққан сарой эдинг, Соҳибдиллар ичра соҳибчирой эдинг... – Саройингдан шаҳзодалар кўчиб кетди, Соҳибчирой хуснинг қайга учиб кетди...” Кўряпмизки, бу ўринда ҳаётнинг бешафқат қонуни акс этган: ёшлиқ, хусн, умр... – дунёда неки бор ўткинчи. Йўқ, лирик қаҳрамон буни қонуният сифатида эмас, Худонинг бевафо ёрга берган жазоси ўлароқ талқин қилади:

*Нолаларим Худойимга етдимми ё,  
Айт, севгилим, ишқ уволи тутдимми ё,  
Кечагина ярим кўнглим хор этгандинг,  
Менга Худо ўзи раҳм этдимми ё.*

Шеър якунидаги “Маликалар эшик қоққан сарой бўлдим, Соҳибдиллар ичра соҳибчирой бўлдим” мисралари қониқишнинг оғринган нафсоният билан боғлиқлигини очик кўрсатиб турибди. Ҳолбуки, миллий бадий тафаккурда “ошиқлик – ўздан кечмоқ” деб, нафс эса ишқ табиатига тамоман ёт тушунча ўлароқ талқин қилинади, бу минг йиллар давомида мумтоз асарлар орқали руҳимизга сингган. Тўғри, ҳар бир авлод бадий тафаккурга ўзидан бир нима қўшиш, уни янгилаши, юқорироқ кўтаришга ҳаракат қилиши табиий. Бироқ, юқорида кузатилганларни бадий тафаккур ва дидни пароканда қилувчи деб билган тўғрироқ бўлади.

Баъзан оғринган лирик қаҳрамон очикчасига “сўкиш”га ўтиб қўя қолади:

*Йиғлама!..  
Шайтоннинг ургочисан,  
Ҳаммани дўзахга чорловчисан,  
Ёлгончиларнинг энг ёлгончисан,  
Севги дунёсига қўйгандим қадам,  
Билмай бир шайтонни танлаб қўйибман.*



Ёр таърифида ишлатилган чиройли сўзлар, унга қаратилган хушкалому лутфлар салмоғи шунчаларки, “шайтоннинг урғочиси” умуман кўринмай, йўқ бўлиб кетгандай. Сувга бир томчигина сиёх кўшилгани каби: ранги асло ўзгармагандек кўринади, лекин сув софлигини йўқотгани ҳақиқат, энг ёмони, бу ҳол сизу бизга ойдек равшан! Энди қандоқ қилсак тўғри бўлади: осонгина кўзимизнинг алдовига ишониб “сув – соф” деб кўя қолсакми... Ёрни-ку кўя турайлик, ўзгага ёмонлик тилашдан қайтарилган уммат бўлсаг-у, шоиримиз: “Сўнгги сўзларимни эшит, эй маккор, Бир куни бўларсан итдан баттар хор”, – дея хитоб этса, лоақал ўша аёл қачондир қалбида муҳаббат уйғота олганининг андишасини қилмаса?! Ахир, бунақа шафқатсиз “қарғиш”лар бош ҳарфлар билан таъкидлаб бериляпти-ку:

*Севмасмидинг...*

*Бу кунингдан, эй бевафо,*

*ЎЛМАСМИДИНГ...*

Олинган шеърлардаги кечинма эзгуликдан ҳам, гўзалликдан ҳам йироқ. Поэзияга дахлдор кечинма ё эзгу, ё гўзал бўлмоғи шарт, агар ҳам эзгу, ҳам гўзал бўлса – нур устига аъло нур! – бу шеърни чинакам дурдона санашнинг бирламчи шарти. Ҳаётда моҳияти эзгулик ила ёвузлик, улугворлик ила тубанлик, гўзаллик ила хунуқлик орасида жойлашган турфа ҳолатларга дуч келамиз – уларнинг бириси у томон, бошқаси бу томон тортиб кетиши тайин. Шеърият мулки бедарвоза эмас, улар шеърга фақат санъаткор қалби орқали – эзгуликка йўғрилиб, гўзаллик нури билан жилоланиб кира олади. Бу дарвозадан баъзан эзгу, гўзал бўлмаган нарсалар ҳам киради, лекин улар эзгулик ва гўзаллик нури билан шу қадар ёритиладики – сазойи бўлганидан қочгани жой тополмай, хунуқлиги, ёвузлигини яширолмай қолишади. Шоир қалби асалари уясидаги кўрикчи арилар мисоли. Аслида, бу шоир қалбининг зотий хоссаси. Фақат у шоир илҳом қанотида гўзаллик ва эзгулик қонунлари устувор ИДЕАЛ оламида яшай бошлаган ижод онларида ҳаракатга келади. Шоир ҳаётда сизу биздан ҳеч фарқ қилмаса-да, ижод онлари у кўз илғамас юксакликда бўлади ва чин санъатга дохил асарлар ўша жойда туриб яратилади. Демак, ҳамма гап ўша юксакликка кўтарила олишда. Йўқса, ижодга туртки берувчи нарса-ходисалару қалбимизда ўчмас таассурот қолдирувчи ҳолатларга тўлиқ рўйи заминда ҳаммамиз шоир бўлиб кетмасмидик?! Хуллас, ўша юксакликка кўтарилмасдан яратилган асарлар ҳақида “киёмига етмабди”, “хомроқ экан” қабилдаги баҳолар берилади, сабаби, уларда сизу биз ҳам кўриб тургандан ортиқ ҳеч нарса йўқ: ишланмаган ҳаёт материали – эзгуликка йўғрилмаган, гўзаллик нури билан жилоланмаган хом ашё бор, холос...

\* \* \*

Катта ўлчамда олинса, сўз эркинлиги бўғилган шароитга исён ўлароқ “Мен шоирман истасангиз – шу” ҳайқириғининг баралла янграгани яқинда



эди. Ўсмирлик чоғи шу хайқирик юрагимизда акс-садо бериб, руҳимизни кувватлантириб турган. Бирок, бугунимиз учун бу гап мутлақо тўғри келмайди! Ахир, орада атиги бир йигит умрича фурсат ўтди, холос. Кечагина фақат шу мавқеда қалам сурганни шоир санаган одам, нега бугун ёш қаламкашни айна шу учун қабул қилолмаяпман? Ростини, буни мушоҳада этароқ шууримга “руҳим қаридими?!” деган ваҳима инди. Лекин бир нарсага амин бўлдим: сўз эркинлигининг бўғилиши фожиа, бирок, мутлақ сўз эркинлиги кулфатнинг ўзгинаси. Аждодларимиз сўзни ўққа қиёс этиб, унинг қалбга жароҳат етказиши мумкинлигидан бизларни огоҳ этган. Шоир “кўнглимда неки бўлса, барчаси борича ифодалайман!” дейишга ҳақли эмас, чунки у шунчаки бир “қудук”қа гапираётгани йўқ – айтганлари минглаб қалбларга кириб боради. Демак, шоир ўзи хоҳлаган йўсинда эмас – ўқувчиларнинг миллий, ахлоқий, эътиқодий қарашлари доирасида, уларнинг шаъни, ғурури, туйғуларини оринтирмайдиган тарзда ифодалашга бурчли. Сўз эркинлиги шу доира ичидагина яратувчи куч, унинг чегараларини ёриб чиққан ондан бошлаб ҳалокатлидир, чунки энди у миллий ўзлик, кўнгил софлиги, эътиқод собитлиги, имон бутунлигига даҳл қила бошлайди.

Кейинги таҳлиллар масала анча жиддий эканини кўрсатади. Қўйидаги шеър “Биламан, меники бўла олмайсиз, Биламан қалбингиз ўзга билан банд” деган мисра билан бошланади-да, ҳар банди ошиқнинг илтижоси – “Сени севаман денг бир марта фақат” шаклидаги таржеъ билан яқунланади. Сеники бўла олмас экан қалби ўзга билан банд экан, нега энди “севаман” дейиши керак?! Шеърнинг давомида ошиқ маъшуқасини “ўн беш йил”дан бери кутаётганини англаймиз. Агар ўн беш йил илгари “севилган” бўлса, ҳозир сеники бўла олмаса ва қалби ўзга билан банд бўлса – у бировнинг хотини экан-да! Шундай экан, бировнинг хасмига кўз олайтиришни “ошиқлик” санаш мумкинми? Ахир, ўзбекнинг ахлоқида бундайлар “ориятсиз”, “хамиятсиз” деб билинади-ку, асл эрлар бундан ҳазар қилади-ку! Буни тақдир айирган севгилисига муҳаббати хануз сўнмаган ошиқ кечинмалари тасвирланган шеърлар сирасига зўрлаб ҳам қўшиб бўлмайди. Шунчаки шахвоний майл, хоҳиш... “Эртага дунёнинг шуҳратин йиғиб, Бир ширин бахт топмай ўлмасин Аҳад”. Лирик қаҳрамон маъшуқасидан кўра ўзини кўпроқ севади. Ахир, алам қилмасинми, “бутун дунё шуҳратини йиғиб” турган бўлса-ю, шугинага етишолмаса, аламнинг зўридан ёрига “Билмайсизда менга кимлар зорлигин” дея иддаолар қилади.

Тўпламларни варақлай туриб, шеърятга қўйилувчи ахлоқий талаблар бекор бўлиб кетган-у, камина беҳабар қолган деган ўй келаверади:

*Қўлларимни узма бўйнингдан жоним,  
Қўйворсанг, ўламан қўйнингдан жоним,  
Бир тугмача жой бер кўнглингдан жоним,  
Шу меҳр етади бутун умримга,  
Бахтли қил тинчгина ётай қабримга.*

Маъшуқа ҳам анъанага кўра ўта бағритош, ҳатто “қабрга ётиш” олдидаги одамнинг даъватларига ҳам келақолмайди, шу боис, бошқа бир шеърда лирик қахрамонимиз ноилож пўписага ўтади:

*Бунчалар маккорасан, бунчалар ўжар  
Қармоғимга илдираман бир куни.  
Майли, сен қийнайвер, бўлавер қайсар,  
Алдаб-сулдаб кўндираман бир куни.*

Илтижолар қилди – келмади, у ҳам ердан чиққан эмас, ахир. Маъшуқасига “Айтиб қўяй билмаскансан сен мени” деяётгани ҳам шунга далил. Яъни сенинг макринг қирқ эшакка юк бўлар, бизники ундан-да ортиқ, шундай қилайки: “Сезмай ҳам қоласан розилигингни, Алдаб-сулдаб кўндираман бир куни”. Ўз-ўзидан “бу ўзи нимага кўндирмоқчи бўляпти?” деган савол қалқиб чиқади. Ҳар бир шундай кизариниш ҳаё пардасини озгинагина бўлсин кўтаради. Сирасини айтсам, мен бу сатрларда қалбга қанот берувчи муҳаббатдан асар ҳам кўрмаяпман. Ахир, бу не-не шоирлар асрлар давомида куйлаган муҳаббат ўрнини яқиндан бери хориж киноси таъсирида оммалашаётган муҳаббат ишғол қилаётганидан далолат эмасми?!

Мумтоз шеърият лирик қахрамони ёри “остонасида ётиш”, “кўчасида девонаваш юриш” кабиларни маън этмагани учун изтироблар чекади, “бир қиё боқиб қўйса” борми – иккала дунёси вайрон! “Буям бир муболаға-да, аёлни муҳаббатига ишонтириш учун нималар демайди йигит?!” дея эътироз қиларсиз. Йўқ, бу шунчаки муболаға эмас, унинг замирида аёлини қизганмагани имонсиз, даюс билишдек миллий ахлоқ принципларидан бири ётади. Узоқ йиллар буни “аёлларга зулм қилиш”, “феодаллик” деб уқтирдилар, тан олиш керак, миллийлигимизни барбод этишдан манфаатдор кучлар озми-кўпми мақсадига эришдилар ҳам, зеро, улар руҳимизга киритган вирус то ҳануз суяк суриб ўтиб келяпти. Мана исботи:

*Йўлларингни мендан буриб кетсанг ҳам,  
Бошқага қалбингни бериб кетсанг ҳам,  
Агар ўзга билан юриб кетсанг ҳам,  
У ўзингни ишинг, мендан яширма,  
Фақат бир илтимос, севмайман дема.*

Ўзбек йигитининг ёри “ўзга билан юриб кетса ҳам” бу унинг шахсий иши деб туриши, устига-устак, буни “мендан яширма” деб сўрашини ақлингизга сиғдира оласизми? Яна “севмайман дема” дея ўтининини-чи? Аммо ўзга миллатлар билан тиғиз маиший алоқа, кино ва телевидение таъсирида шу тарз ўйловчилар ҳам чиқиб қолаётганини асло инкор қилиб бўлмайди. Хўп, бу-ку ҳаётнинг равиши экан, бироқ шеъриятга бундай ўй-фикр ва кечинмаларнинг кириб улгургани ҳаммамизни хушёр торгтириши керак. Ахир, бир томони, бугунги Ғарб дунёсидаги кўпчилигимизни жир-



кантираётган ҳолатларнинг бошланиши шундан – даюсликнинг ахлоқ нормасига айланиб қолганидан эмасми?! Зеро, аввалига ўзи “юра бошлайди”, кейин аёлининг “юриб кетиши”га рухсат берилади, сўнг ўзаро келишган ҳолда иккиси икки томонда тенгдан “юришади” ва шу тарз оила, никоҳ каби муқаддас тушунчалар қимматини йўқотиб боради... “Яна ўша ваҳимами?” дея ёзғирмоқчи бўлсангиз, аввал мана бу сатрларни ўқиб кўринг:

*Хиёнатдан Аҳад кечавер,  
Ёт қучоғда ёринг қучавер,  
Ўзгаларга меҳринг сочавер,  
Бевафо, бевафо, жоним бевафо.*

Бу – “Бевафо” номли шеърнинг якунловчи банди. Лирик қаҳрамон нима важ биландир “бевафолик” қилган севгилисини ёзғиради, аламларини тўқиб солади, унга “Умринг ёлғон хазон бўладир, Гулдек юзинг эрта сўладир, Бахтинг сўниб, қадринг синадир” дея шоирона “қарғишлар” юборади. Унинг ҳолати мисоли бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт қўяётган кишига ўхшайди. Бевафо ёрига ўчакишиб одамни одам этгувчи ахлоқ меъёрларига тупуради. Ахир, одам дегани муҳаббатсиз, никоҳсиз “ёт қучоғда ёрин қучаверса”, ҳеч бир чекловсиз “ўзгаларга меҳрини сочаверса” – ҳайвондан фарқи қоладими?! Энг ёмони, бу даъватнинг очикчасига, баралла айтилаётгани.

Мана бундай сатрлар ҳам шунга далолат қилади:

*Қизгалдоққа айлансайдим, қизгалдоққа,  
Ёқармидим балки сендек қизалоққа.*

Мисралар ҳеч бир нуқсонсиз жаранглайди, бироқ мазмун юқоридаги мулоҳазалар остида олинса, кишини шошириб қўяди. Ахир, “қизалоқ” сўзи ҳали вояга етмаган қизларга нисбатан ишлатилади?! “Мендан ўзгани севма” шеъридаги “Ҳаммасига ишқ керак, Аҳадга ошиқ керак” мисраларини ўқиб, бир муддат ҳайрон қотиб қолсангиз, ажаб эмас. Матнда “ошиқ” эмас, “маъшуқа” сўзи ўринлироқ бўлса керак, яна билмадим. Бу шунчаки эътиборсизликми ёки “эркинлик”ларни қонунийлаштираётган Ғарб таъсирими? Ишқилиб, биринчиси бўлсин, йўқса, бонг ураётганларим бекор...

\* \* \*

Бозорда “асл маҳсулот” анча қиммат юради, инжа харидор уни “оммавий маҳсулот”га нисбатан юксак қадрлаши маълум. Менимча, бунинг бош сабаби: биринчиси, ижодий руҳга йўғрилган; иккинчиси, руҳсиз, унда қолипнинг жонсиз излари қолган, холос. Шунга қарамай, оммавий маҳсулот харидоргир бўлади, бунда молнинг сифати эмас, харидорнинг сотиб олиш имконидан келиб чиқадиган талабнинг катталиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Худди шу қонуният бугунги адабий жараёнда ҳам тўла

амал қилаётгандек. Хусусан, Аҳад Қаюм шеърлари бугунги қўшиқчилик талабларини айна кундаги дидига яраша. Қўшиқчилик “маҳсулоти” эса, бадий диди ўтмаслашиб бораётган ёшларга мўлжалланган. Бошқача айтсак, шоир “керак пардани топган”, шу боис, шеър битиб, бастакор куй басталаб, хонанда ёниб-ёндириб куйлаб ётибди... Шоу бизнес индустрия, унинг ҳудудида амал қилувчи асосий қонун – “харидоргир маҳсулот”. Бас, унинг фуқаролигини қабул қилган шоир, бастакору қўшиқчи ҳам шунга амал қилиши шарт, санъат қонунлари эса бу ҳудудда фақат тавсия кучига эга...

Фикримизни асослаш мақсадида Аҳад Қаюмнинг “Қизми бу, кийикми бу?!..” тўпламини кўздан кечирамиз. Аввало, шоир куй ва хониш учун энг қулай шеърини шаклларни танлагани эътиборни тортади. Улар халқ оғзаки ижоди ҳамда мумтоз шеърини таъбиридаги мураббаъ ва мустақил эслатувчи шеърлар. Хусусан, 39 та шеър халқ дostonларидаги “фалоний бир сўз айтиб турган экан” тарзида бошланувчи тўртликлар шаклида келади. Дастлабки уч мисра ўзаро қофияланиб, тўртинчиси барча бандлар охирида таржеъ сифатида такрорланади. Дostonлардаги бундай ўринлар ўқилганда беихтиёр хиргойига ўтиб кетилгани каби, анъана таъсири ушбу шаклдаги замонавий шеърларда ҳам сақланади. Тўпламдаги 25 та шеърнинг ритмик-интонацион қурилиши мураббаъ шаклида, фарқи – таржеъ мисранинг йўқлиги. Мўъжазгина тўпламдан жой олган шеърларнинг қарийб 60 фоизи шу шаклда. Умуман олганда, у ёки бу шаклни суйиш ва ундан кенг фойдаланишнинг ҳеч айбли жойи йўқ. Бирок, шакл ижодкор учун шунчаки тўлдириб, пайдар-пай ташланаверадиган қолипга айланиб қолса-чи? Унда ижод руҳи ўлади, бир-биридан фарқсиз нарсаларнинг туссиз қатори вужудга келади...

Қўшиқбоп шаклнинг қолипга айланишидан энг аввал шеърнинг мазмуний-мантиқий томони жабр кўради. Мазкур шакл мазмун бутунлиги ва ифода изчиллигини таъминлашда муайян қийинчиликлар туғдиради. Зеро, таржеъ мисра ўзидан аввалги уч мисранинг ўзи билан мазмуний боғланишини тақозо этади, айна пайтда, битта мисра билан тугалланаётгани ҳолда бандлар бир-бирига мазмунни изчил ривожлантирадиган тарзда боғланиши зарур. Агар шу талабларни эътиборга олсак, аслида бу шаклда мукамал шеър битиш анча мушкул эканлиги аён бўлади. Айтилганлар нуктаи назардан “Сизни менга Худо учратди” шеърини кўриб чиқайлик. Биринчи банд:

*Бу дунёдан севгисин излаб,  
Кимлардир ўзини чарчатди.  
Менинг бахтим сизни топганим,  
Сизни менга Худо учратди.*

Бир қарашдаёқ банднинг мазмуний-мантиқий ташкилланишидаги изчиллик яққол кўзга ташланади: дастлабки икки мисра нисбий тугалликка эга фикрни ифодалайди, учинчи мисра унга қарши қўйилади, тўртинчи мисра эса учинчи мисрадаги ҳолатнинг сабабини изоҳлаб келади. Мисралар ора-



сидаги зидлаш ва изоҳлаш муносабатлари асосидаги мантиқий алоқа мазмуний бутунликни таъминлайди. Иккинчи банддан бошлаб айтиш шундан хусусият кузатилади, натижада, мантиқий-мазмуний парокандалик юзага келади:

*Учрашди-у, бирга бўлмадик,  
Йиғлади-у, аммо қулмадик.  
Топшиди-у, бахтга етмадик,  
Сизни менга Худо учратди.*

Кўриб турганимиздек, дастлабки уч мисра бир хил синтактик қолипдаги уюшиқ гаплардан иборат, танланган шеърий шакл шуни тақозо этади. Шакл қўяётган ушбу талаб мазмунни изчил – ўсиш, пасайиш ё кенгайиш тартибидан ифодалаш имконини чеклайди. Шу билан бирга, бундай уюшиқ гапларнинг таржеъ мисра мазмунига мос бўлиши, шеър ритмик тарҳида таржеъ санаш оҳангида айтилган уюшиқ гаплардан сўнг айрича урғулангани каби, мазмуний ташкилланишида ҳам худди шундай “зарб” олиши керак бўлади. Демак, содда кўрингани билан, бу шеърий шаклда чинакам бадиий қимматга молик мазмунни ифодалаш осон эмас. Масалан, юқоридаги банднинг учинчи мисраси биринчи мисра маъносининг ўзини оқламаган такрори бўлса, уларнинг ўртасига пона бўлиб қирган иккинчи мисра беўхшовроқ кўринади. Энг ёмони – учала мисрадан келиб чиқаётган маъно таржеъга номувофик. Мантиқан улардан сўнг, масалан, “Худойимнинг тақдири экан” мазмунидаги мисра келиши тўғрироқ бўлади. Ҳозирги ҳолатида эса банд тайинли бир мазмунга эга бўлмай қолган, бунинг сабаби ўзаро қофияланган учта мисра билан таржеъ орасидаги мазмуний муносабатнинг бузилганида. Худди шундай ҳол кейинги учта бандда ҳам кузатиладики, бу шеърий шаклнинг оддийгина “қолип” бўлиб хизмат қилганидан далолат.

Афсуски, юқоридаги ҳолатни шу шаклда ёзилган барча шеърларда кузатиш мумкин. Дикқат қилинса, бу шеърлар учун умумий бир қонуният борлиги кўринади: мазмуний ташкилланиши жиҳатидан биринчи банд яхшигина савияда ва у шеър охирида айнан такрорланади. Бу билан шеър (қўшиқ)нинг ўқувчи (тингловчи) томонидан қабул қилиниши дастурлаштирилади. Дастур алгоритми эса қуйидагича: биринчи банд шеър мазмунини моделлаштиради – модел шеърий оҳанг орқали тингловчи шуурига кўчади – кейинги бандлар ҳам шу модел билан аналогия асосида қабул қилинади – биринчи бандни такрорлаш билан таассурот яхлитлашади. Яъни шу тарзда қабул қилгани учун ҳам етарли даражада ўқиш тажрибасига эга бўлмаган тингловчи битта-иккита банддаги мантиқий номувофикликларни илғамайди. Қатъий айтиш мумкинки, омма бадиий диди билан бемаза шеърлар ўртасида тескари пропорциядаги боғланиш мавжуд: дид пасайгани сари бемаза шеърлар кўпаяди ва, аксинча, кўтарилгани сари камаяди.

Мураббаъ шаклида мазмун изчиллиги ва мантигини таъминлаш юқорида кўриб ўтилган шаклдагига нисбатан осонроқ. Сабаби, бунда таржеъ йўқ, демак, барча бандлар мазмунини битта мисра мазмунига мувофиқлаштириш талаб қилинмайди, бу эса банддан бандга мазмунни изчил ривожланти-

ришга кенг ва қулай имкон беради. Бирок тўпламлардаги шу нав шеърларни кўздан кечираркан, гап шаклдагина эмас, балки, ижодкорнинг ўзи қилаётган ишга, Худо берган истеъдодига, бир сўз билан айтсак, СЎЗга муносабатида эканига амин бўламиз. Айниқса, шакл бобидаги тажриба ўлароқ ёзилган айрим сўз тизмалари борки, муаллиф умрини беҳуда соҳураётганини кўриб ачиниб кетасан киши. Шуларидан бири мана бундай:

*Денгизу тўфонаман,  
Селлару сурономан,  
Ўзинг айт қаёноман  
Айтишига уяломан.*

Аввал тўртинчи мисрани ёзиб, сўнг олдинчилари унга қофиядош қилинганми? Жавобни шеърнинг илк мисрасидан топасиз, у эса “Ишқингда девонаман” шаклида.

*Ишқингда девонаман,  
Хуснингга парвонаман,  
Йўлингда мастонаман,  
Муҳаббатдан қонаман.*

Ҳамма бало шеърдаги ўн учта тўртликни, яъни эллик икки мисрани “девонаман”га қофиядош қилишга беҳуда уринишда. Тилимизни не кўйга солинаётганини-ку қўя турайлик. Илк банддаёқ мазмуннинг бунчалар ночор, саёзлигини кўриб беихтиёр ҳафсаланг пир бўлади. Ахир бош банд шу бўлса, давомида ниманиям ривожлантириш мумкин. Яъни “эчки нима-ю, думи нима бўларди”. Давомида янаям ажабтовур мисралар тизилган:

*Чой берсанг, чойхонаман, (?)  
Гул тутсанг, Фарғонаман, (?)  
Айтдим-ку, бир донаман,  
Севгига чулғонаман.*

Эҳтимол, мухлислар шоир ижодий экспериментга мойил, бу ерда у барча мисралари ўзаро қофиядош шеър ёзишга ҳаракат қилган, дея эътироз қилишар. Ижодий экспериментдан кўпи борми: биттагина арзирли бадийликни олгунча қанча-қанчаси бесамар кетади – ҳаммасини ўқувчига тақдим этиш шарт эмас, ахир! Кейинги бандларга ҳам мазмуни мос келса-келмаса “... наман”га қофиядош қилиб “Вафога оқланаман (?), Қалбингда покланаман...” (?), “Тақдирман, пешонаман...” (?) қабилидаги мисралар тизилаверган.

Юқорида “мустазодни эслатадиган” деганимиз сабаби унда тенг ўлчамли учта мисра ўзаро қофияланади, банд тўртинчи қисқа мисра билан ёпилади, қисқа мисра таржеъ сифатида такрорланади. Қисқа мисра борлиги учунгина “мустазод”га менгзашимизда балки, зўракилик бордир. Бирок, биз бу ерда кўпроқ бошқа бир нарсани – ҳазрат Навоий мустазод ҳақида “халқ орасида бир суруд бор” деганларини назарда тутдик. Зеро, “суруд” кўшиқ дегани,



хазратнинг айтишича, қисқа мисра орттириш билан шеър кўшиқ оҳангига мосланади<sup>2</sup>. Ҳақиқатдан ҳам бундай шеърларнинг куйи сўзларга қўшилиб окиб келаётгандек туюлади, мусиқани ҳис қилишга қобил одам беихтиёр хиргойига ўтиб кетади. Мана, шундай шеърлардан бирининг бош банди:

*Қоматининг нақшлари,  
Зимдан туриб боқишлари,  
Юракка ўт ёқишлари,  
Гўзал!*

“Тавсиф” деб номланган ушбу шеър ёр таърифига бағишланган, барча бандлари “Гўзал!” хитоби билан яқунланади. Умуман, бу бадийий ниёт ижро учун ғоят мақбул шакл, бироқ мазмун томони шунга муносиб эмас. Шеърхонда “Қоматининг нақшлари” нима дегани бўлса экан?” деган савол туғилади. Балки кимдир жавоб топар мен ўйлаб охирига етолмадим. Сўнг “зимдан туриб боқишлари”ни фаҳмлашимиз, нигоҳимиз билан “тутиб олишимиз” мумкин.

Аҳад Қаяум шеърларини ўқиганда “бу йигит ўзбек тилини биладими ё энди ўрганияптими?” деган савол туғилади. Бунга амин бўлиш учун, масалан, “Авалло инсон бўл” номли шеърдан мана бу бандни олайлик:

*Омад остонангда турганда гуллаб,  
Лаззатнинг тамидан ҳидлагин ўйлаб,  
Ўзингдан пастларни атайин қийнаб,  
Жонини огритма, дармон малҳам бўл,  
Авалло инсон бўл, аввал одам бўл!*

Шунга ўхшаш, ўқувчи сал қуйироқда “Балки ўчирарсан дилдан дарзингни” мисрасини ўқиб, “дарзни ҳам ўчириб бўларканми?!” дея ҳайрон бўлиши табиий. Агар бу ҳолнинг юзага келиш сабабини мушоҳада қилгудек бўлса, учинчи мисрадаги “дарзингни” сўзи “лафзингни” ва “қарзингни” сўзларига қофиядош бўлгани учунгина кириб қолганини осонгина фаҳмлаб олади. Ҳали ҳайронлиги ёзилмай турибоқ бир бечора ёнингга келиб мурувват сўраса, “Бепарво бўлмагин аҳволин кўриб, Ҳолидан кулмагин мулзам, мотам бўл” қабилидаги насихатга дуч келади-да, “мулзам бўлмоқ” феълининг ҳолатга алоқасини ҳам, “мотам бўлмоқ”нинг маъносини ҳам англаёлмай гаранг бўлади. Энди холис айтинг: бир шеърнинг ярмига етгунча тўрт ўринда сўз маъносини англамасликдан ғализликка йўл қўйса, “шоир ўзбек тилини биладими?” саволи ўринли бўладими?! Юқоридаги ҳолнинг истисно эмаслигига амин бўлмоқни истасангиз, турли шеърлардан олинган мана бу ғаройиб мисрларни мушоҳада қилиб кўринг:

*Муаттар сас (?) билан берганда маъно...*

*Хаста, бемор деган олдим лавозим (?)*

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 16-том.-Т.,2000.- Б.93



*Хижрон ёқар дил тафтимни (?)*

*Тўлдирмоқда шиқ кафтимни (?)*

*Ўйлайвериб юрагим тўйди (?)*

*Камон бўлдим нишонсиз, ёйсиз (?)*

*Менга хотиржамлик йўқдир равойинг (?)*

*Қабр экан энг сўнгги йўлим (?)*

Тилшуносликда сўз валентлиги тушунчаси борки, агар буни соддалаштириб айтмоқчи бўлсак, бу сўзнинг бошқа сўзлар билан муносабатида моҳиятан “кабутар бо кабутар, жинс ба жинс” қоидаси амал қилади деганидир. Яъни муайян сўз исталган бошқа сўз билан мазмунан бевосита боғланавермайди, унинг ўзи боғлана оладиган сўзлар доираси бор. Ўзбек тилидан фойдаланувчилар балки, “сўз валентлиги” деганини эшитмаган ҳам чиқар, лекин тилни қониқарли даражада билган одам унга амал қилади, чунки соғлом мантиқ шуни тақозо этади. Шунинг учун ҳам, масалан, “оғиз”га “ёпмоқ” феълини боғлаганимиз ҳолда, уни “лаб”га нисбатан ишлатмаймиз. Шоиримиз эса, “ўзига хос бўлишга” интилиши ўта кучли экани боисми, билмадим, “Лабларинг ёпилмас дир-дир титрайсан” деяверади. Ёки ҳар не тўпори бўлса ҳам, ўзбек йигити “Севгим нархин билмадинг, Ёлғиз ёрим бўлмадинг” демаса керак, чунки савқи табиийси билан “севги” сўзига “нарх” мувофиқ келмаслигини ҳис қилиб туради. Баъзан сўзларнинг боғланиши мантиқдан шу қадар йироқки, “бу шунчаки адашиш эмас-ов, ахир, шуниям билмаслик мумкин эканми?! Ҳойнаҳой, бу шоир ўқувчисини ҳайратлантириш учун қўллаган бир услубий приём-у, мен беҳабар бўлсам керак” деган ўй келади. Масалан, ақлга аёнки, одам дегани “ёнбошлаб”, “чўзилиб”, “ястаниб”, “чалқанча”... ётиши мумкин, лекин “тик ётиш”и, айниқса, қабрда “тик ётиш”и асло мумкин эмас. Чамаси, Аҳад Қаюм бошқача фикрда. Шунга ўхшаш ғайримантикий боғланиш мана бу мисраларда ҳам яққол кўринади:

*Сенсиз мен гўзачўп ўтинман,*

*Кам-кўстсиз навраста етимман.*

Бу ўринда “кам-кўстсиз” сўзининг “етим”га боғлангани мантикий ғализликни келтириб чиқаради. Негаки, “етим” сўзининг ўзида “камлик” маъноси бор, зеро, етимга ҳеч бўлмаганда ота-она етишмайди, бас, у “кам-кўстсиз” бўлолмайди. Яъни шоир бу ўринда “кам-кўстсиз” сўзини, эҳтимол, “чин етим” ва ё “ғирт етим” – ҳам отадан, ҳам онадан жудо бўлган етим маъносини ифодалаш учун қўллайди-ю, сўзларнинг мазмуний-мантикий алоқа имконларини билмаганликдан яна қовун тушириб қўяди.

Аҳад Қаюм кўп ҳолларда сўзларни грамматик жиҳатдан нотўғри боғлайди, ифодалаш кўзланган мазмунга номувофиқ шаклларни қўллайди:



*Сўзларни ўйнатади,  
Кўзларни ўйнатади,  
Жонимни қийнатади,  
Алдоқчи!*

Дастлабки икки мисрада феълнинг орттирма нисбати қўллангани маъкул: ёр кўзларни, сўзларни ўйнатиши мумкин, бироқ учинчи мисрада “жонимни қийнатади” дейилиши билан ошиқ жонини ёр ўзи эмас, балки “кимдир бировга қийнатади” деган маъно келиб чиқадики, бу умумий мазмунга ёпишмайди. Феъл нисбатларининг маъно ва услубий хусусиятларини, хусусан, айрим феъллар мажҳул нисбатда қўлланмаслигини билмаслик бошқа бир шеърда ҳам кўринади:

*Ҳар кимса ҳам севолмайди, севилмайди,  
Ҳар кимса ҳам кутолмайди, кутилмайди,  
Ҳар кимса ҳам куёлмайди, куйилмайди...*

Эҳтимол, шоир тилшунос эмас, бас, тил қоидаларининг барини билиши ҳам шарт эмас, дея эътироз қилинар? Тўғри, бироқ у “куймоқ” феъли “севилмоқ” дагига монанд маъно берувчи шаклга эга эмаслигини билиши керак-да, ахир. Зеро, шоир тил амалиётининг илғорида боради, бас, ўзи қўллаётган тилнинг гўзаллигию жозибаси, маъно нозикликларини имконларини намоён этишга ҳам масъул. Афсуски, Аҳад Қаюм айни вазифасини ё билмайди, ё тан олмайди. Йўқса, шеърларида, масалан, келишиқ кўшимчаларини ишлатиш билан боғлиқ услубий хатолар ҳозиргидек қалашиб ётган бўлармиди?!

\* \* \*

Хулоса ўрнида айрим фикрларни таъкидлаш билан чекланаман.

Аввало, шунча танқидий фикрлар фақат Аҳад Қаюмга эмас, балки унинг мисолида айрим хонандаларни қўшиқ сўзлари билан таъминлашнинг уддасидан чиқаётган “шоир”ларга, нафақага чиққач туйқус ўзларидаги шоирлик иқтидорини фаҳмлаб қолган отахону онахонларга, хуллас, яхши ният билан қалам сураётган барча хаваскорларга тааллуқли. Шоядки, юқоридаги мулоҳазаларимиз сабаб айримлар шеърят муқаддас даргоҳ эканлигини ҳис этса...

Яна тилга эътиборсизлик, беписандлик оқибатида кундалиқ мулоқотларда чала, думбул иборалар урчиб кетаётганига ҳам мана шундай мантиқ нелигини билмайдиган “шоирлар” сабаб бўлаётганини англамоғимиз зарур.



**Турсунбой АДАШБОЕВ**

*1939 йилда туғилган. Тошкент давлат университети ҳамда Москвадаги Олий адабиёт курсини тугатган. Шоирнинг “Камолнинг олмаси”, “Олатоғ-лолатоғ”, “Арслонбоб шаршараси”, “Оқбура тўлқинлари”, “Осмондаги дарвоза” каби китоблари нашр этилган.*



## Ҳордиқ олар булутлар

### Маслаҳат

Картошка экаётган  
Бобосига Мирҳайдар,  
Маслаҳат қаторида  
Қуйидаги гапни айтар:

– Сиз уни чуқур ерга  
Кўмиб қўйманг-да, бошдан,  
Момом шўрва қилсалар,  
Юрасиз тополмасдан.

### Сумалак

Бойчечаклар ниш уриб,  
То тургунча ўрнидан,  
Баҳор қишни тарновга  
Осиб қўйди бурнидан.





## Мерч шафтоли ва резина нок ҳангомаси



Мевали боғ  
 Шинам пакка.  
 Давра боши –  
 Олаҳакка.  
 Қораялок  
 Бўлди котиб.  
 Олақанот  
 Бугун нотик.  
 Турнақатор  
 Келар мошин,  
 Етолмайди  
 Қувиб лочин.  
 Тар мевалар,  
 Ҳар мевалар,  
 Лол қоласан  
 Кўриб чиндан:  
 – Юклар қайдан?  
 – Чин Мочиндан.  
 Олма, ноклар,  
 Шафтолилар  
 Татиб кўрмай  
 Шарт олинар.  
 Дориланган,  
 Товланади,  
 Харидорлар  
 Довланади.  
 Ризвон хола  
 Олган нок ҳам,  
 Шафтолилар  
 Эди кўркама.  
 Ҳасанбойнинг  
 Кўзи ёнди,  
 Биттасини  
 Секин олди.  
 Жуда қизик  
 Бўлди ишлар,  
 Нокка ўтмас  
 Курак тишлар.  
 Чандирликда  
 Ўзинар нок,

Резинадай  
 Чўзилар нок.  
 Сўнг ирғитди  
 Олапарга,  
 Чўқимади  
 Ҳатто қарға.  
 Дон тўкилар  
 Сарагидан,  
 Қовун, тарвуз  
 Палагидан.  
 Шафтоли мерч,  
 Кўчмайди ҳеч  
 Данагидан.  
 Хусан шартта  
 Отди томга,  
 Мўлжал оғиб,  
 Тушди жомга.  
 Тўқол эчки  
 Қарамади,  
 Ҳатто уни  
 Яламади.  
 Ҳакка сўзлар:  
 – Азиз дўстлар,  
 Дехқон бобом  
 Омон бўлсин,  
 Доруломон  
 Замон бўлсин.  
 Боғда ўтар  
 Ҳар чоғимиз,  
 Ёзилади  
 Чарчоғимиз.  
 Билмаймизда  
 Ҳаммамиз ҳам,  
 Қуртлар еган  
 Олмамиз ҳам  
 Четдан келган  
 Асаллардан,  
 Жуда ширин  
 Азаллардан.



**"Ҳашарчилар"***Йўлдош СУЛАЙМОННИ ёдлаб*

Йўлдош бобо боғида  
Кўкон гилос етилди.  
Олақанот иш боши  
Ҳашар эълон этилди.

Ҳар бир гилос ўрикдай  
Зўлдир, сергўшт, қирмизранг.  
Қушлар бозорин кўриб  
Болалар ҳам қангу манг.

Боғдаги томошага  
Зимдан боқар синчалак.  
Олақанот чумчуқдай  
Ўтирмайди чимчилаб.

Кекиртакдан бежирим  
Гилос лўк-лўк ўтарди.  
Гердайиши ошиқча,  
На "ўхчиди", "йўталди".

Унга тақлид қилишиб:  
Чуғурчук ва ҳаккалар,  
Юткунолмай қолишди  
Ора йўлда ҳаккалаб.

Зарғалдоғу зоғчалар  
Шошиб қолди ғўлдираб.  
Тортинчок мусичалар  
Бир чеккада мўлтирар.

Қораялоқ ҳам читтак  
Сал чимтомоқ – иримчи.  
Олақанот ҳашарни  
Якунлади биринчи.

Майнаку ғойиб бўлди  
Сўрамасдан кечирим.  
Йўлдош бобо боғида  
Ишлар битди бежирим.





Қорақарға эриниб  
Шохдан аранг кўзгалди.  
Мечкайликда тенги йўқ  
Олақанот сўз олди:

– Ерда қолмас юкинғиз,  
Биз аканғиз турганда.  
Галдаги ҳашаримиз  
Чарос чумак урганда.

### Завқ

Чархобнинг<sup>1</sup> соясида  
Салқинлаб ётганмисиз?  
Бошокни ёстиқ қилиб  
Хаёлга ботганмисиз?

Табиат кунга мослаб  
Усти бошни кенг тикар.  
Авжи ўрим, ҳаво дим,  
Чигиртка ҳам энтикар.

Чўққиларнинг қўйнида  
Ҳордиқ олар булутлар.  
Писиб ётар инида  
Зағизғон, гуловутлар.<sup>2</sup>

Анғиздаги бедовлар  
Сўнадан безиллашар.  
Чумолилар тинмайди  
Авжида қизғин ҳашар.

Тўрғай кўкда муаллақ,  
Олқишлаб қўшиқ айтар.  
Қанотларин қокмасдан  
Қуёшни тўсиб айтар.

Бундай завқ шоир учун –  
Топилар қачон? Қайда?  
Хирмондан садо келар:  
– Хўп майда-ю, хўп майда!..



<sup>1</sup> Чархоб – гарам.

<sup>2</sup> Гуловут – кўк қарға.

**Вафо ФАЙЗУЛЛОХ**

1963 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетида ва Москвадаги Адабиёт институтининг олий адабиёт курсида таҳсил олган. “Хут”, “Хабарсиз севинч”, “Мангу лаҳза”, “Жон йўли”, “Азалий гусса”, “Чақмоқ ёруғи” каби шеърӣй ва насрий китоблар муаллифи.

**АЗАЛИЙ ҲИКМАТНИ  
ИЗЛАБ...***Эссе*

Кўнгироқ бўлди.

– Эркин ака бораяптилар...

“Эркин ака, қайси Эркин ака?

Эркин Маликми, Эркин Аъзам, Эркин Усмон, Эркин Абдурахмондир?”

– Воҳидов! – “Шарқ”қа, – шиддатли аниқлик киритилади.

Бирдан руҳиятим ўзгаради. Кўнглим оёққа туради. Руҳиятим ажиб бир шоирона насимдан парвозланиб, борлигимга буюради: “Уйғон! Шарққа шоир ташириф буюряпти”. Беихтиёр айтаман:

– Ўзим кутиб оламан, Мирзо ака!

Муждани етказганимда таҳририятдаги ҳамманинг шоирлик армони эсига тушиб, шу чўққига чиққан, юксак бир зотни зиёрат қилиш имкони-дан кўнгиллар масрур бўлади.

Зиналардан тушиб борар эканман, шеър тоқига кўтарилган шоир “Нидо”лари хотирам осмонида жаранглайди.

Бекорга XX аср ўзбек шеърятининг улуғ вакили ҳавасланиб шундай ёзмаган-да:



*“Уфқларда ёниқ афсона,  
Олгин Эркин Воҳид шеърларин.”* (Рауф Парфи)

Мустамлака даврида, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носирлар катагонга учраганида зулмдан қочиб, хорижда жон сақлаган ватандошлар кейинчалик шоир сифатида Эркин Воҳидни эътироф этишган экан. Ҳақли эътироф. Зеро, етмишинчи йиллар бошидаги “Ўзбегим” қасидаси шоирнинггина эмас, ўзбек шеъриятининг ютуғи эканини, миллатнинг ўзлигини баралла тарона қилганини, ўзбекона кўнгилни кўтарганини унутиб бўладими?! Ўшанда ҳофиз бу шеърга куй топиб, ёниб куйлаганда, катта-ю кичик юракдан унга жўр бўлиб юрганмиз.

Эркин Воҳидов узилган бадий аънаналаримизни баҳоли қудрат келажакка улади. Мукамал шеърый илм – арузда ёзишга, тенгдошлари орасида мавлоно Лутфий, ҳазрат Навоий аънаналарини давом эттиришга журъат топди. “Ёшлик” девони майли ҳавас, изланиш пиллапоясида турса ҳам, “Инсон қасидаси” каби ҳам фикри, ҳам ифодаси гўзал ғазаллар яратилишига сабаб бўлди. Мумтоз шеърый услуб замоннинг энг мураккаб руҳий жараёнларини юксак бадий тарзда кўрсата олишга яроқли эканини исботлаб, шеъриятимиз сарҳадларини ҳимоя қилди. Санъатнинг, истеъдоднинг ҳамма қаламкашга ҳам насиб қилмайдиган авж мақоми бор эканлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам “Инсон қасидаси” дехқондан тортиб зиёлиларимизгача, миллий руҳиятни ёлқинлаштириб, тафаккурга бошлайдиган кўшиқ сифатида меҳримиз уфқида ҳилпиради.

Эркин Воҳидов шеърияти шарқона, шу билан бирга дунё назмининг энг янги поэтик тафаккуридан сув ичган узоқ умр кўрайдиган сўзлардан тикланган қасрдир. “Рухлар исёни” ўтган асрнинг етмишинчи йилларигача бўлган дostonчилигимизнинг фавқулodда янги, чуқур психологик намунаси. Қизиғи, Эркин Воҳидовда уч-гўрт йўналиш, бир-бирига ўхшамас шоирона ботиний феъл ўқувчини ҳайратга солади. “Донишқишлоқ латифалари”даги ўткир ҳажв, самимий кулги, афандиёна кескир ақлни “Рухлар исёни”даги чуқур руҳий талқинга солиштириб бўладими? “Ўзбегим”даги наъра билан “Ёшлик девони”даги дилбар лирикани-чи? Бир шоир оламида қандай қилиб еру осмондай узоқ руҳий услублар: фожиа ва кўтаринкилик муҳити уйғун бўлиши мумкин? Шоир қисмати, дунёнинг ўзгарувчан жараёнини ўз борлиғида яшайдиган актёр. Унинг ботини ҳаёт саҳнаси... Бу саҳна шунчалик кенг ва ҳар хилки, шоир иқтидори қадар масъулиятни ҳис қилиб, навбатдаги асарида аввалгисини қайтармайди, янгиланади. Мавзу ва услуб жиҳатидан ҳам бошқа оламда, бошқа шеърый қиёфада намоён бўлади...

*...Биринчи қаватнинг остонасида ҳеч ким кўринмади. Ҳовлиққанимдан бошланг чиқиб кетган эканман. Қишимиз ҳам ўжар феъллик. Чарслигини баҳорга яқин кўрсатади... Февралнинг ўртасида гуллаб қўйган шаҳарлик ўриклар февралнинг охирида ёпишқоқ қор аралаш ёғайтган совуқ ёмғир остида шумшайиб, эзилиб ўзи билан ўзи овора. Тан жунжикар эди. Ўзимни панага олдим. Ташқарига, бўронли ҳавога қараб турибман. Ниҳоят, шоир остонага яқин жойда кўринди. Негадир Эркин ака ичкарига киришга шо-*





шилмас, қор остида нафасини ростламоқчи, изғиринли шу соф ҳаводан кўпроқ симирмоқ энг зўр саодатдай турарди. Ичкарига ўзини ураётганларнинг қай бирига бу одам елкасидан нафас олаётгандай туюлган бўлиши ҳам мумкин. Менда эса тийрак нигоҳлари ила боққан, куз либосида шошилиб кўчага тушган йўловчи таасуротини уйғотди.

Меърож лаҳзада юз берадиган жараён. Руҳ ва кўнгил улғайганини жисм қаердан ҳам сезарди? Руҳ вазифасини бажариб, оламнинг навкиролигидан ажабтовур куч олиб, заковатини улғайтириб, шоирни кўнгиллар боғбонига, булбул ва гулга айлантиради. Назрул Ислом сиймосига чизгиларда буни ҳис қилиб, Яратганнинг Ўзидан Шоирга берилган инъом эканлигига иқроор бўласиз. Шоирга шу манзилдан тушиш изтироб, чинакам мусибат. Чин шоир ҳеч қачон улғайиш уфқидан тушмайди. Жисми қариган сари руҳи яна-да юксалиб, парвоз қилиб бораверади; маърифати, мутафаккирлиги Ўзига яқинлашиб, қурбат ҳосил қилади.

“Шарқ” таҳририяти тўртинчи қаватда. Аммо, лифтларнинг тўртдан учтаси тўртинчи қаватга тўхтаб ўтолмайди. Шунинг учун, Эркин ака билан бешдан тўртга тушишига мажбур бўламиз. Эркин ака, гўё нафас ростлаётгандай, аслида гурунг бериб жилади:

– Бундан қарийб ярим аср илгари Давлат бадиий нашриёти ҳам “Навоий-30” биносининг тўртинчи қаватида жойлашган эди. Аксарият улуғлар – Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода, Ҳабибий домла, Қуддус Муҳаммадий каби зотлар ташириф буюришиганида югуриб пастга тушардим. Кўтарилишида улар ҳеч шошилишмас, назаримда жуда имиллашиб олга босишарди. Мана...

– Қуддус Муҳаммадий лифт борида ҳам тепа қаватга пиёда кўтариларкан, – дейди Мирзо Кенжабек. Фикри охирига етмаган шоирга имкон бермай, мен ҳам “билимдон” лигимни кўрсатишига шошиламан.

– Ҳабибий домла тўқсонга киргандилар-а...

Эркин ака думбул хабаримнинг икки дами борлигини шу онда фаҳмлаб етди... ва индамасдан ҳикоясини ҳам, бу саволга аниқлик киритмоқни ҳам нигоҳи билан айтиб қўя қолди...

“Sharq” нашриётида Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг саккиз жилддан иборат танланган асарларини нашр қилиш тадориги икки-уч йилдан буён кўрилади. Ниҳоят, дастлабки жилдлар босмадан чиқди. Ун-гача хамир учидан патир деганларидек, шоирнинг кейинги йилларда битилган шеърлар тўплами ёруғлик юзини кўрди. “Янги шеърлар”. Номи мени ўйлантирди. “Ичи шеърлардан иборат бўлса яна...” Йўқ, бу номнинг икки юки, икки таъкиди бор экан. Ҳарқалай, кейинги йилларда матбуотда чиққан шеърларининг ўзидан мутаассир юрганимдан, бу учрашув шунчаки бўлмаслигини кўнглим сезгандай эди. Шоирнинг ташрифи эса юракни кизитиб, руҳимни қарахтликдан уйғотиб, “Янги шеърлар” сари бошлади.

Дабдурустдан “Янги шеърлар”га ўтмасдан шоирнинг бунгача ҳам адо этган улуғ хизматларидан бир-иккисини эсламоқ вожиб. Фарб мумтоз намуналаридан “Фауст” – Гёте ижодининг гултожи, олмон адабиётининг шоҳ



асари ҳисобланади. Одам улғайиб, довонлар ошганидек “Фауст” даги драма, руҳият ғалаёнлари, моддий ва маънавий олам, шеъринг санъатлар ифодаси жуда мураккаб. Бунга етарлича тайёргарлик кўрган ўқувчи учун ҳам мутолаа жараёни осон кечмайди. Энди, унинг таржимаси қанча муддат ва қанча заҳмат, тил билиш, илм ва шоирлик даҳосини талаб қилади? Жавоби жуда ҳам мушкул. Чунки шеър таржимасида аслиятга ҳеч қачон етиб бўлмайди, бу қарийб мумкин эмас, фақат илоҳий мўъжиза билан таржима шеърнинг шарпасинигина кўрсатадиган амал. Бу барибир бўлак тилда муқобилини топиб, бошқа бир асарнинг туғилиши бўлади... Шунинг учун бўлса керак, Гёте ўз ёзганини эмас, французчага ўгирилган вариантини мутолаа қилишга рағбати кўпроқ экан... Бунинг ўзига яраша ҳузурбахш сабаблари бўлган, албатта. Шоир Эркин Воҳидов эса олмончадан эмас рус тилидан таржима қилди ва бунга умрининг беш-олти йилини бутунлай бағишлади. “Фауст” таржимаси адабий муҳитда, таржимачиликда катта воқеа бўлган. Бундан ташқари, ғарбнинг мумтоз асари шарқ шоири ижодига ҳам ижобий таъсир қилиб, янги довонга олиб чиқди.

Эркин Воҳидовнинг хизматларидан яна бири рус шоири Сергей Есенин қилган таржималаридир. Бизнинг авлод бу таржималарни севиб, ёддан ўқиб шаклланган. Биз учун ижодда ғайримиллат шоир йўқ. “Миллатингиз, маданиятингиз, динингиз бўлак, шунга кўра, ҳаёт тарзингиз бошқа, – деган эди менга шоир дўстим Владислав Целыев. – Қандай қилиб ўта миллий шоиримизни Ислом маданиятининг вакили, ўзбек шоири таржима қилиши мумкин? Ахир баъзи эътиқодий тушунчаларимиз бизларники сизларда, сизларники бизларда йўқ-ку!” “Владислав, – деганман мен ҳам ўз навбатида – тилимизни, умуман, билмайсизлар, лекин бизда рус тилини сув қилиб ичиб юборганлар бор. Шоир руҳиятини шоиргина таржима қила олади, аслига мос муқобил тушунчаларни топади. Ўзбекчага ўгирилган шеърни эшит!..” У сўзларига тушунмаса ҳам таржима руҳи ва оҳангидан ҳузурланаётгани чехрасида қалқиб чиқди.

2010 йилнинг тўртинчи октябри эди. Сергей Есенин туғилганига 115 йил тўлган кунда рус шоирлари Юрий Бондар ва Ромул Елисеевлар ҳамроҳлигида Ваганки қабристонига йўл олдик. Есенин қабри олдида бир гала мухлислар йиғилган, шоир ва волидаси хоки пойида кучоқ-кучоқ чиннигуллар, кимдир пайдар-пай шоир шеърини артистдек ижро этар, ким йиғлаган, ким шод, ким сархуш, ким хушёр ҳузур туярди. Тўлқинланиб кетиб, ҳеч кимдан сўроқсиз ўртага ошиқдим: “Дорогие поклонники поэзии! Если разрешите, я наизусть читаю стихи поэта “До свидания друг мой, до свидания” на узбекском языке” дея дудуқланган тилим бирдан тиниклашди!

*Хайр энди, хайр дўстгинам,  
Бағримдасан кўнгил малҳами.  
Муқаррар бу айрилиқнинг ҳам,  
Висоли бор олдинда ҳали.*



*Хайр, дўстим, сўзга очма лаб  
Қўй, мен учун ўртама бағир.  
Бу ҳаётда ўлмоқ-ку бор гап,  
Яшамоқ ҳам янгимас ахир.*

Ҳеч ким “бу нима деяпти ўзи?” дея бақирмади. Балки “узбек, узбек” деган сўзлар оҳангидан бир ҳурмат, ташаккур туйдим. Бу, албатта, Эркин Воҳидовнинг улуғ таржималарига айтилган ташаккур эди. Ҳолбуки, кўпинча бундай лаҳзаларда шеър таржимони бировнинг эсига ҳам тушмайди... Очиги, биз фидойиликни кўпинча қадрлашни билмаймиз. Эркин Воҳидовга ўхшаган шоир, таржимонлар дунёга ҳар куни ҳам келавермайди, ахир. Уларни йўқлаш, ҳар бир фикрини қадрлаш бугун учун эмас, келажак учун ҳам керак.

*Яна бир хотира.* Адашмасам, 2003 йилнинг баҳорида “Ёшлик” журнали таҳририятида ишлаётганимда серқирра ижодкор сирини биламан, деб ўзимча саволлар тузиб, шоирни излашга тушдим. Эркин ака эса, Москвада, юраги жарроҳлик амалиётига тайёрланилаётган экан. (Балки “Амалиётдан кейин бемор” шеъри ўша кунлардан кейин ёзилгандир.) Саволларим ҳали ҳам жавобсиз, сарғайган қоғозлар ичида яшириниб ётибди... Очиги, аслида беҳуда нарсага уринганга ўхшайман... Ахир, шеър чакмоқ янглиғ кўз очади. Қандай оламга келгани кўпинча шоирнинг ўзи учун ҳам сир, шундай экан, мухлислар ҳеч қачон бу сирни билолмаса керак. Фақат туғилган шеър билан учрашиш мумкин. Кўнгилнинг латиф оламида яшаш ҳақиқий саодат. Айниқса, янгиси бўлса, олинадиган баҳра, руҳнинг сурури бўлакча бўлади, афсуски, бунинг суратини чизолмаймиз.

– *Шу хонага ҳам бир қиринг, Эркин ака. – Илтимос оҳанги Воҳидовни хонамга ундади. Ўтган аср руҳидаги уч стулнинг бирига чўкдилар-да, бир азиз хотира тилларига кўчди:*

– *Ўттиз беш, қирқ ёшлардан ошмаган эдим. Саид Аҳмад ака мени олқишлагандай лутф қилдилар: “Шеърингни ёзиб бўлдинг Эркин, энди бемалол ўлсанг ҳам бўлади!..” – Эркин ака жиммиб қолдилар. Афтидан бу гап “Ўзбегим” каби шеърлар шов-шув бўлиб, эл аро шоир тилдан тушмай қолгандан кейин айтилган чиқар. Балки ўзидан беш кўйлак кўп йиртган каттанинг кичикка огоҳлантириши бўлгандир. Истеъдоди ярқ этиб, кейин... ўзи тиригу ижоди адо бўлганлар қанча. Лекин мустамлака замонида шоир бир ростини айтиб, минг чини ичида қолиб, армон билан яшарди. Шунинг учун бу гап, бу мақтов шоирга жуда ҳам қаттиқ ботади. Ҳеч унутолмайди. Эркин ака қараб турганимизни кўриб, бугунга қайтдилар-да, давом этдилар:*

– *Менинг яна бир ўттиз беш ёшим ўтиб кетди. Саид Аҳмад ака саксон беш ёшга кирган кунлар, мустақилликда яна ҳам очилдилар, мумтоз ҳикоялар ёзилди. “Йўқотганларим ва топганларим” юзага келиб, зиёлиларнинг қўлидан тушмай қолди. Мен ўша “тилак”ларига тилак билан жавоб берадиган фурсат етганини тушундим: “Саид Аҳмад ака, – дедим, – энди*



ҳақиқий ижод қилиш замони келди! Ўлманг!” – Ва тўсатдан Эркин ака менга мурожаат этиб қолдилар:

– Шеър ёзаверсам бўладими, Вафо?

“Шеър ёзаверсам бўладими?” хаёлимда бутун хонани тўлдириб аксадо бергандай бўлди.

– Эркин ака, ахир, сизнинг шеърларингиз... – нималардир деб мулоҳаза юритган бўламан. Эркин ака эса бу сўзларга парво қилмай, вазмин, дуога қўл очдилар.

– Умрингиз узоқ бўлсин! Болаларингиз бошига омон бўлинг.

Кетаётиб таҳририятдагиларнинг ҳаммаларига эҳтиром билан илтимос қилган бўладилар: – Шу ерда хайрлашамиз. Саломат бўлинглар! Яна учрашгунча!

Мен эса шоирнинг чинакам ташрифи “Янги шеърлар”га юзланаман.

*“Дўстим!*

*Сен ўзни кўп хокисор тутма,*

*Ожиз бандаман деб эгиб юрма бош.*

*Юртнинг эгасисан, зинҳор унутма!*

*Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош”.*

Инсон катта мақсадлар билан яшасагина, ортидан гуллар унади. Қайбир улуғ зот айтганидек, ўзини бир жойга жамлаган одамнинг бир ўзи, енгилмас салтанат бўлади. Бунинг мозийдаги мисоли Амир Темур ҳазратлари! Етти тўртлик, 28 қатордан иборат шеърнинг ҳар бирида зарб билан айтилган шоир фикрларининг қайси бирлари ила баҳслашиш мумкиндир, аммо озод юртнинг бўз боласи бу олов нидоларни англаб яшамоғи керак:

*“Ғайратсиз зотларга замонлар ёмон,*

*Жасорат йўқ ерда ёмонлар омон,*

*Давлат не, мардона бўлмасанг қалқон,*

*Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош”.*

Тилакнинг ёниқ, орзунинг жуда юксаклигини қаранг:

*“Юрт фарзанди асли ўзи юрт бўлар,*

*Кўзи чақноқ бўлар, қалби ўт бўлар*

*Қаторда нори бор Ватан бут бўлар,*

*Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош”.*

Чин шоир аввало девонавор ошиқдир. Эркин Воҳидов бу мартабани “Ёшлик девони” китоби билан қўлга киритган. Янги шеърлардаги “Шоирга мактуб”, “Қиз боланинг севгиси”, “Бировнинг кизи” шу жавоҳир қутигасидаги янги дурлар, ҳузурбахш сирлар бўлибди. “Шоирга мактуб” самимий битилган қисмат ҳикоясидир. Ошиққа кўнгили изҳори учун ёниқ



тилли, юракнинг қонига бўялган сўз керак, шеър керак. Ҳолбуки, шундай шеър яратган шоир қисматининг аксарият таржимаси ёрга етолмаган армонли ошиқ маъносини билдиради... Лирик иқроор – шоирнинг туғилиш тарихи ҳам...

*“Бир бевафо ишқида мен ҳам  
Поёни йўқ дардга тўлганман.  
Шу дард менга тутқазган қалам,  
Куя-куя шоир бўлганман”.*

“Қиз боланинг севгиси” фақат ўзбек шоири ҳис қилиб, ор-номусини ўртага қўйиб битиши мумкин бўлган шеър. У навраста қизларимизга оталарнинг ўгити ҳамдир. Адибимиз Тоғай Мурод “Муҳаббат кўнгилда бўлади, тилга чиқса ёлғон бўлади”, деган эди. “Бировнинг қизи” ўзбек хулқи ва тақдир битиги ҳақидаги замонавий ривоятдир. У “Меҳробдан чаён” қаҳрамони Анварнинг Раънога айтган ҳаётга чорловининг давомига ўхшайди. Ҳақиқат жуда талх (аччиқ) келади, уни фақат шоирнинг ёруғ тасвири тушунадиган қилади. “Ўлмас эди балки одамзот” шеърини инсоннинг ноқис феъл-атвори қалтис паллаларда очилган. Ҳар бир тўртликдан бир номукамалликнинг ниқобланган башарасини таниб оламиз. Бу ҳақда Ғазолий ҳазратлари буюк дастурга асосланиб жилд-жилд китоблар ёзган. Нафс хоҳишига юрадиган кимса белгиларидан хабар берган. Шеърнинг номи-ю нақорати, албатта, рамзий. Ҳақдан берилган умр зимдан ҳалокат чоҳига ташланиши киноя ва истехзо, изтироб билан кўрсатилади. Бу аслида ўзига хос наҳий мункар. Қуръони каримнинг “Нисо” сурасида Оллоҳ таоло шундай огоҳлантиради: **“Ўзларингизни ва бир-бирингизни ноҳақ ўлдирманг!”**

*“Таҳқир захру ханжар ила тенг,  
Тухмат ортиқ ўқдан ва дордан.  
Инсон ўлмас бири бирининг  
Ўлишига бермаса ёрдам”.*

Шоир топган рамзий ифода ҳақиқатлар кўзини очаркан, инсоннинг ожизлиги, худбинлиги ҳушёр ақлни даҳшатга солади:

*“Инсон ўлмас ўлдирмаса гам,  
Макон қилмас қора турбатни.  
Кўрса агар тиригида ҳам  
Ўлигида топган ҳурматни.*

*Олам тўла фитна, адоват,  
Мангу қолиб нетар одамзот?  
Бир кун чарчаб, излаб фароғат  
Тинч дунёга кетар одамзот”.*



“Янги шеърлар” тўпламидаги энг яхши шеър, назаримда, “Вафо”. Уни ўқиб туриб Есениннинг “Ит ҳақида дoston”и хотирга келди. Есенинда овчининг қотиллиги боис етти боласидан ажралган ит нолази. Воҳидовда эса инсон ҳаётдан кетганда яқинлари, болаларидан кўра кўп қайғу чеккан ит тимсоли киши меҳрини уйғотиб, юрагини қон қилади. Аслида бу миллий тушунчанинг гўзал ва ғамгин кўшиғи.

*“...Совуқ тунда қотиб, дийдираб,  
Қабрга у қўйиб ётди бош.  
Эриган қор каби милдираб,  
Кўзларидан тинмай оқди ёш.*

*Биз инсонмиз, соҳиби дунё,  
Қудратлимиз, мағрурмиз, тўқмиз.  
Садоқатда, меҳрда аммо  
Шу бечора бир итча йўқмиз”.*

Чин шоирнинг ҳар бир мисраси бир фожиа, бир драма, бир роман. Шунинг учун, шеър ҳақиқатларнинг энг мардонасини айтиб, вақтни максимал даражада тежашдир. Шунинг назарда тутиб, моҳир шоирлар фард, муаммо, рубоий каби ихчам жанрларни ихтиро этган. Ҳақиқатнинг гўзал, мардона тасвири, инжа руҳнинг довюраклик ва куюнчакликка эш табиий сурати сўзларга кўчади. Зеро, ҳаётнинг биринчи мезони ҳақиқат, ижодкорнинг эътиқоди эса уни англатиш. Шунинг учун ҳам одамни олға бошлайдиган ҳақиқат шеъриятнинг, адабиётнинг гултождир. Шоирнинг мутафаккир даражасига кўтарилганига ҳавасингиз келади. Балки, ҳар бир халққа асл ҳақиқатни пардага ўраб бериш учун шоирлар берилар. Шунинг учун ҳам ҳақиқат жарчиси бўлишга имонли шоирлар маънавий ҳақдордир.

Эркин акада тасвир, маром кўпинча оддий, аммо хулоса жуда залворли.

*“Бахи этмоқни истаб дилларга зиё  
Тунлар чирогимиз ўчмади бироқ.  
Ўчмайдиган қилиб маҳшаргача то,  
Биз ўз бошимизга ёқибмиз чироқ”.*

(“Ўчмас чироқлар”)

“Сўзда сеҳр, шеърда эса ҳикмат бор” (Ҳадис). Бу мартаба Шарқ шоири учун талаб ҳамдир. Ҳикматда ҳақиқат билан бирга фалсафа, орифона донолик, қайноқ афоризм сўнмас юлдуздек жимирлаб туради. Хушёрликнинг мастлиги ўқувчини маст қилади. “Янги шеърлар” навбатдаги ижод намуналари эканлиги билан бирга чинакамига ҳикмат бўлган. Балки ҳеч қачон ҳикматларни солиштириб бўлмас. Лекин қиёсларда аллақандай юксакларга чиқамиз. Навоий, Бедил, Ҳофиз, Гёте ҳикматлари...



Воҳидовнинг “Тўқислик” шеърдаги ҳикмат киши эътиборни тортади.

*“Бутликка не етсин  
Камликдан кўра.  
Инсон тўқис бўлиб юргани яхши.  
Лекин Яратгандан бир бахтни сўра,  
Нимангдир етмасдан тургани яхши”.*

Бутлик ва муҳтожлик – икки қарама-қарши кутб. Дастлабки икки мисра ниятнинг теран, содда ифодаси, учинчи қатордаги комиллик орзуси фикр учун фазилат бўлгани ҳолда, ҳатто тўртинчи сатр ҳам шу фикрнинг манбаси ва давоми бўлиб бош мақсаддай янграйди. Аммо, мулоҳазакор шоир зиддиятда дунёни бир бутун кўради ва кутилмаган ғояни ўртага ташлайди: “Нимангдир етмасдан тургани яхши...” Аслида ҳам инсоният оламини ҳаракатга келтириб турган мутаносиблик қонуни шу эмасми?

*“Шукрона дилинга ошно бўлсуну  
Армоним йўқ десанг хато бўлади.  
Дунёнинг энг кўҳна фалсафаси бу  
Орзу ўлса ҳаёт адо бўлади”.*

“Орзу ўлса ҳаёт адо бўлади” – мана ҳикмат! Одамзотнинг бутун умрлик формуласи:

*“Ҳаёт йўли надир? Қабр тошида  
Икки сана аро қисқа чизиқдир”.*

Шоир, асосан, аввал ўқувчини тайёрлаб, сўнг залворли фикрни эҳсон каби ҳавола этади. “Кексалик илтижоси”, “Соя”, “Қудук”, “Ақл топмадинг” каби мутафаккирона шеърларни йўлчи маёқ қилиб яшаса арзийди. Шу силадаги икки шеърни ўзимча тушунишдан ўзимни тиёлмадим. Аслида шеърни ҳеч қачон охиригача шарҳлаб бўлмайди. Ҳар бир сатрдаги фикр ёхуд жами ҳислар жилоси тасаввур қудуғининг олис бир бурчагидаги ойдан тушган шуъла. Ботин кўзи билан кўриб турасиз. Шарҳлашга, тушунтиришга эса ақл ҳам, тил ҳам қийналади. Қуёшнинг заррасини қўл билан ушлаб бўлмайди-да.

*“Бодом одамга ўхшар  
Навбаҳорни суяди.  
Одам бодомга ўхшар  
Эрта гуллаб қўяди”.*

(“Бодом ва Одам”)

Дарахтнинг эрта уйғониши кўнгилнинг тебранишига назира. Одам бодомга ўхшатиларкан, тўсатдан бесабрлик, тоқатсизлик иллатининг сурати берилади. Бор-йўғи сўзлар ўрни алмаштирилиб, жуда осон сўз қатори ти-



зилгандай бўлгани билан янги маънонинг кўзи очилган. Рамзлиги боис бодомга қилинган “адолатсизлик”ни ҳам оқлаш мумкин...

Ҳикмат фақат мозийдан мисол келтириб сабоқ бермоққина эмас. Бугуннинг эврилишини ҳам фаҳмлатмоқ.

*“Топишмоқ айтади менга набирам –  
“К”дан бошланади, ҳар уйда бор, – дер, –  
Содда иш асбоби...  
Мен кетмон, десам  
Набирам кулади: – Йўқ, бу – компьютер!”*

Кетмон ва компьютер. Булар одамзотнинг ақли кашф қилган иш кулларари. Бугун ҳам кетмонсиз ризқимиз бут бўлмаганидек, энди компьютер мурватини ўйнатиб, чобуксуворлик қилмасдан тирикчилигимиз олдга босмайди. Шу бешликда ақл тадрижи, бобо ва набира оралиғидаги масофани ҳам ҳис қиласиз. Назаримда, бу шеърый “топишмоқ” замонавий ҳикматдир. Уни фақат ақл кўра билади.

“Донишқишлоқ латифалари” аллақачон шеърхону ҳажвсеварларга ёд бўлиб кетган. Аммо, булар шунчаки, ичакузди ривоятларнинг шеърга солинган шакли эмас. Балки унда истибдод ҳукмрон, даҳрийлик мафкура-си тўрда, миллий кадриятлар четга сурилган даврда кўнгил кўтариш, тақиқдаги ҳақиқатларни айтиш, шу билан бирга феъл-атворимиздаги иллат ва нуқсонларни кулги, киноя, ҳажв, ишора воситасида муолажа қилиш бор. Шунинг учун, душманни кулдириб, дўстни йиғлатган, эзилиб кетган қалбга ним табассум ҳада этиб эркин нафас олдирилган. “Янги шеърлар”да ана шу мотив чуқурлашган.

“Ҳазил тўғрисида жиддий шеър”, “Ўғрига насиҳат”, “Бизнинг мотам”, “Нарх-наво”, “Муштлашганлар”, “Тангрига илтижо”, “Бизнинг қишлоқ одати” сатирик йўналишдаги шеърлар ва Абдулла Қодирий, Таваллолар ижодининг ўзига хос давоми ҳамдир. Воҳидовнинг зохири ҳазил, ботини зил шеърлари нотўғри қарашни синдириш, ичига назар солишга ишоралар қилишдир. Бежизга шоир шахматда гроссмейстерлар билан дуранг натижага эришмаган. Бу ўткир, кучли ақл соҳиби эканлигидан далолат. Ҳазилнинг маъносини ҳар ким ҳар хил – ақлининг даражасига қараб тушунади. Мана “Дангасалар” шеърини кўрайлик:

*“Ғайратлилар елиб-югуриб,  
Меҳнат билан мудом овора.  
Дангасалар эса ўй суриб  
Ўтиш учун ўйлашар чора.*

*Ишчан азал тинмай ер чопган,  
Ўғир туйган, совурган сомон.  
Ялқов ўйлаб чархпалак топган,  
Ижод қилган шамол тегирмон”.*





Меҳнаткашни ким ёзғирарди? Аммо куруқ ҳаракат билан инсон довонлардан оша олмаслиги борасида ҳамма ҳам ўйлаб кўрмайди. Кейин тиниб-тинчимаган баъзи бировлар жабрдийдаларнинг насибасини туя қилиб, шерик бўлиб юради. Шоир эса фикрсиз, қотган қараш асосида яшайдиган омманинг устидан киноя қилиб, бугунги тараққиётга йўл очган “дангасалар”ни кашф қилган. Уларнинг буюклигини “танқид” никобида эътироф этади.

*“Парвоз этсам юксак самода  
Замонавий лайнерда букун  
Раҳмат дейман ёруғ дунёда  
Дангасалар борлиги учун.*

*Ўўқса юрар эдик ҳойнаҳой,  
Ҳануз яёв чангитиб тупроқ.  
Ҳўб юртим бор, хаёлкашга бой,  
Ишчанидан ўйчани кўпроқ”.*

Фикр чархпалагини тез айлантирган шоир қарашлар ҳар хиллигини кўзгуга солади. “Ҳўб юртим бор, хаёлкашга бой” бир мисрада ижод ва илм аҳлининг сиймоларини жамлайди. Аммо “Ишчанидан ўйчани кўпроқ” сиртки ва ички маъноларга эга. Шоир ўзидан “нолиш” баҳонасида гоҳ сўз кадри арзон бўлиб, унинг фавқулодда соҳиблари “дангаса”, “ношуд” деб қаралишига киноя қилади.

*“Рост айтсам бу менинг ҳам дардим,  
Ҳолимасман бу касалликдан.  
Ғайрат қилсам бир касб топардим,  
Шоир бўлдим дангасаликдан.*

*...Бизнинг меҳнат шундоқ,  
Нима бор –  
Дабдабаю асасаларга.  
Сизлар тинманг, ишланг фидокор,  
Халал берманг дангасаларга”.*

“Дўстлик шарти”да эса риёкорликни билса ҳазил, билмаса чин нақлига кўра, ҳазил пардасига ўраб аёвсиз фош этади. Иллатларни чуқур истехзо билан юзидан ниқобини тортади.

Шоир инсонга яхшилик соғинувчиларнинг илгариги қаторида истиқомат қилади. Воҳидов ҳам ўйлатиб, кўзни теранроқ очишга ўргатади, ақлни эзгуликка сафарбар қилади:



*“Енгил иш қидирма,  
Енгил иш йўқдир.  
Жон чексанг енгиши бор,  
Енгилиши йўқдир”.*

Инсон ҳамиша ҳам оқ-қорани танишга қийналади. Режаларининг охирига етмайди. Ҳолбуки, қалби ардоғидаги амалини майли уни танимаса ҳам, ўша ғойибдаги дўсти борлиги учун адо этади. Шоир шундай дўстликнинг қанчалик улуғворлигини билади.

*“Биркам дунё.  
Сен ҳам бир банда.  
Майли, каму кўстларинг бўлсин.  
Лек кўрганда шод, кўрмаганинда  
Соғинувчи дўстларинг бўлсин”.*

Дўстликни қадрлаганлар қадр топади.

*“Уларга дил тўла ҳимматинг,  
Меҳр тўла кўзларинг бўлсин.  
“Қайдасан?”, деб бузиб хилватинг,  
Босиб келар дўстларинг бўлсин.*

*Севин, улар тегса жонингга,  
Ишдан қўйса кул, яйра, кулдир.  
Келмай қўйса биров ёнингга  
Дунё охир бўлгани шулдир”.*

Омон бўлинг, Эркин ака, кўнгилни шарафладингиз. Сизни Ўзи шарафласин. Бир инсон, бир шоир сифатида Ўзининг наздида мартабангиз улуғ бўлсин. Устоз, мана бу тилагингизни ҳар бир шоир ўзининг юраги уфқида бош маслак янглиғ ёзиб қўйиши керак!

*“Шундоқ сўз айт, шоир укажон,  
Сўзинг қалблар тубига борсин.  
Бахтни ёзсанг яйрасин жаҳон,  
Ғамни ёзсанг додлаб юборсин.*

*Шундоқ сўз айт,  
Кўкка сол жаранг,  
Ер юзини ҳайратларга сол.  
Шундоқ сўзни топа олмасанг,  
Укажон, шеър ёзмай қўяқол”.*



### **Хусниддин ШАРИПОВ**

*Ўзбекистон халқ шоири. 1933 йилда туғилган. Тошкент қишлоқ хўжалик институтида (ҳозирги Тош-ДАУ) таҳсил олган. “Кўнгил буюргани”, “Кўёшга ошиқаман”, “Тупроққа қасида”, “Мен сизга айтсам”, “Ҳаяжонли дақиқалар”, “Ёр истаб” сингари тўпламлари нашр этилган.*

*Шоир 2015 йилда вафот этган.*



## **Тўлқинга пайванддир борлиғим**

### **Кўнгил риштаси**

Кун бўйи билмади ғилдирак тиним,  
Иккинчи куним ҳам ўтди поездда.  
Аммо, йўлимизда бўлмади унум,  
Етмоқ қийин экан манзилга тезда.

Фарзанларим билан рафиқам қалбин  
Менинг юрагимга боғлагувчи ип.  
Гўё таранглашиб, ҳар лаҳза сайин  
Поездни орқага турарди тортиб.

### **Манзара**

Учинчи қаватда яшайман,  
Елларга очикдир деразам.  
Ўзимга сал четдан қарасам,  
Денгизчи сайёҳга ўхшайман.





Ошхонам кун юрар тарафда:  
Туришар оқ уйлар керилиб.  
Дам-бадам янгиси қурилиб,  
Манзара ўзгарар ҳар ҳафта.

Кечаси боқсангиз ловуллар,  
Гўёки зиёдан тўқилган.  
Ранго-ранг чироғи ёқилган  
Кемани эслатар,  
Гувуллар.

Тўлиқсиз денгиз йўқ жаҳонда,  
Қай кема чайқалмай яшарди?  
Қўшнилар рақс тушса башарти,  
Пиёла жиринглар жавонда.

Ўнг ёним – бахмалдай бедазор,  
Тўлғаниб югурар ариқлар,  
Ариққа лаб босар ажриқлар,  
Сигирлар ўт чимчир беозор.

Ўнгим ҳам, сўлим ҳам – бир дунё.  
Тенг ичар шудрингни ва нурни.  
Ҳаётни нимталаб бўлурми,  
Нимталаб бўлурми бугун ё?

Тебраниб, энтикиб бораман,  
Тўлқинга пайвандир борлигим.  
Гоҳ ишда ёзилар хордиғим,  
Гоҳида ишлайман, ҳораман.

Жўн эмас сайёҳлик деган сўз.  
Толикиб кетади тўпиқлар  
Ва лекин ҳар тонгда уфқлар  
Равшанроқ, яқинроқ очар юз.

Кемамиз гуркираб ўтмоқда,  
Тўлқиндай тўқнашар фикрлар.  
Биргина қора кўз сигирлар  
Бепарво ўт чимчир ўтлоқда.



### Балиқ фалсафаси

Думингни ликиллатасан,  
олға кетасан.

Думингни ликиллатасан,  
олға кетасан...

### Чақмоқ

Етар муҳаббатни гулга ўхшатмоқ...  
Муҳаббат чақмоқдир,  
Муҳаббат – чақмоқ:  
Хат-хабар юбормас,  
Туғилар бехос.  
Улгурмай қоласан чиққани пешвоз,  
Совға деб келтирар қувонч ё алам.  
Дарвоқе,  
Кўкламда туғилар у ҳам...

Кимки, дўстлар учун жон тиккан бўлса,  
Қалби ишқ юкидан энтиккан бўлса,  
Бир парча офтобдай кўнганда чақмоқ,  
Пирпираб кетади мисоли чироқ.  
Тоабат гуркираб, бахтни ёр этиб,  
У инсон йўлини турар ёритиб.

Севгини чақмоққа этаркан қиёс,  
Яна бир нарсани эсладим бехос:  
Баъзан тинар-тинмас тўйларнинг саси,  
Бошланар бесабаб араз ва фироқ.  
Чўчиманг ҳеч, дўстлар,  
Булар барчаси –  
Чақмоқдан кейинги момақалдирик.

### Африка ҳикояти

Сардорнинг шуҳрати кетар узоққа,  
Куйчининг шуҳрати яшар узоқроқ.  
Сардор, беланганда соқоли оққа  
Шуни ўйлаб қолди.  
Тишлади бармоқ.

Сўнг, уста топтириб олис бир юртдан,  
Ясаптириб келди етти торли соз.  
Созга қўл урдию бўлмади хуррам.  
Йўталга ўхшарди соз берган овоз.



Титрарди сайрамай етти кумуш тор,  
 Гўёки қафасга тушиб қолган қуш.  
 Кўп хуноб бўларди эҳтимол сардор,  
 Бошланмаганида ногаҳон уруш.

Зафарли найзани тақимга босиб,  
 Етти фарзандини олиб ёнига,  
 Тилсиз созини ҳам елкага осиб,  
 Сардор учиб кетди жанг майдонига.

“Қувди-қувди” билан ҳафталар ўтди.  
 Гоҳ вақти чоғ бўлди.  
 Гоҳо кўкси доғ:  
 Биринчи жангдаёқ бош ўғли ўлди,  
 Унга мозор бўлди заъфарон қумлоқ.

Сел янглиғ оққанда чангалзорда қон,  
 Иккинчи ўғлидан бўлди у жудо.  
 Ҳар гал узилганда қалбидан фиғон,  
 Инграб қайтарарди бир тор акс-садо.

Охири душманлар этилди тор-мор,  
 Босқинчи изи ҳам ташланди қириб.  
 Зафар билан қайтди уйига сардор,  
 Етти ўғлини ҳам ерга топшириб.

“Там-там”ни янгратиб, қучоқ очиб кенг  
 Пешвоз чиққанида қадрдон эли,  
 Уқпар таққан боши ҳам эди унинг,  
 Хотинин кўзига боқолмас эди.

Не десин?  
 Нима ҳам дея оларди?  
 Найзасин узатди.  
 Қўлга олди соз.  
 Қайнаб ич-ичига сиғмаган дарди  
 Оқди етти тордан сирқираб бехос.

Майли, фожиани хотини билса,  
 Сардорнинг кўшиғи тўла арз эди.  
 Бас эди, дардига шерик топилса,  
 Куйчи шухратини ўйламас эди.





## Адабий ҳаёт

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида уюшма фаолиятининг йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Уюшма раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али маъруза қилди. Нотиқ ўтган 2015 йилги фаолият якунлари ва 2016 йилда амалга ошириладиган вазифаларга алоҳида тўхталди.

Маълумки, ўтган йили Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллиги, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек таваллудининг 110 йиллиги, Ўзбекистон халқ шоири Ҳабибий таваллудининг 125 йиллиги кенг нишонланди. Ёзувчилар уюшмаси шу муносабат билан қатор тадбирлар ўтказди, тўпламлар нашр эттирди. Бундан ташқари, Уюшма ташаббуси билан тинчлик ва осойишталикни мадҳ этувчи “Осмонимиз мангу мусаффо бўлгай” шеърлар ва публицистик мақолалар тўплами нашр этилди, ўтган асрнинг 80 йилларида “Пахта иши” бўйича ноҳақ жабрланган юртдошларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи “Адолат йўли” номли бадиий-публицистик китоб ҳам нашрга тайёрланди. Ўзбекистонда яшаётган, ўзларининг фидокорона меҳнати ва муносиб ҳаёт йўли билан халқимиз эҳтиромига сазовор бўлган 100 ёшдан ошган кексалар тўғрисида “Мингта ибратли ҳаёт йўли” тўплами тайёрланиб, нашрга берилди.

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Ёзувчилар уюшмаси томонидан 15 нафар кекса ижодкорга Тошкент шаҳридаги клиник шифохоналарда даволаниш учун бепул ордерлар берилди. Фахрий ёшдаги шоир ва ёзувчиларимиздан 53 нафарининг “Дўрмон” ижод уйида 12 кун давомида бепул дам олиб, даволаниши ташкил этилди, ижод уйи соғломлаштириш бўлимида 117 нафар кекса адибнинг саломатлиги тикланди. 13 нафар кекса ёшдаги шоир ва ёзувчиларга “Чимён”, “Темирийўлчилар”, “Чашма”, “Нурафшон”, “Оқтош” санаторийларига бепул йўлланмалар берилди. “Кексаларни эъзозлаш йили” дастури ижроси юзасидан 70 ёшдан ошган 85 нафар уюшма аъзоларига 74 миллион сўм миқдоридан моддий ёрдам кўрсатилди, 122 нафар нуруний адибларга, 33 нафар марҳум адибларнинг оиласига моддий ёрдам кўрсатиш учун “Ижод” фондидан жами 162 миллион сўм маблағ сарфланди. Умуман, 2015 йил давомида 360 нафар ижодкорлар “Дўрмон” ижод уйида дам олишган бўлса, шулардан 130 нафарига “Ижод” фондининг имтиёзли йўлланмалари тақдим қилинди. Тошкент шаҳри ва вилоятларда яшаётган 150 нафар фаол ва кекса адибларни 2016 йилда даврий нашрларга обуна қилиш учун 22 миллион сўм маблағ сарфланди.

Уюшма ташкил қилган “Биринчи китобим” лойиҳаси доирасида ёш ижодкорлар Фозил Фарҳоднинг “Мактуб”, Санжар Турсуновнинг “Музаффар тонг”, Кумуш Абдусаломованинг “Куйламасам бўлмайдим”, Шавкат Одилжоннинг “Бахт бекати”, Зебо Худойбердиеванинг “Йўл бошида”, Зулфира Нўъмонованинг “Осмоннинг фанори” китоблари ҳар бири 20 000 нусхадан нашр этилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ва вилоятларда ушбу китоблар тақдимоти ўтказилди. Шу мақсадда “Ижод” фонди томонидан 109,8 миллион сўм маблағ сарфланди.

2015 йил май-июнь ойларида ёш ижодкорларнинг “Истеъдод мактаби” республика семинарининг минтақавий босқичлари ўтказилди. Мазкур семинарларда иштирок этган 140 нафар ёш ижодкордан 42 нафарининг ижодий ишлари Республика семинари учун саралаб олинди. 19-22 октябрь кунлари “Дўрмон” ижод уйида мазкур семинарнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Семинарда республикамизнинг турли ҳудудларида яшаб ижод қилаётган 15 нафар истеъдодли ёш қаламкашларнинг турли жанрлардаги ижодий ишлари ҳакамлар



хайъати томонидан ғолиб деб топилди. Бу ёш ижодкорлар “Биринчи китобим” лойиҳасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Ҳисобот йиғилишида Уюшма қошидаги ижодий кенгаш раислари ва фаоллари, Уюшманинг вилоят бўлимлари раҳбарлари, шунингдек, “Ижод” фонди, “Дўрмон” ижод уйи раҳбарлари иштирок этишди.

\* \* \*

Алишер Навоийнинг 575 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда мутафаккир шоирга бағишланган қатор тадбирлар уюштирилди. 9 февраль куни Ўзбекистон Миллий боғига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, турли вазирлик ва идоралар, ижодий уюшмалар ва жамоат ташкилотлари вакиллари, адиб ва шоирлар, навоийшунос олимлар, маънавият тарғиботчилари, маҳалла фаоллари, ёшлар тўпланишди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ва илмий экспедицияси раҳбари Зокиржон Машрабов Навоий меросини ўрганиш борасида катта ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар.

Юргимизда таҳсил олаётган хорижлик талабалар, мумтоз ўзбек адабиёти бўйича изланаётган чет эллик тадқиқотчилар Алишер Навоий рубоийларидан намуналарни ўзбек тилида ўқишди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар Элмурод Аҳмедов ва Фуркат Ашуралиев ижросида улуғ шоир ғазалларига бастанланган кўшиқлар янгради. Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Шу куни пойтахтимиздаги Шоирлар хиёбонида ҳам улуғ мутафаккир таваллудига бағишланган маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда навоийшунос олим, академик Азиз Қаюмов, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ва бошқалар Навоий ижодининг умрбоқийлиги, жозибаси, илмий, тарбиявий аҳамияти ҳақида сўзладилар. Тадбирда Навоий асарларидан намуналар ўқилди, улуғ шоир ғазаллари билан айтилувчи кўшиқлар мушоирага кўтаринкилик бағишлади.

Алишер Навоий таваллудига бағишланган тадбирлар пойтахтимизнинг турли жойларида, шунингдек, вилоятлардаги ўрта ва ўрта-махсус таълим масканлари, олий ўқув юртлари, маҳаллаларда бўлиб, унда ёзувчи ва шоирларимиз фаол иштирок этишди.

Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг 533 йиллигига бағишланган тадбирлар мамлакатимизда Навоийнинг 575 йиллиги муносабати билан уюштирилган кечалар шодиёнасига қўшилиб кетди. Андижон шаҳридаги Бобур ҳайкали ёнида бўлиб ўтган маърифий тадбирда давлат арбоби, истеъдодли шоирнинг ҳаёт йўли, унинг бой адабий ва маърифий мероси ҳақида тўлқинланиб айтилган сўзлар янгради. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид, Уюшманинг Андижон вилояти бўлими бошлиғи, шоира Хуршида Қўчқорова Бобур ижодий мероси, унинг ўзбек адабиётида тутган улкан ўрни ҳақида сўзлашди. Сирожиддин Саййид буюк бобомизга бағишланган “Навоий сўзидин бир ғазал” номли янги шеърини ўқиб берди.

Тадбирда Бобур ғазаллари ўқилиб, кўшиқлар янгради. Тадбирлар Андижондаги “Бобур ва жаҳон маданияти” китоб музейида давом этди.

Пойтахтимизда эса Ўзбекистон Миллий кутубхонасида, Темурийлар тарихи музейида, турли ўқув масканларида маърифий ва шеърят кечалари бўлиб ўтди.